

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

25-сон
(1201)
2025 йил
июнь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

298. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 16 июндаги ЎРҚ–1069-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

299. «Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 июндаги ПФ–95-сон Фармони

Учинчи бўлим

300. «Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини тартибга солишга қаратилган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 июндаги 369-сон қарори
301. «Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори
302. «Автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 377-сон қарори
303. «Тоғли ва чўл ҳудудларда туризм хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 июндаги 383-сон қарори
304. «Республикада аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 20 июндаги 384-сон қарори

Бешинчи бўлим

305. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2025 йил 26 майдаги 485-сон “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3226-3*)
306. Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 15 майдаги 3-сон “Депозитар операциялар ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3628*)
307. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси, Энергетика вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 8 майдаги 8, 5 қ/қ ва 4-сон “Энергия аудиторлари учун ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларида, бино ва иншоотларда энергия аудитидан ўтказишни белгиловчи тех-

ник топшириқ, дастурлар, энергетика паспорти ва ташкилий-техник чора-тадбирлар режаларининг намунавий шакллари ҳамда энергия аудиторларига қўйиладиган минимал талабларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3629*)

308. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 15 майдаги 4-сон “Хужжатли қимматли қоғозларни йўқ қилиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3630*)
309. O‘zbekiston Respublikasi transport vazirining 2025-yil 22-maydagi 9-son “Temir yo‘l kesishmalaridan foydalanish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 17-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3363-3*)
310. O‘zbekiston Respublikasi transport vazirining 2025-yil 22-maydagi 10-son “Temir yo‘l transporti hamda metropolitenda harakat va tashishlar xavfsizligi talablarining buzilishi bilan bog‘liq hodisalarni tasniflash, xizmat tekshiruvini olib borish va hisobga olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 17-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3376-1*)
311. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 16 майдаги 1-сон “Электрон тижоратда курьерлик хизмати фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3631*)
312. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 28 майдаги 05-сон “Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-9*)
313. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 9 июндаги 7-сон “Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар доволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3632*)
314. O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2025-yil 11-iyundagi 01/7-11/42-son “Maydoni 2000 metr kvadratgacha

bo'lgan bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasiga asosan xususiyalashtirish yoki ijaraga berish uchun to'g'ridan-to'g'ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 19-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3503-2*)

315. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 27-maydagi 262-son "Tibbiy-mehnat ekspert komissiyalarida ko'rik dalolatnomalarini rasmiylashtirish va yuritish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyruqni o'z kuchini yo'qotgan deb topish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 19-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2653-1*)
316. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 30 майдаги 5-мх-сон "Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини этироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-5*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ****298 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-
га суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини
ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш
ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
4 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 29 апрелда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга суд ҳужжатларини ижро этишдан ҳар қандай тарзда бўйин товлашнинг олдини олишга, суд ҳокимиятининг нуфузи ва таъсирчанлигини кучайтиришга, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағлари дахлсизлигини кафолатлашга қаратилган суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини замонавий талаблардан ҳамда жаҳон тамойилларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Ушбу Қонунда ижро ишлари бўйича ягона электрон базани юритиш, шунингдек қарздорнинг ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари мавжуд бўлмаган тақдирда ва унинг мол-мулкини ёки даромадларини қидириш юзасидан давлат ижрочиси қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрган барча чоралар натижасиз бўлган тақдирда, ижро ишини юритиш давомида қарздорга нисбатан ўрнатилган чекловларни қарзлар тўлиқ тўланганидан кейин бекор қилиш тартиби белгиланмоқда.

Шунингдек ижро ҳужжатини шакллантириш чоғида ижро ҳужжатида ундирувчи жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ёки ундирувчи юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами мажбурий киритилишини, шунингдек суд ҳужжатларига асосан берилган ижро ҳужжатлари тарафларга электрон шаклда тақдим этилиши ҳамда юборилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқароларнинг қарздорликлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган энг кам ка-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 17 июнда эълон қилинган.

фолатланган даромад белгиланишини, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш чоғида давлат ижрочилари томонидан мобил видеокузатув воситаларидан фойдаланилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда инсон омилини камаййтиришга, мажбурий ижро этиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда,

№ 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **198²-модда биринчи қисмининг санкциясидаги** «ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар «ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **282-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **1¹-банд** билан тўлдирилсин:

«1¹) мавжуд бўлган тақдирда — жабрланувчи жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ёки юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами»;

3) **309-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи; суд ишининг рақами; иш кўриб чиқилган сана; иши кўриб чиқиладиган шахс тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан ҳуқуқбузар жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами; ишни кўриб чиқиш чоғида аниқланган ҳолатларнинг баёни; мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; иш юзасидан қабул қилинган қарор; мавжуд бўлган тақдирда — жабрланувчи жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ёки юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами, шунингдек қарор устидан шикоят бериш муддати ва тартиби».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 4, 337-модда, № 6, 570-модда;

2023 йил, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 8, 827-модда, № 10, 1073-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисмининг 4-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4) ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари; жисмоний шахслар учун — қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, иш жойи, қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ҳамда мавжуд бўлган тақдирда, ундирувчи жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек ундирувчининг ва қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами»;

2) **22¹-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ижро ишини юритиш доирасида қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳужжатлар ижро ишини юритишда иштирок этувчи жисмоний шахсларга, мавжуд бўлган тақдирда — уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинети орқали, шунингдек юридик шахсларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади»;

иккинчи — ўн иккинчи қисмлари тегишинча **учинчи — ўн учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи ва олтинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ижро ҳужжатида ундирувчининг ёки қарздорнинг электрон почта манзили ёки мобил телефонининг рақами мавжуд бўлган тақдирда (агар улар судга ёки ижро ҳужжатини берган бошқа органга (мансабдор шахсга) тақдим этилган бўлса), ижро ишини юритишни қўзғатиш тўғрисидаги билдиришнома, ижро ишини юритиш доирасида қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳужжатлар, уларнинг жўнатилганлиги ва қабул қилиб олинганлиги фактини қайд этиш имконини берувчи махсус автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда электрон почтага ёхуд мобил телефонга қисқа хабар (SMS) тарзида юборилади.

Жисмоний шахсга йўлланган чақирув қоғози, бошқа хабарнома (бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно), қоида тариқасида, Мажбурий ижро бюросининг бўлинмасига қайтарилиши лозим бўлган топширганлик тўғрисидаги ёзма билдиришномага жисмоний шахснинг имзоси қўйдирилган ҳолда унга шахсан топширилади. Юридик шахсга юборилган чақирув қоғози, бошқа хабарнома (бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно) юридик шахснинг ходимига топширилади, у топширганликни тасдиқловчи ёзма билдиришномага чақирув қоғозини, бошқа хабарномани олганлиги ҳақида фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда лавозимини кўрсатган ҳолда имзо қўяди»;

3) **40-модда:**

биринчи қисмининг:

2-бандидаги «(ушбу Қонунга мувофиқ қарздорни ёки унинг мол-мулкни қидириш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно)» деган сўзлар

«бундан ушбу Қонунда қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш назарда тутилган ҳоллар, шунингдек Мажбурий ижро бюросининг Мажбуриятлар реестри маълумотларини вақтинча сақлаш ягона электрон базасида (бундан буён матнда Мажбуриятлар реестри деб юритилади) сақланаётган ижро ҳужжатлари мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-банди «натижасиз бўлса» деган сўзлардан кейин «бундан Мажбуриятлар реестрида сақланаётган ижро ҳужжатлари мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган асослар бўйича ундирувчи амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда, давлат ижро-чиси ижро ишини юритишни тамомлайди ва ижро ҳужжати бўйича маълумотлар Мажбуриятлар реестрига киритилиб, бир вақтнинг ўзида бу ҳақда ундирувчи, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган хабардор қилинади. Ижро ҳужжати Мажбуриятлар реестридан чиқариб ташланганда бюджетга ҳамда давлат мақсадли фондларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқиманда қарздорлик ундирилишини назарда тутувчи ижро ҳужжати давлат солиқ хизмати органига, давлат даромадига ўзга ундирувчи назарда тутувчи ижро ҳужжати эса тегишинча ушбу ҳужжатни берган судга ёки бошқа органга қайтарилади»;

олтинчи қисмидаги «3» рақами чиқариб ташлансин;

4) 41-модда:

биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги «тугатиш комиссиясига (тугатувчига, тугатиш бошқарувчисига)» деган сўзлар «тугатиш комиссиясига (тугатувчига, тугатиш бошқарувчисига) ёки молиявий бошқарувчига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро ишини юритишни тамомлаш тўғрисидаги қарорда қарздор жисмоний шахсни, унинг мол-мулкини, олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш, шунингдек қарздор учун белгиланган чекловлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан чиқишга оид чекловлар ва қарздорнинг ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқларига доир чекловлар бекор қилинади, бундан Мажбуриятлар реестрига киритилган ижро ҳужжатлари бўйича ижро ишини юритиш мустасно»;

5) қуйидаги мазмундаги **41¹-модда** билан тўлдирилсин:

«41¹-модда. Ижро ишини юритишни қайта тиклаш

Ижро ишини юритиш:

1) Мажбуриятлар реестрига киритилган қарздорнинг мол-мулки ёки пул маблағлари аниқланганда;

2) Мажбуриятлар реестрига киритилган ижро ҳужжатлари бўйича ижро ишини юритишни тугатиш учун асослар юзага келганда;

3) Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ижро-чиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош давлат ижро-чи-

лари, шунингдек уларнинг ўринбосарлари томонидан давлат ижрочисининг қонунга хилоф ва асоссиз қарорлари бекор қилинганда;

4) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда қайта тикланади.

Ижро ишини юритиш қайта тикланганда давлат ижрочиси дарҳол бу ҳақда қарор чиқаради ва мажбурий ижро ҳаракатлари умумий тартибда давом эттирилади»;

6) қуйидаги мазмундаги **3²-боб** билан тўлдирилсин:

«3²-боб. Мажбуриятлар реестри

43³-модда. Мажбуриятлар реестрини юритиш

Мажбуриятлар реестрида ушбу Қонун 40-моддаси биринчи қисмининг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган асосларга кўра юритилиши тамомланган ижро ҳужжатларига доир маълумотлар вақтинча сақланади.

Мажбурий ижро бюроси ижро ҳужжатларига доир маълумотларни қамраб олган Мажбуриятлар реестрини юритади.

Мажбуриятлар реестрига киритилган ижро ҳужжатлари бўйича қўлланилган тақиқлар ва чекловлар ушбу Қонун 43⁴-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган асослар юзага келганда бекор қилинади.

Мажбуриятлар реестрига киритилган ижро ҳужжатлари бўйича бажарилмаган мажбуриятлар мавжудлиги давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар томонидан онлайн режимда текширилади.

Давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар Мажбуриятлар реестрига киритилган ижро ҳужжатлари бўйича Мажбурий ижро бюроси билан тезкор ахборот алмашинувини белгиланган тартибда амалга оширади.

43⁴-модда. Мажбуриятлар реестридаги ижро ҳужжатларига доир маълумотларни сақлаш ва чиқариб ташлаш тартиби ҳамда муддатлари

Ижро ҳужжатларига доир маълумотлар Мажбуриятлар реестрига автоматлаштирилган тизим орқали киритилади ва ўн йил давомида сақланади.

Ижро ҳужжатида доир маълумотларнинг Мажбуриятлар реестрига киритилганлиги қарздорни қонунда белгиланган асослар вужудга келганда банкрот деб топиш тартиб-таомилини бошлашга тўсқинлик қилмайди.

Ижро ҳужжатларига доир маълумотлар қуйидаги ҳолларда Мажбуриятлар реестридан чиқариб ташланади:

- 1) ижро ишини юритиш қайта тикланганда;
- 2) ижро ҳужжати амалда ижро этилганда;
- 3) ундирувчининг аризасига кўра;
- 4) ижро ҳужжати уни берган суднинг ёки бошқа органнинг талабига кўра ижро этилмасдан қайтарилганда;
- 5) иқтисодий суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатиш ишини юритишни очиш тўғрисидаги ёки қарздор жисмоний шахсни

банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкини сотиш тартиб-таомилини бошлаш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси олинганда;

6) қарздор юридик шахс давлат реестридан чиқарилганда;

7) қарздорнинг мол-мулки ёки пул маблағлари ҳақидаги маълумотлар ўн йил давомида аниқланмаганда»;

7) 47-модда:

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қарздор жисмоний шахсларнинг банклардаги ёки бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида ҳамда омонатларида турган ёки сақлашга қўйилган пул маблағларига ундирув қаратилиши лозим бўлган пул маблағлари миқдорини аниқлашда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг ярми миқдоридаги пул маблағлари ҳисобга олиниб, уларга нисбатан ундирув қаратилмайди, бундан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтказилган қарздор жисмоний шахсларга нисбатан ижро ҳужжатлари, шунингдек алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари мустасно»;

ўн иккинчи қисми ўн учинчи қисм деб ҳисоблансин;

8) 62-модданинг:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«62-модда. Қарздор жисмоний шахс тўловга қобилиятсиз деб топилганда ёки қарздор юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда ундирувни қаратиш тартиби»;

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Иқтисодий суднинг қарздор жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкини сотиш тартиб-таомилини бошлаш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси олинганда давлат ижрочиси ижро ишини юритишни тамомлайди, бундан алиментларни ундириш тўғрисидаги ва жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этишни назарда тутувчи, шунингдек ундирувни гаров билан таъминланган мол-мулкка қаратиш ҳақидаги ижро ишлари мустасно. Ижро ишини юритишни тамомлаш билан бир вақтда давлат ижрочиси ижро ишини юритиш давомида қарздорнинг мол-мулकिга ўзи қўйган хатловларни ва ушбу мол-мулкни тасарруф қилишга доир бошқа чекловларни олиб ташлайди.

Ижро ишини юритиш тамомланган ижро ҳужжатлари давлат ижрочисининг ижро ишини юритишни тамомлаш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси билан биргаликда ижро ишини юритиш тамомланган кундан эътиборан уч иш куни ичида тегишинча тугатувчига, молиявий бошқарувчига юборилади. Давлат ижрочиси ижро ҳужжати тугатувчига ёки молиявий бошқарувчига юборилганлиги ҳақида ундирувчига маълум қилади»;

9) 84-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мобил видеокузатув воситаларидан фойдаланиш»;

еттинчи — йигирманчи хатбошилари тегишинча **саккизинчи — йигирма биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, № 12, 1007-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда, № 8, 827-модда, № 9, 964, 969-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1280, 1286-моддалар; 2025 йил, № 1, 8-модда) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) 447-модда:

иккинчи қисмининг 4-бандидаги «юридик шахслар учун эса — солиқ тўловчи идентификация рақами» деган сўзлар «мавжуд бўлган тақдирда — ундирувчи жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, шунингдек ундирувчининг ва қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ҳужжатига асосан бериладиган ижро варақаси судьянинг электрон рақамли имзосидан фойдаланган ҳолда расмийлаштирилади ва QR-код (матрицали штрихли код) билан тасдиқланади. Бунда агар суд ҳужжатига асосан берилган ижро варақаси Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ижро этилиши лозим бўлса ёки ундирувчининг илтимосномасига кўра у суднинг мухри ва судьянинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда қоғоз шаклида берилиши (юборилиши, тақдим этилиши) мумкин»;

2) 448-модда қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ижро варақаси ундирувчи жисмоний шахсларга электрон ҳужжат тарзида, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинети орқали — мавжуд бўлган тақдирда, ундирувчи юридик шахсларга эса солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ундирувчи жисмоний шахснинг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, ижро варақаси унга қоғоз шаклида берилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5,

261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 463-модда, № 6, 577-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, № 12, 1008-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 9, 964, 969-моддалар, № 12, 1280, 1286-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 336-модда:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ижро варақаси ундирувчи жисмоний шахсларга электрон ҳужжат тарзида, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинети орқали — мавжуд бўлган тақдирда, ундирувчи юридик шахсларга эса солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ундирувчи жисмоний шахснинг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, ижро варақаси унга қоғоз шаклида берилади»;

олтинчи ва **еттинчи қисмлари** тегишинча **саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 337-модда:

биринчи қисмининг 4-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4) ундирувчи ва қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи, ундирувчининг ва қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек ундирувчининг ва қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами»;

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ҳужжатида асосан бериладиган ижро варақаси судьянинг электрон рақамли имзосидан фойдаланган ҳолда расмийлаштирилади ва QR-код (матрицали штрихли код) билан тасдиқланади. Бунда суд ҳужжати асосида бериладиган ижро варақаси Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ижро этилиши лозим бўлса, у суднинг муҳри ва судьянинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда қоғоз шаклида берилиши (юборилиши, тақдим этилиши) мумкин».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 8, 787-модда, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда, № 4, 269-модда, № 11, 923-модда, № 12, 1009-модда; 2024 йил,

№ 2, 115-модда, № 9, 964, 969-моддалар, № 12, 1286-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 278-модда:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ижро варақаси ундирувчи жисмоний шахсларга электрон ҳужжат тарзида, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинети орқали — мавжуд бўлган тақдирда, ундирувчи юридик шахсларга эса солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ундирувчи жисмоний шахснинг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, ижро варақаси унга қоғоз шаклида берилади»;

бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 279-модда:

биринчи қисмининг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) ундирувчи ва қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи, ундирувчининг ва қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек ундирувчининг ва қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд ҳужжатида асосан бериладиган ижро варақаси судьянинг электрон рақамли имзосидан фойдаланган ҳолда расмийлаштирилади ва QR-код (матрицали штрихли код) билан тасдиқланади. Бунда агар суд ҳужжатида асосан берилган ижро варақаси Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ижро этилиши лозим бўлса ёки ундирувчининг илтимосномасига кўра у суднинг муҳри ва судьянинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда қоғоз шаклида берилиши (юборилиши, тақдим этилиши) мумкин».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076-модда, № 11,

1190-модда, № 12, 1283, 1284, 1296, 1297-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **16-модданинг учинчи қисми** «шунингдек» деган сўздан кейин «ижро ишини юритиш тартибида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **55-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Мажбуриятлар реестри маълумотларини вақтинча сақлаш ягона электрон базасига (бундан буён матнда Мажбуриятлар реестри деб юритилади) киритилган ижро ҳужжатлари бўйича солиқ қарзининг ҳисоби алоҳида юритилади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **60-модданинг ўнинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**умидсиз қарз** — суд қарори билан мажбурият бекор қилинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган қарздор банкрот деб топилганлиги, тугатилганлиги, вафот этганлиги ёки даъво муддати тугаганлиги оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган қарз, шунингдек Мажбуриятлар реестрига киритилган санадан эътиборан ўн йил ичида тўланмаган қарз»;

4) **96-модда:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **4¹-банд** билан тўлдирилсин:

«4¹) Мажбуриятлар реестрига киритилган санадан эътиборан ўн йил давомида қарздорнинг мол-мулки ёки пул маблағлари тўғрисидаги маълумотлар аниқланмаганда — солиқ қарзининг узилмай қолган қисми бўйича»;

иккинчи қисмининг 1-бандидаги «1 — 3-бандларида» деган сўзлар «1, 2, 3 ва 4¹-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **110-модда:**

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Мажбуриятлар реестрига киритилган ижро ҳужжатлари бўйича солиқ қарзига мазкур ижро ҳужжатлари ушбу Реестрга киритилган санадан эътиборан пеня ҳисобланмайди»;

саккизинчи — ўн олтинчи қисмлари тегишинча **тўққизинчи — ўн еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ушбу Қонун 2-моддаси 9-бандининг учинчи хатбошисида назарда тутилган давлат ижрочилари томонидан

ижро ҳаракатларини амалга оширишда мобил видеокузатув воситаларидан фойдаланиш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан икки ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 16 июнь,
ЎРҚ–1069-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

299 Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Давлат фуқаролик хизматини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш, давлат хизматчилари ишини натижадорликка йўналтириш, аҳолининг давлат хизматига бўлган ишончини янада ошириш, соҳага истиқболли кадрларни жалб қилиш ва уларни профессионал мутахассис этиб тайёрлашнинг самарали тизимини жорий қилиш, шунингдек, «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Давлат фуқаролик хизматини ташкил этишнинг асосий йўналишлари

1. Қуйидагилар 2025-2026 йилларда давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

(а) давлат органларида кадрлар билан ишлашнинг замонавий усул ва механизмлари ҳамда яхлит тизимини жорий этиш;

(б) давлат органларида салоҳиятли ва истиқболли раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда янги авлод раҳбар кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;

(в) ходимларнинг давлат фуқаролик хизматига (кейинги ўринларда — давлат хизмати) қабул қилингандан бошлаб бутун меҳнат фаолияти давомида зарур билим ва касбий компетенцияларини узлуксиз ривожлантиришини ташкил этиш ва мониторинг қилиш;

(г) давлат хизматига хотин-қизларни кенг жалб қилиш учун уларнинг соҳага бўлган қизиқиши, манфаатдорлиги ва ишончини ошириш;

(д) Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш;

(е) давлат фуқаролик хизматчилари (кейинги ўринларда — давлат хизматчилари) хизмат вазифаларини бажаришда одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этишини таъминлаш ва касбий маданиятини ривожлантириш орқали давлат органларига нисбатан жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 июнда эълон қилинган.

(ж) давлат хизматчиларининг самарали меҳнатга интилишини кучайтириш, ўз касбий кўникмаларини ривожлантириш ва юқори натижалардан манфаатдорлигини оширишга қаратилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг жозибадор механизмларини жорий этиш.

II. Давлат хизматида кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини жорий этиш

2. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармасининг доимий ҳамкорлиги асосида давлат хизматида кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими жорий этилсин. Бунда:

(а) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги:

(i) очиқ ва адолатли танловлар асосида давлат хизматига энг муносиб кадрларни жалб қилади, шунингдек, уларнинг горизонтал ва вертикал карьеравий ўсишига кўмаклашади;

(ii) давлат хизматчиларининг салоҳияти ва касбий компетенцияларини диагностикадан ўтказди ва натижаларига кўра ходимнинг портфолиосини шакллантиради ҳамда ривожлантириш талаб қилинадиган билим ва кўникмаларини ошириш чораларини кўради;

(iii) Миллий кадрлар захирасини шакллантиради ҳамда захирадаги номзодларнинг мақсадли тайёрланишини ташкиллаштиради, Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига давлат буюртмасини амалга оширади;

(iv) талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва йўналишлар бўйича эҳтиёжларни ўрганади ҳамда ушбу йўналишда давлат хизматчиларининг хорижда мақсадли стажировка ўташи юзасидан буюртмаларни шакллантиради;

(v) «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиатларининг горизонтал ва вертикал карьеравий ўсиши бўйича зарур чораларни кўради;

(б) Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси:

(i) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги буюртмасига асосан давлат хизматчиларининг малакасини оширади ва уларни қайта тайёрлайди, шунингдек, магистратурада ўқитади;

(ii) давлат органлари тизимидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларининг (институтларининг) раҳбар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш борасидаги фаолиятини ўқув-услубий жиҳатдан мувофиқлаштириб боради, шу жумладан, уларнинг тегишли ўқув дастурларини экспертизадан ўтказди ва тасдиқлайди, ўқув жараёнида фойдаланиладиган таълим технологияларининг намунавий шакллари ишлаб чиқади;

(в) «Эл-юрт умиди» жамғармаси:

(i) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги буюртмасига асосан давлат хизматчиларининг хориждаги давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида амалий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган мақсадли стажировкасини ташкил этади;

(ii) истиқболли кадрларнинг хорижда амалий кўникмаларини ривожлантириш ва таълим олишини мувофиқлаштириш асосида номзодларни профессионал йўналтириш тадбирларини амалга оширади.

III. Соҳани тубдан ислоҳ қилиш

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) давлат хизматига биринчи марта қабул қилинган давлат хизматчилари билан меҳнат шартномаси дастлаб бир йил муддатга тузилади ва кейинчалик фаолиятининг ижобий натижаларига кўра меҳнат шартномаси номуайян муддатга узайтирилади;

(б) давлат хизматига биринчи марта қабул қилинган давлат хизматчилари мажбурий «Давлат хизматига кириш» махсус курсларини ва кейинчалик ҳар уч йилда камида бир маротаба малака ошириш курсларини ўтайди ҳамда мазкур курсларнинг якунлари бўйича уларнинг назарий билим ва кўникмалари диагностикадан ўтказилади;

(в) диагностикада давлат хизматчиларининг тегишли соҳа ва тармоқ бўйича билим даражаси, ҳужжатларни тузиш ва давлат тилида иш юритиш кўникмалари, таҳлилий, раҳбарлик ва коммуникативлик малакалари, компьютер саводхонлиги, қонунчиликдаги янгиликларни, Ўзбекистон тарихи ва хорижий тилларни ўзлаштирганлиги, умумий эрудицияси, психологик диагнози ва интеллектуаллик коэффициенти (IQ) каби кўрсаткичлари баҳоланади;

(г) диагностика ва фаолият самарадорлиги (KPI) натижалари Ходимларнинг касбий компетенциялари ривожланишини узлуксиз онлайн мониторинг қилиш тизимида (кейинги ўринларда — Мониторинг тизими) йиғилади ва таҳлил қилинади;

(д) Мониторинг тизими таҳлили натижаларига кўра, ходимнинг мавжуд билим ва кўникмаларини касбий ривожлантириш харитаси — портфолиоси яратилади;

(е) касбий ривожлантириш харитаси асосида давлат хизматчиси ривожлантириши лозим бўлган «юмшоқ» ва «қаттиқ» кўникмалари бўйича мажбурий малака ошириш, шу жумладан, мустақил таълим олиш дастурини ўтайди;

(ж) вазирлик ва идоралар томонидан ходимларни хорижда ўқитиш, тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда стажировкасини ташкил этиш, шу жумладан, грантлар ёки донорлар маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида давлат хизматчиларини ўқитиш, тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда стажировкаси билан боғлиқ тадбирлар мажбурий тартибда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан келишилгандан сўнг амалга оширилади.

4. Давлат хизмати лавозимларини эгаллаш бўйича танлов ўтказишда 2025 йил 1 августдан бошлаб қуйидагилар белгилансин:

(а) республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги ташкилотларда-

ги лавозимларнинг бошқарув ва ёрдамчи гуруҳлари учун танловлар фақатгина Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона портали орқали ўтказилади;

(б) қонунчиликда лавозимга тайинлашда тегишли органлар билан келишилиши лозим бўлган лавозимлар бўйича келишув ушбу органларнинг вакиллари танлов комиссияси таркибига киритиш йўли билан амалга оширилади;

(в) тест синовлари Давлат хизматчиларини синовдан ўтказиш модули орқали махсус жиҳозланган хоналарда ёки масофавий онлайн прокторинг тизими орқали ўтказилади. Бунда тегишли давлат органида тест синовларини махсус жиҳозланган хоналарда ёки масофавий ўтказиш масаласи Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан мурожаатлар таҳлили, ўрганишлар ва сўровномалар натижаларига кўра ҳал этилади;

(г) Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

(i) танловнинг суҳбат босқичига давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар ёки давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг вакилларида экспертларни жалб қилиш;

(ii) танлов якунларига таъсир кўрсатган ва бартараф этиб бўлмайдиган камчиликлар аниқланган тақдирда, тегишли давлат органига танлов комиссиясининг қарорини бекор қилиш бўйича кўриб чиқирилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш.

5. 2026 йилдан бошлаб иқтидорли бошқарувчилар ва лидерларни, янги авлод раҳбарларини аниқлаш ва танлаш бўйича «ТОП-100» дастури жорий этилсин. Белгилансинки:

(а) «ТОП-100» дастури асосида ҳар икки йилда бир марта 100 нафар салоҳиятли бошқарув кадрларини саралаб олиш бўйича республика танлови ўтказилади;

(б) «ТОП-100» дастурида белгиланган мезонларга асосан давлат хизматчилари, жамоат ташкилотлари вакиллари, тадбиркорлар, хориждаги ватандошлар ва бошқа шахслар ихтиёрийлик асосида иштирок этади;

(в) «ТОП-100» дастури иштирокчиларининг танлов топшириқларини бажариш жараёнида кўрсатган билими ва интеллектуал салоҳияти, ватанпарварлиги, ташкилотчилиги, бошқарувчилик ва лидерлик сифатлари уларни баҳолашнинг асосий мезонлари бўлиб ҳисобланади;

(г) «ТОП-100» дастури ғолиблари базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади, махсус ўқув дастури асосида ўқитилади, «устоз-шогирд» анъанаси асосида тажрибали раҳбарларга шогирд сифатида бириктирилади, бошқа давлат органларига тажриба ошириш учун тегишли лавозимни эгаллаган ҳолда бир йилгача муддатга вақтинча хизмат сафарига ҳамда хорижий стажировкага юборилади;

(д) «ТОП-100» дастури ғолиблари Миллий кадрлар захирасига киритилди ҳамда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ҳамда

бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун асосий талабгорлар ҳисобланади.

6. Белгилансинки, салоҳиятли ва истиқболли раҳбарларнинг барқарор захирасини таъминлаш мақсадида:

(а) республика ижро этувчи ҳокимияти органлари раҳбарлик лавозимлари учун камида 500 нафар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлик лавозимлари учун камида 1 000 нафар номзоддан иборат Миллий кадрлар захираси шакллантирилади;

(б) маҳаллада фаолият кўрсатиб, сўнгги икки йиллик иш фаолияти давомида ижобий натижаларга эришган маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторларидан иборат 1000 нафар Салоҳиятли кадрлар захираси шакллантирилади ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги тавсиясига асосан лавозимларга танловсиз тайинланади;

(в) давлат хизматида талантларни ривожлантириш ҳамда ҳар томонлама етук раҳбар кадрларни тайёрлаш доирасида Миллий кадрлар захираси таркибига киритилган номзодлар ишлаб турган лавозимидан бошқа давлат органларига бир йилгача бўлган муддатга вақтинча хизмат сафарига, шунингдек, хорижий давлатларга мақсадли стажировкага юборилади. Бунда, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг драйвер соҳаларига устуворлик берилади.

IV. Давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш ва рақамлаштириш

7. Давлат хизматчиларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, уларга «ҳалоллик вакцинаси»ни сингдириш ҳамда ушбу борада превентив механизмларни жорий этиш мақсадида Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Раҳбар кадрларни баҳолаш маркази Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда:

(а) Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг буюртмаси асосида раҳбарлик лавозимларида ишлаётганлар ва ушбу лавозимлар учун захирада турганларнинг коррупцияга қарши барқарорлик даражасини баҳолаш механизмини жорий этсин;

(б) давлат хизматчиларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни сингдириш бўйича қадриятлар тизимини шакллантириш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш асосида таъсирчан чора-тадбирларни жорий этишга оид таклифларни ишлаб чиқсин;

(в) коррупцияга қарши барқарорлик даражасини баҳолаш услубиятини такомиллаштириб борсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 октябрдан бошлаб давлат хизматчиларининг хорижий ва ички хизмат сафарларини ташкил этиш, ҳисобини юритиш ва таҳлилини олиб бориш «hgm.argos.uz» электрон тизими таркибидаги «Xizmat safari» ягона модули орқали амалга оширилади. Бунда:

(а) хизмат сафари режаси ва натижалари, географияси, ходимлар сони ҳамда харажатларни онлайн кузатиб бориш имконияти яратилади;

(б) хизмат сафарларининг муайян давлат органининг фаолияти самарадорлигига бевосита, оралиқ ва якуний таъсири мониторинг қилиб борилади;

(в) давлат хизматчилари ҳар бир хорижий хизмат сафарлари якунлари бўйича ҳисобот топширади ҳамда ҳисобот асосида хизмат сафарининг самарадорлиги баҳолаб борилади.

9. 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) қуйидаги асосий йўналишлардаги эришилган натижалар бўйича Давлат органлари фаоллигининг миллий рейтинг жорий этилади:

(i) давлат органларининг инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш самарадорлиги;

(ii) давлат хизматларини кўрсатишнинг тезкорлиги ва сифати;

(iii) давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги;

(iv) давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги;

(v) давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг рақамлаштирилганлик даражаси;

(vi) республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ва улар ўринбосарларининг фаолияти самарадорлиги;

(vii) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан жорий этилган ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа рейтинглар;

(б) рейтинг натижаларига кўра қуйи поғонадаги давлат идораларининг иш усуллари ўзгартириш, бошқарув жараёнларини оптималлаштириш (BPR-реинжиниринг) чоралари амалга оширилади ҳамда Ҳукумат мажлисларида раҳбарлар фаолиятига баҳо бериб борилади.

10. Белгилансинки:

(а) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи ҳисобланади;

(б) республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шу жумладан, энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш масалаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан мажбурий тартибда келишилади.

11. 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат хизматчиларининг ўз кўникмаларини доимий ривожлантириб бориши ҳамда улар ўртасида ўзаро мулоқотни кучайтириш бўйича қуйидаги имкониятларни назарда тутувчи «Давлат хизматчиси» мобил иловаси ишга туширилсин:

(а) масофавий тарзда давлат хизматчиларининг компетенцияларини ривожлантириш ва малакасини ошириш ҳамда бу борада статистик маълумотларни шакллантириш;

(б) давлат хизматчилари томонидан давлат органи иш фаолиятини тако-

миллаштириш юзасидан ташаббуслар бериш ҳамда раҳбар томонидан уларга муносабат билдириш;

(в) давлат хизматчисининг шахсий ривожланиш режасини тузиш, унинг бажарилишини мониторинг қилиш;

(г) ходим тўғрисидаги маълумотлар, раҳбар ходимлар учун улар томонидан мувофиқлаштириладиган соҳа ва бўлинмалар, боғланиш учун телефон рақами, почтаси ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳақидаги ахборотларни назарда тутувчи маълумотлар базасини яратиш.

V. Давлат хизматининг имижини яхшилаш ҳамда давлат хизматчилари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш

12. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 23 июнь куни — БМТ-нинг Давлат хизмати куни деб эълон қилинганлиги ҳамда ушбу кунда давлат хизмати аҳамиятини ёритишга оид махсус тадбирлар ташкил қилишга чақирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин. Белгилансинки:

(а) махсус тадбирлар доирасида ҳар йили:

(i) ҳар бир вазирлик ва идоралар (тармоқ ва йўналишлар) томонидан йил давомида эришилган натижалар, соҳада фуқароларга яратилаётган қулайликлар ҳамда келгусидаги вазифалар интерактив тарзда кенг жамоатчиликка етказилади;

(ii) энг намунали давлат хизматчилари фаолияти, давлат хизматчиларининг бир куни тўғрисида видеоролик ва фильмлар намойиши ўтказилади;

(iii) ҳар бир вазирлик ва идораларда давлат хизматчиларининг оила аъзолари учун «оила куни» тадбирлари (family day) ташкил этилади.

(б) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳар йили ташкил этиш тавсия қилинадиган махсус тадбирлар рўйхатини тасдиқлаб боради.

13. Давлат органлари инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари фаолиятини самарали йўлга қўйишнинг қуйидаги механизмлари жорий этилсин:

(а) мазкур бўлинмалар давлат органлари вазифаларининг самарали бажарилишини таъминлашга лаёқатли бўлган инсон ресурсларининг сон ва сифат таркибини шакллантириш ҳамда доимий ривожлантириб боришга қаратилган инсон ресурсларини стратегик режалаштириш фаолиятига масъул этиб белгиланади;

(б) инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатлар фақатгина «hgm.argos.uz» платформасида шакллантирилади ва юритилади;

(в) инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари раҳбарлари:

(i) кадрлар сиёсати бўйича раҳбарнинг маслаҳатчиси мақомига эга бўлади;

(ii) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ёки унинг филиаллари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

(iii) ҳар уч йилда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан аттестациядан ўтказилади;

(г) давлат органлари томонидан инсон ресурсларини ривожлантириш ва

бошқариш бўлинмалари ходимларига қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функция ва вазифалар юклатилишига йўл қўйилмайди.

14. Давлат хизматчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида:

(а) 2025 йил 1 августдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотларида ҳар иш кунининг муайян вақтларида жисмоний тарбия ва ҳаракат фаоллиги бўйича тадбирлар ўтказиб борилсин;

(б) Давлат органлари ходимларнинг вакиллик органлари билан ҳамкорликда:

(i) имкониятдан келиб чиққан ҳолда ташкилот ҳудудида спорт зоналарини ташкил этсин;

(ii) ходимлар жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин;

(iii) спорт тарғиботчилари томонидан ходимлар ўртасида тана вазни индекси ўлчаб борилишини ҳамда ҳар бир ходим бўйича маълумотларнинг «hrm.argos.uz» платформасига мунтазам киритиб борилишини таъминласин;

(iv) ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзига риоя этилиши бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга ошириб борсин.

VI. Ташкилий чора-тадбирлар

15. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Хорижий хизмат сафарларининг самарадорлигини баҳолаш услубиятини тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини киритсин.

16. Рақамли технологиялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Давлат органлари фаоллигининг миллий рейтинги электрон платформасини ишлаб чиқсин ва платформанинг ишга туширилишини, шунингдек, бошқа идоралар ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2026 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчилари лавозим маошини уларнинг иш тажрибаси, илмий ва малака даражаси, натижадорлиги ҳамда бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, ягона принцип асосида шакллантириш бўйича 2025 йил 1 ноябрга қадар давлат хизматчиларининг ойлик иш ҳақи тизимини тубдан такомиллаштиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритсин.

18. Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг мавжуд штат birlikлари доирасида давлат хизматчилари ахлоқ қоидаларига зид хатти-ҳаракатлар қилишининг олдини олишга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш вазифасини бажарадиган одоб-ахлоқ комиссиялари билан ишлаш бўйича бўлинма ташкил этилсин.

19. Давлат хизматчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини жорий этиш мақсадида:

(а) Спорт вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда жисмоний тарбия ва ҳаракат фаоллиги бўйича тавсиявий тадбирлар ва жиҳозлар рўйхати ҳамда уларнинг меъёрларини тасдиқласин;

(б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2026 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчилари йилига камида бир марта тиббий кўрикдан ўтказилишини ташкиллаштирсин;

(в) Рақамли технологиялар вазирлиги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда «hrm.argos.uz» платформа-сида ходимларнинг тана вазни индексини киритиб бориш имкониятларини яратсин;

(г) давлат органлари 2026 йил 1 январдан бошлаб ўзларига тегишли бўлган ошхоналарни тўлиқ аутсорсинг асосида ташкил этсин, уларда соғлом овқатланишни кенг жорий қилсин ҳамда ширинликлар, ёғли, хамир солинган озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар, шунингдек, одам соғлигига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа турдаги маҳсулотларнинг савдосини чекласин;

(д) Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда давлат хизматчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби ҳамда давлат органларининг ошхоналарига қўйиладиган талабларни ва соғлом овқатланиш меъёрларини тасдиқлаш чораларини кўрсин.

20. Давлат хизматчиларига давлат хизмати лавозимларининг малака даражалари берилишини таъминлаш мақсадида:

(а) давлат органлари раҳбарлари 2025 йил 1 ноябрга қадар давлат хизматчиларига, истисно тариқасида бир марта, улар эгаллаб турган лавозимига мувофиқ, бироқ, улардаги мавжуд махсус унвонлардан (мартаба ёки малака даражалари) паст бўлмаган давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг малака даражалари берилишини таъминласин;

(б) давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг малака даражалари учун қўшимча тўловлар жорий қилингунга қадар давлат хизматчиларига амалдаги махсус унвонлари (мартаба ва малака даражаси) бўйича қўшимча тўловлар (устама, ҳақ) тўлаш давом эттирилади.

21. Қўйидагилар:

(а) Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси 1-иловага мувофиқ;

(б) Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

(в) Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури 3-иловага* мувофиқ;

(г) Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(д) Республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри 5-иловага* мувофиқ;

(е) Миллий даражадаги давлат органлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри 5а-иловага** мувофиқ;

(ж) Давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисида низом 6-иловага мувофиқ;

(з) Миллий кадрлар захирасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида низом 7-иловага мувофиқ;

(и) Давлат фуқаролик хизматчиларига малака даражаларини бериш тартиби тўғрисида низом 8-иловага мувофиқ;

(к) Давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий компетенцияларини узлуксиз равишда ошириш тартиби тўғрисида низом 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

VII. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 10-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 11-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

24. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

25. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Ғ.Ғ. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 июнь,
ПФ–95-сон

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** 5а-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 июндаги
ПФ–95-сон Фармонида
1-ИЛОВА

Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган 100 та устувор мақсадлардан келиб чиқиб, ҳозирги тезкорлик билан ўзгариб бораётган янги шароитларга мослашувчан, профессионал, инновацион ва натижадорликка қаратилган давлат фуқаролик хизматининг янги моделини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур Стратегияда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

давлат органи — Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатига киритилган давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган ташкилий жиҳатдан алоҳида тузилма;

давлат фуқаролик хизматининг карьеравий модели — давлат фуқаролик хизматининг юқори ва тенг лавозимларга ўтиш учун иш тажрибаси ва меҳнат стажи талаб этилиб, лавозимларни иерархик тартибда эгаллашни, шунингдек, кенг маънода давлат хизматчиларининг малакаси, тажрибаси ва ваколатларини мунтазам ошириб бориш, уларга малака даражалари беришни ҳамда хизмат поғоналаридан босқичма-босқич горизонтал ва вертикал ўсишни назарда тутувчи тизим;

давлат фуқаролик хизматининг позициявий модели — давлат фуқаролик хизматининг ҳар қандай лавозимларини эгаллаб турган лавозими ҳамда давлат фуқаролик хизматида фаолият юритиши ёки юритмаслигидан қатъи назар малака талабларига жавоб берадиган номзодлар томонидан очиқ танловлар орқали эгаллаш мумкинлигини назарда тутувчи тизим;

давлат фуқаролик хизматининг гибрид модели — карьера ва позиция моделларнинг хусусиятларини ўз ичига қамраб олган давлат фуқаролик хизматининг аралаш модели;

давлат фуқаролик хизматида инклюзивлик — давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш ва фаолият юритиш учун номзодларнинг имконияти чекланганлиги (ногиронлиги), жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш орқали давлат фуқаролик хизматида хилма-хилликни ривожлантириш.

Стратегия давлат бошқарувининг энг муҳим институтларидан бири бўлган давлат фуқаролик хизмати тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли устувор йўналишларини белгилайди.

2-боб. Давлат фуқаролик хизматининг ҳозирги ҳолати ва мавжуд муаммолар

Сўнгги йилларда давлат фуқаролик хизмати тизимининг ҳуқуқий, ташкилий ва услубий асосларини белгилаш, соҳага доир қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишларнинг олиб борилиши натижасида қуйидагиларга эришилди:

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак» деган тамойил амалиётга жорий этилди ҳамда давлат хизматчилари фаолиятининг асосий мезони этиб белгиланди;

давлат фуқаролик хизматининг аҳолига яқин бўлишини таъминлаш ва масалаларни жойларда ҳал этиш мақсадида маҳаллабай ишлаш тизими жорий этилиб, жаҳон тажрибасида ноёб бўлган «маҳалла еттилиги» институти яратилди;

давлат органларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилди;

давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, давлат фуқаролик хизматига кириш, уни ўташ ва тугатиш тартиби белгиланди;

давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари тасдиқланиб, уларнинг хизмат фаолияти давомида ва хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, жамоатчилик билан муносабатларига доир талаблар белгиланди, шунингдек, давлат органларида одоб-ахлоқ комиссиялари фаолияти йўлга қўйилди;

кадрлар салоҳиятини такомиллаштириш Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди ва зарур тадбирлар амалга оширилмоқда;

давлат фуқаролик хизматига муносиб кадрларни танлов асосида қабул қилиш тизими жорий қилинди ҳамда мазкур тизим рақамлаштирилиб, «vacancy.argos.uz» электрон платформаси ишга туширилди. Бу ўз навбатида бюрократик тўсиқларни қисқартириб, ишга қабул қилишда сўраладиган ортиқча ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинишига олиб келди;

инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш соҳасини рақамлаштириш ва автоматлаштириш бўйича «hrm.argos.uz» электрон платформаси ишга туширилиб, давлат фуқаролик хизматчиларининг ягона марказлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилди;

давлат фуқаролик хизматчиларининг билимларини аниқлаш ҳамда уларнинг психологик портретини яратиш бўйича Давлат хизматчиларини синовдан ўтказиш модули (test.argos.uz) ишга туширилди;

туман (шаҳар) ҳоким ўринбосарлари ва сектор раҳбарлари ҳамда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, ҳўжа-

лик бирлашмалари раҳбарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш тизими йўлга қўйилди ҳамда «samaradorlik.uz» электрон платформаси ишга туширилди;

давлат хизматида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишга масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди;

раҳбарлик лавозимларига малакали кадрларнинг барқарор захирасини таъминлаш, унинг сифатини яхшилаш мақсадида Миллий кадрлар захираси ва Салоҳиятли кадрлар захираси шакллантирилди ҳамда махсус «захига.argos.uz» электрон платформаси ишга туширилди;

раҳбарлар ва раҳбарликка номзодларнинг салоҳияти ва маънавий-психологик тайёргарлигини баҳолашдан ўтказиш мақсадида Агентлик муассислигида Раҳбар кадрларни баҳолаш маркази ташкил этилди;

давлат томонидан давлат фуқаролик хизматчилари ва мутахассисларнинг хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олиши ва стажировка ўташини рағбатлантиришнинг янги тизими жорий этилди;

давлат фуқаролик хизматчиларига масофавий малака ошириш имкониятини берувчи масофавий таълим портали ишга туширилди ҳамда мазкур порталда турли соҳаларга оид 400 га яқин видеоматериаллар, 240 дан ортиқ электрон адабиётлар жойлаштирилиб, тизимда 62 000 дан ортиқ давлат фуқаролик хизматчилари рўйхатдан ўтди;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларда таркибий бўлинмаларни шакллантириш ҳамда лавозимларни жорий этишга оид ягона талаблар ишлаб чиқилиб, раҳбар ходимлар ва ижрочиларнинг минимал 1/3 нисбати (битта раҳбарга камидан уч нафар ходим) белгиланди ва амалиётга татбиқ этилди;

давлат фуқаролик хизматчиларининг билимларини ошириш мақсадида ҳафтанинг энг муҳим ва долзарб мавзулар юзасидан «Сиёсий-маърифат соати» ўтказиш амалиёти йўлга қўйилиб, ҳар ҳафта 30 мингдан ортиқ давлат фуқаролик хизматчилари кузатиб бормоқда.

Шу билан бирга, давлат фуқаролик хизматида ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор масалалар мавжуд. Хусусан:

давлат органларида соҳани ривожлантириш бўйича стратегик режалаштиришнинг самарали механизмлари ва яхлит тизими жорий этилмаган;

давлат фуқаролик хизматида инсон ресурсларини стратегик режалаштириш тизими мавжуд эмас;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида бир-бирини такрорловчи функция ва вазифалар мавжудлиги, улар фаолиятининг аниқ функционал чегараси белгиланмагани, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда кадрларни жой-жойига қўйиш бўйича қарорларни қабул қилиш аксарият ҳолатларда марказларда ҳал бўлиши маҳаллий ҳокимликлар фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

давлат фуқаролик хизматининг ҳозирги замон талабига мос равишда но-

анъанавий вазиятларга тайёрлигини ва мослашувчанлигини ҳамда инновацияларга очиқлигини ошириш лозим;

давлат хизматчиларида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, уларга «ҳалоллик вакцинаси»ни сингдириш ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш бўйича чора-тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш талаб этилади;

давлат фуқаролик хизматида гендер тенглик ва инклюзивликни ошириш бўйича тадбирларнинг самарадорлигини янада кучайтириш эҳтиёжи мавжуд;

давлат фуқаролик хизмати эҳтиёжларидан келиб чиқиб, юқори билимли, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик сифатларига эга бўлган раҳбар кадрлар захирасини тайёрлаш ва истиқболли кадрларни жалб қилиш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилади;

давлат фуқаролик хизматида рақамлаштиришни янада ривожлантириш, мавжуд электрон платформаларнинг бошқа электрон платформалар билан интеграция қилишни жадаллаштириш ва тегишли жараёнларни автоматлаштириш лозим;

давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий компетенциясини узлуксиз равишда ошириб боришни ўқув-услубий мувофиқлаштиришнинг ягона тизими шакллантирилмаган ҳамда ушбу соҳага хусусий сектор кенг жалб этилмаган;

давлат фуқаролик хизматидаги лавозимлар таҳлили ва компетенция моделининг мавжуд эмаслиги тегишли лавозимларга энг муносиб кадрларни тўғри танлаб олиш, шунингдек, ходимларнинг касбий кўникмаларини самарали ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда;

давлат фуқаролик хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тегишли лавозимда бажариладиган ишларнинг мураккаблиги, аҳамияти ва натижадорлигига асосланган замонавий тизими жорий этилмаган;

давлат фуқаролик хизмати жозибадорлигининг юқори эмаслиги, давлат фуқаролик хизматчиларини мотивациялаш тизими етарли даражада ривожланмагани кадрлар қўнимсизлигининг ошишига ҳамда уларнинг фаолият самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

3-боб. Стратегиянинг устувор йўналишлари

Мазкур Стратегия давлат фуқаролик хизмати тизимини янада такомиллаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш, давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилган инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш соҳасида 2030 йилгача давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида қуйидаги устувор йўналишларни ўз ичига қамраб олади:

давлат фуқаролик хизмати тизимида институционал ислохотларни амалга ошириш;

коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни шакллантириш ҳамда миллий қадрият ва корпоратив маданиятни мустаҳкамлаш;

давлат фуқаролик хизматида инклюзивликни ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш;

муносиб раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш, истиқболли кадрлар билан ишлашнинг самарали механизмларини жорий этиш;

давлат фуқаролик хизматини рақамлаштириш ва трансформация қилиш; инсон ресурсларини замон талабларига мувофиқ ривожлантириб бориш, шу жумладан, компетенция моделини жорий этиш;

давлат фуқаролик хизмати жозибадорлигини ошириш, давлат фуқаролик хизматчиларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш.

3.1-§. Давлат фуқаролик хизмати тизимида институционал ислохотларни амалга ошириш

Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифаларини аниқлаш ҳамда стратегик режалаштиришни кўзда тутувчи яхлит тизимни жорий этиш;

ҳар бир давлат органида раҳбар кадрларнинг масъулияти, жавобгарлиги ҳамда ҳисобдорлигини кучайтириш бўйича янги тизим жорий этиш;

давлат органларига юклатилган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлашга лаёқатли бўлган инсон ресурсларининг сон ва сифат таркибини шакллантириш ҳамда доимий ривожлантириб боришни аввалдан режалаштириш тизимини босқичма-босқич жорий қилиш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларининг республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари билан вазифа, функциялари ва ваколатларининг чегарасини аниқ белгилаш, шунингдек, ҳокимликларга юклатилган айрим вазифаларни давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат ёки хусусий секторга босқичма-босқич ўтказиш чораларини кўриш;

замон талабидан келиб чиқиб, вазиятли режалаштириш тизимини жорий этиш орқали юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий инқирозли вазиятлар учун стандарт меъёрлар ва ҳаракатларни ўз вақтида тайёрлаш тизимини жорий этиш;

давлат органларида гибрид ва мослашувчан иш тизимини кенг жорий этиш;

айрим вазирлик ва идораларни (марказий аппаратларидаги таркибий тузилмаларни) пойтахтдан кўчириш, шунингдек, юқори лавозимдаги раҳбарларнинг пойтахтдан ташқаридаги ҳудудларда яшаб, иш ташкил этиш амалиётини жорий этиш орқали жойлардаги муаммоларга яқинроқ бўлишини таъминлаш;

давлат органлари биноларини замонавий офисларга алмаштириш ҳамда жойларда давлат органларининг масофавий офисларини ташкил этиш;

давлат органларида ресурслар сарфини (сув, электр, иссиқлик энергияси, бинони сақлаш, ходимлар учун тўғри келадиган ўртача майдон ва ҳоказо) мунтазам таҳлил қилиб бориш асосида харажатларни ҳар йили мақбуллаштириб бориш амалиётини жорий этиш;

давлат фуқаролик хизматида энг муносиб кадрларнинг ишлашини таъминлаш бўйича карьеравий ва позициявий моделларни уйғунлаштириш орқали давлат фуқаролик хизматининг гибрид моделини жорий этиш;

давлат фуқаролик хизматчиларини нафақат лавозим бўйича вертикал, балки горизонтал ўсиши, ваколатлари ва малака даражасининг ошиши ҳамда кўникмаларини ривожлантиришни назарда тутувчи карьеравий моделни кенг қўламда жорий этишга оид чора-тадбирларни амалга ошириш.

3.2-§. Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни шакллантириш ҳамда миллий қадрият ва корпоратив маданиятни мустаҳкамлаш

Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

даромадларни декларация қилиш тизими билан босқичма-босқич давлат фуқаролик хизматчиларини тўлиқ қамраб олиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича инновацион механизмлар, шу жумладан, замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш;

коррупцияга қарши курашишда томонларнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган давлат фуқаролик хизмати ва жамоатчиликнинг ҳаракатларини бирлаштиришнинг самарали механизмларини такомиллаштириш;

давлат хизматчиларида Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳини чуқурлаштиришга тизимли ёндашувни амалга ошириш;

одоб-ахлоқ комиссиялари фаолиятини тизимли ташкиллаштириш, шунингдек, доимий мувофиқлаштириб бориш механизмларини жорий этиш;

давлат фуқаролик хизматчиларининг маънавий ва касбий жиҳатдан ўсиши, ҳуқуқий маданиятини оширишга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат фуқаролик хизматчиларида ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби қадриятларни ўз ичига олган экологик маданиятни шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

3.3-§. Давлат фуқаролик хизматида инклюзивликни ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш

Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

давлат фуқаролик хизматида инклюзивликни ошириш;

давлат фуқаролик хизматида ногиронлиги бўлган шахслар қулай ва тўсиқларсиз ҳаракатланишлари ҳамда меҳнат қилишлари учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнат шароитларини яратиб бериш;

давлат фуқаролик хизматида хотин-қизларнинг улушини 2030 йилгача 40 фоизга етказиш;

Миллий кадрлар захирасида хотин-қизлар улушини 40 фоизга етказиш;

юқори лавозимларга хотин-қизларни мақсадли тайёрлашни амалга ошириш.

3.4-§. Муносиб раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш, истиқболли кадрлар билан ишлашнинг самарали механизмларини жорий этиш

Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлик лавозимларига Миллий кадрлар захирасига олинган номзодлар орасидан тайинлаш амалиётини кенгайтириш;

раҳбар кадрлар захираси билан ишлаш жараёнларини рақамлаштириш, давлат органлари эҳтиёжларига мос равишда энг муносиб кадрларни тезкор саралаб олиш имконини берувчи сунъий интеллект технологияларига эга бўлган маълумотлар базасини яратиш;

давлат фуқаролик хизматида истиқболли шахсларни жалб этиш, истеъдодларни аниқлаш, уларни ривожлантириш тизимини илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб такомиллаштириш;

истиқболли ва иқтидорли кадрларни давлат фуқаролик хизматида сақлаб қолиш, уларнинг қўнимсизлигини камайтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3.5-§. Давлат фуқаролик хизматини рақамлаштириш ва трансформация қилиш

Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

давлат фуқаролик хизматининг самарадорлиги, шаффофлиги, янги вазифа ва замон талабларига мослашувчанлигини оширишга қаратилган давлат фуқаролик хизматини рақамли трансформация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат фуқаролик хизматидаги жараёнларни автоматлаштириш орқали сифат ва самарадорлик даражаси ошиши, харажатлар қисқариши ҳамда инсон омили камайтиришга эришиш;

«Давлат хизматчиси» мобил иловасини яратиш орқали давлат фуқаролик хизматчиларининг замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш;

ахборот хавфсизлиги соҳасида замонавий технологияларни кенг жорий этиш ҳамда шахсга доир маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш ва уларнинг махфийлиги (хавфсизлиги)ни тўлиқ таъминлаш;

сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборот тизимлари ва маълумотлар базасининг заифликларини ҳамда таҳдидларга бардошлилик даражасини аниқлаш тизимини жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотларида ходимларнинг иш жойига келиши ва кетишини кунлик равишда кузатиб бориш, шакллантирилган таҳлилий маълумотлардан фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида давлат фуқаролик хизматида иш вақтини автоматлаштирилган тарзда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган тизимини (Face ID) жорий қилиш.

**3.6-§. Инсон ресурсларини замон талабларига мувофик
ривожлантириб бориш, шу жумладан, компетенция моделини
жорий этиш**

Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

«Ҳаёт давомида таълим олиш» (Life Long Learning) тамойили асосида давлат фуқаролик хизматчиларининг ўзларига зарур бўлган кўникмаларни ривожлантириб боришига қаратилган малака ошириш тизимининг ягона қоидаларини белгилаш;

давлат органларида инсон ресурсларини ривожлантиришга хусусий секторни кенг жалб қилиш орқали рақобатни ошириш ҳамда ўқитиш сифатини яхшилашга эришиш;

давлат фуқаролик хизматидаги лавозимлар оилалари, уларнинг гуруҳлари ва тоифаларини ишлаб чиқиш ва туркумлаштириш;

давлат фуқаролик хизматида компетенция моделини ҳамда профессионал компетенцияларни баҳолаш тизимини жорий этиш;

давлат фуқаролик хизматчилари ўз касбий ва шахсий компетенцияларини ривожлантириб боришини уларнинг карьеравий ўсиши ва моддий манфаатдорлиги билан боғлаш тизимини жорий этиш;

давлат фуқаролик хизматчилари компетенцияларини баҳолаш (ассесмент) жараёнларини рақамлаштириш;

вакант лавозимларга энг муносиб кадрларни танлаб олиш бўйича восита ва усулларни янада кенгайтириш ҳамда танлов тизимининг мослашувчанлигини янада ошириш;

давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларини тўлдириш жараёнида бошқа идоралар билан келишиш институтини қайта кўриб чиқиб, ваколатли давлат органлари вакиллари танлов комиссияси таркибига киритиш орқали келишувни бекор қилиш механизмларини жорий қилиш;

давлат фуқаролик хизматчиларини «Устоз-шогирд» анъаналарига кўра тажрибали, билимли ва малакали давлат фуқаролик хизматчиларига шогирд сифатида бириктириш амалиётини йўлга қўйиш.

**3.7-§. Давлат фуқаролик хизмати жозибадорлигини ошириш,
давлат фуқаролик хизматчиларининг ижтимоий-ҳуқуқий
ҳимоясини таъминлаш**

Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

давлат фуқаролик хизматчиларининг иш ҳақини лавозимларни баҳолаш асосида грейдлар, балларга асосан таснифлаш ҳамда малакаси, тажрибаси, фаолияти самарадорлигига кўра ошиб боришини назарда тутувчи меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий тизимини жорий этиш;

давлат фуқаролик хизматчиларининг меҳнат фаолияти ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш;

давлат фуқаролик хизмати брендини, давлат фуқаролик хизматчисининг ижобий имижини шакллантириш, нуфузини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб бориш;

давлат фуқаролик хизматчиларига ижтимоий кафолатларни белгилашда меҳнат бозоридаги ўзгаришларга мутаносиб, хусусий сектор билан рақобатлаша оладиган ижтимоий кафолатлар тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

давлат фуқаролик хизматчисига ёшга доир пенсия тайинлашда унинг давлат фуқаролик хизматидаги кўп йиллик иш стажи, малака даражаси ҳамда меҳнат фаолияти давомида эришган фаолият самарадорлиги натижаларини инобатга олиш тизимини жорий этиш.

4-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Стратегия доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилмоқда:

давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартларни қонунчилик амалиётига имплементация қилиш ҳамда бу борада ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа комплекс чора-тадбирлар тизимини яратиш орқали миллий қонунчилик такомиллаштирилади;

давлат органларида инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқаришнинг самарали ва натижага йўналтирилган тизими шакллантирилади;

номзодларнинг касбий маҳорати ва фазилатларини объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятли шахсларни меритократия тамойили асосида давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналарида босқичма-босқич ўсишини назарда тутувчи давлат фуқаролик хизматининг карьеравий модели жорий этилади;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлиги, малака даражаси ва лавозим тоифасидан келиб чиққан ҳолда улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона тизими яратилади;

давлат фуқаролик хизматчиларига ижтимоий кафолатлар бериш, шунингдек, уларни ўз касб маҳорати ва фаолият самарадорлигини оширишга рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими жорий этилади;

давлат фуқаролик хизматчиларида коррупцияга қарши янада муросасиз муносабат шакллантирилади;

киберҳужумлардан самарали ҳимояланиш ҳамда маълумотлар ва тизим хавфсизлигининг юқори даражасини таъминлаш орқали потенциал ҳужумларнинг олдини олишга эришилади;

ахборот хавфсизлигини таъминловчи технологиялар ва криптографик ҳимояси туфайли маълумотлар яхлитлиги ва транзакция шаффофлиги ошади;

сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш ходимлар маълумотларини таҳлил қилишни автоматлаштиради ва HR хизмати самарадорлигини оширишнинг янги имкониятларини аниқлайди;

ходимлар мустақил равишда кадрлар хизматларидан (масалан, сертификатлар, таътиллار, хизмат сафарлари) фойдаланишлари мумкин бўлади;

давлат органларига юклатилган вазифа ва функциялар самарали ижро

этилишини ташкил этиш орқали аҳоли фаровонлиги ва жамиятнинг тегишли соҳалари барқарор ривожланишининг самарадорлиги таъминланади;

давлат фуқаролик хизматчиларига самарали фаолият юритиш учун муносиб шарт-шароитларни таъминлаш орқали давлат фуқаролик хизматининг нуфузи ошишига эришилади;

давлат фуқаролик хизматида хотин-қизларнинг улуши оширилади.

Шунингдек, 2030 йилга келиб:

Жаҳон банкининг Давлат бошқаруви сифати индексида (The Worldwide Governance Indicators) натижани 20 поғонага яхшилаш;

Коррупцияни қабул қилиш индексида (Transparency International) натижани 30 поғонага яхшилаш мақсад қилинган.

5-боб. Мониторинг ва баҳолаш

Стратегияни амалга оширишнинг комплекс чора-тадбирлар дастури икки босқични (2025-2026 йиллар ва 2027 — 2030 йиллар) ўз ичига олади.

Стратегияни амалга ошириш бўйича 2027 — 2030 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури Агентлик қарори билан тасдиқланади.

Дастурнинг амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш, мувофиқлаштириш, муаммоли масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва ҳал қилиш Агентлик томонидан амалга оширилади ҳамда Давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш бўйича жамоатчилик кенгаши томонидан ҳисоботлар ҳар йили муҳокама қилиб борилади.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ижроси ва мақсадли кўрсаткичлардан келиб чиқиб, Стратегиянинг бажарилиши ҳар йили баҳоланади ҳамда 2030 йилгача бўлган мақсадларга эришиш учун унга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритилади.

Стратегияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ижроси Агентлик томонидан мониторинг қилиб борилади ва бошқа йўналишлардаги давлат сиёсатидан ва ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, давлат фуқаролик хизмати соҳасини Ўзбекистонни умумий ривожлантириш стратегиялари ва ислохотлар билан мувофиқлаштириш мақсадида ушбу Стратегияга тегишлича ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 июндаги
ПФ–95-сон Фармони
6-ИЛОВА

Давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом танлов ўтказиладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимларини ва танлов ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотларининг (кейинги ўринларда — давлат органи) бошқарув ва ёрдамчи гуруҳларига тааллуқли вакант лавозимларни эгаллаш танлов асосида амалга оширилади, бундан мазкур Низомнинг 1-илоvasида кўрсатилган давлат фуқаролик хизмати лавозимлари мустасно.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

вакант лавозим — Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрида мавжуд эгалланмаган лавозим;

номзод — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг «Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона портали»да (кейинги ўринларда — Портал) вакант лавозимни эгаллаш бўйича номзод сифатида мазкур Низомда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

4. Танлов меритократия, очиқлик, муқобиллик ва тенглик тамойилларига кўра ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ схема асосида ўтказилади.

2-боб. Танлов турлари

5. Вакант лавозимларни эгаллаш Портал орқали ўтказиладиган ички ва ташқи танловлар асосида амалга оширилади.

Ички танловларда фақат давлат фуқаролик хизматчилари, ташқи танловларда эса тегишли малака талабига жавоб берадиган барча номзодлар иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

6. Ички танловлар вакант лавозим вужудга келган кундан бошлаб ўн иш кuni ичида эълон қилинади. Бунда ички танловлар фақатгина бир давлат органи доирасида ёки давлат фуқаролик хизмати тизимидаги барча давлат органлари давлат фуқаролик хизматчилари учун эълон қилиниши мумкин.

Ички танловлар натижасида танлов ғолиби аниқланмаган ёки вакант лавозим вужудга келган кундан бошлаб ўн беш иш кuni ичида ички танлов эълон қилинмаган тақдирда, ушбу вакант лавозим бўйича ташқи танлов эълон қилинади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Битта вакант лавозим учун бир мартадан ортиқ ички танлов ўтказишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Танловни ташкил қилиш тартиби

7. Порталдаги вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар автоматик тарзда «hgm.argos.uz» электрон тизимидаги маълумотлар асосида шаклланади.

Вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар Порталга жойлаштирилган сана мазкур лавозимни эгаллаш бўйича танлов эълон қилинган кун деб ҳисобланади.

8. Танлов тўрт босқичда ташкил этилади:

биринчи босқич — танлов ўтказилиши тўғрисида эълон бериш;

иккинчи босқич — номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва саралаш;

учинчи босқич — номзодларнинг билимини тест синовидан ўтказиш;

тўртинчи босқич — номзодлар билан суҳбат ўтказиш.

Танловларда иштирок этиш учун ҳужжат топширган номзодлар сони беш нафар ва ундан кам бўлган ҳолларда давлат органи томонидан танловнинг учинчи босқичи ўтказилмаслиги ҳамда танловларнинг суҳбат босқичига ўтган номзодлар сони йигирма нафардан ортиқ бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан келишилган ҳолда қўшимча босқич (эссе, тест ва бошқалар) қўшилиши мумкин.

Баҳолаш тизимининг ягона электрон платформаси «samaradorlik.uz»да фаолият самарадорлиги «яхши» ва «аъло» деб баҳоланган давлат фуқаролик хизматчиси ички танловнинг тест синовини топширишдан озод этилади ва унга тест синовидан максимал балл берилади.

9. Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон Порталда ҳамда давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Мазкур эълон даврий нашрларда ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуйидагилар кўрсатилади:

ўтказилаётган танлов тури;

вакант лавозим номи ва унга қўйиладиган малака талаблари;

лавозим мажбуриятлари;

лавозим маоши;

меҳнат шароитларига оид маълумотлар.

Лавозимларнинг айрим тоифалари учун қўшимча талаблар мавжуд бўлган тақдирда, эълонда бу ҳақда кўрсатилади.

10. Танловда иштирок этиш бўйича номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб беш календарь кунни ташкил қилади. Ташқи танловлар бўйича ҳужжатларни қабул қилиш муддати ўн календарь кунгача узайтирилиши мумкин.

Танловда иштирок этиш бўйича ҳужжатлар келиб тушмаган тақдирда, ушбу лавозим бўйича қайта танлов автоматик тарзда эълон қилиниб, ҳужжатларни қабул қилиш муддати ўн календарь кунга узайтирилади.

Танловнинг барча босқичлари танловда иштирок этиш бўйича ҳужжат-

ларни қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб йигирма иш куни мобайнида ўтказилиши лозим.

11. Танловда иштирок этиш бўйича ҳужжатлар фақат Портал орқали электрон тарзда қабул қилинади. Номзодлардан ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини қоғоз шаклида талаб қилиш ҳамда юбориш тақиқланади.

12. Номзодга бир вақтнинг ўзида учтадан ортиқ бўлмаган вакант лавозим учун танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

Номзод бир ой давомида бештагача вакант лавозимлар бўйича танловларда иштирок этиши мумкин.

13. Номзодлар томонидан танловда иштирок этиш бўйича танлов натижасига таъсир қиладиган ёлғон маълумотлар (ҳужжатда йўл қўйилган техник хатолик ёки бошқа камчиликлар бундан мустасно) тақдим этилганлигининг аниқланиши уларни танловдан четлатиш ёки танлов натижаларини бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

14. Танловда «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасида белгиланган давлат фуқаролик хизматига қабул қилиниши мумкин бўлмаган шахслардан бошқа барча шахслар иштирок этиши мумкин, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

15. Давлат органида танловларни ўтказиш учун беш нафардан етти нафаргача аъзодан, туман (шаҳар) даражасидаги давлат органида эса уч нафардан беш нафаргача аъзодан иборат Танловларни ташкиллаштириш ва ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда — Танлов комиссияси) тузилади.

Танлов комиссиясининг таркиби давлат органи раҳбари қарори билан тасдиқланади.

Танлов ўтказилаётган давлат органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) Танлов комиссиясининг раиси ҳисобланади.

Танлов комиссияси таркибига қоида тариқасида:

давлат органининг вакант лавозимида танлов эълон қилинган таркибий бўлинмалари раҳбарлари;

давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси раҳбари (ходими);

давлат органининг юридик хизмати раҳбари (ходими) киритилади.

Қонунчилик ҳужжатларида лавозимга тайинлашда номзодни тегишли вазирлик ёки идора билан келишиш белгиланган бўлса, Танлов комиссияси таркибига мазкур вазирлик ёки идоранинг масъул вакили ҳам киритилади.

Танлов комиссияси таркибига давлат органлари, таълим муассасалари ҳамда вакант лавозимнинг хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа мутахассислар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат органи ва Агентлик томонидан доимий равишда Танлов комиссияси аъзоларининг малакаси ошириб борилади.

Танлов ўтказилиши давомида танлов қоидаларини бузган ҳамда қарор қабул қилишда ҳолисликни таъминлай олмаган Танлов комиссияси аъзоси Агентлик тақдимномасига асосан Танлов комиссияси таркибидан чиқариб юборилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ҳолларда ҳамда Ўзбекис-

тон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириғига асосан айрим давлат органларининг танлов комиссиялари таркиби муайян муддатга Агентлик томонидан шакллантирилади ва фаолияти мувофиқлаштирилади. Бунда мазкур комиссиялар томонидан қабул қилинган қарорлар иш берувчилар учун мажбурий бўлиб ҳисобланади.

16. Танлов комиссияси ўз фаолиятини коллегиялик, ошкоралик, холислик, адолатлилиқ, қонунийлик ва бетарафлик тамойиллари асосида амалга оширади.

17. Танлов ўтказилаётган давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси Танлов комиссиясининг ишчи органи (кейинги ўринларда — ишчи орган) ҳисобланади.

4-боб. Танловда иштирок этиш учун номзодларни саралаш тартиби

18. Танлов унда иштирок этиш учун камида иккита номзоддан ҳужжатлар келиб тушган тақдирда ўтказилади.

19. Танлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиш муддати тугаган кундан эътиборан беш иш куни ичида номзодларнинг вакант лавозим учун белгиланган малака талабларига мослигини ўрганиб чиқади ва ушбу муддат ичида ишчи орган томонидан ўрганиш натижаси бўйича номзодларнинг Порталдаги шахсий кабинетларига хабар юборилади.

Номзод малака талабларига мос эмас деб топилган тақдирда, Порталдаги шахсий кабинетга юбориладиган хабарда рад этиш асослари кўрсатилади.

Ишчи орган танлов босқичлари ўтказилиши бўйича маълумотларни номзодларнинг Порталдаги шахсий кабинетларига танлов босқичлари ўтказилиши бошланишидан камида йигирма тўрт соат олдин юборилишини таъминлайди.

20. Танлов ўтказишда ошкоралик ва холисликни таъминлаш мақсадида учинчи ва тўртинчи босқичлар овозли видеоёзув орқали ёзиб олинади ҳамда давлат органи томонидан олти ой давомида сақланади.

21. Номзодлар танлов босқичлари натижалари ва ўтказилиши бўйича маълумотларни Порталдаги шахсий кабинети орқали кузатиб боради.

Танлов босқичлари ўтказилиши тўғрисида ўрнатилган тартибда Порталдаги шахсий кабинети орқали хабардор қилинган, лекин унда иштирок этмаган номзодлар танловдан четлаштирилади.

5-боб. Тест синовларини ўтказиш тартиби

22. Тест синовлари номзодларнинг билимини баҳолаш мақсадида Агентликнинг Давлат хизматининг ягона электрон-ахборот таҳлил тизимидаги Давлат хизматчиларини синовдан ўтказиш модули — махсус тест тизими орқали ўтказилади.

23. Тест синовлари давлат тилида ўтказилади.

«Давлат фуқаролик хизматчиси» тест саволлари Агентлик буюртмасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазир-

лиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан «бошқарув кадрлари» ҳамда «мутахассислар» лавозим тоифалари бўйича ишлаб чиқилиб, доимий равишда янгилаб борилади.

Шу билан бирга тест синовларига «стрессга бардошлилик» ва интеллектуаллик коэффиценти (IQ) даражасини аниқлашга қаратилган алоҳида бўлим киритилиши мумкин.

Тест саволларининг тўлиқ рўйхати Агентлик сайтида эълон қилиб борилади ҳамда эълон қилинмаган саволлар бўйича синов ўтказишга йўл қўйилмайди, «стрессга бардошлилик» ва интеллектуаллик коэффиценти (IQ) даражасини аниқлаш бўйича саволлар бундан мустасно.

24. Тест синови Давлат хизматчиларини синовдан ўтказиш модули орқали Агентлик филиаллари биноларида ёки Агентлик билан келишилган ҳолда бошқа махсус жиҳозланган хоналарда ёхуд масофавий онлайн прокторинг тизими орқали ўтказилади.

Бунда тегишли давлат органида тест синовларини махсус жиҳозланган хоналарда ёки масофавий ўтказиш масаласи Агентлик томонидан келиб тушаётган мурожаатларнинг таҳлили, ўтказиладиган ўрганишлар ва сўровно-малар натижаларига кўра ҳал этилади.

25. Номзодлар тест синовларида иштирок этиш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан келишлари шарт.

Номзодларни тест синовларига киритиш FaceID тизими орқали амалга оширилади.

Тест хоналарига номзод ва Агентлик масъул ходимидан ташқари бошқа шахсларнинг кириши тақиқланади.

26. Тест синови жараёнида номзодларга қуйидагилар тақиқланади: алоқа ва телекоммуникация воситалари (телефон, компьютер, планшет ва бошқалар), китоб ҳамда шпаргалкалардан фойдаланиш;

бошқа номзодлар билан суҳбатлашиш;

тест синовлари тугамасдан хонадан ташқарига чиқиш.

Мазкур талабларни бузган номзод ишчи орган томонидан далолатнома тузилган ҳолда танловдан четлаштирилади.

Тест синовидан четлаштирилган номзод уч ой давомида кейинги танловларга қўйилмайди.

27. Агентлик масъул ходими тестни ташкил этиш ва ўтказишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

номзодларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш;

номзодлардан тест жараёнида тартиб ва интизомга амал қилишини талаб қилиш;

тест топшириш қоидаларига риоя этмаган шахсларни тест синовидан четлатиш.

28. Номзод томонидан тест синови натижасида камида 56 балл тўпланиши унинг танловнинг кейинги босқичига ўтиши учун асос бўлади.

Номзодларнинг тест синови бўйича ижобий натижалари олти ой давомида сақланиб, кейинги вакант лавозимлар бўйича ўтказиладиган танловларда инобатга олинади.

29. Тест синовии натижалари автоматик равишда номзоднинг Порталдаги шахсий кабинетига юборилади.

30. Тест синовини ижобий топшира олмаган номзодлар ушбу Низомда белгиланган тартибда эълон қилинган янги танловда қатнашиши мумкин.

6-боб. Суҳбат ўтказиш тартиби

31. Суҳбат номзоднинг соҳавий билими, касбий маҳорати, интеллектуал салоҳияти ва маънавий фазилатларини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

Суҳбат интервью ёки тақдимот (кейс-стади, топшириқ) каби усуллар асосида амалга оширилади.

32. Суҳбат Танлов комиссияси томонидан ўтказилади. Суҳбат унда Танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Агар Танлов комиссияси аъзоси суҳбатдан ўтаётган шахснинг яқин қариндоши бўлса ёки суҳбат натижасидан бевосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, аъзо ўзини ўзи рад этиши шарт. Мазкур тартибга риоя қилмаслик танлов натижаларини бекор қилишга асос бўлади.

Агентлик суҳбатда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун ўз вакилини юбориши ҳамда номзодларни баҳолаш учун Танлов комиссияси таркибига экспертларни киритиш ҳуқуқига эга. Бунда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, олий таълим муассасалари ёки давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг вакилларидаан экспертлар жалб қилиш тартиби Агентлик томонидан белгиланади.

Танлов комиссияси таркибига Агентлик томонидан экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар тегишли давлат органи томонидан қопланади.

33. Қонунчилик ҳужжатларида лавозимга тайинлашда номзодни тегишли вазирлик ёки идора билан келишиш белгиланган лавозимлар бўйича Танлов комиссияси таркибига масъул вакили киритилган вазирлик ёки идора суҳбат ўтказиладиган кундан камида уч иш куни олдин хабардор қилиниши шарт.

Ишчи орган томонидан хабардор қилинган вазирлик ёки идора масъул вакилининг суҳбат босқичида иштирок этмаслиги, танлов ғолибини аниқлашга тўсқинлик қилмайди ҳамда танлов ғолибини келишиш талаб этилмайди.

34. Суҳбатнинг интервью усулида ҳар бир номзодга соҳа бўйича билим савияси, шахсий ва касбий компетенцияси, умумий дунёқараши ҳамда вакант лавозим учун мослигини аниқлашга қаратилган бешта савол (топшириқ) тасодифий танлаш орқали берилади. Бунда суҳбат босқичида бериладиган саволларнинг (топшириқлар) тўлиқ рўйхати давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилинган бўлиши лозим.

Асосий саволлардан сўнг берилган жавобларни аниқлаштириш мақсадида кўпи билан бешта қўшимча савол бериш мумкин.

35. Суҳбатнинг тақдимот усулида ишчи орган томонидан суҳбат ўтказиш кунидан уч кун олдин номзодларнинг Порталдаги шахсий кабинетига тақдимот (топшириқ) мавзулари юборилади.

Суҳбат давомида номзод берилган мавзулардан бири бўйича тақдимот қилиб беради. Тақдимотдан сўнг Танлов комиссияси аъзолари ва экспертлар ҳар бир номзоднинг тақдимот мавзуси доирасида аниқлаштириш мақсадида кўпи билан бешта қўшимча савол бериши мумкин.

36. Номзодларни баҳолаш учун ҳар бир Танлов комиссияси аъзосига Порталда шахсий кабинет очилади.

Танлов комиссияси аъзолари ва экспертлар 24 соат ичида Порталдаги шахсий кабинети орқали онлайн тарзда номзодларни тўртта йўналишда (билим савияси, шахсий ва касбий компетенцияси, умумий дунёқараши, вакант лавозим учун мослиги) 100 баллик тизим асосида баҳолайди.

37. Суҳбат якунлари бўйича Танлов комиссияси аъзолари ва экспертлар томонидан номзодга қўйилган баллар автоматик равишда умумлаштирилиб, якуний балл ҳисобланади.

Якуний балл 100 баллик тизимда баҳоланиб, суҳбат натижаси якуний баллнинг 80 фоизини, тест синовлари натижаси 20 фоизини ташкил қилади.

Тест ва суҳбат натижасига кўра энг юқори якуний балл тўплаган номзод танлов ғолиби деб топилиб, Танлов комиссияси баённомаси билан тасдиқланади.

Мазкур Низомнинг 15-банди саккизинчи хатбошисида назарда тутилган масъул вакил томонидан суҳбат учун қўйилган балл 56 баллдан паст бўлган тақдирда номзод танлов ғолиби деб топилиши мумкин эмас.

Номзодларнинг баллари тенг бўлган тақдирда, Танлов комиссияси раисининг ҳулосасига асосланиб якуний қарор қабул қилинади.

Танлов ғолиби Порталдаги шахсий кабинети орқали меҳнат шартномасини тузишдан бош тортган тақдирда, якуний баллга кўра навбатдаги ўринни эгаллаган номзод танлов ғолиби деб топилади.

Танлов натижасида барча номзодлар 56 баллдан паст бўлган якуний балл тўплаган тақдирда, танлов ғолиби топилмаган деб ҳисобланиб, танлов қайтадан эълон қилинади.

38. Агентликнинг суҳбатда кузатувчи сифатида иштирок этадиган вакили суҳбат ўтказиш жараёни танловни ташкиллаштириш ва ўтказиш қоидаларига мос келиши, шунингдек, Танлов комиссиясининг ҳолис қарор қабул қилиши бўйича назорат олиб боради.

39. Номзодлар танлов жараёнларидан норози бўлган тақдирда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида юқори турувчи органга ёки Агентликка ёхуд судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

40. Танлов ғолиби аниқланган кундан эътиборан беш иш куни ичида давлат органининг раҳбари танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

41. Давлат органларининг танловларни ўтказиш билан боғлиқ фаолияти Агентлик томонидан мониторинг ва назорат қилиб борилади.

Танлов ўтказиш жараёнида ушбу Низом қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда:

а) Агентлик тегишли давлат органи раҳбарига аниқланган қонунчилик

бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, танлов якунларига таъсир кўрсатган ва бартараф этиб бўлмайдиган камчиликлар аниқланган тақдирда, тегишли давлат органига Танлов комиссиясининг қарорини бекор қилиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади;

б) танловлар бўйича келиб тушаётган мурожаатларнинг тахлили, Агентлик томонидан ўтказиладиган ўрганишлар ва сўровномалар натижаларига кўра танловларда тартиб бузилиши ҳолатлари аниқланган ва танловларнинг ҳолислиги бўйича шубҳа мавжуд бўлган тақдирда заруратга кўра Агентлик ҳар қандай танловлар бўйича давлат органларининг Танлов комиссиясини вақтинча четлаштириш ҳамда тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўзининг Танлов комиссиясини белгилаш ҳуқуқига эга.

Ушбу ҳолатда Агентлик томонидан шакллантирилган Танлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарор иш берувчилар учун мажбурий бўлиб ҳисобланади.

42. Танлов комиссиясининг аъзолари ҳамда танлов жараёни иштирокчилари томонидан танлов давомида номзодлар тўғрисида олинган шахсий маълумотларни ошкор қилиш тақиқланади.

43. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат фуқаролик хизмати лавозимини
эгаллаш учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Танлов ўтказиш тартиби татбиқ қилинмайдиган давлат фуқаролик хизмати лавозимлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинладиган (сайланадиган) ёки улар билан келишиладиган лавозимлар.

2. Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатига киритилган Миллий даражадаги ташкилотлардаги лавозимлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ташкилотларда, шунингдек, Миллий кадрлар захираси шакллантириладиган ёки «1-даражали хизматчи» ва ундан юқори малака даражаси белгиланган лавозимларда фаолият кўрсатган (охирги иш жойи бўлган) давлат фуқаролик хизматчилари томонидан Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг йўлланмаси асосида эгалланадиган лавозимлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги миссиялари ва ваколатхоналаридаги лавозимлар.

5. Давлат захираларини бошқариш учун махсус вакил қилинган ҳамда шахсга доир маълумотлар соҳасидаги ваколатли давлат органларининг лавозимлари.

6. Миллий кадрлар захирасидан тайинланиши белгиланган лавозимлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг магистратура босқичи ҳамда махсус қайта тайёрлаш курслари битирувчилари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан тақсимланган лавозимлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг бакалаврият, магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим олган стипендиатлар учун белгиланган тартибда тақсимланган ёки қайта тақсимланган лавозимлар.

9. Салоҳиятли кадрлар захирасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан тақсимланган лавозимлар.

10. Олий таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи марта давлат фуқаролик хизматига кираётган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшлар томонидан эгалланадиган лавозимлар.

11. Давлат органидаги ногиронлиги бўлган шахслар учун квоталанган лавозимлар.

12. Бир давлат органи тизимида давлат фуқаролик хизматчиси ўтказиладиган тенг ёки қуйи лавозимлар.

13. Ротация тартибда эгалланадиган тенг лавозимлар.

14. Қонунчиликка мувофиқ олдинги лавозимни ёки унга тенг бўлган лавозимни тақдим этиш кафолатланган ҳамда суд қарори билан ишга (лавозимга) тикланган шахслар томонидан эгалланадиган лавозимлар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 июндаги
ПФ–95-сон Фармони
7-ИЛОВА

**Миллий кадрлар захирасини шакллантириш ва юритиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат фуқаролик хизмати тизимида Миллий кадрлар захирасини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотларида (кейинги ўринларда — давлат органи) қўлланади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Истиқболли кадрлар маълумотлар базаси — турли соҳаларда самарали фаолият кўрсатиб келаётган юқори салоҳият, етакчилик қobiliяти ва бошқарув кўникмаларига эга бўлган ташаббускор шахслар тўғрисида маълумотлар базаси;

Миллий кадрлар захираси — давлат фуқаролик хизматида раҳбарлик лавозимларини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида Истиқболли кадрлар маълумотлар базасидан саралаб олинган номзодлар тўғрисида маълумотлар базаси;

Салоҳиятли кадрлар захираси — маҳаллада фаолият кўрсатиб сўнгги икки йиллик меҳнат фаолияти давомида ижобий натижалари асосида саралаб олинган маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторларига оид маълумотлар базаси;

номзод — кадрлар захирасига киритишга тавсия этилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

**2-боб. Истиқболли кадрлар маълумотлар базасини
шакллантириш ва юритиш тартиби**

3. Истиқболли кадрлар маълумотлар базасига «zaxira.argos.uz» электрон тизими орқали қуйидагилар киритилади:

давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестридаги сиёсий ва бошқарув гуруҳларига мансуб лавозимларда фаолият юритаётган давлат фуқаролик хизматчилари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси магистратураси ва махсус қайта тайёрлаш дастурлари битирувчилари;

истиқболли бошқарув кадрларини аниқлаш бўйича республика миқёсида ўтказиладиган танловлар ғолиблари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг бакалаврият, магистратура ва докторантура таълим олиш дастурлари битирувчилари;

Салоҳиятли кадрлар захирасига киритилган шахслар;

хўжалик бошқаруви органлари ва устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсиясига кўра тадбиркорлик фаолияти субъектларининг раҳбарлари.

4. Истиқболли кадрлар маълумотлар базасига киритиладиган шахслар тўғрисидаги маълумотлар «zahira.argos.uz» электрон тизимга ўз вақтида, сифатли ва ҳаққоний киритилишини таъминлаш бўйича жавобгарлик мазкур Низомнинг 1-иловасида* белгиланган Истиқболли кадрлар маълумотлар базасига маълумотларни киритишга масъул бўлган ташкилотлар рўйхатига мувофиқ тегишли раҳбарлар зиммасига юклатилади.

3-боб. Миллий кадрлар захирасига киритиш учун номзодлар рўйхатини шакллантириш тартиби

5. Миллий кадрлар захирасини шакллантириш ва юритишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат органларининг кадрлар захирасини интеграциялаш асосида раҳбар кадрлар таркибининг барқарор захирасини таъминлаш;

барча соҳаларда самарали фаолият кўрсатиб келаётган юқори салоҳият, етакчилик қобилияти ва бошқарув кўникмаларига эга бўлган ташаббускор шахсларни аниқлаш ҳамда Миллий кадрлар захирасига киритиш;

Миллий кадрлар захирасига киритилган шахсларнинг замонавий билим ва кўникмаларини ривожлантириш орқали касбий компетенциясини ошириш;

Миллий кадрлар захирасига киритилган шахсларнинг меҳнат фаолиятини ва хизмат поғоналарида ўсишини мониторинг қилиш.

6. Миллий кадрлар захираси ушбу Низомнинг 2-иловасида* келтирилган давлат фуқаролик хизматидаги раҳбарлик лавозимлари учун тенглик, рақобат, ихтиёрийлик, шаффофлик ва холислик тамойиллари асосида шакллантирилади ва юритилади.

7. Давлат органларининг Миллий кадрлар захирасини шакллантириш ва юритиш билан боғлиқ фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан «zahira.argos.uz» электрон тизими орқали мувофиқлаштирилади.

8. Агентлик томонидан Миллий кадрлар захираси шакллантириладиган лавозимларнинг ҳар бири бўйича захирага киритиш учун малака талаблари ишлаб чиқилади.

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгиланган малака талабларидан келиб чиқиб, Миллий кадрлар захирасига киритиш учун номзодлар мазкур Низомнинг 3-илоvasида* келтирилган схема асосида Истиқболли кадрлар маълумотлар базасидан саралаб олинади.

9. Миллий кадрлар захирасига киритиш учун Истиқболли кадрлар маълумотлар базасидан саралаб олинган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар «hrm.argos.uz» электрон платформасига:

давлат органлари раҳбарларининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинма раҳбарлари лавозимига тегишли давлат органларининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокими лавозимларига тегишли Ташкилий-кадрлар гуруҳи томонидан киритилади.

10. Номзодларни шакллантиришда битта лавозим учун номзодлар сони камида 3 нафар бўлиши талаб этилади ҳамда бир нафар номзод бир вақтнинг ўзида иккитадан ортиқ раҳбарлик лавозимига кўрсатилиши мумкин эмас.

11. Номзодлар рўйхати тенглик, рақобат, ихтиёрийлик, шаффофлик ва холислик тамойиллари асосида шакллантирилади.

12. Раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда эркаклар ва хотин-қизларга тенг шарт-шароитлар яратилади.

4-боб. Номзодларни Миллий кадрлар захирасига киритиш тартиби

13. «hrm.argos.uz» электрон платформасида шакллантирилган номзодларни саралаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Агентлик ходимлари ҳамда давлат органи раҳбаридан иборат Махсус ишчи гуруҳ тузилади.

14. Номзодларни саралаш Махсус ишчи гуруҳ томонидан уларнинг билими, раҳбарлик салоҳияти ва шахсий сифатларини баҳолаш асосида қуйидаги босқичларда ташкил этилади:

биринчи босқич — захирага тавсия этилган номзодларни тест синовлари орқали баҳолаш. Бунда тест синовлари орқали номзоднинг билим даражаси, шунингдек, шахснинг психологик хусусиятлари аниқланади;

иккинчи босқич — номзодларнинг компетенцияларини баҳолаш. Бунда интервью, муаммоли вазиятларга ечим топиш, ақлий хужум ва бошқа усуллар ёрдамида номзоднинг компетенциялари аниқланади.

15. Махсус ишчи гуруҳ номзодлар билан суҳбат ўтказиб, уларнинг лавозим малака талабларига мос келиши, билими, раҳбарлик салоҳияти ва шахсий сифатларини баҳолайди.

Баҳолаш натижаларига кўра Махсус ишчи гуруҳ томонидан номзодни раҳбар кадрлар захирасига киритиш ёки киритмаслик тўғрисидаги қарор қабул қилинади ва бу бўйича баённома тузилади.

Баённома давлат органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Суҳбатлар қоида тариқасида олти ойда камида бир марта ўтказилади.

16. Махсус ишчи гуруҳ қарорига асосан Агентлик Миллий кадрлар захирасига киритилган номзодларни «hrm.argos.uz» электрон платформаси орқали тасдиқлайди ҳамда номзод автоматик равишда «zahira.argos.uz» электрон тизимидаги Миллий кадрлар захирасига киритилади ва уларнинг портфолиолари шакллантирилади.

17. Давлат органлари инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари тегишлилигига кўра номзодларни раҳбар кадрлар захирасига киритилганлиги ҳақида хабардор қилади.

18. Давлат органлари инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари Миллий кадрлар захирасига киритилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни «hrm.argos.uz» электрон платформасида доимий янгилаб бориш бўйича масъул ҳисобланади.

5-боб. Салоҳиятли кадрлар захирасини шакллантириш ва юритиш тартиби

19. Салоҳиятли кадрлар захирасига номзодларни аниқлаш, қоида тариқасида, 25 — 40 ёш бўлган олий маълумотли, билимли, давлат хизматига қизиқиши бор, шижоатли ва ташаббускор номзодларни маҳаллада фаолият кўрсатаётган маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторлари орасидан саралаш асосида амалга оширилади.

20. Салоҳиятли кадрлар захирасига энг муносиб номзодларни саралаб олиш мақсадида Агентлик филиали раҳбари томонидан ҳар бир туман (шаҳар) бўйича тегишли давлат органлари, ҳокимлик ва Агентлик филиалининг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилади.

Ишчи гуруҳлар фаолиятига Агентлик филиали раҳбари раҳбарлик қилади, шунингдек, унинг таркибига малакали экспертлар жалб қилиниши мумкин.

21. Салоҳиятли кадрлар захирасига номзодларни саралаш Ишчи гуруҳ томонидан уч босқичда ўтказилади:

биринчи босқич — номзодларни бевосита туман (шаҳар) ҳокимларининг ҳулосаси асосида бирламчи саралаб олиш;

иккинчи босқич — Агентлик томонидан тест синовларидан ўтказиш;

учинчи босқич — номзодларнинг бошқарув кўникмаларини эгаллаганлик даражаси, тизимли ва таҳлилий фикрлаш қобилиятларини баҳолаш, шунингдек, уларнинг етакчилик сифатларини аниқлашга қаратилган суҳбатлар ўтказиш.

22. Дастлабки босқичда туман (шаҳар) ҳокимлиги номзодларнинг маҳалла талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади. Бунда тавсия этилаётган номзод:

олий маълумотга эга бўлиши;

эгаллаб турган лавозимда камида 2 йил фаолият кўрсатган бўлиши;

камида уч йил иш стажига эга бўлиши;

иш фаолиятида юқори натижадорликка эришган бўлиши (энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари);

худуд аҳолиси орасида етарлича обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Номзодларни бирламчи саралашда маҳалла аҳолисидан, шу жумладан, Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларнинг ижобий ҳал этилганлиги алоҳида инобатга олинади.

23. Иккинчи босқичда тест синовлари йўналишлари ҳамда учинчи босқичдаги суҳбатларнинг мавзулари Агентлик томонидан белгиланади.

24. Тест синовлари номзоднинг билим даражаси, психологик ҳолати ва шахсий фазилатларини аниқлаш мақсадида Агентликнинг Давлат хизматчиларини синовдан ўтказиш модули (test.args.uz) орқали онлайн тарзда амалга оширилади.

25. Тест синовлари натижаларини баҳолаш 100 баллик тизим асосида баҳоланади. Тест синовларининг якунлари бўйича энг юқори баллнинг камида 56 фоизини тўплаган номзодлар суҳбат босқичига қўйилади.

26. Учинчи босқичда Ишчи гуруҳ томонидан номзод билан унинг бошқарув кўникмаларини эгаллаганлик даражаси, тизимли ва таҳлилий фикрлаш қобилиятларини баҳолаш, шунингдек, етакчилик сифатларини аниқлаш мақсадида суҳбат ўтказилади.

27. Суҳбат натижалари 100 баллик тизим асосида баҳоланади.

Баҳолаш натижалари ишчи гуруҳлар томонидан ўрганилиб, натижалар баённома билан расмийлаштирилади.

6-боб. Кадрлар захирасига киритилган шахслар билан ишлаш тартиби

28. Миллий кадрлар захираси ёки Салоҳиятли кадрлар захирасига (кейинги ўринларда — Захира) киритилган шахсларнинг замонавий билимларни эгаллаши ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида уларнинг касбий компетенцияси ривожлантириб борилади.

29. Давлат органларининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари тегишлилиги бўйича Захирага киритилган шахсларнинг касбий ва шахсий ривожланиш режасини (кейинги ўринларда — Ривожланиш режаси) қабул қилади ва лозим даражада бажарилишини назорат қилиб боради.

30. Ривожланиш режаси Захирага киритилган шахснинг зарур назарий ва амалий билимларни эгаллашига, муайян соҳадаги стратегик вазифаларни ҳисобга олган ҳолда раҳбарлик кўникмаларини ривожлантиришга имкон берадиган аниқ чора-тадбирлардан иборат бўлиши лозим.

31. Захирага киритилган шахснинг Ривожланиш режасида қоида тариқасида қуйидагилар кўрсатилади:

касбий билим ва кўникмаларини ривожлантириш, тегишли соҳага доир ва давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек, бошқарувнинг замонавий усуллари бўйича малака ошириш чора-тадбирлари;

ахлоқий, маънавий, етакчилик ва ташкилотчилик фаолияти, бошқарув

усуллари ва воситаларини қўллаш ҳамда бошқарув функциялари бўйича кўникмаларни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар;

муайян соҳа бўйича лойиҳаларда иштирок этиш, стажировка ўташ, раҳбарлик лавозимларида вазифа ва мажбуриятларини вақтинча бажариш ва бошқалар.

32. Захирага киритилган номзодларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, хорижий стажировкаларини ташкил этиш ишлари Агентлик томонидан мувофиқлаштирилади ва мониторинг қилинади.

33. Захирага киритилган шахсларнинг раҳбарлик кўникмаларини янада ривожлантириш ҳамда амалий тажрибасини ошириш мақсадида уларни ротация қилиш масаласи Агентлик томонидан давлат органлари билан ҳамкорликда кўриб чиқилади.

7-боб. Кадрлар захирасига киритилган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

34. Захирага киритилган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ривожланиш режасида белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш;

раҳбарлик кўникмаси, билим даражаси, шунингдек, шахснинг психологик хусусиятларини аниқлайдиган тест синовлари натижалари билан танишиш;

ўз хоҳишига кўра Захирадан чиқиш.

35. Захирага киритилган шахсларга қуйидаги мажбуриятлар юклатилади: мазкур Низом талабларига риоя қилиш;

билими, раҳбарлик салоҳияти ва шахсий сифатларини баҳолаш босқичидан ҳамда психодиагностикадан ўтиш;

Ривожланиш режасида белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш;

Агентлик томонидан тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида иштирок этиш, шу жумладан, хорижий стажировкаларда қатнашиш.

8-боб. Кадрлар захирасидан чиқариш тартиби

36. Қуйидаги ҳолларда Захирага киритилган шахслар ундан чиқарилади: мониторинг натижаларига кўра, зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни лозим даражада бажармагани, Ривожланиш режасида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширмагани аниқланганда;

таклиф этилаётган раҳбарлик лавозимини эгаллашдан бош тортганда;

мазкур Низом билан белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортганда ёки лозим даражада бажармаганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

қасддан содир этган жинояти учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига асосан айбдор деб топилганда;

суднинг қонуний кучга кирган қарорига асосан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

вафот этганда ёки бедарак йўқолган деб тан олинганда ёхуд унинг вафот этгани қонуний кучга кирган суд қарори билан эълон қилинганда;

ўз аризасига кўра.

37. Захирадан чиқариш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, шахс Миллий кадрлар захирасига умумий тартибда киритилиши мумкин.

9-боб. Якунловчи қоидалар

38. Захирадаги номзодлар ҳақидаги маълумотлардан фақат хизмат доирасида фойдаланишга йўл қўйилади.

39. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 июндаги
ПФ–95-сон Фармонида
8-ИЛОВА

**Давлат фуқаролик хизматчиларига малака даражаларини
бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат фуқаролик хизматчиларига малака даражаларини бериш тартибини белгилайди.

2. Давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий компетенцияларини ошириб бориш, моддий рағбатлантириш, касбий тайёргарлик даражаси лавозимга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларига давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг малака даражалари (кейинги ўринларда — малака даражалари) берилади.

Малака даражалари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва тегишли хулоса қабул қилиш учун давлат органида беш нафардан етти нафаргача аъзодан иборат Малака комиссияси тузилади.

3. Давлат фуқаролик хизматчиларига малака даражалари, қоида тариқасида, изчил тартибда олий маълумотга ва муайян иш стажига, малака оширганлиги тўғрисидаги сертификатга, малака комиссиясининг ижобий хулосасига эга бўлган тақдирда берилади. Бунда давлат фуқаролик хизматчисининг эгаллаб турган лавозими ёки унга олдинги иш жойида берилган махсус унвони (мартаба ва малака даражаси) инобатга олинади.

Олий маълумотга эга бўлмаган давлат фуқаролик хизматчиларига малака комиссияси қарорига асосан «6-, 5-малака даражалари» берилиши мумкин.

4. Мудофаа ишлари, фавқулодда вазиятлар, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органларининг махсус унвон ва мартаба даражасига эга бўлган ҳамда давлат фуқаролик хизматига қабул қилинган шахсларга малака даражаси мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ Давлат фуқаролик хизмати малака даражаларининг бошқа органларнинг унвон ва мартаба даражаларига нисбатини ҳисобга олган ҳолда берилади.

Ушбу қоида мудофаа ишлари, фавқулодда вазиятлар, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки махсус унвон ва мартаба даражаси берилиши назарда тутилган бошқа органларга ўтган давлат фуқаролик хизматчиларига ҳам қўлланади, ушбу органларнинг хизматни ўташга оид тартибларида (устав, низом ва ҳоказо) бошқача қоида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Давлат фуқаролик хизматчиларининг малака даражалари учун қўшимча тўлов миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Малака даражаларига эга бўлган давлат фуқаролик хизматчиларига уларда мавжуд бўлган бошқа махсус унвон ва мартаба даражалари учун ҳам

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қўшимча тўловлар тўланиши назарда тутилган ҳолларда тўлов миқдори бўйича юқориси тўлаб берилади.

2-боб. Малака даражалари

6. Давлат фуқаролик хизматчиларига қуйидаги малака даражалари берилади:

Олий даражали маслаҳатчи;

1-даражали маслаҳатчи;

2-даражали маслаҳатчи;

3-даражали маслаҳатчи;

1-даражали хизматчи;

2-даражали хизматчи;

3-даражали хизматчи;

4-даражали хизматчи;

5-даражали хизматчи;

6-даражали хизматчи.

7. Давлат фуқаролик хизматчилари учун малака даражасида бўлиш муддати қуйидагича белгиланади:

6-даражали хизматчи — икки йил;

5-даражали хизматчи — уч йил;

4-даражали хизматчи — уч йил;

3-даражали хизматчи — тўрт йил;

2-даражали хизматчи — тўрт йил.

«1-даражали хизматчи» ва ундан юқори малака даражаларида бўлиш муддати белгиланмайди.

8. Давлат фуқаролик хизматчисининг малака даражасида бўлиш муддатига унинг давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органи ва ташкилотидаги иш стажи киритилади.

Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, навбатдаги малака даражасини беришда давлат фуқаролик хизмати татбиқ этилмайдиган ташкилотлардаги иш стажи ҳам инобатга олинади.

9. Муайян бир малака даражасида бўлиш муддати календарь ҳисобда малака даражаси бериш ҳақида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ҳисобланади. Бунда ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган талаблар асосида малака даражаларига эга бўлган давлат фуқаролик хизматчиларига навбатдаги малака даражаларини беришда аввалги иш жойидаги иш стажи ҳам қўшиб ҳисобланади.

3-боб. Малака даражаларини бериш, пасайтириш ҳамда ундан маҳрум қилиш тартиби

10. Давлат фуқаролик хизматчиларига малака даражалари ушбу Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ тартибда берилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11. Малака даражалари Малака комиссиясининг ижобий хулосаси асосида берилади, «3-, 2- ва 1-даражали маслаҳатчи» ҳамда «Олий даражали маслаҳатчи» малака даражалари бундан мустасно.

12. Давлат органи раҳбари Агентлик билан келишилган ҳолда:

а) ишда алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ёки хизмат бурчини намунали ижро этган давлат фуқаролик хизматчиларига амалдаги мавжуд малака даражасида бўлиш муддатининг, қоида тариқасида, камида ярмини ўтаганидан сўнг рағбатлантириш мақсадида муддатидан олдин навбатдаги малака даражаси беришга;

б) изчилликка риоя қилмаган ҳолда, лекин давлат фуқаролик хизматчиси юқори давлат фуқаролик хизмати лавозимига тайинланганда ўзи эга бўлган малака даражасидан икки даража юқори бўлмаган малака даражаси беришга;

в) биринчи марта малака даражаси берилаётган давлат фуқаролик хизматчиларига улар эгаллаб турган давлат фуқаролик хизмати лавозими бўйича берилиши мумкин бўлган энг юқори малака даражасидан бир даража паст малака даражасини ёки унчага бўлган малака даражаларидан бирини беришга ҳақли.

Юқорида қайд қилинган бандлар бўйича «1-даражали хизматчи» малака даражаси Агентлик директори томонидан бериладиган ҳолларда тегишли давлат органи томонидан Агентлик директори номига тақдимнома киритилади.

13. Давлат фуқаролик хизматида иш стажига эга бўлмаган шахсларга малака даражаси давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллагандан кейин камида олти ой ўтгач изчилликка риоя қилган ҳолда «6-даражали хизматчи» малака даражаси берилади, мазкур Низомнинг 4-банди ва 12-бандининг «в» кичик бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14. Давлат фуқаролик хизматчиларига берилган малака даражалари уларда умрбод сақланиб қолади.

15. Давлат фуқаролик хизматчиларининг малака даражалари интизомий жазо тариқасида бир поғона пасайтирилиши мумкин. Бунда малака даражасини пасайтириш тўғрисидаги қарор малака даражаси берган давлат органи раҳбари томонидан Агентлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг аввалги малака даражаси тикланган ва уларга навбатдаги малака даражаси берилганга қадар малака даражасини такроран пасайтиришга йўл қўйилмайди.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси ва маслаҳатчиси томонидан малака даражасини муддатидан илгари бериш, навбатдан ташқари бериш ҳамда пасайтириш масалалари Агентлик билан келишилмайди.

17. Давлат фуқаролик хизматчисида амалдаги интизомий жазо чорасининг мавжудлиги ёки унга нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётганлиги малака даражаси берилишига тўсқинлик қилувчи ҳолат ҳисобланади.

18. Давлат фуқаролик хизматчиси жиноят содир этгани учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан малака даражасидан маҳрум этилиши мумкин.

4-боб. Малака комиссияси ишини ташкил этиш тартиби

19. Малака комиссияси таркибига қоида тариқасида:

давлат органи раҳбари (унинг ўринбосари);

давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси раҳбари (ходими);

давлат органининг таркибий тузилмалари раҳбарлари, юридик хизмати раҳбари (ходими) ва касаба уюшмаси раҳбари киритилади.

Давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси Малака комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

Малака комиссияси таркиби, фаолиятини ташкил этиш тартиби давлат органи раҳбари томонидан белгиланади.

Давлат органларининг тақдимномасига асосан «1-даражали хизматчи» малака даражасини бериш ва келишиш (муддатидан илгари бериш, навбатдан ташқари бериш ҳамда пасайтириш) масалаларини кўриб чиқиш учун Агентликда алоҳида Малака комиссияси шакллантирилади.

20. Давлат органининг ҳудудий ёки таркибий тузилмаси раҳбари томонидан Малака комиссиясининг ишчи органига малака даражасини (навбатдаги малака даражасини) олишга талабгор бўлган давлат фуқаролик хизматчиси тўғрисида тақдимнома ва тегишли ҳужжатлар тақдим этилади. Бунда Агентлик ваколатига тегишли масалалар бўйича ҳужжатлар давлат органи раҳбари томонидан ҳар ойнинг 15-санасига қадар Агентликка тақдим этилади.

21. Малака комиссияси томонидан давлат фуқаролик хизматчисининг малака даражасида бўлиш муддатига риоя этгани, касбий ютуқлари, малака оширгани ўрганилади ҳамда ўрганиш натижаларига кўра давлат фуқаролик хизматчисига тақдимномада кўрсатилган малака даражасини бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Малака комиссиясининг қарори уч иш куни мобайнида давлат фуқаролик хизматчисига доир ҳужжатлар билан биргаликда ишчи орган томонидан давлат органининг раҳбарига киритилади.

22. Давлат органининг раҳбари уч иш куни мобайнида Малака комиссияси қарорига асосан тегишли буйруқ (фармойиш, қарор ва бошқа) қабул қилади.

5-боб. Малака даражаларини бериш ёки пасайтириш масалаларини Агентлик билан келишиш тартиби

23. Мазкур Низомда давлат фуқаролик хизматчиларининг малака даражаларини муддатидан илгари бериш, навбатдан ташқари бериш ҳамда пасайтиришни Агентлик билан келишиш назарда тутилган ҳолларда давлат органи томонидан ушбу ҳолатларнинг сабаблари кўрсатилган тақдимнома ва уни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар Агентликка юборилади.

Зарур ҳолларда, Агентлик томонидан давлат фуқаролик хизматчисига тақдимномада кўрсатилган малака даражасини бериш ёки пасайтиришга доир қўшимча ҳужжатлар талаб қилиниши ҳамда у билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

24. Агентлик давлат фуқаролик хизматчисига малака даражаларини бериш ёки пасайтириш масаласини ўн иш кунида кўриб чиқиб, келишиш натижалари бўйича тегишли давлат органини хабардор қилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

25. Берилган малака даражаси давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат гувоҳномасида кўрсатилади ҳамда малака даражасига оид ҳужжатлар унинг шахсий ҳужжатлари тўпламида сақланади.

Малака даражаси берилганлиги бўйича буйруқ (фармойиш, қарор ва бошқа) «hgm.argos.uz» электрон тизимига тегишли давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси томонидан киритилади.

26. Давлат фуқаролик хизматчиси давлат органининг малака даражасини бериш, пасайтириш ёки малака даражаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарорларидан норози бўлган тақдирда, қонунчиликда белгиланган муддатларда юқори турувчи давлат органига ёки Агентликка ёхуд судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

27. Агентлик ўз ваколати доирасида давлат органлари томонидан ушбу Низомга риоя қилиниши ҳолатларини ўрганиш юзасидан мониторинг ўтказиш ҳуқуқига эга.

28. Давлат органи томонидан ушбу Низом талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган ёки навбатдаги малака даражаси асоссиз равишда кечиктирилишига йўл қўйилган тақдирда, Агентлик давлат органи раҳбарига аниқланган қонунчилик бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади.

29. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 июндаги
ПФ–95-сон Фармонига
9-ИЛОВА

**Давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий
компетенцияларини узлуксиз равишда ошириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий компетенцияларини узлуксиз равишда ошириш тартибини белгилайди.

Қайта тайёрлаш, малака ошириш ва мустақил таълим олиш давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенцияларини узлуксиз равишда оширишнинг асосий шакллари.

Касбий компетенцияларни узлуксиз равишда ошириб бориш давлат фуқаролик хизматчиларининг мажбурияти ҳисобланади ва давлат фуқаролик хизматини ўташ муддати давомида амалга оширилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат органлари) ўрнатилган тартибда давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий компетенцияларини оширишни таъминлаш учун масъул ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизматчилари ўз касбий компетенцияларини узлуксиз равишда ошириб бориши уларни тегишли равишда рағбатлантириш, юқорироқ лавозимга тайинлаш ёки юқорироқ малака даражасини бериш ва Миллий кадрлар захирасига киритишнинг муҳим шарт ҳисобланади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

баҳолаш — давлат фуқаролик хизматчисининг қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсида ўзлаштирган касбий компетенциялари даражасини аниқлаш жараёни;

касбий компетенциялар — давлат фуқаролик хизматчисига ўз фаолиятини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган касбий билимлар, кўникмалар ва малакалар йиғиндиси;

малака ошириш — давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенцияларини оширишга ва мунтазам равишда янгилаб боришга қаратилган таълим жараёни;

мустақил таълим — давлат фуқаролик хизматчиси янги билимлар ва тажрибага эга бўлиш учун ишдан бўш вақтида касбий компетенцияларини ошириш жараёни;

қайта тайёрлаш — давлат фуқаролик хизматчиси самарали фаолияти учун зарур бўлган кўшимча касбий билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллаши учун ташкил этилган таълим жараёни.

3. Давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий компетенцияларини уз-

луксиз равишда ошириш мазкур Низомнинг иловасидаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган талаблар

4. Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш давлат фуқаролик хизматини ўташдан ажралган ва ажралмаган ҳолда амалга оширилади.

Давлат фуқаролик хизматини ўташдан ажралган ҳолда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида иштирок этаётган давлат фуқаролик хизматчиларининг асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланади ҳамда транспорт, яшаш ва кундалик харажатлари давлат органи томонидан қопланади.

5. Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда — таълим ташкилотлари) томонидан амалга оширилади.

6. Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш:

давлат органларининг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан;

таълим ташкилотларига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) қошидаги Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак ва грантлари ҳисобидан;

давлат фуқаролик хизматчисининг ўз маблағлари ҳисобидан;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириғига мувофиқ, давлат фуқаролик хизматчиларининг муайян гуруҳлари учун Агентлик томонидан махсус ўқув-амалий семинар ва тренинглار таълим ташкилотлари билан тузиладиган тўғридан-тўғри шартномалар асосида ташкил этилади.

8. Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш учун ўтказилган тендер натижалари бўйича ғолибни аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда, энг яхши таклифларни танлаш орқали давлат органи билан таълим ташкилоти ўртасида ўрнатилган тартибда шартномалар тузилиши мумкин.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги давлат органлари ва ташкилотларидаги давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талабларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув режа ва ўқув дастурлари давлат органлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат таълим талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

3-боб. Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни иштирокчиларининг ваколатлари ва вазифалари

10. Агентлик:

давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини мувофиқлаштиради;

давлат органлари томонидан ҳар йили келгуси календарь йил учун давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режасининг шакллантирилиши ва амалга оширилишини назорат қилади;

давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим ташкилотлари томонидан мазкур Низом талабларига риоя этилишини мониторинг қилади;

давлат органлари томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг лавозим гуруҳлари ва малака даражаларидан келиб чиқиб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур бўладиган касбий компетенциялар рўйхатининг ишлаб чиқирилиши ва янгиланган борилишини таъминлайди;

Агентликнинг масофавий таълим платформасида давлат фуқаролик хизматчилари учун масофавий таълим олиш имкониятларини яратади. Бунда ушбу платформада бепул ўқув дастурлари билан биргаликда ҳақ эвазига қўшимча хизматлар (ўқув курслари, адабиётлар ва ҳоказо) кўрсатилиши мумкин.

11. Давлат органлари:

ҳар йили келгуси календарь йил учун давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режасини шакллантиради;

ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишда таклифлар киритади ҳамда мазкур курсларнинг ўқув режа ва ўқув дастурларини тасдиқлайди;

давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режасини амалга ошириш учун таълим ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномалар тузилиши ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;

давлат фуқаролик хизматчиларининг малака оширишга ўз вақтида ва тўлиқ жалб қилилишини таъминлайди;

давлат фуқаролик хизматчиларининг малака оширгани тўғрисидаги маълумот «Давлат фуқаролик хизматининг ягона электрон ахборот-таҳлил тизими» дастурий-аппарат комплексига (кейинги ўринларда — дастурий-аппарат комплекси) киритиб борилишини ташкил қилади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида давлат фуқаролик хизматчилари томонидан дастурларни ўзлаштириш даражасини мониторинг қилиб боради;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида давлат фуқаролик хизматчиларининг иштирок этиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратади ҳамда транспорт, яшаш ва кундалик харажатларини қоплайди.

12. Таълим ташкилотлари:

давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун киритади;

давлат фуқаролик хизматчиларининг самарали фаолияти учун зарур бўлган касбий компетенциялар рўйхати асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича ўқув режа ва ўқув дастурларини такомиллаштириб боради;

профессионал даражада машғулотларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув, ўқув-услубий ва моддий-техника базасини яратади ҳамда доимий равишда такомиллаштириб боради;

профессор-ўқитувчилар таркибининг касбий тайёргарлигини узлуксиз ривожлантириб боради, ўқув жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб қилади;

давлат таълим талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларига мувофиқ қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда ўтказди;

ўқув жараёнининг амалиёт билан уйғунлигини таъминлайди;

давлат фуқаролик хизматчилари учун масофавий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, масофавий малака ошириш курсларини яратиш ва доимий равишда янгилаб бориш чораларини кўради;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари якунида тингловчилар билимини баҳолайди ҳамда баҳолаш натижаларини, шунингдек, диплом ва сертификатлар тўғрисидаги маълумотларни давлат фуқаролик хизматчисининг портфолиосида акс эттириш мақсадида дастурий-аппарат комплексига киритади, ўзларининг электрон таълим платформасини дастурий-аппарат комплексига интеграция қилади.

13. Давлат фуқаролик хизматчилари:

давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида фаол иштирок этади, ўқув режа ва ўқув дастурларига мувофиқ материалларни ўзлаштиради, Агентликнинг масофавий таълим платформасига уланади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари якуни бўйича баҳолаш жараёнига пухта тайёргарлик кўради;

таълим ташкилотининг ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилади, унинг мол-мулки, моддий ва маданий бойликларини асрайди;

таълим ташкилотининг ўқув, услубий, илмий-ишлаб чиқариш, маданий, спорт ва маиший объектларидан фойдаланади.

Давлат фуқаролик хизматчилари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4-боб. Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш тартиби

14. Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш курсларининг таълим ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган ўқув режа ва ўқув дастурлари асосида ташкил этилади.

15. Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш курслари ўқув юкламаси ҳажми камида 288 соатни ташкил этади.

Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш курсларининг давомийлиги давлат фуқаролик хизматини ўташдан ажралган ҳолда олти ойдан ҳамда давлат фуқаролик хизматини ўташдан ажралмаган ҳолда бир йилдан кўп бўлмаган муддатни ташкил этади.

16. Қайта тайёрлаш курслари якунлари бўйича баҳолашдан муваффақиятли ўтган давлат фуқаролик хизматчиларига давлат намунасидаги диплом берилади. Шунингдек, электрон генерация қилинган, электрон имзо ёки унинг муқобил шаклидаги восита (QR код) билан тасдиқланган диплом тақдим этилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш курсларини муваффақиятли якунлаганлик тўғрисидаги диплом у берилган кундан эътиборан уч кунлик муддатда таълим ташкилоти ёки давлат фуқаролик хизматчиси томонидан дастурий-аппарат комплексидаги маълумотлар базасида қайд этилади.

17. Қайта тайёрлаш курси якуни бўйича баҳолашдан ўта олмаган давлат фуқаролик хизматчиси бир ой муддатда ўқув материалларини мустақил қайта ўзлаштиради ва такрорий баҳолашдан ўтади.

Таълим ташкилотлари давлат фуқаролик хизматчиларига ўқув материалларни қайта ўзлаштириш ва такрорий баҳолашдан ўтиш учун шароит яратиб беради.

18. Такрорий баҳолашдан ўта олмаган давлат фуқаролик хизматчисига мазкур Низомнинг 16-бандида назарда тутилган диплом берилмайди. Бунда қайта тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар иш берувчи томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда давлат фуқаролик хизматчисидан ундириб олиниши мумкин.

19. Давлат фуқаролик хизматчиси қайта тайёрлаш курсида иштирок этиши ва муваффақиятли якунлашини таъминлаш бўйича масъулият давлат органининг раҳбари зиммасига юкланади.

5-боб. Давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш тартиби

20. Давлат фуқаролик хизматчилари қуйидаги ҳолларда малака ошириш курсларига ўқишга юборилади:

биринчи марта давлат фуқаролик хизматига кирганда;

навбатдаги малака ошириш муддати келганда;

Миллий кадрлар захирасига киритилганда;

касбий компетенцияларини баҳолаш натижаларига кўра;

ротация қилинганда;

давлат органининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб бошқа ҳолларда.

21. Давлат фуқаролик хизматчилари ҳар уч йилда камида 72 соат малака ошириш курсларида ўтишга мажбур.

Малака ошириш курслари таълим ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган ўқув режа ва ўқув дастурлари асосида ташкил этилади.

22. Малака ошириш курслари якунлари бўйича давлат фуқаролик хизматчиларининг ўқув дастурини ўзлаштирганлиги баҳоланади.

Малака ошириш курслари якунлари бўйича баҳолашдан муваффақиятли ўтган давлат фуқаролик хизматчиларига белгиланган намунадаги сертификат берилади. Шунингдек, электрон генерация қилинган, электрон имзо ёки унинг муқобил шаклидаги восита (QR код) билан тасдиқланган сертификат тақдим этилиши мумкин.

Малака оширганлик тўғрисидаги сертификат у берилган кундан эътиборан уч иш кунлик муддатда таълим ташкилоти ёки давлат фуқаролик хизматчиси томонидан дастурий-аппарат комплексидаги маълумотлар базасида қайд этилади.

23. Малака ошириш курси якуни бўйича баҳолашдан ўта олмаган давлат фуқаролик хизматчиси икки ҳафта муддатда ўқув материалларини мустақил қайта ўзлаштиради ва такрорий баҳолашдан ўтади.

Таълим ташкилотлари давлат фуқаролик хизматчиларига ўқув материалларини қайта ўзлаштириш ва такрорий баҳолашдан ўтиш учун шароит яратиб беради.

Такрорий баҳолашдан ўта олмаган давлат фуқаролик хизматчисига мазкур Низомнинг 22-бандида назарда тутилган сертификат берилмайди. Бунда малака ошириш билан боғлиқ харажатлар иш берувчи томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда давлат фуқаролик хизматчисидан ундириб олиниши мумкин.

24. Давлат фуқаролик хизматчиси малака ошириш курсида иштирок этиши ва муваффақиятли якунлашини таъминлаш бўйича масъулият давлат органининг раҳбари зиммасига юкланади.

6-боб. Давлат фуқаролик хизматчиларининг мустақил таълим олиши

25. Мустақил таълим якка тартибда амалга оширилади ҳамда давлат фуқаролик хизматчисининг касбий, шахсий, интеллектуал, ахлоқий, маънавий-маърифий ва маданий ривожланишига хизмат қилади.

26. Мустақил таълим давлат фуқаролик хизматчиси ихтиёрий равишда хизмат фаолияти йўналишларига доир материалларни ўрганиши, таълим ресурсларига жойлаштирилган масофавий курсларда иштирок этиши, китобхонлик ва бошқа шаклларда ўз устида ишлашини назарда тутди.

27. Мустақил равишда касбий компетенцияларни ошириш давлат фуқаролик хизматчиси томонидан календарь йили учун ихтиёрий равишда ишлаб чиқиладиган шахсий ривожланиш режаси асосида амалга оширилади.

Давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари давлат фуқаролик хизматчиси шахсий ривожланиш режасини бажаришини мониторинг қилиб боради.

**7-боб. Давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш
ҳамда уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўқув
режа ва ўқув дастурларига қўйиладиган талаблар**

28. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари давлат таълим талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурлари асосида ўтказилади.

29. Ўқув режа ва ўқув дастурлари давлат таълим талабларидан келиб чиқиб ҳамда таълим олувчиларнинг амалдаги эҳтиёжлари ва уларнинг тайёргарлик даражасини эътиборга олган ҳолда шакллантирилади. Ўқув режа ва ўқув дастурлари давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти хусусиятини ҳисобга олган ҳолда турли фаолият соҳалари учун алоҳида ишлаб чиқилиши мумкин.

30. Ўқув режа ва ўқув дастурлари хорижий тажриба ва соҳадаги илғор ютуқларга мувофиқ ҳолда яратилиши, таълимнинг узлуксизлиги, изчиллиги тамойилларига ва кетма-кетлигини таъминлашга доир талабларга жавоб бериши лозим.

31. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режа ва ўқув дастурлари давлат органлари таклифи ҳамда заруратга қараб янгиланади.

32. Ўқув режа ва ўқув дастурлари таълим олувчиларга билимларни мустақил излаш ва уларни ўзлаштириш учун қулай имкониятларни назарда тутиши керак.

8-боб. Яқунловчи қоида

33. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 июндаги
ПФ–95-сон Фармонида
10-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5843-сон Фармонида:

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 9-бандининг «г» кичик бандидаги ва 10-бандининг олтинчи хатбошисидаги «давлат хизмати, аҳоли билан мулоқот ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш» сўзлари «кадрлар сиёсати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Қуйидагилар Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизмати соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истиқболларининг мониторинги ҳамда таҳлилини амалга ошириш, шунингдек, мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасида кадрларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг инновацион усуллари жорий этиш;

Миллий кадрлар захирасини бошқариш, Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрини юритиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ порталини ташкил этиш ва юритиш;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантиришда иштирок этиш;

давлат фуқаролик хизматига малакали ва юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижда яшаётган ватандошлар орасидан аниқлаш ва жалб этиш, шунингдек, иқтидорли ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш;

кадрларни давлат фуқаролик хизматига танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштириш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни изчил такомиллаштириб бориш, давлат фуқа-

ролик хизматчилари шахсий маълумотларининг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш;

давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, уларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши учун тегишли шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш;

давлат хизматчилари ва мутахассисларни хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ташкил этишга кўмаклашиш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасида чет давлатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш»;

в) 8-банднинг «б» кичик бандида:

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«малакали ва юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижда яшовчи ватандошларни ва хорижий давлатларнинг фуқароларини тўғридан-тўғри шартнома асосида жалб этиш (уларнинг харажатларини, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш, яшаш, транспорт харажатлари ва бошқаларни молиялаштириш)»;

қўйидаги мазмундаги тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари билан тўлдирилсин:

«Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги таркибида (қошида) ташкил этиладиган юридик шахсларнинг моддий техник базасини шакллантириш (қуриш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, тегишли ускуна ва жиҳозлар харид қилиш ва бошқалар) ҳамда фаолиятини молиялаштириш;

белгиланган тартибда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун тўловларни компенсация қилишга»;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар тегишинча ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори, шунингдек, у ваколат берган директор ўринбосарларидан бири Жамғарма маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади»;

г) 10-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ҳар йили қисқа муддатли (30 — 60 соатли) малака ошириш курсларидан» сўзлари «белгиланган муддатларда малака ошириш курсларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, шунингдек, белгиланган тартибда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан лицензияланган нодавлат таълим муассасалари» сўзлари «илмий ташкилотлар, давлат, нодавлат таълим муассасалари ва ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«истикболли бошқарув кадрларини саралаб олиш ва тайёрлаш бўйича

республика танловларини ўтказиш Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6260-сон Фармонида:

а) 5-бандида:

биринчи ва учинчи хатбошидаги «500» рақами «300» рақами билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ҳар йили 1 сентябрга қадар кейинги ўқув йили учун ойлик устамалар татбиқ этиладиган таълим йўналишлари, тор мутахассисликлар рўйхати давлат органлари, ташкилот ва муассасаларининг таклифлари асосида шакллантирилади»;

б) 1-иловада:

жадвалнинг 3-қатори чиқариб ташлансин;

изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Изоҳ: лавозим маошларига қўшиб бориладиган устамалар:

ёш мутахассис диплом олган йилда халқаро эътироф этилган (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education) рейтинг берувчи ташкилотларнинг юқори 300 талик рўйхатига киритилган хорижий олий таълим муассасаларини 2021 йил ва келгуси йилларда тамомлаган ёш мутахассисга нисбатан татбиқ этилади. Бунда:

хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари халқаро эътироф этилган рейтинг берувчи ташкилотларнинг юқори 300 талик рўйхатига алоҳида киритилган тақдирда инобатга олинади;

ойлик устамалар тегишли давлат органлари, ташкилот ва муассасаларида эгаллаган мутахассислиги бўйича тўлиқ бандлик режимида ишлаётган ёш мутахассисларга нисбатан татбиқ этилади;

ушбу қўшимча устамалар Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари билан қўшма ўқув дастурлари асосида, шунингдек, онлайн (масофавий) ва сиртқи таълим шаклида ўқиган ёш мутахассисларга нисбатан татбиқ этилмайди;

ёш мутахассис ушбу жадвалда келтирилган қўшимча миқдорларнинг биттасидан умумий 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ўттиз ёшдан ошмагунга қадар фойдаланиши мумкин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низомда:

а) 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган ёки адлия органлари ходимлари учун белгиланган тартибда берилган мартаба даражаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳу-

зуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг бошқарув ходимларига»;

бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча олтинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 4¹-банднинг «а» кичик бандида «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бошқарув ходимларига, шунингдек,» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори тавсияномасига кўра Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган ёки адлия органлари ходимлари учун белгиланган тартибда берилган мартаба даражаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг бошқарув ходимларига» сўзлари билан тўлдирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–4472-сон қарорида:

а) 7-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини, шу жумладан давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимларини жалб қилган ҳолда ўрганиш»;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар, чет эл компанияларининг раҳбарлари ва мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш»;

тўққизинчи хатбоши ўзбек тили матнидаги «қонун ҳужжатларига» сўзлари «қонунчиликка» сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўнинчи — ўн тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«ўз ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ифодалаш;

ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, етакчи лойиҳа институтлари, илмий муассасалари ва бошқа ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари ҳамда мутахассислари билан иш ёзишмаларини олиб бориш, тадбирларни ташкил этиш ва ҳадли келишувларни тузиш орқали ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ва сақлаш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузишда иштирок этиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

ўз фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича зарур ташкилий-ҳуқуқий шаклда юридик шахс мақомига эга бўлган ёки юридик шахс мақомига эга бўлмаган лойиҳа офисларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва молиявий таъминлаш (бюджет, бюджетдан ташқари маблағлар, давлат иштирокидаги корхоналарнинг маблағлари, хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ҳукумат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, чет эл компаниялари, ташкилотлари ва жамғармаларининг грантлари, техник кўмаги ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар)»;

б) 2-иловадаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат хизмати, аҳоли билан мулоқот ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси — Директор» блоки «Ўзбекистон Республикаси Президентининг кадрлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — Директор» блоки билан алмаштирилсин;

в) 4-иловада:

11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Қуйидагилар Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизмати соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истиқболларининг мониторинги ҳамда таҳлилини амалга ошириш, шунингдек, мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасида кадрларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг инновацион усулларини жорий этиш;

Миллий кадрлар захирасини бошқариш, Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрини юритиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ порталини ташкил этиш ва юритиш;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантиришда иштирок этиш;

давлат фуқаролик хизматига малакали ва юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижда яшаётган ватандошлар орасидан аниқлаш ва жалб этиш, шунингдек, иқтидорли ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш;

кадрларни давлат фуқаролик хизматига танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштириш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни изчил такомиллаштириб бориш, давлат фуқаролик хизматчилари шахсий маълумотларининг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш;

давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, уларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши учун тегишли шарт-шароитлар яратишга қўмаклашиш;

давлат хизматчилари ва мутахассисларни хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ташкил этишга қўмаклашиш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасида чет давлатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш»;

12-бандда:

«а» кичик банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизмати соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш ва давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги сиёсатнинг асосий йўналишларини шакллантириш бўйича таклифлар тайёрлайди»;

«б» кичик банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш соҳасида:»;

«в» кичик бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истиқболларининг мониторинги ҳамда таҳлилини амалга ошириш, шунингдек мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:»;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истиқболларини таҳлил қилади ва унинг натижалари бўйича соҳани такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлайди»;

«г» кичик бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) давлат фуқаролик хизмати соҳасида кадрларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг инновацион усуллари жорий этиш соҳасида:»;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиятини белгилайди»;

«е» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини энг

муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантиришда иштирок этиш соҳасида:

давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида фойдаланиладиган энг муҳим кўрсаткичлар ишлаб чиқишини таъминлайди;

энг муҳим кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига раҳбарлик қилади ва услубий ёрдам кўрсатади;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигининг натижаларини таҳлил қилади ҳамда уларнинг ҳолислиги ва ҳаққонийлигини танланма тартибда назорат қилади;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятдан қониқиш даражасини баҳолашнинг замонавий услубларидан фойдаланади, шу жумладан жамоатчилик фикрини ўрганади, статистика ва ижтимоий тадқиқотларни таҳлил қилади;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантиради;»;

«ж» кичик банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ж) малакали ва юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижда яшаётган ватандошлар орасидан аниқлаш ва жалб этиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматида иқтидорли ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш соҳасида»;

«з» кичик банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«з) кадрларни давлат фуқаролик хизматида танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштириш соҳасида:»;

«и» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«и) давлат фуқаролик хизмати соҳасида чет давлатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш соҳасида:

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш соҳасида чет давлатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчиликда белгиланган бошқа турдаги ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, тузиш бўйича таклифларни келишади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тайёрлаш ва ижро этишда иштирок этади;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича чет давлатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлари, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотлар билан белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш учун хорижий ташкилотлар томонидан ажратилган маблағларни белгиланган тартибда жалб қилиш ва улардан фойдаланишни ташкил этади;

давлат фуқаролик хизматини ташкил этиш соҳасидаги халқаро тажрибаларни ўрганади ва Ўзбекистон Республикасида ушбу соҳани ривожлантиришга доир таклифларни киритади;

хорижий ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни ўрнатади ва ривожлантиради»;

14-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини, шу жумладан давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимларини жалб қилган ҳолда ўрганиш»;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар, чет эл компанияларининг раҳбарлари ва мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш, шу жумладан шартнома асосида жалб этиш»;

тўққизинчи хатбошидаги ўзбек тили матнидаги «қонун ҳужжатларига» сўзлари «қонунчиликка» сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўнинчи — ўн олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«ўз ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ифодалаш;

ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, етакчи лойиҳа институтлари, илмий муассасалари ва бошқа ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари ҳамда мутахассислари билан иш ёзишмаларини олиб бориш, тадбирларни ташкил этиш ва ҳадли келишувларни тузиш орқали ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ва сақлаш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузишда иштирок этиш;

ўз ваколатига қирувчи масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

ўз фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича зарур ташкилий-ҳуқуқий шаклда юридик шахс мақомига эга бўлган ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган лойиҳа офисларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва молиявий таъминлаш (бюджет, бюджетдан ташқари маблағлар, давлат иштирокидаги корхоналарнинг маблағлари, хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ҳукумат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, чет эл компаниялари, ташкилотлари ва жамғармаларининг грантлари, техник қўма-

ги ва бошқа ташқи беғараз қўмак маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар);

ўз ваколатлари доирасида маслаҳат-кенгаш органлари ва эксперт комиссияларини ташкил этиш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасини ислоҳ қилишнинг муҳим тизимли муаммоларини ҳал этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида давлат органлари, халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа манфаатдор томонларнинг самарали ҳамкорлиги учун эксперт майдончаларини ташкил этиш»;

ўнинчи — ўн еттинчи хатбошилар тегишинча ўн еттинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

16-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишини, шу жумладан давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларида давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини ўрганиш;

давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида ёзма огоҳлантиришлар эълон қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилишини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш»;

22-банддаги «давлат хизмати, аҳоли билан мулоқот ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш» сўзлари «кадрлар сиёсати» сўзлари билан алмаштирилсин;

27-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимларига илгари ишлаган жойида берилган ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба ва малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) сақланиб қолади ҳамда уларнинг Давлат хизматини ривожлантириш агентлигида ишлаган вақти ҳарбий ва махсус унвонларни (мартаба ва малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) олиш учун зарур бўлган иш стажига киритилади.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига лавозимга тайинланган (юборилган) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш даврида пул таъминоти сақланмаган ҳолда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кадрларининг амалдаги захирасига тўғридан-тўғри киритилади».

Изоҳ: мазкур илованинг 2-банди 2025 йил 1 сентябрдан эътиборан қучга киради ва унда назарда тутилган қоидалар ушбу санадан кейин тақдим этилган ҳужжатларга нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 июндаги
ПФ–95-сон Фармониға
11-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5519-сон Фармони)»ги ПФ–5650-сон Фармониға 1-илованинг 85-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги «Меҳнатға ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–5723-сон Фармони)»ги ПФ–5894-сон Фармониға илованинг 67-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–107-сон Фармониға 1-илованинг 36-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги «Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3755-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 майдаги ПҚ–3755-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ПҚ–4200-сон қарори.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

300 Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини тартибга солишга қаратилган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ–345-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, касбий стандартларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ тартиб ва талабларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ–345-сон қарорига мувофиқ:

Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши);

Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари (кейинги ўринларда — тармоқ кенгашлари) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика кенгаши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ;

Малакани баҳолаш маркази тўғрисидаги намунавий низом 3-иловага мувофиқ;

Малакани баҳолаш марказларини аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

касбий ва олий таълим ташкилотлари, касбий кўникмалар марказлари, нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш таълими ташкилотлари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ташкилотлари тегишли таълим дастурларини касбий стандартларга мувофиқ ишлаб чиқади;

малакани баҳолаш марказлари касбий имтиҳонларнинг амалий қисмини ўтказишда технопарклар, тегишли соҳа корхоналари ҳамда таълим ташкилотларининг ишлаб чиқариш базалари, полигонлари, устахоналари, лаборатория ва бошқа моддий-техника воситаларидан келишув асосида фойдаланади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 июнда эълон қилинган.

малакани баҳолаш марказлари томонидан малака даражаларига мувофиқ меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган норасмий ва информал таълим натижалари бўйича малака сертификати ҳамда малака разрядлари бўйича малака паспортлари берилади;

малака сертификати ва малака паспорти Лойиха-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари ҳамда Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингларида инобатга олинади;

Миллий малака тизимининг ягона рақамли платформаси вазирлик ва идораларнинг мавжуд ахборот тизимларига интеграция қилинади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг Миллий малака тизимини ривожлантириш институти (кейинги ўринларда — Институт) Республика кенгашининг ишчи органи ҳисобланади ва Миллий малака тизимини мувофиқлаштирувчи регулятор вазифасини бажаради;

меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари бўйича Институт директори — илмий-тадқиқот муассасаси директорига, директор ўринбосари — илмий-тадқиқот муассасаси директорининг ўринбосарига, гуруҳ раҳбари — илмий-тадқиқот муассасаси илмий котибига, бош мутахассис — илмий-тадқиқот муассасаси бош илмий ходими ва етакчи мутахассис — илмий-тадқиқот муассасаси етакчи илмий ходими тенглаштирилади.

5. Институт:

а) ҳар йили 1 декабрга қадар тармоқ кенгашлари билан биргаликда Республика кенгашининг келгуси йил учун иш режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин;

б) 2026 йил 1 январдан бошлаб ҳар йили миллий малака тизимини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган тармоқ кенгашлари, баҳолаш марказлари ва иш берувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида республика танловини (кейинги ўринларда — танлов) ташкил этсин.

Бунда танлов жараёнига халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва жамоатчилик вакиллари жалб қилинади ҳамда танлов натижалари бўйича голиб деб топилган иштирокчилар белгиланган тартибда мукофотланади;

в) танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Республика кенгашига киритсин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарорига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров, камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 17 июнь,
369-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 17 июндаги 369-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика
кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика кенгашининг (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Республика кенгаши миллий малака тизими билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш, Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари (кейинги ўринларда — тармоқ кенгашлари) фаолиятини самарали ташкил этиш ва миллий малака тизимига доир қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, жамоатчилик асосида фаолият юритадиган коллегиал орган ҳисобланади.

3. Республика кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, ушбу Низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

4. Республика кенгашининг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, иш берувчилар, олий ва касбий таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва жамоат бирлашмалари учун бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

**2-боб. Республика кенгашининг асосий вазифалари ва
функциялари**

5. Республика кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

Миллий малака тизимини жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатини белгилаш;

Миллий малака тизими жорий қилинишини мониторинг қилиш, баҳолаш ва стратегик режалаштириш;

Миллий малака тизимини ривожлантириш ва жорий қилиш жараёнига республика ижро этувчи ҳокимият органлари, иш берувчилар, олий ва профессионал таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмаларини жалб қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

касбий малакалар бўйича тармоқ кенгашларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

тармоқ малака рамоклари ва касбий стандартлар макетлари ва лойиҳаларини тасдиқлаш, уларнинг ишлаб чиқилишини мониторинг қилиш ҳамда янгилаб борилишини мувофиқлаштириш;

иш берувчилар талабларининг таълим дастурлари мазмуни билан ўзаро интеграциясини кучайтириш, таълим сифатини оширишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини аккредитациядан ўтказишни ташкиллаштириш;

Миллий малака тизимининг халқаро миқёсда тан олинисини таъминлаш чораларини кўриш;

Миллий малака тизимини рақамлаштириш ва тизимга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

касбий стандартлар сифатли ишлаб чиқилиши ва амалиётда қўлланишини таъминлаш.

6. Республика кенгаши ўзига юкланган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги функцияларни амалга оширади:

миллий малака тизимини жорий этиш ва ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Республика кенгашининг иш режасини тасдиқлаш;

Республика кенгашининг мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш;

миллий малака тизими жорий қилиниши ҳолатини мониторинг қилиш;

миллий малака тизими бўйича стратегик йўналишларни белгилаш;

таълим ва илмий ташкилотлар, тармоқлар, иш берувчилар ҳамда бошқа томонлар ўртасида миллий малака тизимини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли вазифалар тақсимотини белгилаш;

миллий малака тизимини ривожлантиришга масъул ташкилотларнинг вазифаларини белгилаш ҳамда уларни назорат қилиш;

миллий малака тизимининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш мақсадида семинар, конференция ва малака ошириш курсларини ташкил қилиш бўйича вазифаларни белгилаш;

камида 50 фоизи иш берувчиларнинг вакилларида иборат бўладиган тармоқ кенгашларини ташкил қилиш ёки тугатиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг Миллий малака тизимини ривожлантириш институти (кейинги ўринларда — Институт) томонидан ишлаб чиқилган тармоқ малака рамоклари, касбий стандартлар макетлари ва лойиҳаларини тасдиқлаш;

касбий малакалар тизимини ривожлантириш бўйича соҳавий уюшмаларда тармоқ кенгашларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш;

тармоқ малака рамоклари ва касбий стандартлар ишлаб чиқилишини мониторинг қилиш ҳамда янгилаб борилишини мувофиқлаштириш;

касбий стандартлар асосида натижага йўналтирилган таълим дастурларини ишлаб чиқилишини таъминлаш;

таълим сифатини оширишга қаратилган самарали механизмни жорий қилиш бўйича муҳокамалар ташкил қилиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини аккредитациядан ўтказиш жараёнида шаффофлик ва холисликни таъминлаш;

малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини ташкил қилиш бўйича тизимли равишда эҳтиёжларни ўрганиш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларнинг масъулиятини ошириш;

миллий малака тизимида доир ҳужжатларни халқаро талабларда ишлаб чиқирилишини ва жорий қилирилишини назорат қилиш;

касбий малакаларнинг халқаро миқёсда тан олинлиши бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва экспертларни жалб қилиш чораларини кўриш;

миллий малака тизимининг ягона рақамли платформасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш;

миллий малака тизимининг ягона рақамли платформасини вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларига интеграция қилиш чораларини кўриш;

тармоқ кенгашлари томонидан касбий стандартларни ишлаб чиқиш бўйича режа-жадвални тасдиқлаш;

тармоқ кенгашлари томонидан касбий стандартларни маҳаллий ва халқаро меҳнат бозорлари талаблари асосида ишлаб чиқирилишини таъминлаш;

касбий стандартларни ишлаб чиқиш бўйича режа-жадвал ижросини мониторинг қилиш.

3-боб. Республика кенгашининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Республика кенгаши ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

миллий малака тизимини ривожлантириш мақсадида комиссиялар ва ишчи гуруҳлар тузиш;

миллий малака тизимини ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқилган лойиҳаларни такомиллаштириш бўйича маҳаллий ва чет эллик мутахассисларни, шунингдек, экспертларни жалб қилиш;

касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш;

таълим, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакилларини Республика кенгашининг мажлисларига таклиф этиш;

миллий малака тизимини ривожлантиришда фаол иштирок этган тармоқ кенгашлари аъзолари ва бошқа мутахассисларни рағбатлантириш бўйича тегишли ташкилотларга кўрсатмалар бериш;

миллий малака тизимида оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш чораларини кўриш;

меҳнат бозорининг таклиф ва талаблари асосида кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, таълим ташкилотларига қабул параметрларини

белгилаш бўйича таълим соҳасидаги ваколатли органлар ҳамда тармоқ кенгашларига тавсия ва кўрсатмалар бериш.

Республика кенгаши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Республика кенгаши ўзига юклатилган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Республика кенгаши фаолиятини ташкил этиш

9. Республика кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланади.

10. Республика кенгаши раис, унинг ўринбосари, котиб ва кенгаш аъзоларидан иборат бўлади. Республика кенгаши аъзолари унинг ишида жамоатчилик асосида иштирок этади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Республика кенгашининг раиси ҳисобланади.

11. Республика кенгаши раиси:

Республика кенгашига умумий раҳбарлик қилади;

Республика кенгаши мажлисларини ўтказди ва ваколатига доир масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Республика кенгаши раисининг ўринбосари ҳамда унинг аъзолари ваколатлари, мажбуриятлари ва шахсий жавобгарлик даражасини белгилайди.

Республика кенгаши раисига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юкланиши мумкин.

12. Институт Республика кенгашининг ишчи органи ҳисобланади ва Институт директори Республика кенгашининг котиби вазифасини бажаради.

Котиб бир вақтнинг ўзида Республика кенгашининг аъзоси ҳисобланади ва у Республика кенгаши мажлислари кун тартиби ҳамда материалларини тайёрлайди, шунингдек, аъзоларни мажлис ўтказиладиган кун тўғрисида хабардор қилади.

13. Республика кенгаши мажлислари олти ойда камида бир маротаба ўтказилади ва заруратга кўра, навбатдан ташқари мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин.

Республика кенгаши раиси бўлмаган тақдирда, мажлисга унинг ўринбосари раҳбарлик қилади.

14. Республика кенгашининг мажлиси кун тартиби ва материаллари унинг аъзоларига мажлис ўтказилишидан уч иш куни олдин хабарнома билан бирга юборилади.

15. Республика кенгаши мажлиси аъзоларнинг учдан икки қисми иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

16. Республика кенгашининг қарори мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Республика кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Республика кенгаши қарори баён шаклида расмийлаштирилади ва раис томонидан тасдиқланади.

17. Республика кенгаши қарорининг асл нусхаси ва унга оид материаллар Институтда сақланади.

18. Республика кенгаши қарорининг нусхаси тегишлилиги бўйича тармоқ кенгашларига юборилади ва Институтнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

19. Тармоқ кенгашлари томонидан Республика кенгаши қарори ижроси бўйича маълумотлар белгиланган муддатларда Институтга тақдим этилади.

20. Институт томонидан Республика кенгашининг фаолияти ташкилий ва техник жиҳатдан таъминланади.

5-боб. Якунловчи қоида

21. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 17 июндаги 369-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича
тармоқ кенгашлари тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашларининг (кейинги ўринларда — Тармоқ кенгаши) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Тармоқ кенгаши соҳада малака тизимини ривожлантиришга оид вазифаларни белгилаш, фаолиятни мувофиқлаштириш, малакани баҳолаш марказлари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, малакаларни баҳолаш воситалари ишлаб чиқилишини таъминлаш ҳамда экспертизадан ўтказиш, тармоқ малака рамкалари ва касбий стандартларни ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, жамоатчилик асосида фаолият юритадиган коллегиал орган ҳисобланади.

3. Тармоқ кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) қарорлари, шунингдек, ушбу Низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

4. Тармоқ кенгашининг фаолияти Республика кенгаши томонидан мувофиқлаштирилади.

5. Тармоқ кенгашлари тўғрисидаги низомлар улар фаолиятини ташкил этиш учун масъул вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланади.

**2-боб. Тармоқ кенгашининг асосий вазифалари ва
функциялари**

6. Қуйидагилар Тармоқ кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:
меҳнат бозори мониторинги асосида тармоқларнинг малакаларга бўлган эҳтиёжлари ва тенденцияларини аниқлаш;

меҳнат бозори талаблари ва ўқитиш натижаларини (learning outcomes) инобатга олган ҳолда, тегишли соҳалар бўйича тармоқ малака рамкаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириб бориш;

касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш;

тармоқда малакаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш, шунингдек, малакаларни баҳолаш воситаларининг ишлаб чиқилишини таъминлаш ҳамда экспертизадан ўтказиш;

малакаларни баҳолаш жараёнларида коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш;

таълим дастурларининг касбий стандартларга мувофиқлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

меҳнат бозорини ўрганиб бориш, унда пайдо бўлиши кутилатган касбларни классификаторга киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Тармоқ кенгаши фаолиятида, тармоқ малака рамкалари ва касбий стандартларни ишлаб чиқиш жараёни ҳамда муҳокамаларида хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорликни ташкил этиш.

Тармоқ кенгашига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юкланиши мумкин.

7. Тармоқ кенгаши ўзига юкланган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) меҳнат бозори мониторинги асосида тармоқларнинг малакаларга бўлган эҳтиёжлари ва тенденцияларини аниқлаш соҳасида:

ҳар йили камида икки маротаба меҳнат бозори мониторингини олиб бориш ва тармоқда касбий малакалар бўйича эҳтиёжларни ўрганиш;

соҳаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, тармоқ кенгашларини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

б) меҳнат бозори талаблари ва ўқитиш натижаларини (learning outcomes) инобатга олган ҳолда, тегишли соҳалар бўйича тармоқ малака рамкаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириб бориш соҳасида:

соҳалар бўйича меҳнат бозори талаблари ва ўрганиш натижаларини (learning outcomes) инобатга олган ҳолда, тармоқ малака рамкаларини ишлаб чиқиш;

илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ва иқтисодий тенденцияларни инобатга олган ҳолда, тармоқ малака рамкаларини доимий равишда такомиллаштириб бориш;

в) касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш соҳасида:

касбий стандартларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар тузиш;

ишлаб чиқилган касбий стандартларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг Миллий малака тизимини ривожлантириш институти (кейинги ўринларда — Институт) ҳуросасини олиш;

касбий стандартларни тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш чораларини кўриш;

г) тармоқда малакаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш, шунингдек, малакаларни баҳолаш воситаларининг ишлаб чиқилишини таъминлаш ҳамда экспертизадан ўтказиш соҳасида:

тегишли касбий стандарт асосида баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш;

тармоқда малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда мониторинг қилиш;

малакаларни баҳолаш тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни Институтга тақдим этиш;

д) малакаларни баҳолаш жараёнларида коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш соҳасида:

малакаларни баҳолаш марказларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

малакаларни баҳолаш жараёнларида холислик ва шаффофликни таъминлаш;

е) таълим дастурларининг касбий стандартларга мувофиқлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш соҳасида:

таълим дастурларининг касбий стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилганлигини баҳолаш ва хулоса бериш;

таълим дастурларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ж) меҳнат бозорини ўрганиб бориш, унда пайдо бўлиши кутилаётган касбларни классификаторга киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

меҳнат бозори тенденцияларидан келиб чиқиб машғулотлар миллий классификаторига киритиладиган ва чиқариб ташланадиган касб (лавозим)-лар рўйхатини шакллантириш, уларни Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Институтга тақдим этиш;

таълим классификаторларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

з) Тармоқ кенгаши фаолиятида, тармоқ малака рамкалари ва касбий стандартларни ишлаб чиқиш жараёни ҳамда муҳокамаларида хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорликни ташкил этиш соҳасида:

тармоқ малака рамкалари ва касбий стандартларни ишлаб чиқиш учун ташкил этилган ишчи гуруҳларга хусусий сектор вакилларини жалб қилиш;

ишлаб чиқилган тармоқ малака рамкалари ҳамда касбий стандартлар бўйича хусусий секторда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг хулосаларини олиш.

3-боб. Тармоқ кенгашининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Тармоқ кенгаши ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кўриб чиқиладиган масалалар бўйича экспертларни жалб қилиш, олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун уларнинг таркибида комиссиялар ва ишчи гуруҳлар тузиш;

комиссия ва ишчи гуруҳлар аъзолари ҳамда экспертларини Тармоқ кенгаши фаолиятини ташкил этиш учун масъул вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан рағбатлантириш;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, тармоқ уюшмалари, таълим ташкилотлари, малакани баҳолаш марказлари ва бошқа ташкилотлардан ўз ваколати доирасида зарур маълум-

мотларни сўраб олиш ҳамда уларнинг вакилларини Тармоқ кенгаши мажлисларига таклиф қилиш.

Тармоқ кенгаши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Тармоқ кенгаши қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

касбий стандартларни ишлаб чиқиш бўйича режа-жадвал асосида касбий стандартларни ишлаб чиқишни ташкил этиш ва тасдиқлаш;

тармоқ эҳтиёжидан келиб чиқиб, малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиб бориш;

ҳар чоракда ўз фаолияти самарадорлиги ва натижадорлиги ҳамда фаолият юритаётган баҳолаш марказлари тўғрисидаги ахборотларни Институтга тақдим этиб бориш;

ҳар ойда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган тармоқ малака рамакалари, касбий стандартлар ва баҳолаш воситаларини Институтга киритиб бориш;

кўп йиллик иш тажрибасига эга малакали мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни Институтга тақдим қилиб бориш;

ўз фаолияти бўйича архив ишларини ва иш юритишни ташкил этиш.

4-боб. Тармоқ кенгаши фаолиятини ташкил этиш

10. Тармоқ кенгаши Республика кенгаши қарорига мувофиқ ташкил этилади ва тугатилади.

Тармоқ кенгаши раис, раис ўринбосари, котиб ва кенгаш аъзоларидан иборат бўлади. Тармоқ кенгаши котибидан ташқари бошқа аъзолари Тармоқ кенгаши ишида жамоатчилик асосида иштирок этади.

Тармоқ кенгаши таркибига тегишли республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, тармоқ уюшмалари, таълим ташкилотлари, малакани баҳолаш марказлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари киритилиши мумкин.

11. Тармоқ кенгаши раиси:

Тармоқ кенгашига умумий раҳбарлик қилади;

Тармоқ кенгаши мажлисларини ўтказди ва ўз ваколатига доир масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Тармоқ кенгаши раисининг ўринбосари ҳамда унинг аъзолари ваколатлари, мажбуриятлари ва шахсий жавобгарлик даражасини белгилайди;

Тармоқ кенгаши фаолиятини тегишли республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, тармоқ уюшмалари, таълим ташкилотлари, малакани баҳолаш марказлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этади;

Тармоқ кенгаши фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни Республика кенгашига киритиб боради.

Тармоқ кенгаши раисига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юкланиши мумкин.

12. Тегишли вазирлик ёки идоранинг касбий малакаларни ривожланти-

риш бўйича масъул мутахассиси Тармоқ кенгаши котиби ва аъзоси ҳисобланади.

Тармоқ кенгаши котиби:

Тармоқ кенгаши иш режасини шакллантиради ва унинг ижроси бўйича маълумотларни умумлаштиради;

Тармоқ кенгаши мажлислари кун тартиби ҳамда материалларини тайёрлайди, шунингдек, унинг аъзоларини мажлис ўтказиладиган кун тўғрисида хабардор қилади;

Тармоқ кенгаши ваколатига кирадиган масалалар юзасидан материаллар ва ҳужжатларнинг экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилишини таъминлайди;

Тармоқ кенгаши аъзолари билан биргаликда тармоқ малака рамкалари ва касбий стандартларни ишлаб чиқиш бўйича кичик ишчи гуруҳларни тузади;

манфаатдор таълим ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, шунингдек, Тармоқ кенгашига бириктирилган масъул ходимлар ҳамда экспертлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

13. Тармоқ кенгаши мажлислари ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади ва заруратга кўра, навбатдан ташқари мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин.

Тармоқ кенгаши раиси бўлмаган тақдирда, мажлисга унинг ўринбосари раҳбарлик қилади.

14. Тармоқ кенгашининг мажлиси кун тартиби ва материаллари унинг аъзоларига мажлис ўтказилишидан уч иш куни олдин хабарнома билан бирга юборилади.

15. Тармоқ кенгаши мажлиси аъзоларнинг учдан икки қисми иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

16. Тармоқ кенгашининг қарори мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Тармоқ кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Тармоқ кенгаши қарори баён шаклида расмийлаштирилади ва раис томонидан тасдиқланади.

17. Тармоқ кенгаши қарорининг асл нусхаси ҳамда унга оид материаллар тегишли вазирлик ва идораларда сақланади.

18. Тармоқ кенгашининг қарори тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Институтнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

19. Тармоқ кенгаши ўз фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида касбий стандартлар, малакаларни баҳолаш, меҳнат бозорини таҳлил қилиш, таълим сифатини ўрганиш ва бошқа йўналишлар бўйича комиссия ҳамда ишчи гуруҳларни тузиши мумкин.

20. Тармоқ кенгашида самарали фаолият кўрсатган ва ижобий натижаларга эришган аъзолар тегишли вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантирилиши мумкин.

21. Тармоқ кенгаши фаолиятига жалб қилинган экспертлар меҳнатига

ҳақ тўлаш фуқаролик шартномаси асосида амалга оширилади. Бунда Тармоқ кенгаши фаолиятини ташкил этиш учун масъул вазирлик ва идоралар буюртмачи ҳисобланади.

5-боб. Тармоқ кенгашининг доимий ишчи органи фаолиятини ташкил этиш

22. Таълим ва илмий ташкилотлар, йирик тармоқ корхоналари ҳамда инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўйича тузилмалар Тармоқ кенгашининг доимий ишчи органи бўлиши мумкин.

Тармоқ кенгашининг доимий ишчи органи:

Тармоқ кенгашига илмий ва услубий жиҳатдан кўмаклашади;
малакаларни баҳолаш воситаларини бирламчи экспертизадан ўткази-
ди;

Тармоқ кенгашининг фаолият йўналишлари, тармоқ малака рамкала-
ри ва касбий стандартларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб
чиқади;

меҳнат бозорини мониторинг қилишда, унинг касбий малака ва кўникма-
ларга бўлган эҳтиёжини аниқлашда иштирок этади.

6-боб. Яқунловчи қоида

23. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 17 июндаги 369-сон қарорига
3-ИЛОВА

Малакани баҳолаш маркази тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Малакани баҳолаш марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, ушбу Низом асосида ишлаб чиқилган ўз низомлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аккредитация — марказларнинг белгиланган мезонлар, кўрсаткичлар, талаблар ва стандартларга мувофиқлигини расмий тасдиқлаш;

баҳолаш воситалари — Марказ томонидан касбий имтиҳон ўтказишда қўлланиладиган топшириқлар, мезонлар ва талаблар мажмуи;

баҳолаш комиссияси — Марказ томонидан малакани мустақил баҳолаш жараёнига жалб қилинган, баҳоловчи экспертлар реестрида рўйхатдан ўтган мутахассислардан иборат гуруҳ;

баҳоловчи эксперт — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг Миллий малака тизимини ривожлантириш институти (кейинги ўринларда — Институт) томонидан ташкил этилган ҳамда малака ошириш курсларидан ўтган касбий фаолият соҳаси бўйича билим ва тажрибага эга мутахассис;

баҳоловчи экспертлар реестри — касбий имтиҳон жараёнига жалб қилинган ҳамда касбий фаолият соҳаси бўйича билим ва тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар рўйхати;

информал таълим — аниқ мақсадга йўналтирилган, аммо институционаллаштирилмаган (муайян қоидалар ва нормаларни мужассамлаштирмаган), расмий ёки норасмий таълимдан кўра камроқ ташкиллаштирилган ва таркиблаштирилган ҳамда оиладаги, иш жойидаги, яшаш жойидаги ва кундалик ҳаётдаги ўқув фаолиятини ўз ичига олган таълим шакли;

касбий имтиҳон — назарий ва амалий қисмларни ўз ичига олган, муайян касб (квалификация) бўйича билим ва малакани мустақил баҳолаш учун ўтказиладиган синов;

малакани мустақил баҳолаш — талабгорнинг малакасини тегишли касбий стандарт ва малака талабига мувофиқлигини тасдиқлаш (тан олиш, валидация қилиш, сертификатлаш) жараёни;

малака паспорти — ишчи касб эгаларига малака разрядларини бериш

бўйича касбий стандарти (ёки малака талаби) билан назарда тутилган тегишли малаканинг ижобий баҳоланганини тасдиқловчи ҳужжат;

малака разряди — ишчи касб эгаларининг касбий тайёргарлиги даражасини акс эттирадиган қиймат;

малака сертификати — талабгорнинг касбий малакасини маълум бир касб (квалификация) бўйича меҳнат вазифаларини бажариш талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

малака талаблари — муайян касб (квалификация) вазифаларини тўғри ва тўлақонли бажариш имконини берадиган тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва тажрибага қўйиладиган талаблар;

малакага эга шахслар реестри — малакани баҳолаш марказларида касбий имтиҳондан муваффақиятли ўтган, малака сертификати ва малака паспортига эга шахслар тўғрисидаги доимий янгиланадиган маълумотлар базаси;

норасмий таълим — таълим хизматлари такдим этилишини таъминловчи шахс ёки ташкилот томонидан институционаллаштирилган (муайян қоидалар ва нормаларни мужассамлаштирувчи), аниқ мақсадга йўналтирилган ва режалаштирилган, шахсни бутун ҳаёти давомида ўқитишдаги расмий таълимга қўшимча ва (ёки) унинг муқобил шакли;

талабгор — малакасини мустақил баҳолаш ҳамда малака разрядини тасдиқлаш учун белгиланган тартибда мурожаат қилган шахс.

4. Марказ ўз фаолиятини амалга ошириш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтади.

Институт Марказни аккредитациядан ўтказиш, методологик қўллаб-қувватлаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

5. Марказ мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган ҳамда малакани мустақил баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс ҳисобланади, шунингдек, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда банкларда шахсий ҳисобварақларига эга бўлади.

6. Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

Марказнинг ўз маблағлари;

муассисларнинг маблағлари;

талабгорларнинг маблағлари;

иш берувчиларнинг маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва мақсадли тўловлари, васийлар маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Марказ малакани мустақил баҳолаш учун тўлов миқдорини аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда мустақил белгилайди.

Институт малакани мустақил баҳолаш учун тўлов миқдорини ҳисоблаш

методикасини ишлаб чиқади ва уни Миллий малака тизимининг ягона рақамли платформасига (кейинги ўринларда — платформа) жойлаштиради.

Марказ малакани мустақил баҳолаш учун ҳар бир талабгордан ундирилган тўловнинг беш фоизини платформани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ягона маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда реестрларни юриштиш учун Институтнинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига ўтказди.

8. Марказ томонидан талабгорнинг норасмий ва информал таълимда орттирган малакасини мустақил баҳолаш натижаси бўйича ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ шаклда малака сертификати ҳамда малака разрядини тасдиқлаш натижаси бўйича ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклда малака паспорти берилади.

Малака сертификати ва малака паспортининг амал қилиш муддати беш йил ҳисобланади.

9. Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари (кейинги ўринларда — тармоқ кенгаши) ишчи касблар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, разрядларни бериш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

2-боб. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш, тегишли тармоқ кенгашидан экспертизадан ўтказиш ва Институт ҳулосасини олиш ҳамда тасдиқлаш;

касбий стандарт ҳамда малака талабларига мувофиқ норасмий ва информал таълим натижаларини баҳолаш, тасдиқлаш (тан олиш, валидация қилиш, сертификатлаш) мақсадида касбий имтиҳонларни ўтказиш;

миллий малака тизимида оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

талабгорнинг малакасини баҳолашда шаффофлик ва холисликни таъминлаш механизмларини жорий этиш.

Марказга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юкланиши мумкин.

11. Марказ ўзига юкланган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш, тегишли тармоқ кенгашидан экспертизадан ўтказиш ва Институт ҳулосасини олиш ҳамда тасдиқлаш соҳасида:

малакани мустақил баҳолашни амалга оширадиган касб (квалификация) лар бўйича илғор хорижий ва маҳаллий тажрибани ҳисобга олган ҳолда баҳолаш воситаларини ишлаб чиқади;

баҳолаш воситаларини экспертизадан ўтказиш учун тегишли тармоқ кенгашига киритади, Институт ҳулосасини олади ва тасдиқлайди;

б) касбий стандарт ҳамда малака талабларига мувофиқ норасмий ва информал таълим натижаларини баҳолаш, тасдиқлаш (тан олиш, валидация қилиш, сертификатлаш) мақсадида касбий имтиҳонларни ўтказиш соҳасида:

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

талабгорларга малакани мустақил баҳолаш тартиби тўғрисидаги маълумот ва ахборотларни тақдим этади;

касбий стандарт ҳамда малака талабларига мувофиқ расмий, норасмий ва информал таълим натижаларини баҳолаш ва тасдиқлаш (тан олиш, валидация қилиш, сертификатлаш) мақсадида имтиҳонларни ўтказиши;

имтиҳонни муваффақиятли топширган талабгорларга малака сертификати ёки малака паспортини тақдим этади;

в) миллий малака тизимида оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

илғор хорижий мамлакатларнинг малака тизимини ўрганади ва таҳлил қилади;

миллий малака тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

г) талабгорнинг малакасини баҳолашда шаффофлик ва холисликни таъминлаш механизмларини жорий этиш соҳасида:

талабгорнинг малакасини баҳолашда шаффофлик ва холисликни таъминлаш механизмларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади;

талабгорнинг малакасини баҳолашда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чораларини кўради;

малакани мустақил баҳолаш жараёни белгиланган мезонлари асосида шаффоф ва холис ўтказилишини мониторинг қилади.

3-боб. Марказнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

12. Марказ ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

малакани мустақил баҳолаш учун талабгорлардан тўлов ундириш ҳамда касбий имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган талабгорларга малака сертификати ёки малака паспорти бериш;

Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) ва тармоқ кенгаши қарорига мувофиқ қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

малака ошириш курслари, анжуманлар, кўргазмалар, семинарлар, мажлислар, услубий, ташкилий тартиб-таомиллар бўйича тушунтиришлар ташкил этиш ва ўтказиш.

Марказ қонунчилик ҳужжатларига, жумладан, Республика ва тармоқ кенгашлари қарорларига мувофиқ ўз ваколати доирасида бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Марказ ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

платформада белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш, шунингдек, ўз фаолияти, тузилмаси ҳамда касбий малакаларни мустақил баҳолаш бўйича хизматлар нархи тўғрисидаги маълумотларни платформа ва расмий веб-сайтда эълон қилиш;

касбий имтиҳонларни ўтказиш муддатлари ва шартлари малакани мус-

тақил баҳолаш мезонлари ва бошқа шунга оид маълумотларни Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали эълон қилиш;

ҳар бир касб бўйича амалий иш тажрибага эга бўлган ва Институт томонидан ташкил этилган курсларда малака оширган камида уч нафар баҳоловчи экспертларни жалб этиш;

малакани мустақил баҳолаш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш, саоат, техника ва ёнғин хавфсизлиги, шунингдек, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларга қатъий риоя қилиш;

малакани мустақил баҳолашдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда платформага киритиш ҳамда Институтга тақдим қилиш;

малакани мустақил баҳолаш масалалари бўйича ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартибига қатъий риоя қилиш;

малакани мустақил баҳолашдан ўтказишда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

зарур шарт-шароитлар яратилган ҳамда мебель жиҳозлари билан таъминланган бино ва иншоотларга эга бўлиш;

малакани мустақил баҳолашда ҳар бир касб (квалификация) бўйича хўжалик юритиш, тезкор бошқарув ва бошқа моддий-техника базаларига эга бўлиш;

шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш, малакани мустақил баҳолаш бўйича шартномавий мажбуриятларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

малакани мустақил баҳолашдан ўтган шахсларнинг ҳисобини юритиш, ўз фаолияти тўғрисида Институт ва тармоқ кенгашларига ҳаққоний маълумотлар тақдим этиш.

Марказ зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

4-боб. Марказнинг намунавий тузилмаси

14. Марказнинг намунавий тузилмаси қуйидагилардан иборат бўлади:

Марказ директори;

талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш, баҳолаш комиссияси таркибини шакллантириш, малакаларни мустақил баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш, касбий малакани тасдиқлаш (тан олиш, валидация қилиш, сертификатлаш)ни ташкил этиш, малака сертификати ёки малака паспортини расмийлаштириш ва бошқа шунга оид функцияларни амалга оширувчи ташкилий-услубий бўлинма;

касбий имтиҳонни ўтказиш билан боғлиқ функцияларни амалга оширувчи бўлинма;

молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ функцияларни амалга оширувчи бўлинма.

Марказнинг фаолият йўналишлари ва хизматлар қамровидан келиб чиқиб, бошқа бўлинмалар ҳам ташкил этилиши мумкин.

15. Институт томонидан ташкил этиладиган курсларда малака оширган олий маълумотли шахс Марказ директори лавозимига тайинланади.

5-боб. Баҳолаш воситаларига қўйиладиган талаблар

16. Марказ касбий стандарт ва малака талаблари асосида ҳар бир касб (квалификация) бўйича ягона баҳолаш воситаларини ишлаб чиқади ҳамда платформага жойлаштиради.

Баҳолаш воситаларининг амал қилиш муддати беш йил ҳисобланади.

17. Баҳолаш воситалари қуйидагилардан иборат бўлади:

умумий маълумотлар (тегишли тармоқ кенгаши, Марказ ва касб (квалификация) номлари, касбий стандарт ёки малака талабининг номи, малака даражаси ҳамда имтиҳон шакллари);

касбий имтиҳоннинг назарий ва амалий шакллари учун топшириқлар ҳамда уларнинг тавсифлари (тест саволлари, меҳнат функциялари ва ҳаракатлари, зарур асбоб-ускуналар, материаллар, кўрсатмалар рўйхати);

баҳолаш мезонлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш, саноат, техника ва ёнғин хавфсизлиги, шунингдек, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари тавсифи;

баҳолаш воситасини ишлаб чиқишда фойдаланилган материаллар рўйхати.

18. Институт томонидан баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

19. Марказ баҳолаш воситаларини ишлаб чиқишда маҳаллий ва чет эллик мутахассислар ҳамда экспертларни шартнома асосида жалб қилиши мумкин.

6-боб. Марказда баҳолаш комиссиясини тузиш ва касбий имтиҳонларни ўтказиш тартиби

20. Марказда баҳоловчи экспертлар реестрига киритилган, шунингдек, Институт томонидан ташкил этиладиган курсларда малака оширган ҳамда уч йил меҳнат стажига эга бўлган камида уч нафар олий маълумотли экспертлардан иборат таркибда баҳолаш комиссияси тузилади.

Бунда Марказда тегишли касб (квалификация) бўйича бир нечта баҳолаш комиссиялари тузилиши ҳам мумкин.

21. Баҳолаш комиссияси аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Марказ ва улар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ белгиланади.

22. Марказ талабгорни ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ схема асосида касбий имтиҳондан ўтказди.

23. Талабгор касбий имтиҳондан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатларни Марказга электрон шаклда (PDF, PNG ёки JPEG форматда) платформа орқали тақдим этади:

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

касбий имтиҳонда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (имтиҳон топширилаётган касб (квалификация) ва малака даражаси аниқ кўрсатилади);

паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ҳамда меҳнат дафтарчаси нусхаси;

иш фаолиятида эришган ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар (диплом, сертификат ва бошқалар);

юқори малака даражасига ўтишда қўйи малака даражаси ёки унга тенглаштирилган ҳужжатлар.

24. Марказ беш иш куни ичида талабгорнинг ҳужжатларини кўриб чиқиб, қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади ва уни платформа орқали талабгорга юборади:

талабгорни касбий имтиҳондан ўтказиш тўғрисида;

талабгорнинг касбий имтиҳондан ўтказишни рад этиш тўғрисида.

Талабгорнинг ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаганлиги ёки нотўғри маълумотлар тақдим этганлиги уни касбий имтиҳондан ўтказишнинг рад этилиши учун асос ҳисобланади.

Касбий имтиҳондан ўтказиш бошқа асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

25. Марказ талабгорни касбий имтиҳондан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз иш куни ичида касбий имтиҳондан ўтказилади.

Бунда Марказ касбий имтиҳон ўтказиладиган кундан камида беш кун олдин имтиҳон бўлиб ўтадиган сана ва жой тўғрисида хабарнома ҳамда малакани мустақил баҳолаш учун тўлов миқдори кўрсатилган инвойсни платформа орқали талабгорга юборади.

26. Касбий имтиҳон жараёнида Республика ва тармоқ кенгашлари ҳамда Институт вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

27. Касбий имтиҳонга узрли сабабга кўра келмаган талабгор Марказ томонидан навбатдаги касбий имтиҳондан ўтказилади.

Касбий имтиҳонга узрсиз сабабга кўра келмаган талабгор бўйича Марказ томонидан талабгорни касбий имтиҳондан ўтмаган деб ҳисоблаш ва унга малака сертификати ёки малака паспортини беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади ҳамда бу ҳақда талабгорни платформа орқали хабардор қилади. Бунда талабгордан малакани мустақил баҳолаш учун ундирилган тўлов қайтарилмайди.

28. Талабгор касбий имтиҳон ўтказиладиган ҳудуд (бино)га шахсини тасдиқловчи ҳужжати (биометрик паспорти, хорижга чиқиш паспорти, идентификация ID-картаси, янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси)нинг аслини кўрсатган ҳолда текшириб киритилади.

29. Касбий имтиҳон назарий (тест синови ёки суҳбат) амалий имтиҳон шаклларида ўтказилади. Бунда назарий ва амалий имтиҳонлар ўтказиладиган вақт оралиғи кўпи билан икки иш кунини ташкил этиши лозим.

Касбий имтиҳон натижалари 100 баллик тизим асосида баҳоланади ҳамда касбий имтиҳондан минимал ўтиш бали касб (квалификация) хусусиятлари ва малака даражасидан келиб чиқиб, тармоқ кенгаши томонидан 56 баллдан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Касбий имтиҳонда талабгорнинг иш фаолиятида эришган ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатлари (диплом, сертификат ва бошқалар) инобатга олинади.

Касбий имтиҳоннинг назарий ва амалий шакллари учун тўпланадиган балл миқдори касб (квалификация) хусусиятлари, малака даражасидан келиб чиққан ҳолда, тармоқ кенгаши томонидан белгиланади ҳамда баҳолаш воситаларида акс эттирилади.

Касбий имтиҳон жараёнлари Марказнинг расмий веб-сайти ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тўғридан-тўғри онлайн трансляция қилинади ҳамда овозли видеоёзувда қайд қилинади. Бунда ушбу видеоёзув беш йил давомида Марказда сақланади.

30. Талабгорга касбий имтиҳон ўтказиладиган жойга ўзи билан бирга ичимлик суви, шахсий воситалар (дори воситалари, кўзойнак, линзалар) олиб киришига рухсат берилади.

Касбий имтиҳон ўтказиладиган жойга талабгорлар томонидан мобил алоқа воситаси, компьютер ёки бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб, луғат, шпаргалка ва бошқа материаллар олиб кириш ҳамда фойдаланиш, шунингдек, бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш тақиқланади.

Бунда ушбу талабларга риоя қилмаган талабгорлар ҳолислар иштирокида расмийлаштирилган далолатнома асосида касбий имтиҳондан четлаштирилади.

31. Касбий имтиҳон ўтказиладиган жойга бегона шахсларнинг киритилишига йўл қўйилмайди. Бунда амалий имтиҳон корхона, муассаса ёки ташкилотда ўтказилган тақдирда, унинг бир нафар ходимида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун рухсат берилади.

32. Касбий имтиҳон натижаси бўйича ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ шаклда баённома расмийлаштирилади ва баҳолаш комиссияси аъзолари томонидан тасдиқланади.

33. Марказ касбий имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган талабгорларга имтиҳон якунланган кундан бошлаб беш иш куни ичида QR-код (матрикс-код) қўйилган малака сертификати ёки малака паспортини платформа орқали электрон шаклда талабгорга юборади.

34. Малака сертификати ёки малака паспорти олган талабгорлар тўғрисидаги маълумотлар тегишлилиги бўйича автоматик равишда платформадаги Малака сертификати эга бўлган шахслар реестри ҳамда Малака паспортига эга бўлган шахслар реестрига (кейинги ўринларда — реестрлар) киритилади.

Бунда реестрларда малака сертификати ёки малака паспортини олган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, жисмоний шахс учун шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), почта манзили, телефон рақами, малака сертификати ёки малака паспорти рақами, берилган санаси ва унинг амал қилиш муддати, касб (квалификация) номи, Марказ номи ва манзили қайд этилади.

Малака сертификати ёки малака паспортининг амал қилиш муддати тугаганда ёки суд томонидан бекор қилинганда, шунингдек, малака сертификати

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ёки малака паспортига эга бўлган шахслар вафот этганда, улар тўғрисидаги маълумотлар реестрлардан чиқарилади.

7-боб. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш

35. Касбий имтиҳондан норози бўлган талабгор имтиҳон натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида Марказга ёзма равишда ёки платформа орқали электрон шаклда апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

36. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш учун Марказ директори буйруғи билан камида 3 нафар малакали мутахассислардан иборат Апелляция комиссияси тузилади.

Касбий имтиҳонда қатнашган баҳолаш комиссияси аъзолари Апелляция комиссияси таркибига киритилмайди.

37. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини ўн иш куни ичида талабгор иштирокида кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

касбий имтиҳон натижасини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

касбий имтиҳон натижасини ўзгартириш ва апелляция шикоятини қаноатлантириш тўғрисида.

Апелляция комиссияси касбий имтиҳон натижасини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қуйидаги ҳолларда қабул қилади:

апелляция шикояти ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляция шикоятида кўрсатилган ҳолатлар ўз тасдиғини топмаса.

Апелляция комиссияси апелляция шикоятида кўрсатилган ҳолатлар ўз тасдиғини топган тақдирда, касбий имтиҳон натижасини ўзгартириш ва апелляция шикоятини қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилади.

38. Талабгор Апелляция комиссияси қароридан норози бўлган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

8-боб. Яқунловчи қоида

39. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 17 июндаги 369-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Малакани баҳолаш марказларини аккредитациядан
ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент малакани баҳолаш марказларини (кейинги ўринларда — Марказ) аккредитациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аккредитация — Марказнинг белгиланган мезонлар, кўрсаткичлар, талаблар ва стандартларга мувофиқлигини расмий тасдиқлаш;

Аккредитация гуруҳи — Марказни аккредитациядан ўтказиш учун жойига чиқиб ёки масофадан туриб ўрганувчи малакали мутахассислар ҳамда экспертлардан иборат гуруҳ;

Аккредитация комиссияси — Аккредитация гуруҳининг хулосаси асосида якуний қарор қабул қилувчи комиссия;

ариза берувчи — Марказни аккредитациядан ўтказишни сўраб белгиланган тартибда мурожаат қилган шахс (Марказ директори ёки ишончли вакил);

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг Миллий малака тизимини ривожлантириш институти;

даврий мониторинг — аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномага эга бўлган Марказ фаолиятининг белгиланган талабларга мувофиқлигини кузатиб бориш;

платформа — Миллий малака тизимининг ягона рақамли платформаси.

3. Марказни аккредитациядан ўтказишда ихтиёрийлик, холислик ва бетарафлик, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, шаффофлик ва очиқлик, тенглик, ахборотларнинг махфийлиги каби тамойилларига риоя қилинади.

**2-боб. Аккредитация гуруҳи ва Аккредитация
комиссиясини тузиш**

4. Марказни аккредитациядан ўтказиш учун жойига чиқиб ёки масофадан туриб ўрганувчи камида уч нафар малакали мутахассислар ҳамда экспертлардан иборат Аккредитация гуруҳи тузилади.

Ваколатли орган раҳбарининг буйруғи билан Аккредитация гуруҳи таркиби тасдиқланади, унинг вазифалари, ўрганиш ўтказиш муддати, жойи ва шакли белгиланади.

5. Аккредитация гуруҳи Марказни жойига чиқиб ёки масофадан туриб ўрганиш натижаси бўйича хулоса расмийлаштиради.

6. Аккредитация гуруҳининг хулосасини ўрганиш ва натижаси бўйича яқуний қарор қабул қилиш учун етти нафар малакали мутахассислар ҳамда экспертлардан иборат Аккредитация комиссияси тузилади.

Аккредитация комиссияси таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

Аккредитация комиссияси раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзолардан иборат бўлади. Аккредитация гуруҳига аъзо бўлган шахслар Аккредитация комиссияси таркибига киритилмайди.

Ваколатли орган раҳбари Аккредитация комиссияси раиси ҳисобланади. Аккредитация комиссияси таркибига тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, илмий, таълим ва бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

7. Аккредитация комиссияси раиси:

Аккредитация комиссияси фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

Аккредитация комиссияси мажлисларини ўтказди ва ваколатига доир масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Аккредитация комиссияси раисининг ўринбосари, котиби ҳамда аъзоларининг ваколатлари, мажбуриятлари ва шахсий жавобгарлик даражасини белгилайди.

8. Ваколатли органнинг Малакани баҳолаш ва аккредитация гуруҳи раҳбари — комиссия котиби ва бир вақтнинг ўзида унинг аъзоси ҳисобланади.

Аккредитация комиссияси котиби:

Аккредитация гуруҳи томонидан тақдим этилган хулосаларни умумлаштиради ҳамда Аккредитация комиссияси мажлисларида кўриб чиқиш учун тайёрлайди;

Аккредитация комиссияси мажлислари кун тартиби ҳамда материалларини тайёрлайди, уларни мажлис ўтказилишидан уч иш кунни олдин комиссия аъзоларига тақдим қилади;

Аккредитация комиссиясининг мажлис баёнлари лойиҳаларини тайёрлайди.

9. Аккредитация комиссияси мажлислари, қоида тариқасида, ҳар ойда камида бир маротаба ўтказилади.

Аккредитация комиссияси раиси бўлмаган тақдирда, мажлисга унинг ўринбосари раҳбарлик қилади.

10. Аккредитация комиссияси мажлиси аъзоларнинг учдан икки қисми иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

11. Аккредитация комиссиясининг қарори мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Аккредитация комиссияси қарори баён шаклида расмийлаштирилади ҳамда раис ва комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади.

12. Аккредитация комиссияси қарорининг асл нусхаси ҳамда унга оид материаллар ваколатли органда сақланади.

13. Аккредитация комиссиясининг қарори ваколатли органнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

3-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

14. Малакани баҳолаш марказларини аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизмати ушбу Регламентга 1-иловага* мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

15. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига шахсан келиб мурожаат қилади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда — ЯИДХП) электрон шаклда рўйхатдан ўтади.

16. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, Давлат хизмати маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилган тақдирда эса, ариза берувчи мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани тўлдиради.

Сўровнома ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда сўровнома иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунларида тушганда, календарь бўйича навбатдаги иш куни сўровноманинг ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун деб ҳисобланади.

17. Сўровномага қуйидагилар электрон шаклда (PDF, PNG ёки JPEG форматда) илова қилинади:

ариза берувчининг Марказ директори ёки ишончли вакил эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;

Марказнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;

Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашининг Марказни аккредитациядан ўтказиш учун тавсия этганлиги тўғрисидаги хулосаси;

тегишли касб (квалификация) бўйича баҳоловчи эксперт сифатида жалб қилиниши режалаштирилган камида уч нафар номзод тўғрисидаги маълумотлар;

малакани мустақил баҳолаш режалаштирилган касб (квалификация)лар бўйича ишлаб чиқилган баҳолаш воситалари.

Ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган ҳужжатларни ҳамда бошқа маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

18. Сўровнома Давлат хизматлари маркази ходими томонидан ўн дақиқада ичида, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, реал вақт режимида автоматик равишда ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат қилган тақдирда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилади.

19. Ваколатли орган уч иш куни ичида ариза берувчи томонидан тақдим

* 1-2-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

этилган сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганади.

Бунда сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

20. Сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларда нотўғри маълумотлар аниқланган тақдирда, ваколатли орган бир иш куни ичида давлат хизмати кўрсатишни тўхтатиш ҳамда сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этиш тўғрисида Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига электрон равишда хабарнома юборади.

Ариза берувчи хабарномани олган кундан бошлаб беш кун ичида ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф қилиб, давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўламаган ҳолда, Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи белгиланган муддатда ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этган ҳолда такроран мурожаат қилмаган тақдирда, ваколатли орган давлат хизмати кўрсатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақда бир иш куни ичида Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига электрон равишда хабарнома юборади ҳамда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

21. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

22. Сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаганда ёки аниқланган камчиликлар бартараф қилиниб, такроран мурожаат қилинганда, касб (квалификация) хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ваколатли органнинг кўрсатмасига мувофиқ Аккредитация гуруҳи Марказни жойига чиқиб ёки масофадан туриб ўрганади.

Аккредитация гуруҳи Марказни жойига чиқиб ёки масофадан туриб ўрганиши учун ҳар бир касб (квалификация) бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ваколатли орган ўрганиш ўтказилишидан беш иш куни олдин ўрганиш санаси ва шакли тўғрисида хабарнома ҳамда йиғим миқдори кўрсатилган инвойсни Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига юборади.

23. Ариза берувчи белгиланган йиғимни тўлагандан сўнг ўн беш иш куни ичида Аккредитация гуруҳи томонидан қуйидагилар ўрганилади:

Марказ намунавий тузилма асосида ташкил этилганлиги, шунингдек, зарур шарт-шароитлар ҳамда мебель жиҳозларига эга бино ва иншоотлар билан таъминланганлиги;

Марказнинг ўз расмий веб-сайтига эга эканлиги, шунингдек, касбий имтиҳонларни ўтказиш учун етарли компьютер тўпламларининг мавжудлиги;

касбий имтиҳон жараёнларини Марказнинг расмий веб-сайти ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тўғридан-тўғри онлайн трансляция

қилиш ва овозли видеоёзувда қайд қилиш учун техник имкониятларнинг яратилганлиги;

касбий имтиҳонларни ўтказиш учун касб (квалификация) хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, зарур техникалар, асбоб-ускуналар ва бошқа жиҳозларнинг мавжудлиги;

касбий имтиҳон ўтказиладиган ҳудуднинг меҳнатни муҳофаза қилиш, sanoat, техника ва ёнғин хавфсизлиги, шунингдек, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларга жавоб бериши.

Аккредитация гуруҳи касб (квалификация)нинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ваколатли органнинг рухсати билан бошқа ҳолатларни ҳам ўрганиши мумкин.

24. Аккредитация гуруҳи ўрганиш натижаси бўйича Марказни аккредитациядан ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида уч нусхада хулоса тузади.

Бунда тасдиқловчи ҳужжатлари (ҳужжатлар нусхалари, фотосуратлар, видеоёзувлар ва бошқалар) билан бирга хулосанинг бир нусхаси Аккредитация комиссиясига, бир нусхаси ариза берувчига тақдим этилади ва бир нусхаси Аккредитация гуруҳининг ўзида қолади.

Марказ ушбу Регламентнинг 23-бандида белгиланган талабларга жавоб бермаганда ёки тегишли ҳужжатларни тақдим этмаганда, уни аккредитациядан ўтказишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса тузилади.

25. Аккредитация комиссияси Аккредитация гуруҳининг хулосасини беш иш куни ичида ўрганиб чиқади ҳамда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

Марказга аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақида;

Марказга аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома беришни рад этиш ҳақида.

Аккредитация комиссиясининг Марказга аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишига қуйидагилар асос бўлади:

Марказни аккредитациядан ўтказишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосада кўрсатилган ҳолатлар ўз тасдиғини топганда;

Марказни аккредитациядан ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосада кўрсатилган ҳолатлар ўз тасдиғини топмаганда.

Аккредитация комиссияси Марказга аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, ваколатли орган бу ҳақда бир иш куни ичида Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига электрон равишда хабарнома юборади ҳамда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

26. Аккредитация комиссиясининг Марказга аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақидаги қарори қабул қилинганда, гувоҳнома бланкаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ваколатли орган гувоҳнома бланкаси учун тўлов миқдори кўрсатилган

инвойсни бир иш кун ичида Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига юборади.

27. Ариза берувчи белгиланган йиғимни тўлагандан сўнг уч иш кун ичида ваколатли орган ушбу Регламентга 3-иловага* мувофиқ шаклда Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномани расмийлаштиради, QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда тасдиқлайди ва Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига юборади.

Ариза берувчи Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномани шахсан Давлат хизматлари марказларига бориб ёки ЯИДХПдан юклаб олади.

Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома беш йил муддатга амал қилади.

28. Ариза берувчи Аккредитация комиссиясининг қарори юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

29. Ариза берувчи Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан камида уч ой олдин аккредитациядан ўтказишни сўраб ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ мурожаат қилади.

30. Марказнинг Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномага иловада кўрсатилмаган касб (квалификация)лар бўйича малакани мустақил баҳолашига йўл қўйилмайди.

Марказ Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномага иловада кўрсатилмаган бошқа касб (квалификация)лар бўйича малакани мустақил баҳолаш фаолияти билан шуғулланиши ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ қайта аккредитациядан ўтказилиши шарт.

Бунда амалдаги Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома бекор қилинади ва унинг амал қилиш муддати даврига янгиси берилади.

31. Давлат хизмати кўрсатилганлиги учун тўланган йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат қилганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

0,5 фоизи — «Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар ваколатли органнинг ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ҳазна ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи ягона биллинг тизими орқали давлат хизмати кўрсатилганда) — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар ваколатли органнинг ҳисобварағига ўтказилади.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4-боб. Даврий мониторинг ўтказиш

32. Марказ аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома олганидан сўнг ваколатли орган томонидан унинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритаётганлиги юзасидан ҳар йили камида бир маротаба, бироқ уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда даврий мониторинг ўтказилади.

Бунда даврий мониторинг ўтказилишидан беш иш кунини олдин ваколатли орган раҳбарининг даврий мониторинг ўтказиш тўғрисида буйруғи қабул қилинади ва Марказга юборилади.

33. Даврий мониторинг натижаси бўйича икки нусхада далолатнома расмийлаштирилади ва унинг бир нусхаси Марказга тақдим қилинади.

Ваколатли орган даврий мониторинг натижаси бўйича расмийлаштирилган далолатнома асосида қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади ва бу ҳақда бир иш кунини ичида Марказни ёзма равишда хабардор қилади:

Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини тасдиқлаш;

Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномага иловада кўрсатилган касб (квалификация)лар сонини қисқартириш;

Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш. Бунда:

меҳнат бозорида аккредитациядан ўтказилган касб (квалификация)га эҳтиёж мавжуд эмаслиги Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномага иловада кўрсатилган касб (квалификация)лар сонини қисқартиришга;

Марказ томонидан ушбу Регламентнинг 23-бандида белгиланган талаблар бузилганлиги Аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туришга асос бўлади.

5-боб. Якунловчи қоида

34. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 17 июндаги 369-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Камбағал ва ишсиз фуқароларни
касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда
меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 5 апрелдаги
183-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг «б» кичик банди иккинчи хатбошисидаги «, касбий малакаи баҳолаш» сўзлари чиқариб ташлансин.
2. 1-иловада:
 - а) 3-банддаги «, касбий малакани баҳолаш» сўзлари чиқариб ташлансин;
 - б) 21-банднинг олтинчи хатбошисидаги «ҳамда касбий малакани баҳолаш жараёни» сўзлари чиқариб ташлансин;
 - в) 33-бандда:
 - олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
 - еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.
3. 2-иловада:
 - а) 10-бандда:
 - еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
 - саккизинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишлича еттинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;
 - б) 26-бандда:
 - бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
 - олтинчи — саккизинчи хатбошилар тегишлича бешинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;
 - в) 28-банднинг иккинчи хатбошисидаги «касбий малакаларни баҳолаш маркази» сўзлари чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 17 июндаги 369-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида» 2020 йил 15 майдаги 287-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 30 сентябрдаги 616-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 834-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 12 майдаги 255-сон қарорига 3-илованинг 33-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Касб ва лавозимларга қўйиладиган малака даражаларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида» 2020 йил 15 майдаги 287-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2024 йил 18 мартдаги 144-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

301 Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 8 майдаги ПҚ–171-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 8 майдаги ПҚ–171-сон қарорига мувофиқ:

а) 2025 йил 1 июндан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож вояга етган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Фаол ҳаётга қадам» дастури (кейинги ўринларда — Дастур) жорий этилиши;

б) Дастур доирасида қуйидаги 5 турдаги янги ижтимоий хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилиши:

уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати;

уй шароитида қараб туриш хизмати;

тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати;

кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати;

шахсий ёрдамчи хизмати;

в) Дастур доирасида йўлга қўйиладиган ижтимоий хизматлардан фойдаланиш харажатларининг бир қисmini ваучер асосида қоплаб бериш тизими жорий этилиши. Бунда:

ваучер қиймати Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда субсидия шаклида тўланиши;

йўлга қўйиладиган ижтимоий хизматлар Агентликнинг «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ва тизим ташкилотлари билан бир қаторда яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахслар ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан кўрсатилиши;

ваучер бериш ва унинг қийматини тўлаш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатувчилар билан шартномалар имзолаш «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимидаги (кейинги ўринларда — «Ижтимоий ҳимоя» АТ) «Оила ҳамкори» платформаси орқали амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Фаол ҳаётга қадам» дастури доирасида ижтимоий хизматлардан имтиёзли шартларда фойдаланиш учун ваучер бериш ҳамда ижтимоий хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 июнда эълон қилинган.

3. Белгилансинки:

а) 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб Дастур доирасида йўлга қўйиладиган ижтимоий хизматларни кўрсатувчи шахслар учун Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш марказида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади. Бунда:

қисқа муддатли ўқув курслари 36 соатдан кам бўлмаган ўқув дастури (онлайн ёки офлайн шаклда) бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари миқдоридаги тўлов-шартнома асосида, «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази ва Агентликнинг тизим ташкилотлари ходимлари учун эса бепул ташкил этилади;

қисқа муддатли ўқув курсини муваффақиятли якунлаган шахсларга амал қилиш муддати уч йил бўлган мазкур қарорга 2-иловада белгиланган намунадаги сертификат берилади. Бунда Дастур доирасида йўлга қўйиладиган ижтимоий хизматлар ушбу сертификатга эга бўлган шахслар томонидан кўрсатилади;

қисқа муддатли ўқув курсида ўқув жараёни Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш маркази томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ ташкил этилади;

б) Агентлик ва унинг тизим ташкилотларига тегишли, шунингдек маҳалла ҳудудида жойлашган бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари Тошкент шаҳрида ижара тўловининг энг кам миқдорида 0,25 коэффициент қўлланган ҳолда, қолган ҳудудларда ижара тўловининг энг кам миқдорида балансда сақловчи томонидан Дастур доирасида ҳамда бошқа ижтимоий хизматларни кўрсатувчи нодавлат юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри ижарага беришга рухсат берилади;

в) Дастур доирасидаги ижтимоий хизматларни ташкил этиш ва хизматлардан фойдаланиш жараёнида СМС-хабар юбориш билан боғлиқ харажатлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

4. Агентлик:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда:

2025 йил 1 июлга қадар «Ижтимоий ҳимоя» АТда Дастур доирасидаги ижтимоий хизматлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, бошқариш, уларга ишлов бериш жараёнларини автоматлаштириш ҳамда зарур ҳолларда ижтимоий хизматларни кўрсатишга алоқадор ташкилотлар билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш, шунингдек ижтимоий хизматлар кўрсатилишини назорат қилиш имкониятларига эга бўлган «Оила ҳамкори» платформаси ишга туширилишини таъминласин;

уч ой муддатда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш истагида бўлган шахслар учун масофадан туриб Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали мурожаат қилиш имкониятини яратсин;

б) икки ой муддатда:

истисно тариқасида, уйда ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатилаётган Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестридаги шахсларни мурожаат талаб этма-

ган ҳамда шахснинг ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси ҳамда яшаш шароитларини баҳолашдан ўтказмаган ҳолда, мазкур хизматлардан фойдаланиш харажатларини ваучер асосида қоплаш тизимига ўтказилишини таъминласин;

Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш марказида ижтимоий хизматларни кўрсатувчи ходимларда профессионал иш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этсин;

в) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 июлдан бошлаб Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестридаги шахсларга уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати учун бюджетдан ажратиладиган субсидияларни бир сатрда режалаштирилишини таъминласин;

г) 2025 йил 1 октябрга қадар «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан кўрсатиладиган Дастур доирасидаги ижтимоий хизматларни босқичма-босқич тадбиркорлик субъектлари ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар орқали кўрсатилишини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

5. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 июнь,
376-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 18 июндаги 376-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Фаол ҳаётга кадам» дастури доирасида ижтимоий
хизматлардан имтиёзли шартларда фойдаланиш учун
ваучер бериш ҳамда ижтимоий хизматларни кўрсатиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ўзгалар парваришига муҳтож вояга етган шахсларга «Фаол ҳаётга кадам» дастури (кейинги ўринларда — Дастур) доирасида белгиланган ижтимоий хизматлардан (кейинги ўринларда — ижтимоий хизматлар) фойдаланиш учун ваучер бериш ҳамда ижтимоий хизматларни кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик)нинг «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — «Инсон» маркази) томонидан ижтимоий хизматлардан фойдаланиш истагида бўлган шахсларнинг қуйидаги ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжлари баҳоланади ва «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «Ижтимоий ҳимоя» АТ) ваучер шакллантирилади:

- уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати;
- уй шароитида қараб туриш хизмати;
- тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати;
- кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати;
- шахсий ёрдамчи хизмати.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлардан имтиёзли шартларда фойдаланиш учун ваучер бериш мазкур Низомга 1-иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

3. «Инсон» маркази томонидан бериладиган ваучер билан ижтимоий хизматлардан фойдаланиш харажатлари мазкур Низомга 2а — 2д-иловаларга* мувофиқ субсидия шаклида қоплаб берилади.

Ижтимоий хизматлардан фойдаланиш харажатлари ваучерда белгиланган хизмат кўрсатиш ҳажми (соати)дан келиб чиқиб қоплаб берилади.

4. Ижтимоий хизматлар «Инсон» марказлари ва (ёки) тизим ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахслар ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан кўрсатилади.

5. Кўрсатилган ижтимоий хизматлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда ушбу хизматлардан ҳақиқатда фойдаланган шахснинг биометрик маълумотлари хизмат кўрсатилган кунда хизмат кўрсатувчи томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТга киритиб борилади.

* 1 — 2д-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Юқумли ёки руҳий касаллик билан касалланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилмайди.

2-боб. Мурожаат қилиш ва мурожаатни кўриб чиқиш тартиби

7. Ижтимоий хизматлардан фойдаланиш истагида бўлган шахс ёки унинг вакили «Инсон» марказига ўзи келган ҳолда ёки ўзи яшайдиган ҳудудда фаолият юритувчи «Инсон» марказининг ижтимоий ходимига ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ёки «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали мурожаат қилади.

Бунда мурожаат қилган шахс ижтимоий хизматлардан фойдаланиш истагида бўлган шахсда юқумли касаллик билан касалланиш ҳолатларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида оилавий поликлиникадан берилган маълумотномани тақдим этиши ёки тегишли ахборот порталига бириктириши лозим.

8. «Инсон» марказининг оператори ёки ижтимоий ходими мазкур Низомга 3-иловага* мувофиқ ижтимоий хизматлардан фойдаланиш учун мурожаатни қабул қилиш бўйича сўровномани «Ижтимоий ҳимоя» АТда расмийлаштириш орқали мурожаатни қабул қилади.

9. Мурожаат қилган шахс расмийлаштирилган сўровномадаги маълумотларнинг тўғрилигини текширади ҳамда ўзи томонидан маълум қилинган мобил телефон рақамига СМС-хабар орқали юбориладиган махсус кодни маълум қилиш, Face-ID ёхуд имзони идентификация қилишнинг тегишли воситалари (электрон рақамли имзо, дактилоскопия, ягона идентификация тизимидаги логин ва пароль, мобил-ID ва бошқалар) ёхуд имзо қўйиш йўли билан уни тасдиқлайди.

Ижтимоий хизматдан фойдаланиш учун ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

10. Тасдиқланган сўровнома «Ижтимоий ҳимоя» АТда реал вақт режимида тегишли ҳудуддаги «Инсон» маркази директорига масъул ходимни (кейинги ўринларда — «Инсон» марказининг масъул ходими) бириктириш учун юборилади.

11. «Инсон» марказининг масъул ходими «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали келиб тушган сўровномани етти иш кунидан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқади.

12. «Инсон» марказининг масъул ходими томонидан сўровномани кўриб чиқишда «Ижтимоий ҳимоя» АТда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш истагида бўлган шахснинг:

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестри (кейинги ўринларда — Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар реестри) ёки Камбағал оилалар реестрига киритилганлиги ҳолати ёхуд «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олувчи шахс (оила) эканлиги ўрганилади;

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарори билан тасдиқланган Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни эътироф этиш, индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режасини тасдиқлаш ва мониторинг қилишнинг маъмурий регламентида белгиланган тартибда Бартел ва Лаутон шкалаларини расмийлаштириш орқали ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси баҳоланади;

мазкур Низомга 4-иловага* мувофиқ сўровномани расмийлаштириш орқали оиласи ёки ўзини ижтимоий хизматларга эҳтиёжи аниқланади.

13. Ижтимоий хизматлардан фойдаланиш истагида бўлган шахс мазкур Низомга 2а — 2д-иловаларга мувофиқ паспортларнинг «Ижтимоий хизматдан фойдаланувчи» позициясида белгиланган мезонларга мос бўлмаганда ваучер бериш рад этилади.

3-боб. Ижтимоий хизматдан фойдаланувчига ваучер бериш тартиби

14. Сўровномани кўриб чиқиш натижалари мазкур Низомга 2а — 2д-иловаларда тегишли ижтимоий хизматлар учун белгиланган мезонларга мос бўлган тақдирда, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш истагида бўлган шахс учун тақдим этилиши мумкин бўлган ижтимоий хизматлар турлари, хизмат кўрсатиш муддатлари, вақти ва даврийлиги «Ижтимоий ҳимоя» АТда автоматик тарзда шаклланади.

Бунда «Инсон» марказининг масъул ходими томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТда шаклланган ижтимоий хизматлар ижтимоий хизматлардан фойдаланиш истагида бўлган шахсга таклиф қилинади.

15. Ижтимоий хизматлардан фойдаланиш истагида бўлган шахс ўз хошига кўра, унга таклиф этилган ижтимоий хизматлардан бирини танлайди.

16. Агентликнинг тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқарма) ҳамда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш истагида бўлган шахс ўртасида танланган ижтимоий хизматдан фойдаланиш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаб бериш бўйича ваучер беришни назарда тутувчи тузиладиган шартнома лойиҳаси «Ижтимоий ҳимоя» АТда автоматик тарзда шаклланади.

«Инсон» марказининг масъул ходими шартнома лойиҳасини имзолаш учун томонларга тақдим этади.

17. Имзоланган шартнома «Ижтимоий ҳимоя» АТда электрон шаклда тузилган ҳолларда, ундаги тегишли маълумотлар «Ижтимоий ҳимоя» АТнинг «Оила ҳамкори» платформасига юборилади.

18. Шартнома маълумотлари асосида «Ижтимоий ҳимоя» АТда тегишли ижтимоий хизматдан 6 ойдан кўп бўлмаган муддатда фойдаланиш ҳуқуқи билан ваучер шаклланади.

19. «Ижтимоий ҳимоя» АТда ваучер шакллантирилганлиги ҳақида шу куннинг ўзида ижтимоий хизматдан фойдаланувчининг мобил телефон рақа-

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мига ҳамда ЯИДХПдаги шахсий кабинетига СМС-хабар юборилади ёки ижтимоий хизматдан фойдаланувчи бир иш кунидан кўп бўлмаган муддатда «Инсон» марказининг ижтимоий ходими томонидан хабардор қилинади.

20. Ижтимоий хизматдан фойдаланувчи ваучер берилганлиги ҳақида мобил телефон рақамига СМС-хабар келиб тушган ёки «Инсон» марказининг ижтимоий ходими томонидан хабардор қилинган вақтдан бошлаб ўн иш куни ичида ўз хоҳишига кўра «Ижтимоий ҳимоя» АТнинг «Оила ҳамкори» платформасида хизмат кўрсатувчини танлаши лозим.

Хизматдан фойдаланувчи мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган муддат ичида «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали хизмат кўрсатувчини танламаган тақдирда, унга берилган ваучер бекор қилинади ва бу ҳақида хизматдан фойдаланувчига хабар берилади.

4-боб. Ижтимоий хизматларни кўрсатувчига қўйиладиган талаблар

21. Ижтимоий хизматларни кўрсатиш билан шуғулланиш истагидаги «Инсон» марказлари, Агентликнинг тизим ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахслар ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар ихтиёрий равишда электрон офертани тасдиқлаш орқали «Ижтимоий ҳимоя» АТнинг «Оила ҳамкори» платформасида рўйхатдан ўтади.

22. Агентлик томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТнинг «Оила ҳамкори» платформасида Ижтимоий хизматлар кўрсатувчиларнинг ягона реестри (кейинги ўринларда — Ягона реестр) юритилади.

23. Ижтимоий хизматларни кўрсатиш билан шуғулланиш истагидаги «Инсон» марказлари, Агентликнинг тизим ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахслар ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТнинг «Оила ҳамкори» платформасида рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги маълумотларни киритиш орқали сўровнома тўлдирилади:

юридик шахслар учун солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ҳамда телефон рақами;

якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун паспорт ёки ID-карта серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ҳамда телефон рақами;

тадбиркорлик субъекти ёки ўзини ўзи банд қилган шахснинг юридик манзили, ҳисобварағи, банк реквизитлари;

тадбиркорлик субъекти ёки ўзини ўзи банд қилган шахснинг ижтимоий хизматларни кўрсатиш ҳудуди;

кўрсатилиши режалаштирилаётган ижтимоий хизмат турлари ва қамрови билан боғлиқ маълумотлар;

ижтимоий хизматларни кўрсатишга мўлжалланган бино ва иншоотнинг мавжудлиги ҳамда унинг мулк ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқ асосида унга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлиги (хизматдан фойдаланувчининг яшаш жойига борган ҳолда хизмат кўрсатиладиган ҳолларда талаб этилмайди);

ижтимоий хизматлар хизматдан фойдаланувчининг яшаш жойидан ташқарида кўрсатилган ҳолларда, ижтимоий хизматларни кўрсатишга мўлжалланган бино ва иншоотнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳулосалар;

ижтимоий хизматларни кўрсатишда ёки уларни кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ва тадбирларни амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари талаб этиладиган ҳолларда тегишли ҳужжатнинг мавжудлиги.

24. «Инсон» марказлари, Агентликнинг тизим ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахслар ёки ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг сўровномаси тегишлилиги бўйича ҳудудий бошқармада камида уч кишидан иборат таркибда тузиладиган ўрганиш гуруҳи (кейинги ўринларда — ўрганиш гуруҳи) томонидан сўровнома келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ минимал талабларга мувофиқлиги ўрганиб чиқилади.

Бунда ўрганиш натижаси бўйича ўрганиш гуруҳи томонидан ижтимоий хизматларни кўрсатувчининг ижтимоий хизматни (хизматларни) кўрсатишга тайёр ёки тайёр эмаслиги тўғрисида ҳулоса расмийлаштирилади ва электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишилади ҳамда ҳудудий бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

25. Ўрганиш гуруҳи томонидан ижтимоий хизматларни кўрсатиш билан шуғулланиш истагидаги «Инсон» марказлари, Агентликнинг тизим ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахслар ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар ижтимоий хизматни (хизматларни) кўрсатишга тайёрлиги тўғрисида ҳулоса билан бирга «Ижтимоий ҳимоя» АТнинг «Оила ҳамкори» платформасида рўйхатдан ўтиш учун сўровнома тасдиқланади.

Ўрганиш натижаси бўйича ўрганиш гуруҳи томонидан ижтимоий хизматларни кўрсатиш билан шуғулланиш истагидаги «Инсон» марказлари, Агентликнинг тизим ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахслар ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар ижтимоий хизматни (хизматларни) кўрсатишга тайёр эмаслиги тўғрисида ҳулоса расмийлаштирилганда, унинг «Ижтимоий ҳимоя» АТнинг «Оила ҳамкори» платформасида рўйхатдан ўтиш учун юборилган сўровномасини тасдиқлаш рад этилади ва бу ҳақида ижтимоий хизматларни кўрсатиш билан шуғулланиш истагидаги субъектга хабар берилади.

5-боб. Ижтимоий хизматларнинг самарадорлигини баҳолаш

26. Ижтимоий хизматларнинг самарадорлиги Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, унинг ҳудудий марказлари ҳамда марказ мавжуд бўлмаган ҳудудларда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан тегишли ҳудуддаги «Инсон» маркази билан биргаликда ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) тузган ҳолда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган вақтдан бошлаб ҳар олти ойда бир маротаба баҳолаб борилади.

27. Ишчи гуруҳ томонидан амалга ошириладиган ишлар маълумотнома ёки бошқа турдаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

28. Ишчи гуруҳнинг тузилиши ҳамда хизмат самарадорлигини баҳолаш ўз вақтида, тўғри ва ҳаққоний ташкил қилиниши учун масъул ҳисобланади.

29. Ижтимоий хизматларнинг самарадорлигини баҳолаш мазкур Низомга 2а — 2д-иловаларга мувофиқ мезонлар асосида Ишчи гуруҳ томонидан ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

30. Кўрсатилаётган ижтимоий хизматлардан фойдаланувчи шахснинг қониқлиш даражаси қуйидаги тартиблардан бирига мувофиқ бир ойда камида бир маротаба ушбу шахс томонидан мазкур Низомга 2а — 2д-иловаларга мувофиқ баҳолаб борилади:

«Ижтимоий ҳимоя» АТдаги хизматдан фойдаланувчининг шахсий кабинетида тақдим этиладиган сўровнома асосида;

«Инсон» маркази томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахсга СМС-хабарнома юбориш орқали.

6-боб. Ижтимоий хизматлардан фойдаланиш харажатларининг бир қисмини ваучер асосида қоплаб бериш

31. Ижтимоий хизматлардан фойдаланиш юзасидан ваучернинг фойдаланилган қисми бўйича субсидия уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан ва қолган ижтимоий хизматлар учун Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимлари орқали Дастур доирасида ижтимоий хизматлардан фойдаланиш бўйича ваучернинг фойдаланилган қисми миқдорида тўловларни амалга ошириш ва ҳисобини юритиш Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар учун Агентликнинг ҳудудий бошқармаларидаги шахсий ғазна ҳисобварақларида, Жамғармадан ажратиладиган субсидиялар Жамғармада алоҳида очиладиган шахсий ғазна ҳисобварақларида юритилади.

32. Кўрсатилган ижтимоий хизматлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда ушбу хизматлардан ҳақиқатда фойдаланган шахснинг биометрик маълумотлари «Ижтимоий ҳимоя» АТга киритиш орқали ушбу маълумотлар асосида автоматик тарзда электрон давомат табели шаклланади ва электрон давомат табели асосида ажратиладиган субсидиянинг ойлик миқдори автоматик ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда давомат мобил илова ёки махсус қурилмалар ёрдамида жисмоний шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали юритилади.

33. Ахборот модулининг мобил иловасидан ёки махсус қурилмалардан Интернет жаҳон ахборот тармоғисиз (оффлайн режимда) фойдаланилган ҳолларда, ижтимоий хизматлар давомати бўйича қайд этилган маълумотлар «Инсон» марказлари томонидан ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмасдан Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган ҳолда (онлайн

режимда) оффлайн режимда киритилган маълумотларни ахборот модулига узатилишини (янгиланишини) таъминлайди.

34. Ахборот модулига маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаганда, шу жумладан, узатилишини (янгиланишини) таъминламаганда ижтимоий хизмат кўрсатувчиларга субсидия ҳисобланмайди ва тўланмайди.

35. «Ижтимоий ҳимоя» АТда шаклланган электрон даволат табелига асосан ваучер асосида субсидия шаклидаги тўловлар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар шакллантирилади ва махсус ғазна ҳисобварақларидан икки иш куни ичида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимлари орқали хизмат кўрсатувчининг тижорат банкидаги ҳисобварағига, Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ёки Агентликнинг тизим ташкилотларининг эса бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳамда тижорат банкидаги ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

36. «Ижтимоий ҳимоя» АТда хизмат кўрсатувчининг тижорат банкидаги ҳисобварағига ёки бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилган тўловлар ҳақидаги маълумотлар шакллантириб борилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

37. Ижтимоий хизматларни кўрсатувчи «Инсон» марказлари, Агентликнинг тизим ташкилотлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахслар ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан ижтимоий хизматдан фойдаланувчиларнинг шахсига доир маълумотлардан хабардор бўлиб қолган шахслар, шу жумладан, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ушбу маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши шарт.

38. Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий инспекция ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ижтимоий хизматларни кўрсатувчилар томонидан ушбу Низом талабларига риоя қилиниши устидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

39. Ижтимоий хизмат кўрсатувчилар ахборот модулига киритилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги бўйича жавобгар ҳисобланади.

40. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

«Фаол ҳаётга қадам» дастури доирасида
ижтимоий хизматлардан имтиёзли шартларда
фойдаланиш учун ваучер бериш ҳамда
ижтимоий хизматларни кўрсатиш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Ижтимоий хизматларни ташкил этиш ва кўрсатиш учун қўйиладиган минимал талаблар

1. Уй шароитида қараб туриш хизмати, уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати ҳамда шахсий ёрдамчи хизматини ташкил этиш ва кўрсатиш учун қўйиладиган минимал талаблар

Хизмат кўрсатишда иштирок этувчи ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш марказида қисқа муддатли ўқув курсини ўтганлиги.

2. Тиббий-ижтимоий реабилитация хизматини ташкил этиш ва кўрсатиш учун қўйиладиган минимал талаблар

1. Кундузги қатнов асосида ёки хизматдан фойдаланувчининг яшаш жойида хизмат кўрсатишда шифокор ва ҳамшира фаолияти йўлга қўйилганлиги.

2. Хизмат кўрсатишда иштирок этувчи ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш марказида қисқа муддатли ўқув курсини ўтганлиги.

3. Хизматдан фойдаланувчилар учун 10 км гача бўлган масофа доирасида транспорт хизматининг мавжудлиги.

4. Хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган портатив жиҳозларнинг мавжудлиги.

5. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқсиз кириши ва чиқиши, шунингдек ҳаракатланиши учун шароитлар, бунда, кириш қисмидаги зиналарда 1:12,5 нисбатдаги пандус ва тутқичлар, камида 0,90 метр кенгликдаги (кесаки-остоналарсиз) эшиклар, хожатхоналарда махсус жиҳоз ва тутқичлар мавжудлиги.

6. Ёнғин хавфсизлиги талаблари ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига риоя этилиши.

7. Иситиш ва совитиш тизимининг мавжуд ва соз ҳолатда бўлиши.

8. Хоналар табиий ва (ёки) сунъий ёритиш воситалари орқали зарур ёруғлик билан таъминланганлиги.

3. Кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматини ташкил этиш ва кўрсатиш учун қўйиладиган минимал талаблар

1. Хизмат кўрсатиш жойи марказ типида алоҳида бинода ёки кўп қаватли бинонинг 1-қаватида бўлиши, оила типида эса, хонадонда ташкил этилиши.

2. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқсиз кириши ва чиқиши, шунингдек ҳаракатланиши учун шароитлар, бунда, кириш қисмидаги зиналарда 1:12,5 нисбатдаги пандус ва тутқичлар, камида 0,90 метр кенгликдаги (кесаки-остоналарсиз) эшиклар, ҳожатхоналарда махсус жиҳоз ва тутқичлар мавжудлиги.

3. Ёнғин хавфсизлиги талаблари ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига риоя этилиши.

4. Иситиш ва совитиш тизимининг мавжуд ва соз ҳолатда бўлиши.

5. Гуруҳли машғулотлар ва даволовчи жисмоний тарбия хонаси, овқат тайёрлаш ва овқатланиш хонаси, эркаклар ва аёллар учун алоҳида дам олиш хоналари ҳамда ҳожатхона ва ювиниш хонасининг мавжудлиги.

6. Компьютер тўплами ва бошқа техник жиҳозлар (принтер, сканер, видеода қайд этиш воситалари), интернет алоқа тизими ҳамда интерактив панелнинг (монитор) мавжудлиги.

7. Иш вақти, ижтимоий хизматлар турлари, машғулотларнинг кунлик шуғулланиш графиги, ижтимоий хизматлар нархлари ва иш тартиби тўғрисида ахборотлар кўрсатилган пешлавҳа ёки электрон ахборот берувчи воситаларнинг мавжудлиги.

8. Хоналар табиий ва (ёки) сунъий ёритиш воситалари орқали зарур ёруғлик билан таъминланганлиги.

9. Ижтимоий хизматдан фойдаланувчиларнинг сифимидан келиб чиққан ҳолда етарли майдон, ҳар бир хона учун мебель (каравот, стол ва стул, шкаф, диван ва бошқалар) ва техника жиҳозлари (телевизор, музлаткич, микротўлқинли печ ва бошқалар), идиш-товоқларнинг мавжудлиги.

10. Гуруҳли машғулотлар ва даволовчи жисмоний тарбияни ташкил этиш ва ўтказиш учун етарли анжомларнинг (спорт, ақлий ва меҳнат машғулотлари учун) мавжудлиги.

11. Хизматдан фойдаланувчилар учун 10 км гача бўлган масофа доирасида транспорт хизматининг мавжудлиги.

12. Хизмат кўрсатишда иштирок этувчи ходимларнинг тиббий маълумотга эга бўлиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш марказида қисқа муддатли ўқув курсини ўтганлиги.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 18 июндаги 376-сон қарорига
2-ИЛОВА

НАМУНА



**Ijtimoiy himoya milliy agentligi huzuridagi
Ijtimoiy himoya tizimi xodimlarining malakasini oshirish
markazi qisqa muddatli o'quv kursini tugatganlik haqida
SERTIFIKAT**

KP t/r 000000

(Tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20____-yil _____dan
20____-yil _____gacha

(o'quv kurslari olib borilgan muassasa nomi)

jami _____ soatli

(o'quv kursining nomi)

bo'yicha o'quv kursini muvaffaqiyatli tugatdi.

Muhr o'rni

Direktor

(imzo)

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

**Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги
Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш
маркази қисқа муддатли ўқув курсини тугатганлик ҳақида
сертификат тавсифи**

Қисқа муддатли ўқув курсларини тугатганлик ҳақидаги Сертификат офсет усулида А4 форматдаги оқ қоғозда бешта бўёқдан: қора ранг — матн учун, яшил, кўк, қизил ранг — расмлар тасвири учун, оч кулранг — фон учун фойдаланиб босилади.

Варақнинг чап томонида четидан 10 мм қолдирилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири билан 32 мм кенгликдаги хошия жойлаштирилади. Хошиянинг юқори қисмида 30 мм диаметрли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири, пастки қисмида — 35 мм ҳажмдаги иккита туташ тўртбурчакдан ташкил топган саккизбурчакли юлдуз жойлашади, юлдуз марказида муҳр учун диаметри 25 мм бўлган оқ доира бор.

Варақнинг ўнг томонида четидан 30 мм қолдирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш марказининг расмий логотипи жойлаштирилади.

Варақнинг қолган қисмининг юқорисида давлат тилида лотин графикасида қуйидаги сўзлар босилади:

**Ijtimoiy himoya milliy agentligi huzuridagi Ijtimoiy himoya
tizimi xodimlarining malakasini oshirish markazi qisqa
muddatli o'quv kursini tugatganlik haqida
SERTIFIKAT**

Сертификат икки лотин ҳарфи «КР» ва олти сондан иборат тартиб рақамига эга. Матн оч кулранг фонда гулдор нақш билан босилади.

Сертификат олти карра ҳимояланган бўлиб, қуйидагилардан фойдаланилган:

- босишнинг икки — офсет ва юқори усули;
- нур орқали нусха кўчиришни мураккаблаштириш учун ёрқин ранглар;
- гулдор нақш;
- турли рангли нақшлар турларидан фойдаланиш йўли билан ҳар хил ранглар ҳосил қилиш;
- махсус қоғоз;
- алмашиб турадиган сонлардан тартиб рақами.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

302 Автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсиқларсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 18 июлдаги ПҚ–266-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг транспорт воситаларидан мустақил ва тўсиқсиз фойдаланиши ҳамда жамоат транспортида эркин ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсиқларсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 18 июлдаги ПҚ–266-сон қарорига мувофиқ I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг шахсий автотранспорт воситаларини мослаштириш харажатларининг 50 фоизи (базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача бўлган миқдорда) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) автобусда йўловчи ташиш йўналишларида хизмат кўрсатётган тадбиркорлик субъектларининг (кейинги ўринларда — тадбиркорлик субъектлари) автобуслари ва I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг шахсий автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш бўйича мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш;

автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш;

автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш бўйича маъмурий тартиб-таомилларнинг амалга оширилишини назорат қилиш.

3. Белгилансинки:

тадбиркорлик субъектлари автобуслари ва I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг шахсий автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш бўйича мурожаат-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 июнда эълон қилинган.

лар «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ва «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ижтимоий ҳимоя» АТ) ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали қабул қилинади;

автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш бўйича мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) ҳузуридаги Ижтимоий инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан ўн иш кун ичида кўриб чиқилади;

автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларига ҳамда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг номига очилган банк карталарига пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

4. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги:

а) Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 августга қадар:

давлат хизматини кўрсатиш «Ижтимоий ҳимоя» АТ ҳамда ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

«Ижтимоий ҳимоя» АТ ва ЯИДХПда давлат хизмати кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

б) икки ой муддатда «Ижтимоий ҳимоя» АТда транспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатлари қопланган тадбиркорлик субъектлари ва I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар реестри юритилишини йўлга қўйсин;

в) Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартиби бажарилиши юзасидан тегишлилиги бўйича «Ижтимоий ҳимоя» АТ ҳамда ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

г) 2025 йил 1 октябрга қадар жамоат транспорт воситаларида ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштирилганлиги юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имкониятини берувчи мобил иловани ишга туширсин.

5. Транспорт вазирлиги йўловчи ташиш йўналишларидаги автобус ҳайдовчилари томонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган жиҳозлар ва имтиёزلардан доимий фойдаланилиши таъминланишини назорат қилиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

публикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 июнь,
377-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 18 июндаги 377-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар
эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш
бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу маъмурий регламент (кейинги ўринларда — Регламент) шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) автобусда йўловчи ташиш йўналишларида хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари (кейинги ўринларда — тадбиркорлик субъектлари) ҳамда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг шахсий автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда — давлат хизмати)ни кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

автотранспорт воситалари — тадбиркорлик субъектларининг автобуслари ҳамда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалар таснифи (классификацияси)нинг M1 тоифасига кирувчи шахсий транспорт воситалари;

ариза берувчи — тадбиркорлик субъектлари ҳамда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари;

жамғарма — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси;

худудий бошқарма — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари.

3. Мазкур Регламентга мувофиқ автотранспорт воситаларини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларининг 50 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача бўлган қисмини Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаш:

2024 йил 1 октябрга қадар шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) автобусда йўловчи ташиш йўналишларини бириктириш бўйича тендерда ғолиб бўлиб, ушбу йўналишларда хизмат кўрсатаётган (йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш шартномасининг амал қилиш муддати тугашига 90 кундан кам бўлмаган) тадбиркорлик субъектларининг ҳар бир автобуси учун;

2024 йил 1 октябрдан бошлаб I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз номига расмийлаштирилган ва шахсий фойдаланувида бўлган битта автотранспорт воситаси учун амалга оширилади.

4. Автотранспорт воситаларини қуйидагилар билан жиҳозлаш уни ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш деб эътироф этилади:

а) тадбиркорлик субъектларининг автобуслари учун:

йиғма пандус (бир дона);

аудио ва визуал ахборот берувчи монитор (бир дона);

ахборот берувчи колонка (кўпи билан учта);

маълумотларни узатувчи микрофон (бир дона);

алоқа тугмаси;

бекатлар ҳақида ахборот олиш имконини берувчи маълумотлар тахтаси билан жиҳозлаш (бир дона);

б) I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг шахсий автотранспорт воситалари учун:

газ ва тормоз педалини қўл бошқарувига ўтказиш;

механик узатиш қутисини автомат узатиш қутиси қилиб қайта жиҳозлаш харажатлари.

5. Давлат хизмати 1-иловага* мувофиқ схема асосида бепул кўрсатилади.

2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

6. Давлат хизматидан фойдаланиш учун ариза берувчилар тегишли автотранспорт воситаси ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштирилган вақтдан эътиборан 90 кун ичида «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига (кейинги ўринларда — «Инсон» маркази) бевосита борган ҳолда ёки «Ягона» миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ижтимоий ҳимоя» АТ) ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали электрон тарзда мурожаат қилади.

Бунда мурожаат қилингандан кейинги босқичлардаги барча ҳаракатлар «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали амалга оширилади.

7. Ариза берувчилар «Инсон» марказларига бевосита борган ҳолда мурожаат қилганда, «Инсон» марказлари ходими уларнинг номидан, «Ижтимоий

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

химоя» АТ ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилганда эса мазкур Регламентга 2-иловага* мувофиқ сўровнома мустақил равишда электрон тарзда тўлдирилади.

Электрон тарзда тўлдирилган сўровнома ариза берувчилар томонидан имзони идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан (электрон рақамли имзо, дактилоскопия, Mobile-ID ва бошқалар) тасдиқланади.

8. Сўровномага қуйидаги маълумотлар киритилади ва ҳужжатлар PDF форматида илова қилинади:

а) тадбиркорлик субъектлари томонидан:

тадбиркорлик субъекти маълумотлари (СТИР, хизмат кўрсатувчи банк реквизитлари, манзили, телефон рақами, электрон почта манзили ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлараро, шаҳар атрофи, шаҳарлараро автобусда йўловчи ташиш йўналиши бўйича тузилган шартнома нусхаси);

автотранспорт воситаси мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлигини тасдиқловчи ёки автобусда йўловчи ташиш йўналишларини бириктириш бўйича тендерда ғолиб бўлгунга қадар тузилган автотранспорт воситасининг ижара шартномаси;

автотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш учун рухсатнома;

автотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъекти билан тузилган шартнома ва унга мувофиқ кўрсатилган хизмат учун тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи онлайн назорат касса техникаси чеки ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура нусхалари ва реквизитлари ҳамда хизмат кўрсатувчи банк реквизитлари;

хар бир автотранспорт воситасида ўрнатилган мазкур Регламентнинг 4-бандида назарда тутилган жиҳозлар номи ва уларни ўрнатиш харажати-нинг умумий суммаси.

Мазкур кичик банднинг бешинчи хатбошисида назарда тутилган онлайн назорат касса техникаси чеки ёки ҳисоб-фактура нусхаларида автотранспорт воситасида ўрнатилган мазкур Регламентнинг 4-бандида назарда тутилган жиҳозлар номи, сони ва уларни ўрнатиш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши талаб этилади;

б) I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар томонидан:

махсус ускуналар билан қайта жиҳозланган автотранспорт воситасини (фақат қўл билан бошқариладиган ва автомат узаткичли енгил транспорт воситалари) бошқариш лаёқати тўғрисидаги тиббий хулоса;

автотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш учун рухсатнома;

автотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъекти билан тузилган шартнома ва унга мувофиқ кўрсатилган хизмат учун тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи онлайн назорат касса техникаси чеки ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура нусхалари ва реквизитлари;

банк картаси ёки хизмат кўрсатувчи банк ҳисобварағи ва унинг реквизитлари тўғрисида маълумот.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Мурожаат ариза берувчиларнинг вакиллари орқали берилганида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

9. Мазкур Регламентнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжат ва маълумотларнинг ҳаққонийлиги «Ижтимоий ҳимоя» АТ томонидан автоматик равишда идоралараро ахборот алмашинуви ёрдамида текширилади.

10. Ариза берувчиларнинг автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, автомобиль транспортида йўловчиларни ташиш фаолияти учун лицензия ҳамда ариза берувчи — I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахснинг I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс тоифасига кириши ва ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳақидаги маълумотлар ваколатли орган томонидан «Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мустақил равишда олинади.

11. Ушбу Регламентнинг 9 ва 10-бандларига мувофиқ ўтказилган текширишда қуйидагилар аниқланган тақдирда, мурожаатни кўриб чиқиш рад этилади ҳамда ариза берувчига унинг аризасида кўрсатилган телефон рақамига «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали СМС-хабарнома ёки ЯИДХП орқали ариза берувчининг шахсий кабинетига хабар юборилади:

ариза берувчи I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс тоифасига кирмаслиги аниқланганда;

автотранспорт воситаси(лари) мурожаат қилган тадбиркорлик субъектига мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида ёки I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлмаганида;

автотранспорт воситаси ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштирилган вақтдан эътиборан 90 кундан сўнг мурожаат қилинганда;

I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахснинг автотранспорт воситасининг тоифаси M1 тоифасига тўғри келмаганда;

онлайн назорат касса техникаси чеки ёки ҳисоб-фактура тўғрисидаги маълумотлар Солиқ қўмитасининг ахборот тизимида аниқланмаганда;

автотранспорт воситасининг мослаштириш харажатлари бундан олдин Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланганлиги аниқланганда.

12. «Инсон» марказлари мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ сўровноманинг тўғри тўлдирилганлиги ва ҳужжатларнинг тўлиқ топширилганлигини кўриб чиқади.

«Инсон» марказлари томонидан ариза берувчиларнинг мурожаати келиб тушгандан сўнг уч иш куни ичида мазкур Регламентнинг 8-бандига мувофиқ мурожаатга илова қилиниши белгиланган ҳужжатлар илова қилинмаганлиги ёки сўровнома белгиланган тартибда тўлдирилмаганлиги аниқланган тақдирда, мазкур камчиликларни бартараф этиш учун ўн кун муддат берилади ва бу тўғрисида ариза берувчиларга «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали СМС-хабарнома юборилади.

Мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган муддатда мурожаат бўйича камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқиш рад этилади ҳамда бу тўғрисида ариза берувчига жавоб хати юборилади.

13. «Инсон» марказлари томонидан ариза берувчиларнинг мурожаатини кўриб чиқишда мазкур Регламентнинг 12-бандида назарда тутилган камчиликлар аниқланмаган тақдирда, ариза берувчининг мурожаатида кўрсатилган автотранспорт воситаси ҳақиқатда ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштирилганлиги бўйича хулоса расмийлаштириш учун ваколатли органга «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали юборилади.

14. Ваколатли орган томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали келиб тушган мурожаат тегишли мурожаатларнинг навбат тартиб рақамига мувофиқ улар юборилган санадан эътиборан ўн иш куни ичида кўриб чиқилади.

Бунда ваколатли орган томонидан мурожаат ариза берувчи билан келишилган ҳолда автотранспорт воситаларининг мазкур Регламентнинг 4-бандига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжлари учун мослаштирилганлиги жойига чиқиб ўрганилади.

15. Ваколатли орган томонидан ариза берувчининг мурожаатини кўриб чиқиш якуни бўйича унинг автотранспорт воситаси ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжлари учун мослаштирилганлиги юзасидан мазкур Регламентга 3-иловага* мувофиқ шаклда хулоса расмийлаштирилади.

Бунда мурожаатни ўрганиш жараёнида мурожаатда кўрсатилган тадбиркорлик субъектлари билан тузилган йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш бўйича шартноманинг амал қилиш муддати тугашига 90 кундан кам вақт қолганлиги ва (ёки) мазкур Регламентга 8-банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган ижара шартномаси автобусда йўловчи ташиш йўналишларини бириктириш бўйича тендер ўтказилганидан сўнг тузилганлиги аниқланган тақдирда, мазкур Регламентга мувофиқ давлат хизматини кўрсатиш тегишли хулоса расмийлаштирилмаган ҳолда рад этилади.

16. Қуйидаги ҳолларда автотранспорт воситаси ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжлари учун мослаштирилмаганлиги ҳақида мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ шаклда хулоса расмийлаштирилади:

автотранспорт воситаси мазкур Регламентнинг 4-бандида белгиланган талаблар асосида жиҳозланмаганда;

автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчи томонидан мазкур Регламентнинг 4-бандида назарда тутилган техник воситалар билан жиҳозланган бўлса.

17. Ваколатли орган томонидан ариза берувчининг мурожаатини кўриб чиқиш натижаси бўйича автотранспорт воситаси ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжлари учун мослаштирилганлиги ёки мослаштирилмаганлиги ҳақида мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилган хулоса «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали «Инсон» марказларига йўналтирилади. Бунда «Инсон» марказлари томонидан:

хулосада мазкур Регламентнинг 16-бандида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганлиги қайд этилган тақдирда, «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ариза берувчига давлат хизматини кўрсатиш рад этилганлиги тўғрисида асослан-тирилган СМС-хабарнома ҳамда «Ижтимоий ҳимоя» АТ ёки ЯИДХП орқали ариза берувчининг шахсий кабинетига хабар юборилади;

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хулосада мазкур Регламентнинг 16-бандида назарда тутилган ҳолатлар аниқланмаганлиги қайд этилган тақдирда, хулоса, мурожаат ва унга илова қилинган ҳужжатлар «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ариза берувчига автотранспорт воситасини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш масаласини келишиш учун ҳудудий бошқармаларга юборилади.

18. Ҳудудий бошқармалар томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали юборилган ҳужжатлар уч иш куни ичида кўриб чиқилади ва келишилади.

Ҳудудий бошқармалар томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали юборилган ҳужжатларни кўриб чиқишда мазкур Регламентнинг 15 ва 16-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланмаган тақдирда, ариза берувчининг автотранспорт воситасини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш тўғрисида мазкур Регламентга 4-иловага* мувофиқ талабнома шакллантирилади ва хулоса билан бирга «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали Жамғармага юборилади.

3-боб. Автотранспорт воситаларининг мослаштириш харажатларини қоплаш

19. Ариза берувчилар томонидан илова қилинган онлайн назорат касса техникаси чеки ёки ҳисоб-фактурада кўрсатилган автотранспорт воситасини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатлари миқдори «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали Солиқ қўмитасининг ахборот тизимидан олинган маълумотлар билан солиштирилади.

Автотранспорт воситасини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларининг қопланадиган қисми мазкур Регламентнинг 3-бандида белгиланган талаблар асосида «Ижтимоий ҳимоя» АТда автоматик равишда ҳисоб-китоб қилинади.

20. Жамғарма мазкур Регламентнинг 18-бандида назарда тутилган талабнома келиб тушгандан бошлаб беш иш куни ичида талабнома ва унга илова қилинган хулоса асосида талабномада кўрсатилган тадбиркорлик субъекти ёки I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахснинг автотранспорт воситасини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларининг қопланадиган қисмини белгиланган тартибда молиялаштиради.

21. Жамғарма маблағлари ҳисобидан автотранспорт воситасини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларига ёки I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг номига очилган банк карталарига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Бунда Жамғарма маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларига ёки I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг банк карталарига пул ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг тегишли буйруғини қабул қилиш талаб этилмайди.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

22. Ариза берувчиларнинг автотранспорт воситасини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларининг тегишли қисми Жамғармадан молиялаштирилгандан сўнг, Жамғарма бир иш кuni ичида бу тўғрисидаги маълумотларни «Ижтимоий ҳимоя» АТга киритади.

23. Жамғарма томонидан ариза берувчиларнинг автотранспорт воситасини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларининг тегишли қисмини қоплаш бўйича маблағлар ўтказилганидан сўнг бу тўғрисида «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ариза берувчиларга СМС-хабарнома ёки ЯИДХП орқали ариза берувчининг шахсий кабинетига хабар юборилади.

Бунда «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ариза берувчиларга СМС-хабарномаларни юбориш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

24. Жамғарма маблағлари ҳисобидан автотранспорт воситасини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш харажатларини қоплаш тўғрисида аризаларни ўз вақтида ва белгиланган тартибда сифатли кўриб чиқиш учун тегишлича «Инсон» маркази, ваколатли орган ва ҳудудий бошқарма ҳамда Жамғарма раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

25. Ариза берувчиларнинг мурожаатларини қонунчилик ҳужжатларида ва мазкур Регламентда белгиланган талабларга риоя этган ҳолда кўриб чиқилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий инспекция томонидан амалга оширилади.

26. «Инсон» марказлари, ваколатли орган, ҳудудий бошқарма ва Жамғарманинг ходимлари давлат хизматини кўрсатиш жараёнида олинган шахсга доир ва бошқа маълумотларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сир сақланишини таъминлайди.

27. Ариза берувчилар Жамғарма ва ваколатли орган ходимларининг хати-харакатлари устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

28. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

303 Тоғли ва чўл ҳудудларда туризм хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Республиканинг олис ҳудудлари имкониятларидан самарали фойдаланиш, туризм йўналишига қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, экстремал туризм хизматларини кенгайтириш, замонавий инфратузилма объектларини барпо этиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш орқали аҳолини даромадли иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Тадбиркорлик субъектларининг тоғли ва чўл ҳудудларда зиплайн хизматлари ва канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуасини ташкил қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 1-иловага мувофиқ;

Тоғли ва чўл ҳудудларда зиплайн хизматлари ва канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуаси ташкил қилиниши режалаштирилган туман ва шаҳарлар рўйхати 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) тоғли ва чўл ҳудудларда умумий масофаси 200 метрдан кам бўлмаган зиплайн экстремал туризм мажмуасини ташкил қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 100 миллион сўм;

тоғли ва чўл ҳудудларда 150 кв метрдан кам бўлмаган канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуасини ташкил қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 80 миллион сўм миқдорида бир марталик субсидия ажратилади;

б) тоғли ва чўл ҳудудларда зиплайн ҳамда канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуасини ташкил қилган тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган субсидия Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитасининг Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

в) субсидия зиплайн ва канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуалари тўлиқ фойдаланишга топширилгандан кейин ажратилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда тоғли ва чўл ҳудудларда экстремал туризм объектларини ташкил этиш харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг тарғибот ишларини ташкил қилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 июнда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 июнь,
383-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 19 июндаги 383-сон қарорига
1-ИЛОВА

Тадбиркорлик субъектларининг тоғли ва чўл ҳудудларда зиплайн хизматлари ва канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуасини ташкил қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисида ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тадбиркорлик субъектларининг тоғли ва чўл ҳудудларда зиплайн хизматлари ва канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуасини ташкил қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом 2025 йил 1 июлдан бошлаб 2027 йил 1 январга қадар амал қилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

зиплайн хизматлари — пўлат арқоннинг икки учи махсус устунларга қотириб маҳкамланган аттракционда пўлат арқон бўйлаб ердан кўтарилган ҳолда тортишиш кучи таъсирида ҳаво орқали махсус мослама ёрдамида тушиш бўйича экстремал туризм хизматлари;

канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуаси — ер сатҳидан маълум масофа баландликда арқонлар ёрдамида маҳкамланган аттракционлардан ташкил топган, турли даражадаги қийинчиликдаги вазифаларни бажариш учун мўлжалланган спорт ва сайёҳлик мажмуаси;

субсидия — тадбиркорлик субъектларининг тоғли ва чўл ҳудудларда зиплайн хизматлари ва канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуасини ташкил қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилик ҳузуридаги Туризм қўмитасининг (кейинги ўринларда — Туризм қўмитаси) Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган маблағлар;

тадбиркорлик субъекти — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан

ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

3. Субсидия тадбиркорлик субъектларига уларнинг аризаларига асосан тоғли ва чўл ҳудудлардаги 2025-2026 йилларда ҳар бир тўлиқ фойдаланишга топширилган зиплайн хизматлари ва канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуасини ташкил қилиш харажатларининг бир қисmini қоплаш учун ажратилади.

Бунда:

тоғли ва чўл ҳудудларда умумий масофаси 200 метрдан кам бўлмаган зиплайн экстремал туризм мажмуасини ташкил қилиш харажатларининг бир қисmini қоплаш учун 100 миллион сўм;

тоғли ва чўл ҳудудларда 150 кв метрдан кам бўлмаган канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуасини ташкил қилиш харажатларининг бир қисmini қоплаш учун 80 миллион сўм миқдорида бир марталик рағбатлантирувчи субсидия ажратилади.

4. Тоғли ва чўл ҳудудларда зиплайн хизматлари ва канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуасини ташкил қилиш харажатларининг бир қисmini қоплаб бериш учун аризалар Туризм қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

5. Тадбиркорлик субъекти субсидия олиш учун ариза тақдим этиш вақтида қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

қайта ташкил этиш ёки тугатиш жараёнида бўлмаслиги;

фаолияти қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча тўхтатилган бўлмаслиги;

суд қарори асосида тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинмаган бўлмаслиги.

6. Субсидия ушбу Низомга 1-иловадаги* схемага мувофиқ тадбиркорлик субъектларига ажратилади.

2-боб. Субсидия олиш учун аризани тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби

7. Тадбиркорлик субъекти субсидия олиш учун ушбу Низомга 2-иловадаги* шаклга мувофиқ субсидия ажратилиши тўғрисида ёзма ёки электрон равишда ариза билан Туризм қўмитасига мурожаат қилади.

Бунда аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

зиплайн хизматлари ёки канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуаси ташкил қилинган ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

зиплайн хизматлари ёки канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуасининг лойиҳа-смета ҳужжатлари нусхаси;

белгиланган тартибда тасдиқланган қабул комиссиясининг қурилиши тугалланган зиплайн хизматлари ва канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуаси фойдаланишга қабул қилингани тўғрисидаги далолатнома нусхаси;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг зиплайн хизматлари ёки канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуасини ишга тушириш ва фойдаланиш учун рухсатномаси; тақдимот материаллари (мавжуд бўлса).

8. Тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган аризалар Туризм қўмитасида ташкил қилинадиган комиссия томонидан коллегиал тарзда унинг мажлисларида кўриб чиқилади.

9. Туризм қўмитасига келиб тушган аризалар қабул қилинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида ушбу Низом талабларига мувофиқ комиссия томонидан ўрганиб чиқилади.

10. Аризани ўрганиб чиқишда қўшимча ўрганишлар ўтказиш талаб этилса, комиссия қарорига асосан тадбиркорлик субъектини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, аризани ўрганиб чиқиш муддати қўшимча ўн иш кунга узайтирилиши мумкин.

Бунда заруратга кўра, ариза комиссия вакиллари ёки Туризм қўмитасининг ҳудудий бошқармалари вакиллари томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганилади.

11. Комиссия томонидан қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

аризада кўрсатилган ҳар бир йўналиш бўйича молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги;

бажарилган ишлар учун сарфланган маблағларни асосли эканлиги.

Заруратга кўра аризаларни кўриб чиқиш жараёнида уларда кўрсатилган маълумотлар жойига чиққан ҳолда ўрганилади.

12. Аризани ўрганиб чиқиш натижаси бўйича субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида комиссия қарори қабул қилинади.

Комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади. Комиссия қарорининг нусхаси қабул қилинган кунда тадбиркорлик субъектига юборилади.

13. Субсидия ажратиш қуйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

субсидия олиш учун ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаганда ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилганда;

зиплайн ва канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуаси тоғли ва (ёки) чўл ҳудудида ташкил этилмаганда;

зиплайн хизматлари ва канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуаси тўлиқ фойдаланишга топширилмаганда ва ишга туширилмаганда;

тадбиркорлик субъекти аризани топшириш вақтида қайта ташкил этиш ёки тугатиш жараёнида ёхуд фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча тўхтатилган бўлса;

тадбиркорлик субъекти ариза берган санаси ҳолатига кўра суд қарори асосида тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинган бўлса.

Субсидия ажратишни ушбу бандда кўрсатиб ўтилмаган асослар бўйича рад этиш мумкин эмас.

14. Субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги комиссия қарори тадбиркорлик субъектига топширилади ёки почта орқали юборилади ва унга қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиш тартиби ва муддати тушунтирилади.

15. Субсидия ажратиш рад этилган тақдирда, рад этиш учун асос бўлган

сабаблар аниқ кўрсатиб ўтилган комиссия қарори тадбиркорлик субъектига ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунида юборилади.

16. Тадбиркорлик субъекти комиссия қарорини олган кундан бошлаб кўпи билан ўн тўрт иш кунида кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, Туризм қўмитасига такроран ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

17. Ариза такроран тақдим этилган кундан бошлаб етти иш куни мобайнида қайта кўриб чиқилади. Бунда:

тадбиркорлик субъекти томонидан комиссиянинг аввалги қарорида келтирилган камчиликлар тўлиқ бартараф этилгани тасдиқланганидан сўнг субсидия ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

тадбиркорлик субъекти томонидан комиссиянинг аввалги қарорида келтирилган камчиликлар тўлиқ бартараф этилган тақдирда, аввал кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

18. Ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг тақдим этилган ариза янгидан берилган деб ҳисобланади.

3-боб. Субсидия ажратиш тартиби

19. Кўриб чиқиш натижаси бўйича субсидия ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳар бир ариза бўйича комиссия томонидан алоҳида иш жилди шакллантирилади.

20. Субсидия тадбиркорлик субъектининг аризасини кўриб чиқиш натижаси бўйича субсидия ажратиш тўғрисида комиссия қарори қабул қилинган кундан бошлаб ўн иш куни муддатда Туризм қўмитаси томонидан Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилади.

21. Аризаларга мувофиқ ажратилиши лозим бўлган субсидия тадбиркорлик субъектининг унга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларидаги ҳисобварағига ўтказиб берилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

22. Субсидия олиш учун тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига тадбиркорлик субъекти масъул ҳисобланади.

23. Туризм қўмитаси субсидия ажратиш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторингини юритиш, ажратилган маблағларнинг етказилиши юзасидан масъул ҳисобланади.

24. Тадбиркорлик субъекти давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

25. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

304 Республикада аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрда- мини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича таж- риба-синов лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғри- сида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон Фармонида мувофиқ аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини таъминлаш, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг тез тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган тиббий хизмат билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон Фармонида мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели бўйича 2025 йил 1 июлдан бошлаб республиканинг 15 та туман (шаҳар)ларида, 2026 йил 1 январдан бошлаб Самарқанд вилоятининг барча туман (шаҳар)ларида тажриба-синов лойиҳаси (кейинги ўринларда — тажриба-синов лойиҳаси) амалга оширилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш ва уни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Туман (шаҳар) марказий шифохонаси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Оилавий поликлиника тўғрисидаги намунавий низом 4-иловага мувофиқ;

Аҳолини тиббиёт бригадаларига бириктириш тартиби 5-иловага мувофиқ;

Тиббиёт, фармацевтика ва раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби 6-иловага мувофиқ;

Давлат тиббиёт муассасаларида аутсорсинг асосида стоматологик хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, тажриба-синов лойиҳаси доирасида:

туман (шаҳар) марказий шифохоналарида марказий лабораториялар Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт муассасаларига хизмат кўрсатувчи марказий лабораториялар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2024 йил 4 октябрдаги 627-сон қарорида белгиланган тартибда ташкил этилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 25 июнда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

туман (шаҳар) даражасида юридик шахс бўлган барча стационар ёрдам кўрсатувчи тиббиёт муассасалари ҳамда диспансерлар тегишли туман (шаҳар) марказий шифохонасининг бўлинмаси сифатида унинг таркибига киритилади.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2025 йил 1 июлга қадар тажриба-синов лойиҳаси амалга ошириладиган ҳудудларда, 2025 йил якунига қадар Самарқанд вилоятининг барча туман (шаҳар)ларида:

барча тиббиёт муассасаларини хатловдан ўтказсин;

фаолияти самарасиз деб топилган тиббиёт муассасаларини тугатиш ҳамда тиббиёт муассасаларини ушбу қарор билан тасдиқланган тегишли низомлар асосида қайта ташкил қилиш чораларини кўрсин.

Бунда янги ёки қайта ташкил қилиниши лозим бўлган оилавий поликлиникалар ва оилавий поликлиника филиалларини зарур бино ва иншоотлар ҳамда инфратузилма билан таъминлаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари масъул ҳисобланади;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ушбу қарорда белгиланган тартиб ва қоидалар тажриба-синов лойиҳаси доирасида амал қилади.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 декабрга қадар тажриба-синов лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишларни пухта таҳлил қилган ҳолда, уни республиканинг қолган ҳудудларида ҳам тўлиқ жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 20 июнь,
384-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 июндаги 384-сон қарорига
1-ИЛОВА

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш ва уни ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда — Соғлиқни сақлаш вазирлиги) туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари тизимидаги оилавий поликлиника ва унинг филиаллари (кейинги ўринларда — оилавий поликлиникалар) томонидан аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами — профилактика қилиш, ташхис қўйиш, касалликларни даволаш, ҳомиладорлик кечишини кузатиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда аҳолини санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари тўғрисида хабардор қилиш бўйича тадбирларни ўз ичига оладиган тиббий ёрдам тури;

оилавий поликлиника — бириктирилган аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш учун ташкил қилинган давлат тиббиёт муассасаси;

беморларни (аҳолини) йўналтириш (маршрут) — тиббий ёрдам олиш ҳамда ундан фойдаланиш мақсадига қараб оилавий поликлиникаларга муурожаат қилган беморлар (аҳоли) оқимини тизимли бошқариш жараёни;

беморни динамик кузатиш — беморнинг саломатлик ҳолатини тизимли мониторинг қилиш ва кузатиш натижалари бўйича зарур тавсия бериш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш;

паллиатив тиббий ёрдам — даволаниши қийин бўлган касалликка чалинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида амалга оширилган, оғриқдан халос қилишга ва касалликнинг бошқа оғир кўринишларини енгиллаштиришга қаратилган тиббий ёрдам тури;

патронаж хизмати — тиббиёт бригадаси томонидан болаларга, уйда ётиб қолган ва ўзгалар парваришига муҳтож беморларга, ҳомиладорларга, туғруқдан кейинги ҳамда туғиш ёшидаги аёлларга «уйига ташриф» асосида кўрсатиладиган тиббий хизмат тури;

профилактика — касалликларнинг пайдо бўлиши, дастлабки босқичларида ривожланиши ҳамда асоратларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

скрининг текширувлари — аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлашга қаратилган дастурлар мажмуи;

стационар ўрнини босувчи тиббий ёрдам — оилавий поликлиникаларда ташкил этилган кундузги шифохона, уй шароитида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш;

профилактик тиббий кўрик — аҳолини белгиланган тартибга мувофиқ режа асосида тиббий кўриқдан ўтказиш жараёни.

2-боб. Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишни ташкил этиш

3. Оилавий поликлиникада:

тажриба-синов лойиҳасини амалга оширишнинг дастлабки босқичида аҳоли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан тегишли оилавий поликлиникаларнинг тиббиёт бригадаларига бириктирилади. Бунда оилавий шифокор аҳоли томонидан эркин танланади;

тиббий хизмат кўрсатиш бўйича оилавий шифокор ҳамда бириктирилган аҳоли ўртасида битим тузилади. Битимда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилади;

аҳоли томонидан битимда келтирилган мажбуриятлар бажарилганда оилавий поликлиникаларда Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари (кейинги ўринларда — кафолатланган пакет) доирасида тиббий хизматларни тасдиқланган даволаш стандартларига, миллий клиник протоколларга асосан бепул кўрсатилади;

аҳолига тиббий хизмат фақат тегишли оилавий шифокорга мурожаат қилиш орқали бепул кўрсатилади (шошилиш ва тез тиббий ёрдам ҳоллари бундан мустасно);

оилавий шифокор томонидан, заруратга кўра тор соҳа мутахассисларига ва тегишли туман (шаҳар) марказий шифохонасига электрон йўлланмалар берилади;

бириктирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ҳамда оилавий поликлиника ўртасида тиббий хизматлар хариди бўйича шартнома тузилади;

оилавий поликлиникадан 10 км дан узоқ масофада жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳоли учун тиббиёт ходимларининг сайёр тиббий хизмати фаолияти ташкил этилади.

4. Оилавий поликлиникаларга ҳудудлар тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг буйруғи асосида амалга бириктирилади.

5. Оилавий поликлиника жойлашган ҳудудда яшамайдиган, лекин ушбу оилавий поликлиникага бириктирилган аҳолига ҳам кафолатланган пакет доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилади (патронаж хизмати бундан мустасно).

6. Оилавий поликлиника ва унинг филиалларида бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг қуйидаги турлари кўрсатилади:

аҳолига тиббий ёрдамнинг профилактика, ташхис қўйиш, даволаш, тиббий реабилитация, паллиатив ёрдам, диспансеризация хизматлари;

миллий эмлаш календарига биноан профилактик эмлаш;

юқумли касалликлар, заҳарланишлар ва фавқулодда вазиятлар тўғрисида тегишли хизматларни ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни, юқумли касалликлар ўчоқларида

обсервация тадбирларини ўтказиш, аҳолини хавфли эпидемик вазият тўғрисида огоҳлантириш;

аҳолига амбулатория-поликлиника ёрдамини кўрсатишни ташкил этишда филиалларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш.

7. Оилавий поликлиника филиаллари қуйидаги мезонлар асосида ташкил этилади:

а) 3 000 нафаргача аҳоли бириктирилган ҳамда мавжуд 2-тип оилавий поликлиникагача 5 км дан яқин бўлмаган масофада ва чекка ҳудудларда жойлашган маҳаллалар инobatга олинган ҳолда, кўчма контейнерлар ёки бино ва иншоотларда ёрдамчи қурилмалар ташкил қилинади;

б) оилавий поликлиника филиали маҳалла марказига яқин жойлашган бино ва иншоотларда, маҳалла фуқаролик йиғини, умумий ўрта таълим муассасалари ёки ушбу ҳудуддаги аҳоли учун қулай жойлашган давлат ташкилотларининг бино ва иншоотларида ташкил этилиши мумкин;

в) оилавий поликлиника филиали қуйидагилардан ташкил топади:

беморларни кўриқдан ўтказиш хонаси;

муолажалар ўтказиш хонаси;

гигиеник хона;

г) оилавий поликлиника филиали бириктирилган аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишни Оилавий поликлиника тўғрисидаги низом асосида ташкил қилинади.

8. Шифокорларнинг фаолият йўналишидан келиб чиқиб, уларнинг қабул вақтлари меъёри Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади. Ушбу меъёрдан келиб чиққан ҳолда, муассаса раҳбари томонидан шифокор ва мутахассисларнинг амбулатор қабул вақтлари белгиланади.

9. Оилавий поликлиникада бириктирилган аҳолига тиббий хизмат муассасанинг ўзида ҳамда беморнинг ҳолатига кўра унинг доимий ёки вақтинча яшаш жойида кўрсатилади.

3-боб. Оилавий поликлиника ва тиббиёт бригадалари фаолиятини ташкил этиш

10. Тиббиёт бригадаси таркиби оилавий шифокор, амалиётчи ҳамшира ва оила ҳамшираларидан иборат бўлади.

11. Тиббиёт бригадаси ва тор соҳа мутахассисларининг сони Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқландиган штат меъёрларига мувофиқ белгиланади.

Бунда туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғига штат меъёрларида кўзда тутилмаган лавозимларни ажратилган маблағлар доирасида лавозим алмашиниши орқали штатлар жадвалига белгиланган тартибда киритишига рухсат берилади.

12. Оилавий поликлиникалар қуйидаги мезонлар асосида ташкил этилади:

а) оилавий поликлиникада хоналар аҳолини йўналтириш маршрутига асосан жойлаштирилади.

Бунда беморларга қулайлик яратиш мақсадида шошилиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда энг кўп мурожаат қилинадиган хоналар оилавий поликлиникага кириш жойига яқин хоналарда жойлаштирилади;

б) оилавий поликлиникага киришда аҳоли учун қулай схема ишлаб чиқилиб, рўйхатхонага ҳамда бўлимларга ўтиш учун йўл белгилари билан белгиланади;

в) кўп қаватли бино ва иншоотларда ташкил қилинган оилавий поликлиникаларда ҳар бир қават учун блокларга ажратилган ҳолда чизма ишлаб чиқилиб, шифокорларга йўллаш бўйича сараланади;

г) оилавий поликлиникалар кафолатланган пакет доирасида тиббий хизмат кўрсатиш учун жиҳозлаш стандартлари асосида барча зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланади;

д) ҳар икки нафар оилавий шифокорга камида 1 та махсус жиҳозланган шифокордан олдинги кўрик хонасининг бўлиши оптимал ҳисобланади;

е) оилавий шифокорлар хонаси кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган пакетларига мос равишда шифокорлар учун зарур тўплам (офтальмоскоп, тонометр, фонендоскоп, пикфлоуметр, кўриш ўткирлигини аниқлаш жадвали, неврологик болғача ва бошқалар), тиббий мебель ҳамда персонал компьютер билан жиҳозланади;

ж) шифокордан олдинги кўрик хонаси оилавий шифокор қабулига ташриф буюрувчилар оқимини тартибга солиш, шифокор ваколати ва аралашувини талаб қилмайдиган функцияларни бажаришда шифокор юкламасини камайтириш ва ҳамширанинг ушбу йўналишдаги ваколатларини ошириш мақсадида ташкил этилади ҳамда унда тиббиёт бригадасининг амалиётчи ҳамшираси фаолият юритади.

13. Шифокордан олдинги кўрик хонаси фаолиятини самарали ташкил этиш, зарур тиббий жиҳоз ва анжомлар, сарфлов материаллари, адабиётлар (ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари, миллий клиник протоколлар, алгоритмлар, буйруқлар ва бошқалар), саволнома, кўргазмали ва тарқатма материаллар билан таъминлаш учун муассаса раҳбари ҳамда катта ҳамшира жавобгар ҳисобланади.

14. Шифокордан олдинги кўрик хонасига аҳоли қуйидаги масалалар бўйича мурожаат қилиши мумкин:

профилактик тиббий кўриклар;

амалиёт ўтказиш (беморлар шикоятларини ўрганиш, антропометрия, тонометрия, ЭКГ ва бошқалар);

болаларнинг ўсиши ва ривожланишини баҳолаш;

профилактик эмлашлар;

скрининг текширувлардан ўтиш;

антенатал кузатувлар;

сурункали касаллиги бор беморларнинг динамик кузатуви.

15. Оилавий поликлиника рўйхатхонаси бинонинг кириш қисмида ёки биринчи қаватида, «ташриф буюрувчига яқинроқ» тамойили асосида ташкил этилади ва катта ҳамшира томонидан назорат қилинади.

16. Оилавий поликлиникада нуронийлар, ногиронлиги бўлган шахслар

ва ҳомиладор аёлларга рўйхатхона томонидан навбатсиз хизмат кўрсатилади.

4-боб. Оилавий поликлиникага мурожаат қилиш тартиби

17. Аҳоли оилавий поликлиникага мурожаатлари қуйидаги йўналишлар гуруҳи асосида мурожаат қилади:

- а) профилактик тиббий кўрик ва скрининг текширувлари (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб ва муддатларда);
- б) касалликларнинг ўткир ҳолатларида беморни йўналтириш;
- в) антенатал парвариш ва кузатув;
- г) вакцинация (профилактик эмлашлар);
- д) шошилиш ҳолатлар;
- е) тор соҳа мутахассисларининг қабулига ёзилиш;
- ж) меҳнатга лаёқатсизлик варақасини олиш;
- з) никоҳланувчиларнинг тиббий кўриги;
- и) тиббий маълумотнома олиш;
- к) мигрантларнинг тиббий кўриги;
- л) ўлим тўғрисида маълумотнома олиш;
- м) республика ва вилоят даражасидаги тиббий хизматлардан фойдаланиш учун имтиёзли йўлланма олиш;
- н) ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг кўриги;
- о) физиотерапия ва реабилитация муолажаларини олиш;
- п) аҳоли учун бепул дори воситаларини олиш;
- р) эшитиш мосламаси, аравача, ҳасса, қўлтиқтаёқлар ва ортопедик оёқ кийимни олиш учун тиббий хулоса олиш;
- с) ҳаж сафарига бориш учун тиббий кўрик маълумотномасини олиш.

Оилавий поликлиникаларда тирбандликнинг олдини олиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида беморлар (аҳоли) ушбу Низомга иловага мувофиқ белгиланган тартибда йўналтирилади.

18. Тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги маълумотлар бевосита оилавий поликлиникадаги ахборот стендларига (расмий веб-саҳифаси) жойлаштирилади, шунингдек, муассасанинг телефон рақамига қўнғироқ қилиш орқали тақдим этилади.

19. Аҳоли кўрсатилган тиббий ёрдам сифатидан норози бўлганда, шунингдек, бошқа сабаблар бўйича мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ кўриб чиқилади.

20. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилиши учун аҳоли ўзи бириктирилган (ёки яшаш жойидаги) тиббиёт бригадаси фаолият юритадиган оилавий поликлиниканинг рўйхатхонасига шахсан мурожаат қилиш орқали ёки махсус электрон дастур орқали ёхуд телефон орқали мурожаат қилиб, оилавий шифокори қабулига навбат олади.

21. Тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган аҳоли белгиланган вақтда қабулга келиши лозим.

22. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлган ва даромад солиғи тўлайдиган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида кафолатланган пакет доирасида бепул тиббий ёрдам кўрсатилади. Бошқа ҳолларда тиббий хизматлар пулли асосда кўрсатилади (шошилиш ва тез тиббий ёрдам бундан мустасно).

23. Амбулатор тиббий карта оилавий поликлиника рўйхатхонасида ва (ёки) «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимларининг ягона комплекси базасида электрон шаклда сақланади ҳамда беморга топширилиши тақиқланади.

24. Оилавий шифокор томонидан зарур ҳолларда, жисмоний имконияти чекланган (ногирон), ҳаракатлана олмайдиган ёки ақли заиф беморларга доимий ёки вақтинча яшаш жойида кафолатланган пакет доирасида тиббий хизмат кўрсатилиши мумкин.

25. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами сайёр тиббий ёрдам бригадалари томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин.

5-боб. Якунловчи қоидалар

26. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи ҳамда оилавий поликлиника мудирлари аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш ва уни ташкил этиш учун жавобгар ҳисобланади.

27. Ушбу Низомнинг қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария
ёрдами кўрсатишни ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Оилавий поликлиникаларда аҳоли ва беморлар маршрути

1. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари тизимидаги оилавий поликлиника ва унинг филиалларида (кейинги ўринларда — оилавий поликлиника) аҳоли (беморлар) профилактик кўрикдан ўтишда қуйидаги йўналишда ҳаракатланади:

тиббиёт бригадасининг профилактик кўрикдан ўтказиш режасига асосан аҳоли оилавий поликлиникага ташриф буюради;

бемор оилавий поликлиника рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали шифокор олди кўриги хонасига электрон йўлланма (талон) олади;

шифокордан олдинги кўрик хонасида умумий амалиёт ҳамшираси мурожаат этувчининг ташриф мақсади, шикояти ҳамда ҳолатидан келиб чиқиб, белгиланган текширувларни бажаради ҳамда оилавий шифокорга йўналтиради;

оилавий шифокор мурожаат этувчининг шикоятларидан келиб чиқиб, тиббий кўрик ўтказди, тиббий кўрик натижасига кўра касаллик аниқланса ёки касалликка гумон қилинса, заруратга кўра қўшимча текширув ва тор соҳа мутахассислари кўриклари тавсия этилади ва беморга зарур тиббий ёрдам кўрсатилади (амбулатор тиббий ёрдам, кундузги шифохонада даволаш чоралари ёки шифохонада даволаниш учун йўналтириш);

агар мурожаат этувчи соғлом деб топилса, соғлом турмуш тарзига риоя этиш бўйича зарур тавсиялар берилади;

оилавий шифокор ёки тор соҳа мутахассисининг тавсияси асосида қайта кўрик белгиланганда, аҳоли оилавий поликлиника ёки туман (шаҳар) марказий шифохонасининг маслаҳат-диагностика бўлинмаси рўйхатхонасига мурожаат қилади. Рўйхатхона ходимига фуқаро шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этилганда, тўғридан-тўғри оила шифокори ёки тор соҳа мутахассисига йўлланма берилади.

2. Оилавий поликлиникада аҳоли (беморлар) касалликнинг ўткир ҳолатида қуйидаги йўналишда ҳаракатланади:

бемор рўйхатхонага мурожаат қилганда, рўйхатхона ҳамшираси уни филтър хонага (алоҳида хона) бевосита олиб боради;

оилавий шифокор беморни ҳолатига кўра беморни филтър хонада (алоҳида хона) қабул қилади;

оилавий шифокор беморга амбулатор шароитда тиббий ёрдам кўрсатади ҳамда амбулатор даво муолажаларини тайинлайди, заруратга кўра тор соҳа мутахассислари кўригига йўналтиради. Бунда кўрсатма бўлса, беморни кундузги шифохонага ёки стационар даволаниш учун шифохонага юборади;

алоҳида ҳолларда бемор ўзи бириктирилган тиббиёт бригадаси оилавий шифокорини яшаш жойига чақириши мумкин.

3. Аҳоли (беморлар) меҳнатга лаёқатсизлик варақасини олишда қуйидаги йўналишда ҳаракатланади:

меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномалари, соғлиқни сақлаш тизими, шу жумладан, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларига қарашли тиббиёт муассасаларининг шифокорлари томонидан махсус электрон бланкага киритилади ва автоматик тарзда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимларининг ягона комплексида (кейинги ўринларда — Ахборот тизими) сақланади. Бунда маълумотларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олиш имконияти яратилади;

бемор оилавий поликлиникага мурожаат қилганда, шифокордан олдинги кўрик хонасида умумий амалиёт ҳамшираси мурожаат этувчининг ташриф мақсади, шикояти ҳамда ҳолатидан келиб чиқиб, белгиланган текширувларни бажаради ҳамда оилавий шифокорга йўналтиради;

оилавий шифокор беморнинг шикояти асосида унга зарур тиббий ёрдам кўрсатади (амбулатор тиббий ёрдам, кундузги шифохонада даволаш чоралари ва шифохонада даволаниш учун йўналтириш) ва заруратга кўра тор соҳа мутахассисига йўналтиради;

оилавий шифокор томонидан тор соҳа мутахассисига йўналтирилган бе-

мор тор соҳа мутахассиси томонидан кўриқдан ўтказилади ҳамда тор соҳа мутахассиси тиббий кўриги хулосаси асосида белгиланган тартибда оилавий шифокор томонидан Ахборот тизими орқали расмийлаштирилади;

яшаш жойига чақирилганда оилавий шифокор кун тартибидаги юкларни бажаргач, беморни уйда кўриқдан ўтказиб, зарур муолажаларни бажаради ва даво муолажаларини белгилайди ҳамда оилавий поликлиникага қайтганидан сўнг меҳнатга лаёқатсизлик варақасини расмийлаштиради.

4. Оилавий поликлиникада аҳоли (беморлар) тор соҳа мутахассислари қабулига қуйидагича йўналтирилади:

бемор оилавий поликлиника рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали шифокордан олдинги кўриқ хонасига электрон йўлланма (талон) олади;

шифокордан олдинги кўриқ хонасида умумий амалиёт ҳамшираси мурожаат этувчининг ташриф мақсади, шикояти ҳамда ҳолатидан келиб чиқиб, белгиланган текширувларни бажаради ҳамда оилавий шифокорга (тиш оғриғида стоматологга) йўналтиради;

оилавий шифокор бемор шикоятларидан келиб чиқиб, кўриқ ўтказади ва зарурат бўлганида йўналиш бўйича тор соҳа мутахассисларига йўналтиради;

тор соҳа мутахассисининг тавсияси асосида қайта кўриқ белгиланганда бемор оилавий поликлиника ёки туман (шаҳар) марказий шифохонасининг маслаҳат-диагностика бўлинмаси рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали тўғридан-тўғри тор соҳа мутахассисига йўналтирилади.

5. Оилавий поликлиникада шошилинч ҳолатларда аҳоли (беморлар) қуйидаги йўналишда ҳаракатланади:

бемор рўйхатхонага мурожаат қилади ва рўйхатхона ҳамшираси уни муолажа хонаси ёки шифокор хонасига бевосита олиб боради;

оилавий шифокор беморни ҳолатига кўра муолажа хонаси ёки шифокор хонасида қабул қилади;

оилавий шифокор беморга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатади ҳамда заруратга кўра тор соҳа мутахассислари кўригига йўналтиради;

алоҳида кўрсатма бўлганда, беморлар стационар даволаниш учун шифохонага йўналтирилади (оилавий поликлиника автотранспорт воситасида бемор ҳолатига кўра умумий амалиёт ҳамшираси ёки оилавий шифокор ҳамроҳлигида ёки тез тиббий ёрдам машинасида).

6. Никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўтишда қуйидаги йўналишда ҳаракатланади:

никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан экстерриториал тамойил асосида психиатр шифокорлар, наркологлр, тери-таносил касалликлари шифокорлари, ОИВ/ОИТСга текширишдан ўтиш, фтизиатрлар (диспансер ва туман кабинетлари) томонидан тиббий кўриқ ўтказиш учун асос ҳисобланадиган ФХДЁ органлари томонидан берилган йўлланма бўйича бепул ўтказилади;

экстерриториал тамойил асосида туман (шаҳар) марказий шифохонасининг маслаҳат-диагностика бўлинмаси рўйхатхонасига мурожаат қилади;

никоҳланувчи шахслар рўйхатхона ходимига шахсини тасдиқловчи ҳуж-

жат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича масъул бўлган шифокор қабулига йўлланма (талон) олади;

масъул шифокор йўлланмасига мувофиқ психиатр шифокор, нарколог, тери-таносил касалликлари шифокори, фтизиатр кўригига юборилади;

тор соҳа мутахассислари кўригидан сўнг никоҳланувчи шахслар тиббий кўрик натижаларини масъул бўлган шифокорга тақдим этади;

туман (шаҳар) марказий шифохонасининг маслаҳат-диагностика поликлиникасининг масъул шифокори никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича маълумотнома беришда никоҳланувчи шахсларда аниқланган касалликларнинг никоҳ тузилгандан кейин юзага келиши мумкин бўлган оқибатлари тўғрисида тушунтириш беради;

никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиш муддати туман (шаҳар) марказий шифохонасининг маслаҳат-диагностика бўлинмасига мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаслиги лозим.

7. Оилавий поликлиникада аҳоли болаларни эмлаш бўйича мурожаат қилганда қуйидаги йўналишда ҳаракатланади:

болалар миллий эмлаш режаси асосида патронаж ҳамширасининг таклифига мувофиқ оилавий поликлиника рўйхатхонасига уларнинг ота-онаси ёки қонуний васийси томонидан олиб келинади;

оилавий поликлиника рўйхатхонасига боланинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (ЖШШИР) ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали шифокордан олдинги кўрик хонасига электрон йўлланма (талон) олинади;

шифокордан олдинги кўрик хонасида умумий амалиёт ҳамшираси боланинг белгиланган маълумотларини расмийлаштиради ҳамда оилавий шифокорга йўналтиради;

оилавий шифокор болани кўрикдан ўтказди, агар бола соғлом бўлса, эмлашга рухсат беради ва эмлаш хонасига юборади;

эмлашга қатъий ёки вақтинча тиббий чеклов аниқланган ҳолларда оилавий шифокор болани соғломлаштириш чорасини кўради ва заруратга кўра педиатрга, иммунологга ёки бошқа тор соҳа мутахассисларига йўналтиради;

эмлашга вақтинча тиббий чекловлар бартараф қилингандан сўнг оилавий поликлиника рўйхатхонасига боланинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали тўғридан-тўғри оилавий шифокорга йўлланма берилади.

8. Аҳоли тиббий маълумотнома (086-шакл) олиш бўйича мурожаат қилганда қуйидаги йўналишда ҳаракатланади:

аҳоли оилавий поликлиника рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали шифокордан олдинги кўрик хонасига электрон йўлланма (талон) олади;

шифокордан олдинги кўрик хонасида умумий амалиёт ҳамшираси мурожаат этувчининг ташриф мақсади, шикояти ҳамда ҳолатидан келиб чиқиб, белгиланган текширувларни бажаради ҳамда оилавий шифокорга йўналтиради;

оилавий шифокор тиббий кўрик ўтказди ва мурожаат этувчини тор соҳа

мутахассисларига йўналтиради, тора соҳа мутахассислари томонидан тиббий кўрик ўтказилади, зарурат бўлганда лаборатор ва инструментал текширувлар буюради. Тор соҳа мутахассисларининг кўриги хулосалари туман (шаҳар) марказий шифохонасининг маслаҳат-диагностика бўлинмаси тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) шифокорига ёки бўлим мудирига йўналтирилади;

ТМЭК шифокори ёки бўлим мудир хулосаси мурожаат этувчига оилавий поликлиника ёки туман (шаҳар) марказий шифохонасининг маслаҳат-диагностика бўлинмаси рўйхатхонаси орқали берилади.

9. Оилавий поликлиникада аҳоли ўлим тўғрисидаги маълумотнома олиш бўйича мурожаат қилганда қуйидаги йўналишда ҳаракатланади:

вафот этган одамнинг яқин қариндошлари оилавий поликлиника рўйхатхонасига вафот этган одамнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали вафот этган одам бириктирилган оилавий шифокорга йўналтирилади;

оилавий шифокор ўлимни қайд қилиш тартибига мувофиқ вафот этган одамнинг доимий ёки вақтинча яшаш жойига борган ҳолда ўлимни тасдиқлайди;

зўраки ўлим белгилари аниқланганда, шубҳали ҳолатларда ёки ўлимни қайд қилиш тартибига мувофиқ вафот этган одам сурункали касалликлар туфайли диспансер рўйхатида турмаса, оилавий шифокор томонидан ҳуқуқ-тартибот органлари хабардор қилинади;

оилавий шифокор томонидан ўлим тўғрисидаги гувоҳнома электрон тизим орқали расмийлаштирилади ва бир нусхасини вафот этган одамнинг яқин қариндошларига тақдим қилинади.

10. Оилавий поликлиникада ҳомиладор аёллар мурожаат қилганда қуйидаги йўналишда ҳаракатланади:

ҳомиладор аёллар ҳомиладорликнинг 12-ҳафтасигача рўйхатдан ўтиши лозим;

ҳомиладор аёл оилавий поликлиника рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали шифокордан олдинги кўрик хонасига электрон йўлланма (талон) олади;

шифокордан олдинги кўрик хонасида умумий амалиёт ҳамшираси ҳомиладор аёлни зарур текширувлардан ўтказди ва оилавий шифокорга йўналтиради;

оилавий шифокор ҳомиладорни рўйхатга олиб, акушер-гинеколог шифокорига йўналтиради;

акушер-гинеколог шифокор томонидан ҳомиладор аёл белгиланган текширувлардан ўтказилади ва назоратга олинади;

заруратга кўра бошқа тор соҳа мутахассислари кўригига йўналтирилади;

шифокор тавсияси асосида қайта кўрик белгиланганда, ҳомиладор аёл оилавий поликлиника рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали тўғридан-тўғри акушер-гинеколог шифокорга ёки заруратга кўра оилавий шифокор томонидан бошқа тор соҳа мутахассисига йўналтирилади;

акушер-гинеколог шифокор томонидан хавф белгилари аниқланганда стационар даво учун йўлланма берилади;

агар ҳомиладорлик хавф белгиларисиз кечаётган бўлса, тиббиёт бригадасининг патронаж ҳамшираси томонидан кузатувга олиниб, керакли маслаҳатлар бериб борилади.

11. Оилавий поликлиникада мигрантларни тиббий кўрикдан ўтказишда ишлар қуйидаги йўналишда амалга оширилади:

чет элда уч ойдан ортиқ муддат бўлганлар рўйхати ҳудудий ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда оилавий поликлиникага тақдим этилади ҳамда рўйхат мунтазам доимий янгиланиб боради;

патронаж ҳамшираси рўйхатдагиларни тиббий кўрикдан ўтиш режасини тузиб, режага мувофиқ тиббий кўрикдан ўтишга чақиради;

мигрант оилавий поликлиника рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали шифокордан олдинги кўрик хонасига электрон йўлланма (талон) олади;

шифокордан олдинги кўрик хонасида умумий амалиёт ҳамшираси мурожаат этувчининг ташриф мақсади, шикояти ҳамда ҳолатидан келиб чиқиб, белгиланган текширувларни бажаради ҳамда оилавий шифокорга йўналтиради;

оилавий шифокор мурожаат этувчи шикоятларидан келиб чиқиб, кўрик ўтказди, зарурат бўлганда лаборатор ва инструментал текширувлар ҳамда тор соҳа мутахассисига йўналтиради, мурожаат этувчида касаллик белгилари аниқланса тиббий ёрдам кўрсатилади (амбулатор тиббий ёрдам, кундузги шифохонада даволаш чоралари ва стационар даво учун йўналтириш);

муурожаат этувчи тиббий кўрик натижасида соғлом деб топилганда, унга соғлом турмуш тарзига риоя этиш ва бошқа зарур тавсиялар берилади;

оилавий шифокор ёки тор соҳа мутахассисининг тавсияси асосида қайта кўрик белгиланганда, мурожаат этувчи оилавий поликлиника ёки туман (шаҳар) марказий шифохонаси маслаҳат-диагностика бўлинмаси рўйхатхонасига мурожаат қилади. Рўйхатхона ходимиша шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этилиб тўғридан-тўғри оилавий шифокор ёки тор соҳа мутахассисига йўлланма берилади.

12. Оилавий поликлиникада беморлар имтиёзли йўлланма олиш бўйича мурожаат қилганда қуйидаги йўналишда ҳаракатланади:

сурункали касалликлари бўлган ва имтиёзли йўлланма олиш учун мурожаат қилган беморлар оилавий поликлиника рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали шифокордан олдинги кўрик хонасига электрон йўлланма (талон) олади;

шифокордан олдинги кўрик хонасида умумий амалиёт ҳамшираси беморни зарур текширувлардан ўтказди, маълумотларини расмийлаштиради ҳамда оилавий шифокорга йўналтиради;

оилавий шифокор томонидан белгиланган тиббий кўриклар ўтказилди ҳамда бемор тегишли туман (шаҳар) марказий шифохонаси маслаҳат-диагностика бўлинмаси тор соҳа мутахассислари кўригига йўллантирилади;

оилавий шифокор томонидан белгиланган йўналишларда касалликлар

бўйича беморларга туман (шаҳар) марказий шифохоналарига стационар даволаниш учун тўғридан-тўғри имтиёзли йўлланма берилиши мумкин;

туман (шаҳар) марказий шифохонаси маслаҳат-диагностика бўлинмаси тор соҳа мутахассислари томонидан инструментал ва лаборатор текширувлар натижалари асосида имтиёзли йўлланма туман (шаҳар) марказий шифохонасига расмийлаштирилади ёки ҳудудий даражадаги шифохонада даволаниш учун имтиёзли йўлланма расмийлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар йўналишлар бўйича тегишли бош мутахассисларга бемор маълумотларини электрон йўналтирилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар йўналишлар бўйича бош мутахассислар томонидан бемор маълумотлари ҳамда тор соҳа мутахассислари томонидан қўйилган ташхисга асосан ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасаларига йўлланма расмийлаштирилади ва бемор электрон навбатга қўйилади;

бемор республика даражасидаги тиббиёт муассасаларида даволаниши лозим деб топилганда, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар йўналишлар бўйича бош мутахассислар электрон тизим орқали бемор маълумотларини ҳамда касаллик ташхисини йўналиш бўйича республика даражасида ташкил қилинган тиббий танлов комиссиясига кўриб чиқиш ҳамда имтиёзли йўлланма расмийлаштириш ва электрон навбатга қўйиш учун йўналтиради.

Бунда бемор ташхиси ҳамда кўрсатилиши лозим бўлган тиббий хизматдан келиб чиқиб, тиббий танлов комиссияси томонидан республика даражасидаги тиббиёт муассасаларида стационар шароитда даволаниш учун электрон шаклдаги йўлланма расмийлаштирилиши мумкин;

бемор стационар даволанганидан сўнг чиқарув эпикризи бемор даволанган тиббиёт муассасаси томонидан оилавий поликлиникага етказилиши таъминланади.

13. Ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг тиббий кўригини ташкил этишда ишлар қуйидаги йўналишда амалга оширилади:

ҳарбий хизматга чақирилувчилар тиббий ҳарбий комиссиянинг йўлланмаси асосида тегишли туман (шаҳар) марказий шифохонаси маслаҳат-диагностика бўлинмаси рўйхатхонасига мурожаат қилади;

ҳарбий хизматга чақирилувчилар туман (шаҳар) марказий шифохонаси маслаҳат-диагностика бўлинмаси рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақами ва тиббий ҳарбий комиссиянинг йўлланмасини тақдим этиш орқали тўғридан-тўғри флюорография, ЭКГ, лаборатор ва УТТ текширувига электрон йўлланма (талон) расмийлаштириб йўналтирилади.

14. Оилавий поликлиникада аҳоли уқалаш ва физиотерапия муолажаларини олиш бўйича мурожаат қилганда қуйидаги йўналишда ҳаракатланади:

уқалаш ва физиотерапия муолажаларини олувчилар бирламчи мурожаатида оилавий поликлиника рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали шифокордан олдинги кўрик хонасига электрон йўлланма (талон) олади;

шифокордан олдинги кўрик хонасида умумий амалиёт ҳамшираси муро-

жаатчининг ташриф мақсади, шикояти ҳамда ҳолатидан келиб чиқиб, белгиланган текширувларни бажаради ҳамда оилавий шифокорга йўналтиради;

оилавий шифокор мурожаат этувчининг шикоятларидан келиб чиқиб, зарур тиббий ёрдам кўрсатади ва муолажаларнинг сони ва давомийлигини белгилайди ва заруратга кўра тор соҳа мутахассисига йўналтиради;

тор соҳа мутахассиси аҳолининг шикоятларидан келиб чиқиб, зарур тиббий ёрдам кўрсатади ва муолажаларнинг сони ва давомийлигини белгилайди;

кейинги муолажаларни олиш учун бемор оилавий поликлиника рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали тўғридан-тўғри укалаш ва физиотерапия муолажаларига йўналтирилади.

15. Аҳоли дори воситаларини олиш бўйича мурожаат қилганда қуйидаги йўналишда ҳаракатланади:

бемор оилавий поликлиника рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали шифокордан олдинги кўрик хонасига электрон йўлланма (талон) олади;

шифокордан олдинги кўрик хонасида умумий амалиёт ҳамшираси мурожаат этувчининг ташриф мақсади, шикояти ҳамда ҳолатидан келиб чиқиб, белгиланган текширувларни бажаради ҳамда оилавий шифокорга йўналтиради;

оилавий шифокор беморга қўйилган ташхис, миллий клиник протоколлар ҳамда ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига мувофиқ дори воситаларини бепул олиш учун йўлланма беради;

оилавий шифокор беморни шикоятларидан келиб чиқиб, йўналиш бўйича тор соҳа мутахассисларига йўналтириши мумкин;

диспансер назоратида рўйхатда турувчиларга дори воситаларига шифокор рецепти олиш учун оилавий поликлиника ёки туман (шаҳар) марказий шифохонаси маслаҳат-диагностика бўлинмаси рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали тўғридан-тўғри оилавий шифокорга ёки тор соҳа мутахассисига йўлланма берилади;

беморларга оилавий шифокор ҳамда тор соҳа мутахассислари томонидан реимбурсация тизими орқали бериладиган дори воситаларини бепул олиш учун (электрон) рецепт расмийлаштирилади.

16. Оилавий поликлиникада аҳоли мослашув воситаларини олиш бўйича мурожаат қилганда қуйидаги йўналишда ҳаракатланади:

эшитиш мосламаси, аравача, ҳасса, қўлтиқтаёққа ва ортопедик оёқ кийимга муҳтож бўлган беморлар бирламчи мурожаатида оилавий поликлиника рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали шифокордан олдинги кўрик хонасига электрон йўлланма (талон) олади;

шифокордан олдинги кўрик хонасида умумий амалиёт ҳамшираси мурожаат этувчининг ташриф мақсади, шикояти ҳамда ҳолатидан келиб чиқиб, белгиланган текширувларни бажаради ҳамда оилавий шифокорга йўналтиради;

оилавий шифокор беморни кўриқдан ўтказиб, лаборатор-инструментал таҳлилларни белгилайди ва кўрсатмага асосан тор соҳа мутахассислари кўригига йўналтиради;

оилавий шифокорнинг ёки тор соҳа мутахассислари тиббий кўриқ натижалари жамланган ҳолда, оилавий шифокор беморга эшитиш мосламаси, аравача, ҳасса, қўлтиқ таёқларни бериш учун маълумотномани расмийлаштиради ҳамда туман (шаҳар) марказий шифохонаси маслаҳат-диагностика бўлинмаси ТМЭК ёки бўлим мудирига йўналтиради ва электрон тизим орқали «Инсон» марказига юборади, ортопедик оёқ кийим олиш учун маълумотномани «Ногиронларни протезлаш маркази»га тақдим этиш учун беради.

17. Ҳаж сафарига борувчиларни тиббий кўригини ташкил этишда ишлар қуйидаги йўналишда амалга оширилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари тегишли туман (шаҳар) марказий шифохонаси маслаҳат-диагностика бўлинмаларига Ҳаж сафарига борувчилар рўйхатини белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этади;

Ҳаж сафарига борувчилар тегишли туман (шаҳар) марказий шифохонаси маслаҳат-диагностика бўлинмасига ташриф буюради;

Ҳаж сафарига борувчилар туман (шаҳар) марказий шифохонаси маслаҳат-диагностика бўлинмаси рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали масъул шифокорга электрон йўлланма (талон) олади;

масъул шифокор томонидан Ҳаж сафарга борувчилар шикоятлари асосида зарур тиббий ёрдам кўрсатилади (амбулатор тиббий ёрдам, кундузги шифохонада даволаш чоралари ва шифохонада даволаниш учун йўналтириш) ва заруратга кўра тор соҳа мутахассисига йўналтиради;

агар Ҳаж сафарига борувчи соғлом деб топилса, унга сафар чоғида тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган тавсиялар берилади;

масъул шифокор ёки тор соҳа мутахассисининг тавсияси асосида қайта кўриқ белгиланганда Ҳаж сафарига борувчи туман (шаҳар) марказий шифохонаси маслаҳат-диагностика бўлинмаси рўйхатхонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки тиббий ID рақамини тақдим этиш орқали тўғридан-тўғри масъул шифокорга ёки тор соҳа мутахассисига йўналтирилади.

18. Оилавий поликлиникада беморлар кундузги шифохонада даволанишга фақат оилавий шифокор орқали йўналтирилади. Бунда беморларни кундузги шифохонада даволаш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

19. Оилавий поликлиника ушбу тиббиёт муассасасида фаолият юритадиган оилавий шифокорларга бириктирилмаган шахсларга барча тиббий хизматларни, бириктирилган аҳоли учун кафолатланган пакетга киритилмаган тиббий хизматларни ҳамда оилавий поликлиника ҳамда туман (шаҳар) марказий шифохонаси маслаҳат-диагностика бўлинмасида аҳоли ва беморлар маршрутига амал қилинмаган ҳолларда тиббий хизматлар пулли асосда кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 июндаги 384-сон қарорига
2-ИЛОВА

Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг мақоми, фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш таъминлашини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон Фармонига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели жорий қилинган ҳудудлардаги туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлиmlарига нисбатан татбиқ этилади.

2. Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели жорий қилинган ҳудудларда амалдаги тиббиёт бирлашмалари фаолияти тугатилиб, туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими ташкил этилади.

3. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими ўз фаолиятида тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва соғлиқни сақлаш бошқармасига бўйсунди.

4. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими мустақил балансга, фазначилик органларида шахсий фазна ҳисобварақларига, ўз номи ёзилган гербли муҳрга, шунингдек, ўз фаолияти учун зарур бўлган бошқа атрибутларга эга бўлган давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

5. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими:

тегишли ҳудудларда жойлашган оилавий поликлиникалар ва уларнинг филиаллари, туман (шаҳар) марказий шифохоналари ҳамда бошқа туман (шаҳар) даражасидаги давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг туман (шаҳар) бўлиmlари билан ҳамкорликда фаолият йўналишлари бўйича ишларни ташкил этади ва амалга оширади.

6. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармасининг буйруқларига, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

2-боб. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими фаолиятининг асосий йўналишлари

7. Қуйидагилар туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

ягона ташкилий-методик раҳбарликни ва туман (шаҳар) даражасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилишни таъминлаш, шунингдек, тизимидаги тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

даволаш-профилактика, санитария-ташвиқот ва реабилитация тадбирларини амалга оширишда тиббиёт муассасаларига услубий ёрдам кўрсатиш;

ҳудуд аҳолиси орасида касалликларни эрта аниқлаш, уларнинг асоратланиши, ногиронлик ва барвақт ўлимнинг олдини олиш чораларини кўриш;

тиббиёт муассасалари томонидан ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари ҳамда миллий клиник протоколлар асосида сифатли тиббий ёрдам ҳамда лаборатор ва инструментал текширувлар ўтказилишини таъминлаш;

аҳоли орасида касалланиш, шикастланиш, ногиронлиқнинг олдини олиш, ўлимни камайтириш бўйича профилактика тадбирларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

соғлом турмуш асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, вояга етаётган авлодни соғлом тарбиялаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлик, санитария ва гигиена, туғма ногиронлик ва ирсий касалликлар ҳолатларини камайтириш бўйича аҳоли ўртасида профилактика чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

тиббиёт ташкилоти ва беморлар уйида кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида бирламчи тиббий-санитария ёрдамини такомиллаштириб бориш.

3-боб. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг асосий вазифалари

8. Қуйидагилар туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) аҳолига сифатли бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишни ташкил қилиш. Бунда:

мавжуд бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини хатловдан ўтказиш ҳамда хатлов натижалари асосида тажриба-синов лойиҳаси талабларига мувофиқ уларни тегишли шаклдаги юридик шахс бўлган оилавий поликлиника шаклида қайта ташкил этиш;

тегишли кўп тармоқли марказий поликлиникаларни марказий шифохоналарнинг маслаҳат-диагностика бўлинмаларига айлантириш;

тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббиёт бригадаларини янги нормативларга мувофиқ қайта шакллантириш, аҳолининг қайта бириктирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш, тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлашнинг шаффоф механизмлари асосида тиббиёт ходимларини аттестациядан ўтказиш ҳамда унинг натижалари бўйича тиббиёт ходимлари-

ни тўлиқ ставкада ишга қабул қилиш ва уларга муносиб иш шароити ярати-лишини таъминлаш;

аҳолига оилавий шифокорни танлаш имконияти ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини амалга ошириш, тиббиёт ходим-лари фаолиятини тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича назорат қилиш ҳамда натижалар асосида уларни рағбатлантириш;

Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолат-ланган ҳажмлари доирасида аҳолини бепул амбулатор ва стационар тиббий хизматлар ҳамда дори воситалари билан таъминлашни ташкил қилиш;

реимбурсация дастури орқали аҳолига дори воситалари ва тиббий буюм-ларни етказиб беришга тадбиркорлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини мониторинг қилиш ва доимий яхшилаб бориш бўйича чора-тадбир-ларни амалга ошириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт таълим муассасалари билан биргаликда тиббиёт бригадаси ходимларининг оила саломатлиги бў-йича махсус ўқув дастурида ҳамда раҳбар ходимларни менежерлик курслари бўйича малакасини оширишини таъминлаш;

тажриба-синов лойиҳаси доирасида мақбуллаштириладиган маблағлар-ни туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимларида очилган тегишли шахсий газначилик ҳисобварақларига жамлаш ҳамда лойиҳани амалга ошириш би-лан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга йўналтириш;

б) миллий календарга биноан профилактик эмлаш ишларини ўтказиш орқали бошқариладиган инфекциялар ва уларнинг асоратларининг олдини олиш ишларини назорат қилиш;

в) малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, профилактик тиббий кўрикларни ташкил этиш орқали касалликларни барвақт аниқлаш бўйича зарур чораларни амалга ошириш;

г) кеча-кундуз фаолият кўрсатадиган мобил, белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозланган тез тиббий ёрдам кичик станциясидан фойдаланган ҳолда шифохонага ётқизишдан олдинги тез ва шошилишч тиббий ёрдам кўр-сатишни, шунингдек, сурункали касалликларга чалинган беморларнинг мун-тазам кузатиб борилишини, соғломлаштирилиши ва реабилитация қилини-шини ташкил этиш;

д) аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари, касалланиш даражаси ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш орқали ўз ҳудудида соғлиқни сақлаш ҳола-тини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, юқумли касал-ликлар, захарланишлар ва фавқулодда вазиятлар тўғрисида тегишли хизмат-ларни ўз вақтида хабардор қилиш, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни, ҳудуд ва уй хўжаликларининг санитария жиҳатидан хотир-жамлиги юзасидан умумий назоратни амалга ошириш, юқумли касалликлар ўчоқларида обсервация тадбирларини ўтказиш, аҳолини хавфли эпидемик вазият тўғрисида огоҳлантириш;

е) аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишни ташкил этишда оилавий поликлиникаларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш;

ж) беморларга ташхислаш ва даволаш стандартлари ҳамда миллий кли-

ник протоколлар асосида тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш ҳамда унинг назоратини таъминлаш;

з) тиббиёт муассасаларига ажратилган маблағларнинг самарадорлиги ҳамда натижадорлигини мониторинг ва назорат қилиш.

4-боб. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

9. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими ўзига юкланган вазифаларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тизимидаги тиббиёт муассасалари ходимлари билан меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш;

ўзига тегишли давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

юқори турувчи ташкилот билан келишган ҳолда асосий фаолият йўналишларини режалаштириш;

асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, грант ва бошқа молиявий ёрдамлар жалб этиш;

профессионал фаолиятни амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мол-мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

тизимидаги муассасалар ходимлари учун меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг қонунчиликда белгиланган шартлари кафолатланишини, техника хавфсизлигини, ижтимоий таъминоти ва муайян ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш.

10. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

аҳолига малакали ихтисослашган амбулатор ва стационар консултация ва даволаш-профилактика ёрдами кўрсатилишини ташкил этиш;

оилавий поликлиникалар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг шошилишчи тиббий ёрдам хизмати ва стационар муассасалар билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

олис, чекка ҳудудларда жойлашган оилавий поликлиникаларга бириктирилган аҳолига шифокор сайёр тиббий хизматларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириб бориш;

беморлар ҳуқуқларининг, шу жумладан, бемор тўғрисидаги тиббий маълумотларнинг махфийлигини лозим даражада таъминланишини назорат қилиш;

аҳолини ўз хоҳишига кўра тизимдаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидаги тиббиёт бригадаларига бириктиришни ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириб бориш;

мавжуд тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва мол-мулкнинг сақланишини ҳамда улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

тизимдаги тиббиёт муассасаларининг фаолиятига оид тиббий ҳисоб ва ҳисобот, статистика ва молиявий ҳужжатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ юри-

тилишини, сақланиши ҳамда уларнинг давлат сақловига белгиланган тартибда берилишини таъминлаш;

тизимдаги тиббиёт муассасаларига хизмат кўрсатувчи марказий лаборатория хизматини ташкил этиш;

туман (шаҳар) марказий шифохонасининг нотиббий хизматлар кўрсатишни (овқатланиш, кир ювиш, стерилизация ва бошқа), шунингдек, самарасиз ҳамда бўш турган бино ва иншоотларни давлат-хусусий шериклик ёки аутсорсинг асосида хусусий секторга бериш ишларини мониторинг қилиш;

тиббиёт муассасалари томонидан пулли тиббий хизматни ташкил қилиш, ривожлантириш ва хизмат турларини кенгайтириш, жумладан тегишли ҳудудда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда хусусий сектор улушини ошириш, жумладан, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тажриба-синов лойиҳаси доирасида келиб чиқадиган муаммоларни бар-тараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига киритиш;

тизимдаги тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш, жумладан, хорижий семинар ва стажировкаларга юбориш ҳамда сурункали кадр етишмовчилиги мавжуд бўлган йўналишлар ва ҳудудларни кадр билан таъминлаш бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига сўровнома киритиш.

5-боб. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш

11. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимига Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

12. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи стационар хизмат бўйича, оилавий поликлиникалар бўйича ҳамда молия-иқтисод хизмати бўйича ўринбосарларга эга бўлади.

Бунда стационар хизмат бўйича бошлиқ ўринбосари тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими тизимидаги барча стационар тиббиёт муассасалари, оилавий поликлиникалар бўйича бошлиқ ўринбосари бўлим тизимидаги барча оилавий поликлиникалар, уларнинг филиаллари ҳамда амбулатор тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасалари, молия-иқтисод хизмати бўйича бошлиқ ўринбосари бўлим тизимидаги барча тиббиёт муассасаларининг умумий ва иқтисодий масалалари юзасидан фаолиятини мувофиқлаштиради.

13. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимида асосий фаолиятни тегишли ихтисослик бўйича дипломга эга бўлган мутахассислар юритади.

14. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғига ажратилган маблағлар доирасида ҳудуднинг географик жойлашуви, инфратузилма ҳолати, аҳолининг мурожаатлари, касалланиш кўрсаткичлари ва бошқа заруратларга кўра тизимидаги тиббиёт муассасалари шифокорлари ва ҳамширалари штат бирликларини мавжуд штат бирликлари доирасида мустақил белгилаш ва

эхтиёжга кўра оилавий поликлиникаларга сафарбар қилиш ваколоти берилади.

6-боб. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг молия-хўжалик фаолияти

15. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг молия-хўжалик фаолияти қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг марказлашган молия-бухгалтерия хизмати бўлимнинг ҳамда тизимидаги тиббиёт муассасаларининг молия-бухгалтерия фаолиятини юритади.

17. Қуйидагилар туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Давлат бюджети маблағлари;

ҳомийлик маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

тизимидаги тиббиёт муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ажратмалар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

18. Давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий қилиниши билан туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими ва унинг тизимидаги тиббиёт муассасаларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар (капитал қўйилмалар, фан ва илмий изланишлар, эмлаш ва бошқа мақсадли дастурлар учун ажратиладиган маблағлар бундан мустасно) харажатлар таснифининг бир сатрида ўтказилиши учун алоҳида шахсий ғазначилик ҳисоб-варақлари шакллантирилади.

19. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими раҳбар ходимлари ва бошқа ходимларига унинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари (KPI) асосида ойлик лавозим маошининг 100 фоизигача миқдорда ойлик устама берилади.

20. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

7-боб. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг ҳисоб ва ҳисоботи

21. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда статистика ҳисоботини юритади ва уни юқори турувчи соғлиқни сақлаш органига тақдим этади, ҳужжатларнинг белгиланган стандартларга мувофиқ юритилиши ҳамда сақланишига жавоб беради.

22. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими ўз фаолияти натижалари тўғрисида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот ва бошқа ахборотларни тақдим этади.

23. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи тегишли ҳудуд бўйича тиббий ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг юритилиши учун жавоб беради.

8-боб. Якунловчи қоидалар

24. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

25. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолатларда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ходимларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши кафолатланади.

26. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими қайта ташкил этилганда унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва мулки ҳуқуқий ворисга ўтади.

27. Мазкур Низом қоидаларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 июндаги 384-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Туман (шаҳар) марказий шифохонаси тўғрисида
НИЗОМ****1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом туман (шаҳар) марказий шифохонасининг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон Фармонига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели жорий қилинган ҳудудлардаги туман (шаҳар) марказий шифохоналарига нисбатан татбиқ этилади.

2. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси тегишли туман (шаҳар) марказий шифохонасини туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаси билан бирлаштириш йўли билан қайта ташкил этилади.

Бунда туман (шаҳар) даражасида юридик шахс бўлган барча стационар ёрдам кўрсатувчи тиббиёт муассасалари ҳамда диспансерлар тегишли туман (шаҳар) марказий шифохонасининг бўлинмаси сифатида унинг таркибига киритилади.

3. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими тузилмасига кирувчи давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади.

4. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича клиник ўқув базаси ҳисобланади.

5. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси барча зарур коммуникация тармоқлари (электр, иситиш, сув таъминоти, канализация, телефон алоқаси ва IT тизими) билан таъминланган бўлиши лозим.

6. Туман (шаҳар) марказий шифохонасида иш вақти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг буйруқларига, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

2-боб. Туман (шаҳар) марказий шифохонасининг асосий вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар туман (шаҳар) марказий шифохонасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

дастлабки шошилиш, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш, беморларни стационар даволаш ҳамда аҳолига касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича тиббий хизматлар кўрсатиш;

юқумли бўлмаган касалликларга чалиниш хавфи омилларини барвақт аниқлаш механизмларини жорий этиш орқали аҳоли ўртасида касалликка чалиниш, ногиронлик ва ўлимнинг барвақт олдини олиш;

малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, лаборатория ва инструментал текширувлар ўтказиш, аҳолининг профилактик тиббий кўрикларида иштирок этиш;

кеча-кундуз тез ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, сурункали касалликларга чалинган беморларни мунтазам кузатиш, соғломлаштириш ва реабилитация қилинишини таъминлаш;

тор соҳа мутахассисларининг ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколларга қатъий амал қилган ҳолда, аҳолига тиббий маслаҳат беришни, аҳолига сифатли лаборатор, ташхис қўйиш, амбулатор, стационар ҳамда шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

туман даражасида оилавий шифокор ёки тор соҳа шифокори йўлланмаси асосида белгиланган тартибда аҳолига бепул амбулатор ва режали стационар тиббий хизматлар кўрсатиш;

тор соҳа мутахассислари иштирокида аҳоли орасида касалланиш, ногиронликнинг олдини олиш, ўлимни камайтириш бўйича профилактика тадбирларини (скрининг текширувлари, чуқурлаштирилган ва сайёр тиббий кўриклар) амалга ошириш;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тиббий хизматлар хариди бўйича шартнома тузиш;

касалликка туман (шаҳар) даражасида ташхис қўйиш ва уни даволаш

имкони бўлмаган ҳолларда, беморларга юқори даражадаги тиббиёт ташкилотларига электрон йўлланма бериш;

нотиббий хизматларни (овқатланиш, кир ювиш, стерилизация ва бошқа) аутсорсинг асосида ташкил этиш.

9. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан, оилавий шифокор ёки тор соҳа мутахассиси йўлланмаси асосида аҳолига бепул хизмат кўрсатилиши тўғрисида тушунтириш ишларини амалга ошириш;

аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда барча зарур тадбирларни (тиббиёт мутахассислари, тиббий асбоб-ускуналар, инструментал ва лаборатор текширувлар ва бошқалар) амалга ошириш;

касалликларни барвақт аниқлаш мақсадида аҳолини профилактик кўриклардан ва хавф гуруҳига мансуб аҳолини чуқурлаштирилган скрининг текширувларидан ўтказиш ҳамда бу борада оилавий поликлиникалар билан ҳамкорлик қилиш;

меҳнатга лаёқатлилиқ ҳолатини йўқотган беморларни врачлик-меҳнат эксперт комиссиясига белгиланган тартибда юбориш;

оилавий шифокор томонидан юборилган беморларга юқори малакали тор соҳа мутахассисларининг хизматини ташкил этиш;

мақсадли тиббий кўрикларни (ҳаж сафарига боровчилар, никоҳланувчи шахслар, мигрантлар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар, ишга ва ўқишга кирувчилар, ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва бошқалар) ташкил этиш ва ўтказиш;

заруратга кўра туман (шаҳар) марказий шифохонасида даволанаётган беморлар ва уйда оғир ётган беморларга маслаҳатлар бериш ҳамда консилиумларда иштирок этиш.

3-боб. Туман (шаҳар) марказий шифохонасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

10. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими билан келишган ҳолда ўзининг асосий фаолиятини режалаштириш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда йўлланмасиз мурожаат қилган ҳамда бепул тиббий хизмат кўрсатиш бўйича аҳоли тоифаларига мос келмайдиган шахсларга тиббий хизматларни пулли асосда кўрсатиш;

ходимларнинг доимий равишда ўз устида ишлаши ва малакасини ошириб бориши юзасидан амалий чоралар кўриш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган режадан ташқари профилактик кўриклар ва скрининг текширувларда, аҳолини уйига бориб хизмат кўрсатиш каби бошқа тадбирларда иштирок этмаслик;

асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамларни жалб этиш;

профессионал фаолиятни амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мол-мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

туман (шаҳар) марказий шифохонасига берилган мол-мулкдан белгиланган тартибда фойдаланиш;

туман (шаҳар) марказий шифохонаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини белгилаш юзасидан таклифлар киритиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими мақсадлари ва асосий фаолиятига зид бўлмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш.

11. Туман (шаҳар) марказий шифохонасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

аҳолига тасдиқланган ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколларга мувофиқ амбулатор ва стационар тиббий ёрдам кўрсатиш;

беморлар ҳуқуқларининг, шу жумладан, бемор тўғрисидаги тиббий маълумотларнинг махфийлигини лозим даражада таъминлаш;

тасарруфидаги биноларда зарур санитария-гигиена режимини, асептика ва антисептика қоидаларини, асбоблар ва материалларнинг гемоконтакт ва бошқа инфекциялардан профилактикасини таъминловчи стерилизация қилиш шарт-шароитларини сақлаш;

қонунчилик ҳужжатлари, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари талабларига риоя қилиш;

мавжуд тиббий буюмлар ва мол-мулкнинг сақланишини ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

туман (шаҳар) марказий шифохонасининг фаолиятига оид тиббий ҳисоб ва ҳисобот, молиявий ҳужжатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ юритилиши, сақланиши ҳамда уларнинг давлат сақловига белгиланган тартибда берилишини таъминлаш;

туман (шаҳар) марказий шифохонаси ходимлари учун меҳнатни ташкил этиш, техника хавфсизлигини, ижтимоий таъминоти ва муайян ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

моддий-техник базасини замонавий тиббиёт техникаси ҳамда технологиялари билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

тасарруфидаги мол-мулкдан мақсадли фойдаланиш, унинг сақланишини таъминлаш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ статистик ҳисобни ҳамда ҳисоботларни юритиш;

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни сифатли бажариш.

4-боб. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш

12. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси бош шифокори тегишли туман

(шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

13. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси бош шифокори амбулатор поликлиника ёрдами, даволаш ишлари ҳамда туғруққа кўмаклашиш ишлари бўйича ўринбосарларга эга бўлади.

14. Туман (шаҳар) марказий шифохонасида асосий фаолиятни тегишли ихтисослик бўйича дипломга (сертификатга) эга бўлган мутахассислар, ўрта тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар амалга оширади.

15. Туман (шаҳар) марказий шифохонасининг маслаҳат-диагностика бўлинмаси туман (шаҳар) аҳолисига ихтисослаштирилган амбулатор даволаш-профилактика, консультация-ташхислаш ёрдами кўрсатишга мўлжалланган шифохонанинг режали қабул бўлими ҳисобланади.

16. Туман (шаҳар) марказий шифохонасида оилавий шифокор ёки тор соҳа шифокори йўлланмаси асосида мурожаат қилган ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бепул тиббий хизмат кўрсатиш бўйича аҳоли тоифаларига мос келувчи шахсларга режали амбулатор ва стационар тиббий хизматлар электрон навбат асосида бепул кўрсатилади.

17. Туман (шаҳар) марказий шифохонасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда йўлланмасиз мурожаат қилган ҳамда бепул тиббий хизмат кўрсатиш бўйича аҳоли тоифаларига мос келмайдиган шахсларга, шунингдек, электрон навбатсиз тиббий хизматдан фойдаланиш истагини билдирган аҳоли учун режали амбулатор ва стационар тиббий хизматлар пулли асосда кўрсатилади.

18. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси томонидан аҳолига пулли асосда кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари ва нархлари тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими томонидан тасдиқланади.

19. Маслаҳат-диагностика бўлинмасига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш учун аҳоли бириктирилмайди. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси ҳудудига яқин жойлашган аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш учун алоҳида оилавий поликлиника ташкил этилади.

Бунда ушбу ҳудуд аҳолиси учун туман (шаҳар) марказий шифохонасидан ташқари ҳудудда оилавий поликлиника ташкил этиш имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда, ушбу оилавий поликлиника шифохона бино ва иншоотларининг алоҳида қаватларига жойлаштирилади ҳамда аҳолининг оилавий поликлиникага кириб чиқиши учун алоҳида йўлак ташкил қилинади.

5-боб. Туман (шаҳар) марказий шифохонасининг молия-хўжалик фаолияти

20. Туман (шаҳар) марказий шифохонасининг молия-хўжалик фаолияти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

21. Асосий воситалар, шунингдек, бошқа моддий бойликлар ҳамда молиявий ресурслар туман (шаҳар) марказий шифохонасининг мол-мулкани ташкил этади.

22. Қуйидагилар туман (шаҳар) марказий шифохонаси фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

туман (шаҳар) марказий шифохонасининг жорий фаолиятини сақлаб туришга, унга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш бўйича тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, туман (шаҳар) марказий шифохонасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

ҳомийлик маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан олинган маблағлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

23. Туман (шаҳар) марказий шифохонасини молиялаштириш:

стационар бўлинмалар, шу жумладан, диагностика бўлинмаларини сақлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 15 фоизидан кам бўлмаган қисmini ҳар бир даволанган ҳолатдан келиб чиқиб тўлаш орқали;

амбулатор тиббий хизмат кўрсатадиган бўлимларини молиялаштиришнинг йиллик ҳажми бир нафар аҳолига харажатларнинг базавий нормативи ҳисоб-китобидан ҳамда тузатиш коэффициентларидан (жинси ва ёши таркиби, аҳоли зичлигига кўра ва бошқалар) фойдаланилган ҳолда, бириктирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Бунда туман (шаҳар) марказий шифохонаси Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан тиббий хизматлар хариди бўйича тузилган шартнома асосида молиялаштирилади.

24. Туман (шаҳар) марказий шифохонасини Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали молиялаштиришда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар (капитал қўйилмалар, фан ва илмий изланишлар, эмлаш ва бошқа мақсадли дастурлар учун ажратиладиган маблағлар бундан мустасно) учун харажатлар таснифининг бир сатрида алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақлари шакллантирилади.

Туман (шаҳар) марказий шифохонасини молиялаштириш, молиявий ҳисоботларни юритиш туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг марказлашган бухгалтерияси хизмати томонидан амалга оширилади.

6-боб. Туман (шаҳар) марказий шифохонасининг ҳисоби ва ҳисоботи

25. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда статистика ҳисоботини юритади ва тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимига тақдим этади, ҳужжатларнинг белгиланган стандартларга мувофиқ юритилиши ҳамда сақланишига жавоб беради.

26. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси ўз фаолияти натижалари тўғрисида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда ҳисобот ва бошқа ахборотлар тақдим этади.

27. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси бош шифокори тиббий ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг юритилиши учун жавоб беради.

7-боб. Якунловчи қоидалар

28. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

29. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолатларда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ходимларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши кафолатланади.

30. Туман (шаҳар) марказий шифохонаси қайта ташкил этилганда унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва мулки ҳуқуқий ворисга ўтади.

31. Ушбу Низом қоидаларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 июндаги 384-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Оилавий поликлиника тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ****1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Намунавий низом (кейинги ўринларда — Низом) оилавий поликлиниканинг мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш таъминлашини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон Фармонида мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели жорий қилинган ҳудудлардаги оилавий поликлиникаларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Оилавий поликлиникалар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг буйруқларига, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари бириктирилган аҳоли сонига кўра қуйидаги типларда ташкил этилади:

бириктирилган аҳоли сони 3 000 нафаргача бўлганда — оилавий поликлиника филиали;

бириктирилган аҳоли сони 3 001 — 12 000 нафаргача бўлганда — 1-типдаги оилавий поликлиника;

бириктирилган аҳоли сони 12 001 — 51 000 нафаргача бўлганда — 2-типдаги оилавий поликлиника.

Бунда:

2-типдаги оилавий поликлиникаларга ҳудуднинг географик жойлашувига кўра қўшимча 3 000 нафаргача аҳоли бириктирилиши мумкин;

оилавий поликлиника филиаллари 2-типдаги оилавий поликлиниканинг филиали сифатида фаолият юритади.

5. Оилавий поликлиникалар давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланиб, шахсий ғазна ҳисобварақларига, Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

6. Оилавий поликлиникалар аҳолининг жойлашиш таркиби, аҳоли пунктлари сони ва улар орасидаги масофа, хизмат кўрсатиш доираси, йўл тармоғи ривожлангани, ҳудуддаги инфратузилма ҳолати, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади.

7. 2-типдаги оилавий поликлиникаларга аҳоли сони, зичлиги ҳамда географик жойлашувига кўра 1-типдаги оилавий поликлиникалар ва оилавий поликлиника филиаллари бириктирилади.

Бунда 2-типдаги оилавий поликлиникадаги оилавий шифокорлардан ташқари бошқа шифокорлар (педиатр, акушер-гинеколог, УТТ шифокори ҳамда рентгенолог шифокор) унга бириктирилган 1-типдаги оилавий поликлиникалар ва оилавий поликлиника филиалларига бириктирилган аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатади.

8. Оилавий поликлиникаларда иш вақти душанба-шанба кунлари соат 08-00 дан 14-00 гача этиб белгиланади.

Бунда:

2-тип оилавий поликлиникаларда душанба-шанба кунлари 14-00 дан 20-00 гача, байрам ва дам олиш кунлари 08-00 дан 14-00 гача белгиланган тартибда иш ҳақи тўланадиган бир нафардан шифокор ва ўрта тиббиёт ходимдан иборат навбатчилик ташкил қилинади;

2-тип оилавий поликлиникаларининг навбатчи тиббиёт ходимлари 1-типдаги оилавий поликлиникалар ва оилавий поликлиника филиаллари аҳолисига ҳам тиббий хизматлар кўрсатади.

9. Оилавий поликлиникалар барча зарур коммуникация тармоқлари (электр, иситиш, сув таъминоти, канализация ва телефон алоқаси ва IT тизими) билан таъминланган бўлиши лозим.

10. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами хизматлари Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан ташкил этилиши ва (ёки) ушбу хизматлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан нодавлат тиббиёт ташкилотларидан харид қилиниши мумкин.

11. Оилавий поликлиникада Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида тиббий хизмат кўрсатиш иловада келтирилган намунавий шартнома асосида амалга оширилади.

2-боб. Оилавий поликлиникаларнинг асосий вазифалари

12. Оилавий поликлиникаларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

бириктирилган аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш (амбулатор қабул, беморларни уйларига ташриф ва бошқалар);

бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишда тиббиёт бригадаси бириктирилган аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга ва энг кўп тарқалган касалликлар бўйича гуруҳларга ажратиш ҳамда уларни индивидуал даволаш ва соғломлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;

аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, хизмат кўрсатаётган ҳудуддаги аҳолини Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартиб ва муддатларда профилактик тиббий кўрикларидан ўтказиш;

касалликлар хавфини аниқлаш ҳамда уларни эрта босқичларда аниқлаш, касалликларни камайтириш ва уларнинг асоратланиши, ногиронлик ва ўлим ҳолатини камайтириш бўйича комплекс профилактик тадбирларни амалга ошириш;

миллий эмлаш календарига асосан белгиланган муддатларда профилактик эмлашларни амалга ошириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик ошйишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси туман (шаҳар) бўлимлари билан биргаликда юқумли касалликлар, заҳарланиш ва фавқулодда ҳолатлар юзага келганда, тегишли хизматларга хабар бериш, санитария-эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш, жумладан, профилактик эмлашлар, юқумли касалликлар ўчоғидаги обсервацион тадбирлар, аҳолини эпидемиологик хавфли вазиятлар бўйича огоҳлантириш;

сурункали касалликка чалинган беморлар саломатлигининг тизимли диспансер назорати, даволаш, соғломлаштириш ва реабилитация тадбирларини амалга ошириш;

ташхислаш ва даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколларга асосан мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда инструментал текширувларни ўтказиш;

беморларни текшириш, даволаш, назорат қилиш ва реабилитациясида бошқа даволаш-профилактика муассасалари билан узвийлик тамойилига риоя қилиш;

беморларни кўрсатмага асосан тор соҳа мутахассислари кўригига ҳамда шифохонага ётқизиш учун тиббиёт муассасаларига йўлланма бериш;

ҳаётга хавф солувчи ҳолатлар, бахтсиз ҳодиса (жароҳат, заҳарланиш, ҳайвон ва кемирувчилар тишлаши ва бошқа ҳолатлар)да шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда кўрсатмага биноан юқори малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун беморларни бошқа даволаш-профилактика ёрдами муассасасига йўллаш;

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик экспертизасини ўтказиш, меҳнатга турғун лаёқатсиз бўлган беморлар ҳужжатларини тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиясига йўналтириш;

аҳолига қуйидаги масалалар бўйича маслаҳат бериш ва санитария-тушунтириш ишларини амалга ошириш;

юқумли касалликлар профилактикаси;

кўкрак сути билан озиқлантириш, болаларни гигиеник тарбиялаш, болалар саломатлигидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олиш;

репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш;

хавфсиз оналикни таъминлаш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, контрацепция, оилавий ҳаётнинг этика, психология, тиббий-ижтимоий масалалари тарғибот ишларини амалга ошириш;

соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти;

зарарли омиллар ва уларнинг асоратлари бўйича огоҳлантириш;

оилавий поликлиникага бириктирилган аҳолининг саломатлик ҳолатини таҳлил қилиш ва соғломлаштириш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш;

бириктирилган аҳолининг саломатлик ҳолати асосида, заруратга кўра белгиланган тартибда аҳолини йўлланма (қоғоз ва электрон) асосида туман (шаҳар) марказий шифохонасига ёки бошқа ихтисослашган стационар ёрдам кўрсатувчи муассасага юбориш;

оилавий поликлиника хоналарида зарур санитария-гигиена режимини, асептика ва антисептика қоидаларини, инъекциядан кейинги асоратлар, гепатит, ОИВ ва бошқа юқумли касалликлар профилактикасини таъминлайдиган инструментлар ва материалларни стерилизация қилиш шароитларини таъминлаш;

мавжуд тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ҳамда бошқа мол-мулкдан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларининг электрон шаклда ўз вақтида ва сифатли юритилишини таъминлаш.

3-боб. Оилавий поликлиникалар фаолиятини ташкил этиш

13. Оилавий поликлиникаларда қуйидагилар амалга оширилади:

бирламчи мурожаат қилган бемор ўша куни ёки аввалдан тузилган рўйхат асосида қабул қилинади, қайта катновлар тиббий кўрсатмага кўра шифокор томонидан белгиланади;

беморлар уйига чақируви соат 8-00 дан 14-00 гача қабул қилинади ҳамда ташриф чақирув бўлган куни амалга оширилади, бошқа ташрифлар шифокор ва ҳамшира томонидан кўрсатмага биноан белгиланади;

билим ва кўникмага эга тиббий ходимлар бирламчи, иккиламчи ва учинчи даражали профилактика, диспансеризация каби профилактик тадбирларини амалга оширади;

муассасага мурожаат қилган аҳолига ҳаётга хавф соладиган зарур шошилинч ҳолатларда бирламчи тезкор тиббий ёрдам кўрсатилади ва кўрсатмага асосан шифохонага юборилади;

тор соҳа мутахассисларининг маслаҳати, назорати, даволаш бўйича тавсияларига кўра оилавий шифокор томонидан беморлар назорати олиб борилади;

беморлар оилавий поликлиниканинг кундузги шифохонаси ва уй шифохонаси шароитида даволанади.

4-боб. Оилавий поликлиникаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

14. Ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун оилавий поликлиникалар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юқори турувчи соғлиқни сақлаш органи билан келишган ҳолда ўзининг асосий фаолиятини режалаштириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тадбирлардан ташқари бошқа ташкилотлар томонидан ташкил қилинган профилактик тиббий кўриклар ва скрининг текширувлар, аҳолини уйига бориб тиббий хизмат кўрсатиш каби тадбирларда иштирок этишдан бош тортиш;

профессионал фаолиятни амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мол-мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

оилавий поликлиникага берилган мол-мулкдан белгиланган тартибда фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ оилавий поликлиника мақсадлари ва асосий фаолиятига зид бўлмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш.

15. Оилавий поликлиникалар қуйидагиларга мажбур:

аҳолини кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига мувофиқ амбулатор консультация ва даволаш-профилактика ёрдами билан таъминлаш;

беморларга ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилишда тегишли туман (шаҳар) марказий шифохонаси, шошилиш ва тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда бошқа тиббиёт муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

беморларни амбулаторияда қабул қилиш ва кўрсатмага асосан доимий ва вақтинча яшаш жойида бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш;

беморлар ҳуқуқларига, шу жумладан, уларнинг бемор тўғрисидаги тиббий маълумотларнинг махфийлиги ҳуқуқига риоя этиш;

оилавий поликлиника биноларида зарур санитария-гигиена режимини, асептика ва антисептика қоидаларини, асбобларни ва материалларнинг гемоконтакт ва бошқа инфекциялардан профилактикасини таъминловчи стерилизация қилиш шарт-шароитларини сақлаб туриш;

қонунчилик ҳужжатлари, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари талабларига риоя қилиш;

мавжуд тиббий буюмлар ва мол-мулкнинг сақланишини ҳамда улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

оилавий поликлиника фаолиятига оид тиббий ҳисоб ва ҳисобот, статистика ва молиявий ҳужжатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ юритилиши, сақланиши ҳамда давлат сақловига белгиланган тартибда берилишини таъминлаш.

16. Оилавий поликлиникалар ўзларига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

5-боб. Оилавий поликлиникалар ишини ташкил этиш ва уни бошқариш

17. 1-тип оилавий поликлиникаларга тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи томонидан оилавий поликлиника мудир вазифаси юкланадиган мазкур муассасада фаолият юритаётган оилавий шифокор раҳбарлик қилади ҳамда мудир вазифаси юкланган оилавий шифокорга базавий тариф ставкасига қонунчиликда белгиланган тартибда устама тўланади.

18. 2-тип оилавий поликлиникаларга тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган мудир раҳбарлик қилади.

19. Оилавий поликлиника мудир (мудир вазифаси юкланган оилавий шифокор) белгиланган тартибда:

оилавий поликлиника фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, унинг ишини ташкил этади, оилавий поликлиника номидан иш кўради, унинг манфаатларини барча ташкилотларда ифода этади ҳамда оилавий поликлиника фаолиятининг натижалари учун шахсан жавоб беради;

тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимига ҳисоботлар тақдим этади;

мутахассислар билан биргаликда бириктирилган аҳоли олдида ҳисобот беради.

20. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимининг буйруғига асосан 2-тип оилавий поликлиникада фаолият юритадиган шифокорлар ва ҳамширалар худуднинг географик жойлашуви, инфратузилма ҳолати, аҳолининг мурожаатлари, касалланиш кўрсаткичлари ва бошқа заруратларга кўра бириктирилган 1-типдаги оилавий поликлиника ва оилавий поликлиника филиалларига тақсимланиши ва сафарбар қилиниши мумкин.

21. Оилавий поликлиникалар (шу жумладан, оилавий поликлиника филиаллари) ходимлари тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

22. Оилавий поликлиника мудирлари туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими билан келишган ҳолда оилавий поликлиникага тегишли мол-мулкни тасарруф этади ҳамда фаолиятини ташкил этиш бўйича буйруқлар чиқаради.

23. Оилавий поликлиникалар фаолияти бевосита назорат қилиш тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими томонидан амалга оширилади.

6-боб. Оилавий поликлиникаларнинг молия-хўжалик фаолияти

24. Оилавий поликлиниканинг молия-хўжалик фаолияти қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Асосий воситалар, шунингдек, бошқа моддий бойликлар ҳамда молиявий ресурслар оилавий поликлиниканинг мол-мулкни ташкил этади.

26. Қуйидагилар оилавий поликлиникалар фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

оилавий поликлиниканинг жорий фаолиятини сақлаб туришга, унга юкланган вазифаларни бажариш бўйича тадбирларни амалга оширишга, шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

хомийлик маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан олинган маблағлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

27. Оилавий поликлиникалар фаолиятини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар (капитал қўйилмалар, мукаммал таъмирлаш, фан ва илмий изланишлар, эмлаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик, сайёр тиббий кўриклар, ҳомиладорлик нафақаси, шунингдек, кўзда тутилмаган бошқа харажатларни қоплаш учун ажратиладиган маблағлар бундан мустасно) харажатлар таснифининг бир сатрида ҳар ойнинг биринчи иш кунини ўтказилиши учун Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақлари шакллантирилади.

28. Оилавий поликлиникаларни молиялаштиришнинг йиллик ҳажми бир нафар аҳолига харажатларнинг базавий нормативи ҳисоб-китобидан ҳамда тузатиш коэффициентларидан (жинси ва ёши таркиби, аҳоли зичлигига кўра ва бошқалар) фойдаланилган ҳолда, бириктирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб аниқланади.

29. Оилавий поликлиника мудирлари маблағлардан мақсадли фойдаланиши учун белгиланган тартибда жавоб беради.

30. Оилавий поликлиниканинг молия-хўжалик фаолияти қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилинади.

7-боб. Оилавий поликлиникаларнинг ҳисоботи

31. Оилавий поликлиникалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда статистика ҳисоботини юритади ва уни тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимига тақдим этади, ҳужжатларнинг белгиланган стандартларга мувофиқ юритилиши ҳамда сақланишига жавоб беради.

32. Оилавий поликлиникалар ўз фаолияти тўғрисида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда ҳисоботлар ва бошқа ахборотлар тақдим этади.

33. Тиббий ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларининг тўғри ва ўз вақтида юритилиши, улардаги маълумотнинг ҳаққонийлиги учун оилавий поликлиникалар мудирлари жавоб беради.

8-боб. Якунловчи қоидалар

34. Оилавий поликлиникалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

35. Оилавий поликлиникалар қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолат-

ларда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ходимларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши кафолатланади.

36. Оилавий поликлиникалар қайта ташкил этилганда унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва мулки ҳуқуқий ворисга ўтади.

Оилавий поликлиника тўғрисида
намунавий низомга
ИЛОВА

НАМУНА

**Оилавий поликлиникада Давлат бюджети ҳисобидан
қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари
доирасида тиббий хизмат кўрсатиш тўғрисида
_____сон ШАРТНОМА**

«_____» _____20____ йил

_____ (туман/шаҳар номи)

Ушбу шартнома оилавий поликлиника тиббиёт бригадаси ва жисмоний шахс ўртасида тузилди.

Бир томондан меҳнат шартномаси асосида фаолият юритувчи _____

_____ (бирламчи тиббий-санитария муассасаси номи, оилавий шифокорнинг Ф.И.О.)

кейинги ўринларда — «тиббий хизмат кўрсатувчи», иккинчи томондан жисмоний шахс сифатида _____

_____ (Ф.И.О., туғилган йили, яшаш манзили)

мазкур муассаса тиббиёт бригадасига бириктирилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилган чет эл фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, шахсларнинг қонуний вакиллари, кейинги ўринларда — «тиббий хизмат оловчи» билан (кейинги ўринларда — «томонлар») Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари (кейинги ўринларда — кафолатланган пакет) доирасида тиббий хизматлар кўрсатилишини таъминлаш мақсадида тузилди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Тиббий хизмат кўрсатувчи» оилавий поликлиника томонидан кафолатланган пакет доирасида қуйидаги тиббий хизматлар кўрсатилишини таъминлайди:

«тиббий хизматдан фойдаланувчи»ни қабул қилиш, тиббий кўрик ва маслаҳат бериш;

«тиббий хизматдан фойдаланувчи»га тиббий-профилактика хизматларини кўрсатиш;

«тиббий хизматдан фойдаланувчи»ни белгиланган тартибда профилактик ва скрининг текширувлардан ўтказиш;

«тиббий хизматдан фойдаланувчи»га кафолатланган пакет доирасида касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколларга мувофиқ клиник-лаборатор, функционал ва инструментал текширувларни ўтказиш, ташхис қўйиш, даволаш, реабилитация ҳамда паллиатив хизматларини кўрсатиш;

кафолатланган пакет доирасида дори ва сарфлаш воситаларига рецепт расмийлаштириш ёки уларни поликлиника орқали бериш;

оилавий поликлиника кундузги стационарида кафолатланган пакет доирасида даволаш, муолажа ва амалиётларни ўтказиш;

меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтказиш, натижасига кўра «тиббий хизматдан фойдаланувчи»га меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик варақасини бериш;

ўлимни қайд қилиш ва расмийлаштириш;

соғлом турмуш тарзи тамойиллари (зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, гигиеник тарбия ва бошқалар) тўғрисида маълумот бериб бориш.

1.2. «Тиббий хизматдан фойдаланувчи» доимий ёки вақтинчалик яшаш ҳудудига бириктирилган тиббиёт бригадасидан бошқа тиббиёт бригадасига ўз хоҳишига кўра бириктирилганда, «Тиббий хизмат кўрсатувчи» томонидан патронаж хизмати ва уйда тиббий хизмат кўрсатилмайди.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. «Тиббий хизмат кўрсатувчи»нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. Кафолатланган пакетдан ташқари қўшимча тиббий хизматларни «тиббий хизматдан фойдаланувчи»нинг ўз маблағлари ёки ихтиёрий суғурта тизими ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тақдим этиш;

2.1.2. Тиббий қарорларни ўз компетенцияси доирасида мустақил равишда қабул қилиш.

2.2. «Тиббий хизмат кўрсатувчи»нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Тиббий хизматдан фойдаланувчи»га кафолатланган пакет доирасида тиббий хизматларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиш;

2.2.2. Белгиланган муддатларда «тиббий хизматдан фойдаланувчи»ни қабул қилиш, уни тегишли тиббий кўриклардан ўтказиш ва маслаҳат бериш, Миллий эмлаш календарига мувофиқ профилактик эмлашларни ўтказиш;

2.2.3. Ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколларга мувофиқ тор соҳа мутахассисларига, зарур ҳолларда шифохоналарга йўлланма бериш;

2.2.4. Оилавий поликлиникада мавжуд ҳамда кафолатланган пакет доирасидаги дори ва сарфлаш воситаларига (амалдаги тартибга кўра) рецепт расмийлаштириш ёки уларни бериш;

2.2.5. «Тиббий хизматдан фойдаланувчи»нинг амбулатор шароитда даволаниши учун амалдаги ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари ва клиник протоколларга риоя этган ҳолда, кундузги стационарда даволаниши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

2.2.6. «Тиббий хизматдан фойдаланувчи»га дори воситаларини тўғри ва ўз вақтида қабул қилиш тартибини тушунтириш ҳамда дори воситасининг ножўя таъсирлари тўғрисида маълумот бериш;

2.2.7. «Тиббий хизматдан фойдаланувчи»га соғлом турмуш тарзи тамойиллари (зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш ва бошқалар), касалликларнинг олдини олиш тўғрисида маълумотлар бериб бориш;

2.2.8. Касалликларни эрта аниқлаш ва диспансер рўйхатига олиш, соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш ҳамда берилган тавсияларнинг бажарилишини доимий назорат қилиш;

2.2.9. Агар «тиббий хизматдан фойдаланувчи» тиббиёт бригадасига бириктирилган ҳудудда доимий ёки вақтинча истиқомат қилса, тиббиёт бригадаси томонидан кафолатланган пакет доирасида патронаж хизматини кўрсатиш, амбулатор даволаш ишларини ташкил қилиш, «тиббий хизматдан фойдаланувчи»нинг доимий ёки вақтинча яшаш жойида ва (ёки) оилавий поликлиникада унга паллиатив тиббий ёрдамларни кўрсатиш;

2.2.10. «Тиббий хизматдан фойдаланувчи»ни меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтказиш, текширув натижасига кўра «тиббий хизмат олувчи»га меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик варақасини белгиланган тартибда расмийлаштириш ёки асослантирган ҳолда расмийлаштиришни рад этиш;

2.2.11. Тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлиғининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотларнинг сир сақланишини, «тиббий хизматдан фойдаланувчи»нинг розилигисиз учинчи шахсларга ошкор қилинмаслигини таъминлаш;

2.2.12. «Аввало зарар етказма» тамойилига риоя қилиш;

2.2.13. «Тиббий хизматдан фойдаланувчи»ни унинг соғлиғи ва даволаш жараёни ҳақида тўғри ва аниқ маълумот билан таъминлаш;

2.2.14. «Тиббий хизматдан фойдаланувчи»га ишонч, ҳурмат ва тиббий этика тамойилларига асосланган муносабатда бўлиш, бунда очиқ ва тушунарли мулоқотни таъминлаш, «тиббий хизматдан фойдаланувчи»нинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ҳар қандай тиббий аралашувга «тиббий хизмат олувчи» унинг розилигини олиш.

2.3. «Тиббий хизматдан фойдаланувчи» қўйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кафолатланган пакет доирасида тиббий хизматлардан фойдаланиш;

2.3.2. Ўз соғлиғининг ҳолати тўғрисида маълумот, шу жумладан, текшириш натижалари, қандай ташхис қўйилгани, касалликнинг бундан буён қандай кечишига оид тахминлар, даволаш усуллари ва бу усуллар билан боғлиқ хавф-хатар, буюрилган тиббий аралашувлар, уларнинг эҳтимолий оқибат ва асоратлари, амалга оширилган даволашнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни очиқ ва тушунарли тарзда олиш;

2.3.3. Ўзига нисбатан тиббиёт ходимлари томонидан хушмуомалалик билан тиббий хизматлар кўрсатилишини талаб қилиш;

2.3.4. Тиббий аралашувга розилик бериш;

2.3.5. Тиббий аралашувни рад этиш;

2.3.6. Кафолатланган пакет доирасидаги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган касалликлар рўйхатига мувофиқ дори ва сарфлаш воситалари учун (амалдаги тартибга кўра) рецепт олиш ёки оилавий поликлиникадан бепул дори ва сарфлаш воситаларини олиш;

2.3.7. Қабул қиладиган дори ва сарфлаш воситаларини тўғри ва ўз вақтида қабул қилиш тартиби ҳамда уларнинг ножўя таъсирлари тўғрисида маълумот олиш;

2.3.8. Соғлом турмуш тарзи тамойиллари (зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш ва бошқалар), касалликларнинг олдини олиш тўғрисида маълумот олиш;

2.3.9. Оилавий шифокор тавсиясига кўра ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига мувофиқ тор соҳа мутахассисларига, зарур ҳолларда шифохоналарга йўлланма олиш;

2.3.10. Амалдаги ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари ва клиник протоколларга мувофиқ кафолатланган пакет доирасида кундузги стационарда даволаниш;

2.3.11. Агар «тиббий хизматдан фойдаланувчи» ўзи шартнома тузган тиббиёт бригадасига бириктирилган ҳудудда доимий ёки вақтинча истиқомат қилса, тиббиёт бригадаси томонидан патронаж хизматидан фойдаланишга, кўрсатмага кўра уй шифохонасида даволанишга, ўзининг доимий яшаш жойи ёки вақтинча яшаш жойида ва (ёки) оилавий поликлиникада паллиатив тиббий ёрдамлар олиш;

2.3.12. Меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини аниқлаш ва қайд этиш учун тиббий текширувдан ўтиш ҳамда натижаси бўйича маълумот олиш;

2.3.13. Шифокорни ва даволаш-профилактика муассасасини танлаш;

2.3.14. Ўзи битим тузган тиббиёт бригадасини чорак давомида бир марта, бироқ бир молия йилида кўпи билан икки марта ўзгартириш;

2.3.15. Кўрсатилган тиббий хизматлар билан боғлиқ норозилигини билдириш.

2.4. «Тиббий хизматдан фойдаланувчи»нинг мажбуриятлари:

2.4.1. Соғлом турмуш тарзига риоя этиш, зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш;

2.4.2. Белгиланган муддатларда ўз вақтида ва (ёки) оилавий шифокор тавсиясига кўра профилактик тиббий кўриклар ҳамда скрининг текширувлардан ўтиш;

2.4.3. Тиббиёт ходимлари билан ҳамкорлик қилиш, улар билан мулоқот қилишда ҳурмат кўрсатиш ҳамда соғлиғида юз берган барча ҳолатлар ҳақида бириктирилган тиббиёт бригадаси оилавий шифокори ёки ҳамшираларини хабардор қилиш;

2.4.4. Дори ва сарфлаш воситаларини уй шароитида кўрсатмаларга му-

вофиқ ҳолда сақлаш ва шифокор томонидан берилган тавсияларга биноан қабул қилиш;

2.4.5. Кафолатланган пакет доирасида амбулатор тиббий хизматларни, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ режали стационар хизматлардан бепул фойдаланиш мақсадида оилавий шифокорнинг тегишли йўлланмасини олиш;

2.4.6. Ўз соғлиғини сақлаш, касалликларнинг авж олиши ва асоратланишини олдини олиш, ўз вақтида ва (ёки) шифокор тавсиясига кўра даволаниш.

3. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

3.1. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш томонлар ўртасида қўшимча келишув тузиш йўли билан амалга оширилади.

3.2. Қўшимча келишув шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, шундай шаклда тузилади.

Қўшимча келишув тузишга музокаралар йўли билан эришилмаса, томонлардан бирининг талаби билан битим суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

3.3. Ушбу шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилинган деб ҳисобланади: «тиббий хизматдан фойдаланувчи» бошқа тиббиёт бригадаси оилавий шифокори билан худди шундай кафолатланган пакет доирасида тиббий хизмат кўрсатишни назарда тутувчи битим имзолаганда;

«тиббий хизматдан фойдаланувчи» (шахс) вафот этганда;

оилавий поликлиника ва (ёки) тиббиёт бригадаси фаолияти тугатилганда.

3.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Махфийлик

4.1. «Тиббий хизмат кўрсатувчи» ва «тиббий хизматдан фойдаланувчи» шартнома бўйича маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун жавоб беради.

4.2. «Тиббий хизмат кўрсатувчи» ва «тиббий хизматдан фойдаланувчи»нинг бир-бирига битим предмети билан боғлиқ тақдим этган маълумотлари махфий ҳисобланади. Томонлар олинган маълумотларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ сақланиши учун барча зарур ва етарли чораларни кўрадилар.

4.3. «Тиббий хизмат кўрсатувчи» ва «тиббий хизматдан фойдаланувчи» ушбу шартнома бўйича шифокор сири ва шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлиги учун жавоб беради.

5. Шартноманинг амал қилиш муддати

5.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга кирази ҳамда башарти қонунчилик ҳужжатларида бошқача муддат назарда тутилмаган бўлса, ушбу шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Ушбу шартнома бўйича белгиланган мажбуриятларнинг бажарилмагани ёки лозим даражада бажарилмагани учун томонлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

6.2. «Тиббий хизматдан фойдаланувчи» томонидан мазкур шартноманинг 2.4-бандида белгиланган талаблар бажарилмаслиги натижасида соғлиғининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларда, жавобгарлик тўлиқ «тиббий хизмат олувчи» зиммасига юкланади ҳамда унга кўрсатиладиган қўшимча (кафолатланган пакетга киритилмаган ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ) тиббий хизматлар пулли асосда амалга оширилади.

6.3. «Тиббий хизмат кўрсатувчи» ушбу шартноманинг 2.2-бандида белгиланган талаблар сифатли ва ўз вақтида бажарилиши бўйича жавобгар ҳисобланади ҳамда унинг бажарилмаслиги натижасида «тиббий хизматдан фойдаланувчи» томонидан шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши мумкин, шунингдек, «тиббий хизмат кўрсатувчи»га нисбатан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган чоралар қўлланилади.

7. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу шартномада белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бажарилиши жараёнида «томонлар» ўртасида юзага келган ҳар қандай тушунмовчилик ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилади ёки «тиббий хизматдан фойдаланувчи»нинг ёзма мурожаати асосида эътироз тартибида кўриб чиқилади. Мурожаатни кўриб чиқиш ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

7.2. Келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ суд орқали ҳал этилади.

**Тиббиёт бригадаси оилавий
шифокори**

*(оилавий шифокор вақтинча мавжуд
бўлмаган ҳолларда амалиётчи
ҳамишираси)*

Ф.И.О. (имзо)

Жисмоний шахс

Туғилган вақти _____
Паспорт серияси ____ № _____

Ф.И.О. (имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 июндаги 384-сон қарорига
5-ИЛОВА

Аҳолини тиббиёт бригадаларига бириктириш ТАРТИБИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб аҳолини Давлат бюджети ҳисобидан қопладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида оилавий поликлиника ва унинг филиалларини танлаш, тиббиёт бригадасига бириктириш ва рўйхатдан чиқариш билан боғлиқ муносабатларни белгилайди.

2. Ушбу Тартиб ҳарбий хизматчиларга ва тиббий ёрдам кўрсатишда ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган шахсларга, муқобил фуқаролик хизматини ўтаётган фуқароларга, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Аҳолини тиббиёт бригадасига бириктириш тиббий ёрдам кўрсатиш учун асос бўлиб, қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

тиббиёт бригадаси ва унинг оилавий шифокори томонидан унга бириктирилган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш;

бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг ҳудудий мавжудлиги;

оилавий шифокор, тиббиёт бригадаси ва оилавий поликлиникани эркин танлаш;

беморнинг тиббий ёрдам сифатидан қониқиши;

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар, тенглик ва адолатли рақобат.

2-боб. Аҳолини тиббиёт бригадасига бириктириш, қайта бириктириш ва рўйхатдан чиқариш

4. Аҳоли ўзининг доимий ёки вақтинча яшаш, ишлаш, ўқиш жойида оилавий поликлиникадаги тиббиёт бригадасига бириктирилади. Бунда бир жисмоний шахс фақат битта тиббиёт бригадасига бириктирилиши мумкин.

5. Кафолатланган пакет доирасида бепул хизмат кўрсатиш учун аҳоли ўз хоҳишига кўра оилавий поликлиникани эркин танлаши ҳамда тиббиёт бригадасига бириктирилиши мумкин. Бунда:

а) аҳоли томонидан тиббиёт бригадасини чорак давомида бир марта, бироқ кўпи билан бир молия йилида икки марта ўзгартиришга рухсат этилади;

б) аҳоли ўз яшаш ҳудудига бириктирилган тиббиёт бригадасидан бошқа тиббиёт бригадасига ўз хоҳишига кўра бириктирилганда, уларга патронаж хизмати ва уйда тиббий хизмат кўрсатмаслиги мумкин.

Бунда тиббиёт бригадаси томонидан кўрсатиладиган патронаж хизмати ва уйда тиббий хизмат кўрсатилиши ёки кўрсатилмаслиги аҳоли ўз хоҳиши-

га кўра бириктирилган тиббиёт бригадаси билан аҳоли ўртасида тузиладиган битимда белгиланади.

6. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқароларининг (даромад солиғи ёки ижтимоий солиқ тўловчи бўлган тақдирда) тиббиёт бригадасига бириктирилиши Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган, туман (шаҳар) даражасида амбулатор ва стационар шароитда кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини беради.

7. Аҳоли қуйидаги ҳолатларда, истисно тариқасида, тиббиёт бригадасига қайта бириктирилиши мумкин:

доимий ёки вақтинча яшаш жойини олти ойдан ортиқ муддатга бир маъмурий-ҳудудий бирликдан бошқа ҳудудга сафар қилиш муносабати билан ўзгартирганда;

оилавий поликлиника билан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ўртасида тиббий хизматларни сотиб олиш тўғрисидаги шартнома бекор қилинганда;

яшаш ҳудудида янги оилавий поликлиника ташкил этилганда;

оилавий поликлиника фаолияти тугатилганда ёки хусусийлаштирилганда.

8. Тиббиёт бригадаси рўйхатидан чиқиш, бошқа ҳудуддаги тиббиёт бригадасига бириктириш ҳамда уларни танлаш ёки алмаштириш вояга етган шахслар томонидан амалга оширилади.

9. Вояга етмаган шахслар доимий ёки вақтинча яшаш, ўқиш жойида оилавий поликлиникалардаги тиббиёт бригадасига бириктирилади ҳамда бошқа тиббиёт бригадасига бириктиришга йўл қўйилмайди.

10. Амалда бириктирилган тиббиёт бригадасининг рўйхатидан чиқиш, аксинча бошқа тиббиёт бригадасига бириктириш мақсадида аҳоли шахсан ўзи ёки вакили орқали шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан тасдиқланган шаклдаги ёзма ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза билан туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимига мурожаат қилади.

11. Ариза беришда қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхалари тақдим этилади:

а) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари учун: паспорт ёки қонун билан белгиланган ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ чет эл фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тан олинган бошқа ҳужжат;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш гувоҳномаси;

б) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар учун:

шахсни тасдиқловчи ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ тан олинган ҳужжат;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш гувоҳномаси;

в) Ўзбекистон Республикасида вақтинча яшовчи чет эл фуқаролари учун чет эл фуқаросининг паспорти ёки қонунда белгиланган ёхуд Ўзбекистон

Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ чет эл фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тан олинган ҳужжат (Ўзбекистон Республикасида вақтинча яшаш рухсат этилганлиги тўғрисидаги ёзув билан);

г) Ўзбекистон Республикасида вақтинча яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикасига халқаро шартномага мувофиқ тан олинган, Ўзбекистон Республикасида вақтинча яшаш учун рухсат берилгани тўғрисида белги қўйилган ҳужжат ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида берилган, белгиланган шаклдаги ҳужжат;

д) шахсининг вакили, шу жумладан, қонуний вакили учун, шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат;

е) доимий ёки вақтинча яшаш жойи ўзгарган тақдирда — яшаш жойи ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

12. Туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими томонидан фуқароларнинг тиббиёт бригадасини ўзгартириш тўғрисидаги аризаси уч иш куни давомида кўриб чиқилади ҳамда мурожаат этувчига унинг хоҳишига кўра ёзма ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шахсий кабинет орқали тиббиёт бригадасига бириктириш натижаси тақдим қилинади.

13. Тиббиёт бригадасини танлаш жараёнида аҳоли ушбу муассасада фаолият юритадиган тиббиёт ходимлари ва оилавий шифокор рўйхати, бириктирилган аҳоли сони ва тиббиёт бригадасига бириктирилган ҳудуд ҳақидаги маълумотлар билан танишиши мумкин.

14. Мурожаат этувчи ўз хоҳишига кўра танланган тиббиёт бригадасига бириктирилиши тасдиқлангандан сўнг тиббиёт бригадаси оилавий шифокорига шахсан мурожаат қилган ҳолда ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шахсий кабинет орқали битим тузади.

15. Мурожаат этувчининг аризасига мувофиқ туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими томонидан ўзи танлаган тиббиёт бригадасига бириктириш рад қилинганда, рад этиш сабаблари аниқ кўрсатилиши лозим.

16. Тиббиёт бригадасига бириктирилган аҳоли сони 3 000 нафарни ташкил этганда унга қўшимча 10 фоизгача аҳоли бириктирилиши мумкин. Бунда қўшимча аҳоли бириктириш истаги бўлган тиббиёт бригадаси оилавий шифокори тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимига ариза билан мурожаат қилади ҳамда ушбу тиббиёт бригадаси ходимлари, унга бириктирилган ҳудуд, аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимида акс эттирилади.

17. Амалда аҳоли бириктирилган тиббиёт бригадаси фаолият юритадиган оилавий поликлиника аҳолини бошқа оилавий поликлиникадаги тиббиёт бригадасига қайта бириктирилгани тўғрисидаги хабарномани «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизими орқали олгандан сўнг унга тиббий хизмат кўрсатишни тўхтатади ва унга тегишли бўлган тиббий ҳужжатлар қайта бириктирилган янги оилавий поликлиникага етказилишини таъминлайди.

18. Тиббиёт бригадасида вақтинча оилавий шифокор мавжуд бўлмаган

тақдирда, оилавий шифокор лавозимга тайинлангунга қадар аҳоли ушбу тиббиёт бригадаси ташкил қилинган оилавий поликлиникага бириктирилган ҳисобланади.

19. Оилавий поликлиникада тиббиёт бригадасига бириктирилмаган шахсларга барча тиббий хизматлар ҳамда тиббиёт бригадасига бириктирилган аҳоли учун кафолатланган пакетга киритилмаган тиббий хизматлар пулли асосда кўрсатилади.

20. Оилавий поликлиникада тиббиёт бригадаларига аҳолини бириктириш бўйича хизматлар бепул кўрсатилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

21. Тиббиёт ташкилоти раҳбари аҳолини оилавий поликлиникага ва тиббиёт бригадасига бириктириш, рўйхатдан чиқариш ва қайта бириктиришда ушбу Тартиб талабларига мувофиқ бажарилиши бўйича жавоб беради.

22. Ушбу Тартибнинг қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 июндаги 384-сон қарорига
6-ИЛОВА

Тиббиёт, фармацевтика ва раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ТАРТИБИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб тажриба-синов тариқасида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели жорий қилинган ҳудудлардаги туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари тизимидаги оилавий поликлиникалар, оилавий поликлиника филиаллари ҳамда туман (шаҳар) марказий шифохонасида (кейинги ўринларда — тиббиёт муассасаси) фаолият юритаётган тиббиёт, фармацевтика ва раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ муносабатларни белгилайди.

2. Тиббиёт муассасасида фаолият юритаётган тиббиёт, фармацевтика ва раҳбар ходимлар (кейинги ўринларда — тиббиёт ходимлари) фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш (кейинги ўринларда — рейтинг баҳолаш) уларнинг меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш мақсадида амалга оширилади.

2-боб. Рейтинг баҳолаш тартиби

3. Рейтинг баҳолаш тиббиёт ходимлари фаолиятининг кўрсаткичлари «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимларининг ягона комплексига

(кейинги ўринларда — ахборот тизими) киритилган маълумотлар натижалари ҳар чоракда бир мартаба амалга оширилади.

4. Тиббиёт ходимлари учун рейтинг баҳолашнинг тўпланган якуний баллари ахборот тизимида автоматлаштирилган ҳолда аниқланади.

5. Тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Соғлиқни сақлаш вазирлиги) томонидан белгиланади.

6. Тиббиёт ходимлари томонидан ахборот тизимида киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига тиббиёт бригадаси учун оилавий шифокор, бошқа ҳолларда эса тиббиёт ходимларининг иш берувчиси шахсан масъул ҳисобланади.

7. Тиббиёт ходимлари фаолиятининг тўлақонлилиги, сифати ва якуний натижалари ахборот тизими маълумотларига асосан тегишли тиббиёт ходимлари учун беш иш куни мобайнида тегишли иш берувчилар томонидан рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

8. Рейтинг баҳолаш тизимининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида тиббиёт ходимларининг рейтинг баҳолаш натижалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

9. Тиббиёт ходимларига устама навбатдаги рейтинг баҳолаш якунига қадар (уч ой давомида) белгиланади ҳамда улар муассасанинг Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда тиббиёт муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб борилади.

10. Тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигининг рейтинги 100 баллик баҳолаш тизими орқали ҳисобланади.

11. Тиббиёт ходимлари учун ойлик лавозим маошлари ёки базавий тариф ставкасига қўшимча устамалар қуйидаги тартибда белгиланади:

56 баллдан 70 баллгача — ойлик лавозим маоши ёки базавий тариф ставкасининг 40 фоизи миқдорида;

71 баллдан 85 баллгача — ойлик лавозим маоши ёки базавий тариф ставкасининг 70 фоизи миқдорида;

86 баллдан юқори — ойлик лавозим маоши ёки базавий тариф ставкасининг 100 фоизи миқдорида.

Тиббиёт ходимлари томонидан тўпланган баллар 56 баллдан кам бўлган ҳолларда, тиббиёт ходимларига қўшимча устамалар тўланмайди.

12. Тиббиёт муассасаларида дастлабки бир чорак давомида:

а) оилавий поликлиника мудирига — базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида;

б) олий тоифали оилавий шифокорларга базавий тариф ставкасининг 60 фоизи, 1-тоифали оилавий шифокорларга — 40 фоизи, 2-тоифали оилавий шифокорларга — 20 фоизи, тоифасиз оилавий шифокорларга — 10 фоизи миқдорида;

в) олий тоифали тиббиёт бригадаси ўрта тиббиёт ходимларига базавий

тариф ставкасининг 40 фоизи, 1-тоифали тиббиёт бригадаси ўрта тиббиёт ходимларига — 30 фоизи, 2-тоифали тиббиёт бригадаси ўрта тиббиёт ходимларига — 10 фоизи, тоифасиз оилавий шифокорларга — 5 фоизи миқдорида устамалар тўланади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

13. Тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш жараёни ва натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан назорат қилинади.

14. Мазкур Тартиб талабларининг ҳудудлардаги ижроси ҳолати режага мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўрганилиб борилади.

15. Ушбу Тартиб талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 июндаги 384-сон қарорига
7-ИЛОВА

Давлат тиббиёт муассасаларида аутсорсинг асосида стоматологик хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тажриба-синов тариқасида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели жорий қилинадиган ҳудудлардаги давлат тиббиёт муассасаларида (кейинги ўринларда — тиббиёт муассасалари) аутсорсинг асосида стоматологик хизматларни тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аутсорсинг — тиббиёт муассасаларининг айрим функциялари ёки хизматларини шартнома асосида аутсорсерга ўтказиш;

аутсорсер — шартнома асосида тиббиёт муассасаларида стоматологик хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъекти;

бюортмачи — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Соғлиқни сақлаш вазирлиги) тизимидаги оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) марказий шифохонаси.

3. Бюортмачи хизматларини аутсорсингга ўтказишда қуйидаги шартларга риоя қилиши шарт:

аутсорсерни қонунчилик ҳужжатлари асосида танлаб олиш;

аутсорсерга ўтказиладиган ишлар (хизматлар) сифатини ошириш;

бюортмачининг аутсорсерга бериладиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан банд бўлган ходимлари сонини (штатини) қисқартириш.

4. Аутсорсернинг ходимлари тегишли тиббиёт муассасаси ҳудудига белгиланган тартибда буюртмачига олдиндан тақдим этилган рўйхат асосида киришига рухсат берилади.

Бунда аутсорсер ходимлари тиббиёт муассасасининг ички тартиби, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда муассасада белгиланган иш вақтига тўлиқ риоя қилишлари шарт.

2-боб. Тиббиёт муассасаларидаги стоматологик хизматларни аутсорсинг асосида ташкил қилиш талаблари

5. Тиббиёт муассасаларидаги стоматологик хизматларни аутсорсинг асосида ташкил қилиш бўйича танлов (тендер) савдоларида тегишли тиббий фаолиятни амалга ошириш бўйича лицензияга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари иштирок этади. Бунда:

а) туман (шаҳар) ҳудудидаги барча тиббиёт муассасаларида аутсорсинг асосида стоматологик хизматлар танлов (тендер) савдолари натижаларига кўра бир юридик шахс томонидан ташкил этилади;

б) туман (шаҳар)ларнинг аҳоли зич жойлашмаган (чекка) ҳудудларидаги стоматологик хизматлар учун шароит яратилган тиббиёт муассасаларида ушбу хизматлар аутсорсинг асосида ташкил этилган ҳолларда, ушбу туман (шаҳар)даги қолган тиббиёт муассасаларида стоматологик хизматлар белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов (тендер) савдолари натижаларига кўра бошқа юридик шахслар томонидан ташкил этилиши мумкин;

в) тиббиёт муассасасининг имкониятларидан (бино ва иншооти, бириктирилган аҳоли сони ва бошқалар) келиб чиқиб, аутсорсер ҳисобидан қўшимча стоматология хоналарини тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлими билан келишган ҳолда ташкил этишга йўл қўйилади.

6. Тиббиёт муассасаларидаги стоматологик хизматларни аутсорсинг асосида ташкил қилиш учун стоматология хоналарининг жиҳозланиши ягона талаблар асосида ташкил этилади.

7. Стоматология хоналари учун талаб этиладиган жиҳозлар тиббиёт муассасаларида мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу жиҳозлар аутсорсер томонидан таъминланади.

8. Аутсорсинг шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган хоналар, асбоб-ускуналар ва мебелдан фойдаланганлик учун ижара тўлови «ноль» қийматда белгиланади.

Бунда хоналарни ва ундаги тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозларни соз ҳолатда сақлаш ҳамда таъмирлаш харажатлари, шунингдек, коммунал тўловлари аутсорсер томонидан қопланади.

9. Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатига (кейинги ўринларда — кафолатланган пакет) киритилган стоматологик хизматлар ва пулли асосда стоматологик хизматларни кўрсатиш учун талаб этиладиган барча дори воситалари, тиббий буюмлар, сарфлаш материаллари аутсорсер томонидан таъминланади.

Бунда аутсорсер томонидан амалга ошириладиган харажатлар кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг умумий нархида инобатга олинади.

10. Аҳолига кўрсатилган тиббий хизматлар тўғрисидаги маълумотлар тиббиёт муассасасида жорий қилинган электрон ахборот тизимига аутсорсер томонидан киритиб борилади.

11. Аутсорсер электрон ахборот тизимидан буюртмачининг таркибий бўлинмаси сифатида қўшимча тўловларсиз фойдаланади.

12. Тиббиёт муассасасининг стоматологик хизматларни аутсорсинг асосида ташкил қилиш учун шартноманинг намунавий шакли Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади ва унда аутсорсерга қўйиладиган минимал талаблар белгиланади.

3-боб. Аутсорсинг асосида ташкил қилинадиган стоматологик хизматларга нарх белгилаш тартиби

13. Кафолатланган пакетга киритилган стоматологик хизматларнинг нархи Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан белгиланади ҳамда ҳар молия йили учун қайта кўриб чиқилади.

14. Кафолатланган пакетга киритилмаган стоматологик хизматларнинг нархи аутсорсер томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

15. Аутсорсер аҳолига кафолатланган пакетга киритилган стоматологик хизматларни бепул ҳамда бошқа стоматологик хизматларни аҳолининг барча қатламларига пулли асосда кўрсатади.

16. Стоматологик хизматлардан бепул ва пулли асосда фойдаланиш учун оилавий шифокор йўлланмаси талаб этилмайди. Бунда ушбу хизматлар электрон навбат асосида кўрсатилади (шошилиш ҳолатларида тиббий хизмат навбатсиз амалга оширилади).

4-боб. Аутсорсерни танлаш ва шартнома тузиш тартиби

17. Аутсорсерни танлаб олиш бўйича харид ҳужжатлари тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан ишлаб чиқилади.

Бунда оилавий поликлиникага бириктирилган аҳолининг сони, кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг нархлари, бир йилда кўрсатиладиган стоматологик хизматларнинг ўртача сони каби кўрсаткичлар назарда тутилади.

18. Аутсорсерни танлаб олиш бўйича харид Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида тиббиёт муассасалари номидан тегишли туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан амалга оширилади.

19. Аутсорсер талабгорларига нисбатан қўйидаги талаблар қўйилади: юридик шахс ташкил қилган ҳолда тадбиркорлик субъекти бўлиши; молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва йиғимлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тиббий фаолият бўйича тегишли лицензияга ва бошқа рухсатномаларга эга бўлиши.

20. Харид жараёнида аутсорсинг талабгорлари томонидан бериладиган таклифларни баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

а) таклифларнинг харид ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги;

б) стоматологик хизматларни аутсорсинг асосида ташкил этиш натижа-сида тушадиган тушумлардан тиббиёт муассасаси тасарруфида қолдирилади-ган ажратманинг энг кўп миқдори.

Бунда ажратма миқдори тиббиёт муассасасининг жойлашувидан келиб чиқиб, аутсорсинг хизмати йўлга қўйиладиган тиббиёт муассасалари кесими-да турлича бўлишига йўл қўйилади.

21. Харид жараёнида қолиб бўлган аутсорсер талабгори билан буюртма-чи ўртасида аутсорсинг хизматини кўрсатиш бўйича шартнома икки йилгача бўлган муддатга тузилади.

5-боб. Аутсорсинг хизмати бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш

22. Пулли асосда кўрсатиладиган стоматологик хизматлар учун тўловлар тиббиёт муассасасига тўланади.

Бунда тўланган маблағлар мазкур муассасанинг алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади ҳамда аутсорсерни танлаш жараёнида келишилган ажратма миқдорини инobatга олган ҳолда, ҳар ойнинг дастлабки беш иш кунида аутсорсерга йўналтирилади.

23. Аутсорсер томонидан аҳолига кўрсатилган кафолатланган пакет-га киритилган стоматологик хизматлар харажатлари буюртмачи томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан ойма-ой қоплаб берилади.

Бунда Жамғарма томонидан кафолатланган пакетга киритилган стома-тологик хизматлар учун тўловлар тиббиёт муассасасида қолдириладиган ажратма миқдори чегириб ташланган ҳолда амалга оширилади.

24. Тиббиёт муассасаси тиббий хизматлар хариди бўйича тузилган шарт-нома шартларига мувофиқ аҳолига кўрсатилган тиббий хизматлар, шу жум-ладан аутсорсер томонидан кўрсатилган стоматологик хизматлар тўғрисида маълумотларни ҳар ойнинг дастлабки икки иш кунида Жамғармага киритади.

25. Аутсорсерга ўтказиладиган тўлов миқдори электрон ахборот тизими-га киритилган маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

6-боб. Аутсорсер ҳамда буюртмачининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

26. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аутсорсинг шартномаси доирасида бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга оши-риш;

хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгар-тириш киритиш таклифи билан чиқиш;

кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини, шу жумладан, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини талаб қилиш.

Аутсорсер қонунчилик ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

27. Аутсорсер:

тиббиёт муассасасининг аутсорсингга олинган стоматолог хонаси ва жиҳозларидан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши;

аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника ва ёнғин хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

тегишли лицензия ва бошқа рухсатномага мувофиқ аҳолига тиббий хизматлар сифатли кўрсатилиши;

шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларни узлуксиз ташкил этишни таъминлаши лозим.

Аутсорсер зиммасига қонунчилик ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

28. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хизматлар сифатли кўрсатилишини талаб қилиш;

аутсорсернинг тадбиркорлик фаолиятига аралашмаган ҳолда шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш.

Буюртмачи қонунчилик ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29. Буюртмачи зиммасига қонунчилик ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

7-боб. Аутсорсинг хизмати кўрсатилиши юзасидан назорат ва мониторинг юритиш тартиби

30. Аутсорсер томонидан санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этилишининг мониторингини юритиш буюртмачининг тегишли ходимлари зиммасига юкланади.

31. Аутсорсинг хизматлари сифати буюртмачи ҳамда Жамғарма томонидан шартномада белгиланган шартларда ва муддатларда назорат қилинади.

32. Аутсорсер томонидан ташкил этилган хизматларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, техник тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ мувофиқлиги буюртмачи, ваколатли органлар томонидан ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли бўлинмалари томонидан назорат қилинади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

33. Ушбу Низомда назарда тутилган талабларнинг бузилиши ҳамда кафолатланган пакетга киритилган стоматологик хизматлар учун аутсорсер томонидан аҳолидан қўшимча тўлов олиниши буюртмачи ва аутсорсер ўр-

тасида тузилган шартноманинг белгиланган тартибда бекор қилинишига асос бўлади.

34. Аутсорсинг хизматини кўрсатиш жараёнида шахсга доир ва шифокор сири ҳисобланган маълумотларни учинчи шахсларга тарқатмаслик бўйича жавобгарлик буюртмачи ва аутсорсер зиммасига юкланади.

35. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУҒИ

305 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3226-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ва «Давлат сирлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2020 йил 11 февралдаги 130-сон буйруғи (рўйхат рақами 3226, 2020 йил 16 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2020 й., 10/20/3226/0313-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ХАЛМУХАМЕДОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 26 май,
485-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
мудофаа вазирининг 2025 йил 26 майдаги
485-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларига
контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банднинг «д» кичик бандидаги «махфий маълумотлар билан ишлаш учун» деган сўзлар «давлат сирларидан фойдаланишга доир» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4-банд «спортчилар» деган сўздан кейин «ҳамда тор ихтисосликдаги юқори малакали мутахассислар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 4¹-банднинг бешинчи хатбошисидаги «олий таълим муассасалари» деган сўзлар «олий таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 8-банддаги «йилнинг ҳар чорагида камида бир марта» деган сўзлар «ҳар йилда камида икки марта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 9 ва 10-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Саралаш тадбирлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида Мудофаа вазирининг буйруғи билан доимий фаолият юритадиган Ҳарбий-касбий саралаш комиссияси (бундан буён матнда Саралаш комиссияси деб юритилади) ташкил этилади.

10. Саралаш комиссиясининг таркиби Мудофаа вазирлиги марказий аппарати ҳамда Мудофаа вазирлигининг тегишли ҳарбий округлари, Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари, Махсус операциялар кучлари қўмондонлигининг (бундан буён матнда ҳарбий округлар ва бирлашмалар деб юритилади) таркибий бўлинмалари мутахассислари орасидан шакллантирилади.

Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи — Саралаш комиссияси раиси, Мудофаа вазирлиги Ҳарбий-касбий саралаш бошқармаси бошлиғи — Саралаш комиссияси раисининг ўринбосари, Мудофаа вазирлиги Ҳарбий-касбий саралаш бошқармаси Рекрутинг бўлими бошлиғи эса — Саралаш комиссияси котиби ҳисобланади.

Мудофаа вазирининг буйруғига асосан Саралаш комиссиялари таркибига Мудофаа вазирлигининг бошқа мансабдор шахслари ёки мутахассислари ҳам киритилиши мумкин.»

6. 12 ва 13-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Саралаш тадбирлари ҳарбий округлар ҳудудлари кесимида Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм ва муассасаларида қуйидагича ўтказилади:

Тошкент ҳарбий округи бўйича — Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида;

Марказий ҳарбий округи бўйича — Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида;

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи бўйича — Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида;

Шарқий ҳарбий округи бўйича — Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида;

Шимоли-ғарбий ҳарбий округи бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида.

13. Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси қўшинларни Контракт бўйича ҳарбий хизматчилар билан бутлаш бошқармаси мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқиб мутахассисликлар бўйича бирламчи бўш лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар йилда камида икки марта Мудофаа вазирлиги Ҳарбий-касбий саралаш бошқармасига (бундан буён матнда Саралаш бошқармаси деб юритилади) тақдим этади.

Саралаш бошқармаси томонидан саралаш тадбирлари ўтказилишидан олдин вазирликнинг расмий веб-сайтига (www.mudofaa.uz) мутахассисликлар бўйича бирламчи бўш лавозимлар, номзодларни саралаш тартиби, уларга қўйиладиган талаблар, қабул кунлари ва жойи, тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати тўғрисида маълумотлар жойлаштирилиши таъминланади.».

7. 22-банд, 25-банднинг иккинчи хатбошиси ва 29-банддаги «Саралаш комиссияси котиби» деган сўзлар «Саралаш комиссиясининг масъул аъзоси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 23-банднинг биринчи хатбошисидаги «Саралаш комиссияси котибига» деган сўзлар «Саралаш комиссиясининг масъул аъзосига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 26-банд «шартлар» деган сўздан кейин «, чекловлар» деган сўз билан тўлдирилсин.

10. 28-банддаги «котиби» деган сўз «масъул аъзоси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 35-банднинг иккинчи хатбошиси ва 44-банднинг биринчи хатбошисидаги «котибига» деган сўз «масъул аъзосига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 40-банддан «ҳамда ҳарбий округлар ва бирлашмаларнинг ҳарбий-касбий саралаш бўлимларига юборилади» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

13. 46-банддаги «тегишли ҳарбий округ ва бирлашмаларнинг қўмондонларига» деган сўзлар «Мудофаа вазирига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 47-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Саралаш комиссияси котиби Мудофаа вазири томонидан тасдиқланган баённоманинг кўчирмаси (нусхаси), у тасдиқланган кундан бошлаб 5 кун ичида номзодларга таништирилишини таъминлаши лозим.».

15. 51-банддаги «ҳарбий округ ва бирлашмаларнинг ҳарбий-касбий саралаш бўлимлари» деган сўзлар «Саралаш бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 57-банддаги «ҳарбий округ ва бирлашмаларнинг ҳарбий-касбий саралаш бўлимлари» деган сўзлар «Саралаш бошқармаси ва ҳарбий қисмлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 1-илованинг матнидаги «Ўқув юрти» деган сўзлар «таълим ташкилотини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 3-иловада:

а) 18-банддаги жадвалнинг «Қўшимча рағбат бали» устунидаги «бир сония» деган сўзлар «0,1 сония» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) иловада:

1-банддаги жадвалнинг «Қўшимча рағбат бали» устунидаги «бир сония» деган сўзлар «0,1 сония» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-банддаги жадвалнинг «Қўшимча рағбат бали» устунидаги «бир сония» деган сўзлар «0,1 сония» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 5-иловада:

а) 6-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Психологик ўрганиш давомида номзодларга икки қисмдан иборат бўлган тест асосида вазифалар берилади. Бунда, биринчи қисмда (интеллектуал ривожланганлик даражасини ўрганиш) ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл бериладиган 80 та топшириқдан иборат бўлган 4 та вазифа, иккинчи қисмда (психоэмоционал барқарорлик даражасини ўрганиш) контракт бўйича ҳарбий хизматчи оддий аскар ва сержантлар таркиби лавозимлари учун номзодларга ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл бериладиган 99 та саволдан, офицерлар таркиби лавозими учун номзодларга эса ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл бериладиган 120 та саволдан, шунингдек, жавобларнинг самимий ёки носамимийлигини аниқлаш йўналиши бўйича бериладиган 19 та саволдан иборат сўровнома қўлланилади.»;

иккинчи хатбошидаги «30» рақами «3» рақами билан алмаштирилсин;

б) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Номзоднинг психологик тест саволларига берган жавоблари 2 кун ичида мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ Психологик тест натижаларини ҳисоблаш жадвали асосида комиссия аъзолари томонидан ҳисоблаб чиқилади. Бунда, контракт бўйича ҳарбий хизматчи оддий аскар ва сержантлар таркиби лавозимлари учун умумий тўпланиши мумкин бўлган максимал балл — 179 баллни, офицерлар таркиби лавозими учун умумий тўпланиши мумкин бўлган максимал балл — 200 баллни ташкил этади.»;

в) илова* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

20. 6 — 8-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 — 3-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

306 Депозитар операциялар ҳисобини юритиш қоидаларини
тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3628*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ–291-сон «Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Депозитар операциялар ҳисобини юритиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ 2025 йил 1 июлдан бошлаб кучга кирази.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 май,
3-сон

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари* **Ж. УРУНОВ**

2025 йил 15 апрель

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

Д. ВАХАБОВ

2025 йил 23 апрель

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий
агентлиги директорининг 2025 йил
15 майдаги 3-сон буйруғига
ИЛОВА

Депозитар операциялар ҳисобини юритиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг ягона тамойиллари, депозитар операцияларни бажариш, ҳужжатлар айланиши ва ички назоратни ташкил этиш тартибини, шунингдек ҳисоботларни тузиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги;

«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» АЖ (бундан буён матнда Марказий депозитарий деб юритилади) — депо ҳисобварақлари бўйича қимматли қоғозларни сақлашнинг, бундай қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишнинг ва қимматли қоғозлар ҳаракатининг ягона тизимини таъминловчи ташкилот;

ҳисоб ташкилоти — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўз мижозларининг топшириғига кўра ёки уларнинг номидан депозитар операцияларни амалга ошириш, шунингдек қимматли қоғозларни ҳисобга олиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;

депонент — депо ҳисобварағига эга бўлган шахс;

депозитар тизим — Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қимматли қоғозларни сақлаш, ҳисобга олиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ўтказиш тизими;

қимматли қоғозларни номинал сақловчи (бундан буён матнда номинал сақловчи деб юритилади) — қимматли қоғозлар эгасининг ёки у вакил қилган шахснинг топшириғига кўра қимматли қоғозларни ҳисобга олишни, уларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлашни ва ўтказишни қимматли қоғозларнинг эгаси бўлмаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга юридик шахс (инвестиция воситачиси, марказий депозитарий, брокер, кастодиан, банк ва бошқалар), шу жумладан чет эллик юридик шахс;

қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласи — эмитент ва у чиқарадиган қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек инвесторнинг қимматли қоғозлар олиш тўғрисидаги қарорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ахборотни акс эттирувчи ҳужжат;

ҳисобга олиш регистрлари (бундан буён матнда ҳисоб регистрлари деб юритилади) — ушбу Қоидаларда белгиланган қимматли қоғозларни

сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича ёзувлар тизими;

депо ҳисобварағи — депонентнинг қимматли қоғозларини сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган депозитар тизимнинг ҳисоб регистрларидаги ёзувлар мажмуи;

хорижий номинал ҳисобварақ — чет эллик номинал сақловчи томонидан Марказий депозитарийда бевосита битта чет эллик бенефициар мулкдор номига тўғридан-тўғри индивидуал ҳисобварақ ёки омнибус ҳисобварақ шаклида очиладиган депо ҳисобварағининг тури;

омнибус ҳисобварақ — номинал сақловчи томонидан Марказий депозитарийда очиладиган номинал ҳисобварақ тури бўлиб, унда барча хорижий бенефициар эгаларига ва (ёки) номинал сақловчиларга, шу жумладан чет эллик номинал сақловчиларга тегишли бўлган қимматли қоғозларнинг миқдори ва қиймати жамланган ҳолда ҳисобга олинади;

тўғридан-тўғри индивидуал ҳисобварақ — чет эллик номинал сақловчи томонидан Марказий депозитарийда бевосита чет эллик бенефициар мулкдор номидан ва унинг номига очиладиган депо ҳисобварағи;

эмиссиявий депо ҳисобварағи — Марказий депозитарийда очиладиган ва унга сақлаш учун қабул қилинган қимматли қоғозлар чиқарилишларини белгиланган тартибда депонентларнинг депо ҳисобварақларига, шу жумладан чет эллик номинал сақловчиларнинг вакиллик ҳисобварақларига ўтказилгунга қадар ҳисобга олиш, шунингдек бекор қилиниши лозим бўлган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган депо ҳисобварағи;

депозитар операциялар — ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳисоб регистрларида бажариладиган операциялар.

2. Ушбу Қоидаларнинг мақсади қуйидагиларни таъминлашдан иборат:

депонентларнинг қимматли қоғозларини тегишли тарзда сақлаш, ҳисобга олиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлаш;

депозитар операцияларни тўғри бажариш;

депозитар операцияларни амалга оширишда ягона ёндашувни қўллаш;

амалга оширилган операцияларни депозитар тизимнинг ҳисоб регистрларида ўз вақтида ва аниқ акс эттириш;

чиқувчи ҳисоботларни тегишли равишда расмийлаштириш;

депонентларнинг қимматли қоғозлари билан боғлиқ депозитар операцияларни ўтказишда хатолар юзага келишининг олдини олиш;

операцияларнинг тўғри бажарилганлигини кейинчалик текшириш имкониятини яратиш.

3. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасида депозитар операцияларни амалга оширувчи барча субъектлар учун мажбурий ҳисобланади.

4. Ушбу Қоидалар депонентнинг қимматли қоғозларини сақлаш ва (ёки) уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича депозитар операцияларга нисбатан татбиқ этилади.

5. Депозитар операциялар объекти деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилган ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ депо ҳисобварақларида амалга ошириладиган қим-

матли қоғозлар тушунилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида чиқарилган қимматли қоғозлар (бундан буён матнда хорижий қимматли қоғозлар деб юритилади) ҳам депозитар операциялар объекти бўлиши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳужжатсиз шаклда муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг барча турлари ва уларнинг муомалага чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар Марказий депозитарийда сақланади.

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилган қимматли қоғозлар ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилиб, Марказий депозитарийда ҳисобга қўйилгандан сўнг ҳисоб ташкилотлари томонидан ҳисобга олинади.

8. Ҳисоб ташкилотлари ўз миждозларининг ҳисобварақларида уларнинг Марказий депозитарийдаги ҳисобварақларида жамлаб ҳисобга олиб бориладиган ҳужжатсиз қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобини юритади.

2-боб. Депозитар ҳисобни ташкил этиш

9. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари ушбу Қоидалар талабларига мувофиқ депозитар ҳисобни юритишга оид бирламчи ҳужжатларни, шунингдек қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни ҳисобга олиш тизимини (бундан буён матнда ҳужжатларни ҳисобга олиш тизими деб юритилади) ташкил этадилар.

10. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари ўз депонентлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳисоб регистрларини юритишлари шарт.

11. Ҳисоб регистридаги ёзувлар депонентни идентификация қилиш имконини берадиган маълумотларни, шунингдек қимматли қоғозлар бўйича даромадлар ва (ёки) тўловлар ўтказиладиган банк ҳисобварағи реквизитларини ўз ичига олиши лозим.

12. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари ўзлари тасдиқлаган ички ҳужжатларга мувофиқ ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатилаётган қимматли қоғозлар тўғрисидаги ёзувларни ўз ичига олган ҳисоб регистрларини юритишлари шарт. Бундай ёзувлар қимматли қоғозларни аниқ идентификациялаш имконини берадиган маълумотларни ўз ичига олиши зарур.

13. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари ўтказилган барча депозитар операциялар тўғрисидаги ёзувларни операциялар журналида хронологик тартибда юритишлари шарт.

14. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари ўзларининг ички ҳужжатларида қуйидагиларни белгилаши шарт:

депозитар операциялар ва ҳужжат айланишини, шу жумладан ёзувларни киритиш, шунингдек таркибий бўлинмаларининг ҳужжатларни қайта ишлаш, сақлаш ва фойдаланиш ваколатларини чеклаш тартибини;

ҳар бир депонентнинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларини алоҳида ҳисобга олишни таъминлайдиган ва қўллаб-қувватлайдиган депозитар операцияларни ҳисобга олиш қоидаларини;

ходимлари ва учинчи шахслар томонидан кўрсатилган ахборотдан ўз

манфаатлари йўлида фойдаланишга йўл қўймайдиган тарзда ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқларини чеклаш ва махфийлигини таъминлаш тартибини;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ ахборотни тегишли даражада ҳимоя қилишни;

депонентларнинг шикоятлари ва сўровларини кўриб чиқиш тартибини.

3-боб. Депозитар тизимда Марказий депозитарийнинг вазифалари

15. Марказий депозитарийнинг депозитар операцияларни амалга оширишдаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Марказий депозитарийда депо ҳисобварағига эга бўлган депонентларнинг ҳар бирига тегишли бўлган қимматли қоғозлар ҳамда молиявий воситаларнинг сони ва номинал қийматини ҳисобга олиш;

қимматли қоғозларни сақлаш;

депонентнинг Марказий депозитарийдаги депо ҳисобварағидан тегишли кўчирма берган ҳолда унинг қимматли қоғозларга бўлган мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларини тасдиқлаш;

мижозларининг қимматли қоғозларига мажбуриятлар юклатилганлиги, шунингдек уларнинг тўхтатилганлиги фактларини ҳисобга олиш;

мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича қимматли қоғозларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, уларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органи, монополияга қарши давлат органи, шунингдек суд, суриштирув ва тергов органларининг қарорлари асосида депонентнинг депо ҳисобварағи бўйича қимматли қоғозлар билан операцияларни чеклаш фактларини рўйхатдан ўтказиш (қайд этиш);

ваколатли давлат органининг, давлат солиқ хизмати органининг, монополияга қарши давлат органининг, шунингдек суднинг, суриштирув ва тергов органларининг ёзма талабларига кўра ўз фаолиятига тааллуқли маълумотларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиш;

қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини юритиш.

16. Марказий депозитарий депозитар операцияларни амалга оширишда қуйидаги хизматларни ҳам кўрсатишга ҳақли:

қимматли қоғозлар билан тузилган битимлар натижасида юзага келган ўзаро мажбуриятлар ва талабларни аниқлаш ва ҳисобга олиш (клиринг);

депонентларнинг қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ва қимматли қоғозлар бўйича даромадлар олиш билан боғлиқ пул маблағларидаги ҳисобварақларини юритиш;

номинал сақловчини, шу жумладан чет эллик номинал сақловчини Марказий депозитарийда сақланаётган қимматли қоғозлари бўйича қимматли қоғозлар эгалари реестрига киритиш;

қимматли қоғозлар эгаси бўлган мулкдорнинг топшириғига асосан акциядорларнинг умумий йиғилишларида унинг манфаатларини ифодалаш ва овоз бериш;

номинал сақловчи ҳисобланадиган қимматли қоғозлар эгалари рўйхатлари ва реестрларини тузиш;

қимматли қоғозларни ҳаракатсизлантириш.

17. Қимматли қоғозларни сақлаш ва ҳаракатсизлантириш билан фақат Марказий депозитарий шуғулланади.

4-боб. Депозитар тизимда ҳисоб ташкилотларининг функциялари

18. Ҳисоб ташкилотларининг депозитар операцияларни амалга оширишдаги функциялари қуйидагилардан иборат:

ҳар бир мижознинг қимматли қоғозлари сони ва номинал қийматини ҳамда пул маблағлари ҳисобини юритиш, депонент билан тузилган шартномага мувофиқ қимматли қоғозлар билан битимлар ва операцияларни амалга ошириш;

қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларнинг ички ҳисобини юритиш, шунингдек ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш;

депонентнинг депо ҳисобварағидан тегишли кўчирма берган ҳолда унинг қимматли қоғозларга бўлган мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларини тасдиқлаш;

мижозларининг қимматли қоғозларига мажбуриятлар юклатилганлиги, шунингдек уларнинг тўхтатилганлиги фактларини ҳисобга олиш;

мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича қимматли қоғозларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, уларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;

ваколатли давлат органининг, давлат солиқ хизмати органининг, монополияга қарши давлат органининг, шунингдек суднинг, суриштирув ва тергов органларининг ёзма талабларига кўра ўз фаолиятига тааллуқли маълумотларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиш;

ўзи номинал сақловчи бўлган қимматли қоғозларнинг сақловчилари ва эгалари рўйхатларини тузиш.

19. Ҳисоб ташкилотлари:

шартномада ва ушбу Қоидаларда назарда тутилган барча ҳаракатларни бажаради;

Марказий депозитарийдан қимматли қоғозлар тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотларни олади ҳамда уларни мижозларга беради;

мижозлардан олинган ҳужжатлар ва маълумотларни Марказий депозитарийга топширади;

қимматли қоғозлар эгалари реестрини шакллантириш учун ўз мижозлари тўғрисидаги маълумотларни Марказий депозитарийга тақдим этади.

5-боб. Депонентлар

1-§. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотларининг депонентлари

20. Марказий депозитарий билан депо ҳисобварағи шартномасини тузган

ва унда депо ҳисобварағига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар Марказий депозитарийнинг депонентлари ҳисобланади.

21. Қимматли қоғозлар эгалари (мулкдорлари), қимматли қоғозлар эмитентлари, номинал сақловчилар, шу жумладан чет эллик номинал сақловчилар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахслар Марказий депозитарийнинг депонентлари бўлиши мумкин.

22. Қимматли қоғозлар эгалари (мулкдорлари) ва қимматли қоғозлар эмитентлари ҳисоб ташкилотларининг депонентлари бўлиши мумкин.

2-§. Депозитар шартнома

23. Депонент ва Марказий депозитарий ёки ҳисоб ташкилоти ўртасидаги депонентнинг қимматли қоғозларини сақлаш ва (ёки) уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, шунингдек бошқа хизматларни кўрсатиш бўйича ҳуқуқий муносабатлар депозитар шартнома билан белгиланади.

24. Депозитар шартнома ёзма шаклда тузилади ва қуйидаги шартларни ўз ичига олади:

шартноманинг предмети;

шартнома томонларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

депонентнинг қимматли қоғозларни тасарруф этиш тўғрисидаги топшириқномасини Марказий депозитарий ёки ҳисоб ташкилотига тақдим этиш тартиби;

Марказий депозитарий ёки ҳисоб ташкилотининг депонентнинг топшириқларини бажариш мажбуриятлари;

Марказий депозитарий ёки ҳисоб ташкилоти томонидан қимматли қоғозлар эгаларига уларнинг қимматли қоғозлари бўйича ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш, жумладан тегишли маълумот ва ҳужжатларни қимматли қоғозлар эгасидан эмитентга ҳамда эмитентдан қимматли қоғозлар эгасига етказиш тартиби;

шартноманинг амал қилиш муддати, уни ўзгартириш ва бекор қилиш асослари ҳамда тартиби;

Марказий депозитарий ёки ҳисоб ташкилотининг депонентга ҳисобот бериш тартиби ва шакли;

Марказий депозитарий ёки ҳисоб ташкилотининг хизматларига ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби.

Депозитар шартномада қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Қоидаларга зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

25. Агар депонент эмитент бўлса, депозитар шартнома Эмиссиявий депо ҳисобварағи шартномаси деб юритилади.

26. Агар депонент ўз миждозларининг қимматли қоғозларини ишончли бошқаришни амалга оширувчи шахс бўлса, депозитар шартнома Ишончли бошқарувчининг депо ҳисобварағи шартномаси деб номланади.

27. Агар депонент номинал сақловчи, шу жумладан хорижий номинал сақловчи бўлса, депозитар шартнома Номинал сақловчи ёки чет эллик номинал сақловчи билан корреспондентлик алоқалари тўғрисидаги шартнома

деб номланади. Ушбу шартномада томонларнинг корреспондентлик депо ҳисобварақлари бўйича қимматли қоғозлар қолдиқларини мунтазам равишда солиштириб бориш мажбуриятлари назарда тутилиши керак.

3-§. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотининг депонент билан ўзаро ҳамкорлиги

28. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари депонентнинг қимматли қоғозлари билан боғлиқ депозитар операцияларни унинг ёзма (электрон) топшириқномалари ёки операцияларни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатлар асосида амалга оширишлари шарт, бундан қуйидаги ҳолатлар мустасно:

депозитар операция суд, суриштирув ва тергов органининг қарори асосида бажарилса;

депозитар операция қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида ваколатли давлат органининг фармойиши асосида бажарилса;

депозитар операция эмитент томонидан корпоратив ҳаракатлар амалга оширилиши туфайли бажарилса;

депозитар операция вакиллик депо ҳисобварақлари бўйича тафовутларни тартибга солишда бажарилса.

29. Депо топшириқномасининг шакли ва мазмуни Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотининг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

30. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ушбу Қоидаларга мувофиқ депонентларга ҳисоботлар ва хабарларни тақдим этади.

31. Ҳисоботлар ва хабарлар депонентга депо ҳисобварағи карточкасида ва (ёки) депозитар шартномада кўрсатилган шаклда юборилади. Депонент хабарларни узатиш усули ҳақида кўрсатма бермаган бўлса, Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти хабарни узатиш усулини ўзи белгилаши мумкин.

32. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотининг маълумотлари депонент маълумотларига мос келмаган тақдирда, депонент Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига мавжуд номувофиқликлар тўғрисидаги хабарномани, шунингдек ўз маълумотларининг тўғрилигини тасдиқловчи маълумотларни юборади. Тафовутларни кўриб чиқиш натижасида тафовутларни бартараф этиш далолатномаси тузилади. Агар қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқларини бузмаса, ушбу далолатнома асосида тузатиш киритувчи ўтказмалар амалга оширилади.

33. Қуйидаги маълумотлар Марказий депозитарийнинг веб-сайтида эълон қилинади:

Марказий депозитарийнинг регламентлари ва (ёки) бошқа ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар;

қимматли қоғозлар эмитентларининг корпоратив ҳодисалари, агар ушбу маълумот мазкур эмитентнинг ёки чиқарилишнинг барча қимматли қоғозлари эгаларига тааллуқли бўлса;

Марказий депозитарийнинг тарифлари;

Марказий депозитарийнинг реквизиитлари ва иш тартиби.

6-боб. Депозитар ҳисобни юритишнинг асосий тамойиллари ва талаблари

1-§. Депозитар ҳисобни юритишнинг тамойиллари

34. Депозитар ҳисобни юритишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

депозитар ҳисобни Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотларининг бухгалтерия балансидан ташқарида юритиш;

депозитар ҳисобни қимматли қоғозларнинг сони бўйича юритиш;

депозитар ҳисобни ҳисоб регистрларидан фойдаланган ҳолда депо ҳисобварақларида юритиш;

депо ҳисобварақларида қимматли қоғозларни иккиёқлама ёзув тамойили бўйича ҳисобга олиш. Бунда, ҳар бир қимматли қоғоз пассив ва актив аналитик депо ҳисобварақларида акс эттирилади;

қимматли қоғозлар бўйича балансга роя қилиш. Бунда, пассив аналитик ҳисобварақларда ҳисобга олинган бир турдаги қимматли қоғозларнинг умумий сони актив аналитик ҳисобварақлардаги шу турдаги қимматли қоғозларнинг умумий сонига тенг бўлиши лозим.

35. Депозитар ҳисобни юритишда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

депо ҳисобварақларида операцион кун ёпилганидан кейин қимматли қоғозларнинг салбий қолдиқлари юзага келишига;

депонент томонидан қимматли қоғозларни депонентнинг депозитар операцияни амалга оширувчи бошқа субъектда очилган депо ҳисобварағига ўтказишга, шу жумладан ушбу ўтказма учун ҳақ белгилаш йўли билан тўсқинлик қилишга.

2-§. Ички ҳисобни ташкил этиш

36. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти депозитар ҳисоб регистрларида маълумотларни ўз вақтида, узлуксиз, ҳужжатли ҳамда ўзаро боғлиқ ҳолда акс эттириш йўли билан пассив ва актив аналитик депо ҳисобварақларида қимматли қоғозларнинг ички аналитик ҳисобини юритиши, шунингдек амалга оширилаётган депозитар операциялар бўйича ҳужжатлар ва ахборотларнинг қоғоз ва (ёки) электрон шаклларда сақлашни таъминлаши шарт.

37. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти томонидан қабул қилинган ички ҳисоб тартиби мазкур Қоидаларга зид бўлмаслиги ҳамда Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотида қимматли қоғозлар тўғрисидаги ҳисоботни (депо балансини) шакллантириш имконини бериши керак.

38. Ички ҳисобни ташкил этиш учун Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти раҳбари жавобгар ҳисобланади.

3-§. Депо ҳисобварақлари

39. Ҳар бир депонентга Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотида

депонентнинг қимматли қоғозларини ҳисобга олиш учун алоҳида депо ҳисобварағи очилади.

40. Депо ҳисобварағи ёки бошқа пассив ҳисобварақ очилганда, Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти томонидан депо ҳисобварағига ноёб рақам (код) берилиши мумкин.

41. Депо ҳисобварақлари ва бошқа пассив ҳисобварақлар уларга бир вақтнинг ўзида қимматли қоғозлар ўтказилмасдан очилиши мумкин.

42. Депо ҳисобварағини очиш учун Марказий депозитарий ёки ҳисоб ташкилотига депонент анкетаси ва депо ҳисобварағи очилаётган шахсни идентификациялаш имконини берувчи маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар тақдим этилади ҳамда депозитар шартнома ва (ёки) қўшилиш шартномаси тузилади.

43. Депонент ўзига тегишли бўлмаган депо ҳисобварағидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш учун фойдаланишга ҳақли эмас.

44. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти депонентга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ва ишончли бошқарув шартномаси ёки бошқа шартномалар асосида берилган қимматли қоғозларнинг алоҳида ҳисобини юритиш, шунингдек янги чиқарилган, сўндирилиши ва бекор қилиниши лозим бўлган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун ҳар хил турдаги депо ҳисобварақларини очиши мумкин.

45. Депозитар ҳисоб тизими пассив аналитик депо ҳисобварақларининг қуйидаги турларини юритишни назарда тутиши лозим:

мулкдорнинг (эгасининг) депо ҳисобварағи — депонентнинг ўзига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақ;

эмиссиявий депо ҳисобварағи — Марказий депозитарийда очилган ва эмитентнинг жойлаштириш, сўндириш, бекор қилиш жараёнида бўлган қимматли қоғозлари чиқарилишларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақ;

транзит эмиссиявий депо ҳисобварағи — эмитентнинг қимматли қоғозларини ушбу эмитентга хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачисида жойлаштириш, сўндириш ва сотиб олиш учун очиладиган ҳисобварақ;

ишончли бошқарувчининг депо ҳисобварағи — ишончли бошқарувчига берилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақ;

омнибус ҳисобварақ — номинал сақловчи томонидан Марказий депозитарийда очиладиган номинал ҳисобварақ тури бўлиб, унда барча хорижий бенефициар эгаларига ва (ёки) номинал сақловчиларга, шу жумладан чет эллик номинал сақловчиларга тегишли бўлган қимматли қоғозларнинг миқдори ва қиймати жамланган ҳолда ҳисобга олинади;

сегрегацияланган омнибус ҳисобварақ — номинал сақловчининг мижози учун Марказий депозитарийда очиладиган алоҳида депо ҳисобварақ;

шахсий инвестиция ҳисобварағи — Ўзбекистон Республикаси 18 ёшга тўлган фуқаросининг қимматли қоғозлари ва маблағлари ҳисобини юритиш учун инвестиция воситачиси томонидан очиладиган ҳисобварақ;

номинал сақловчининг депо ҳисобварағи — номинал сақловчи томонидан фақат Марказий депозитарийда очиладиган ҳисобварақ;

қимматли қоғозларни гаровга олувчининг депо ҳисобварағи — гаров тўғрисидаги шартномасига мувофиқ гаровга олувчи томонидан гаровга олинган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун очиладиган ҳисобварақ;

талаб қилиб олингунча депо ҳисобварағи (вақтинчалик депо ҳисобварағи, аниқланмаган шахслар ҳисобварағи) — Марказий депозитарий билан шартномага эга бўлмаган, шунингдек ўз фаолиятини тўхтатган ҳисоб ташкилоти депонентларининг қимматли қоғозларини ҳамда эгалари аниқланмаган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақ;

транзит депо ҳисобварағи — Марказий депозитарий томонидан мижозларнинг қимматли қоғозларини жамлаш ва тақсимлаш бўйича депозитар операцияларни амалга ошириш ёки бошқа депозитар операцияларни ўтказиш учун очиладиган ҳисобварақ.

46. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ўз функцияларини амалга ошириш учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги депо ҳисобварақларини ҳам очиши мумкин.

47. Марказий депозитарий томонидан хорижий давлатнинг ҳисоб ташкилоти, хорижий давлатнинг марказий депозитарийси ва халқаро ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотларида сақланаётган (ҳисобга олинган) қимматли қоғозлар бўйича ушбу ташкилотлар учун алоҳида актив депо ҳисобварақлари очилади.

48. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти актив депо ҳисобварақларини кодлаштириш тартибини ўзи белгилайди.

49. Марказий депозитарийнинг ҳисоб тизими қуйидаги актив аналитик депо ҳисобварақларини юритишни назарда тутиши керак:

асосий (ички) сақлаш жойи депо ҳисобварағи — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чиқарилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақ;

сақлаш жойи бўйича депо ҳисобварағи — Марказий депозитарийнинг халқаро депозитарийда, хорижий давлатнинг марказий депозитарийсида ёки хорижий банк-кастодианда очилган ҳисобварағида турган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақ.

50. Марказий депозитарий томонидан очиладиган актив депо ҳисобварақлари қуйидаги мақомларга эга бўлиши мумкин:

фаол — депо ҳисобварағи бўйича барча операцияларга рухсат берилди. Агар мижоз тўғрисидаги барча маълумотлар маълум бўлса ва Марказий депозитарийга барча ҳужжатлар тақдим этилган бўлса, ҳисобварақ «фаол» мақомига эга бўлади. Марказий депозитарий депо ҳисобварағи фаол бўлган тақдирда, мижоздан топшириқни ижро этиш учун қабул қилади;

нофаол — депо ҳисобварағининг бўлимлари ноль қолдиқларга эга бўлади. Ахборот операцияларидан ташқари барча операциялар тақиқланади. Нофаол депо ҳисобварағининг мақомини ўзгартириш мумкин эмас;

блокланган — депо ҳисобварағидаги қимматли қоғозлар қолдиқларининг ўзгаришига олиб келадиган ҳар қандай операциялар тақиқланади,

бундан қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллаш оқибатида (масалан, тугатилган эмитентнинг қимматли қоғозларини ҳисобдан чиқариш) ёки эмитентнинг ташаббуси билан (масалан, қимматли қоғозларни конвертация қилиш) амалга ошириладиган операциялар мустасно. Бунда, ахборот операциялари ва маъмурий операцияларни амалга ошириш, шу жумладан блокланган депо ҳисобварағининг мақомини ўзгартириш мумкин.

51. Пассив депо ҳисобварағи ва субҳисобварақ фаол, нофаол, блокланган, ҳисобга киритишга рухсат берилган, ҳисобдан чиқаришга рухсат берилган мақомларига эга бўлиши мумкин.

52. Депонентларнинг ва улар мижозларининг қимматли қоғозларини алоҳида ҳисобга олинишини таъминлаш учун Марказий депозитарий томонидан депонентнинг депо ҳисобварағида субҳисобварақлар очилиши мумкин.

53. Сақлаш ёки ҳисобга олишнинг турли режимларига эга бўлган қимматли қоғозлар ҳисоби муайян турдаги депо ҳисобварағининг бўлимларида юритилади.

54. Қимматли қоғозларни депо ҳисобварағининг бўлиmidан ташқарида ҳисобга олиш мумкин эмас. Агар депо ҳисобварағи ёки бошқа ҳисобварақда бирорта ҳам бўлим очилмаган бўлса, депо ҳисобварағи ёки депо ҳисобварағида очиладиган бошқа ҳисобварақ (субҳисобварақ) ўз функционал вазифасини бажара олмайди.

55. Депо ҳисобварағининг бўлимлари ҳисоби ушбу бўлимларда юритиладиган қимматли қоғозлар билан рухсат этилган операциялар мажмуини белгилайди.

56. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотидан фойдаланиладиган депо ҳисобварағининг тузилмаси мазкур Қоидаларни ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим.

57. Депо ҳисобварақлари ва (ёки) субҳисобварақларнинг исталган турини очиш билан бир вақтда уларнинг «Асосий» бўлими очилади. Бошқа бўлимлар заруратга қараб очилади.

58. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти томонидан ваколатли давлат органига, шунингдек ҳисоб ташкилоти томонидан Марказий депозитарийга бериладиган ҳисоботларнинг ягона тизимини таъминлаш учун синтетик ҳисоб ташкил этилади.

4-§. Депо ҳисобварағининг оператори

59. Депонент депо ҳисобварағини мустақил тасарруф этиш ёки ўзининг депо ҳисобварағи бўйича операторни тайинлаш ҳуқуқига эга. Депо ҳисобварағи оператори тайинланган пайтдан эътиборан депо ҳисобварағини тасарруф этиш бўйича барча ваколатлар депо ҳисобварағи операторига ўтади, бундан депозитар шартномада назарда тутилган ҳоллар мустасно.

60. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда депо ҳисобварағи оператори депонент билан келишмасдан тайинланиши мумкин.

61. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда депо ҳисобварағининг оператори сифатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, васийлик ёки ҳомийлик органлари ёхуд бошқа шахслар тайинланиши мумкин.

62. Депонент (ёки депо ҳисобварағи оператори) алоҳида субҳисобварақлар ёки депо ҳисобварағининг бўлимлари бўйича турли операторларни тайинлаши мумкин. Бунда, субҳисобварақ ёки депо ҳисобварағи бўлими бўйича барча топшириқномаларни субҳисобварақ оператори ёки депо ҳисобварағи бўлими оператори беради.

63. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти билан депо ҳисобварағи оператори ва субҳисобварақ оператори (депо ҳисобварағи бўлими оператори) ўртасидаги муносабатлар депо ҳисобварағи ва (ёки) субҳисобварақ (депо ҳисобварағи бўлими) оператори шартномаси ёки уларнинг депонентлар ҳисобварақларини тасарруф этиш бўйича муносабатларини белгиловчи бошқа ҳужжат билан белгиланади.

64. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти депо ҳисобварағи операторининг ҳаракатлари оқибатида ёки Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотининг депо ҳисобварағи операторининг ваколатларини чақириб олиш тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги натижасида етказилган зарар учун депонент олдида жавобгар бўлмайди.

65. Депонент (депо ҳисобварағи оператори) Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига тақдим этиладиган топшириқномаларни имзолаш ва Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига вакиллик қилиш бўйича ваколатларга эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига тақдим этиши шарт.

66. Депонент Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига топшириқномаларни имзолаш ва вакиллик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ваколатлари ва амал қилиш муддати кўрсатилган имзолари намуналари карточкасини тақдим этиши шарт.

67. Депонент Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига хабар қилинган топшириқномаларни имзолаш ва вакиллик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ваколатлари тўхтатилганлиги ёки ўзгартирилганлиги тўғрисида Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотини дарҳол ёзма шаклда хабардор қилиши ва уларнинг имзолари намуналари бўлган янги карточкани тақдим этиши шарт.

68. Депонент Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти билан муносабатлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган барча фактлар, жумладан депонентнинг ҳуқуқий мақоми, манзили, Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти билан ўзаро муносабатлар усули билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисида дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Бунда, депонент Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига тегишли ўзгартиришларни кўрсатган ҳолда зарур ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

69. Депонент Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига топшириқномалар, сўровлар ёки бошқа ҳужжатларни, шу жумладан депонентнинг депо ҳисобварағи бўйича операцияларни ўтказиш ташаббусини мустақил равишда бериш ҳуқуқига эга эмас, агар у томонидан ваколатлари тўхтатилмаган депо ҳисобварағининг илгари тайинланган оператори мавжуд бўлса, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

7-боб. Ҳисоб регистрлари**1-§. Асосий ҳисоб регистрлари**

70. Ҳисоб регистрлари депозитар хизматларни, шу жумладан қимматли қоғозларни ҳисобга олишни амалга оширишда зарур бўлган ҳужжатлар бўлиб, улар депозитар ҳисоб объектларининг жорий ҳолатини ва депозитар операцияни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни рўйхатдан ўтказиш учун қўлланилади.

71. Ҳисоб регистрлари маълумотномалар, анкеталар, карточкалар ва журналлардан иборат бўлади.

72. Карточка депозитар ҳисоб объектларининг жорий ҳолати акс эттириладиган ҳисоб регистридир.

73. Журнал депозитар операцияларга тааллуқли кетма-кет ёзувлар акс эттириладиган ҳисоб регистридир.

74. Депозитар операцияни амалга оширишда бошқа ҳисоб регистрларидан фойдаланиш мумкин. Ҳисоб регистрлари асосан электрон тизимларда шаклланади.

75. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти қуйидаги асосий ҳисоб регистрларини юритиши лозим:

- депонентнинг анкетаси;
- қимматли қоғозларнинг чиқарилиш анкетаси;
- қимматли қоғозлар эмиссияси анкетаси;
- депонентлар маълумотномаси;
- депо ҳисобварақлари маълумотномаси;
- депо ҳисобварақларининг бўлимлари маълумотномаси;
- депо субҳисобварақлари маълумотномаси;
- қимматли қоғозлар маълумотномаси;
- қабул қилинган топшириқномаларни ҳисобга олиш журнали;
- операцион журнал(лар);
- депо ҳисобварақларини рўйхатга олиш журнали;
- депо ҳисобварақларининг айланмалари ва қолдиқлари журнали;
- якуний ҳисоботларни ҳисобга олиш журнали.

76. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ушбу Қоидаларда келтирилган тамойилларга риоя қилган ҳолда ҳисоб регистрларига ва уларни юритиш усулларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

77. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ҳисоб регистрларига ёзувларни очиқ операцион кун давомида киритади.

78. Ҳисоб регистрга ёзувлар фақат депонент анкетаси ёки унинг вакили томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида киритилади.

2-§. Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш журналларини юритиш тартиби

79. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари депозитар тизимга ки-

рим қилинган ва чиқарилган барча ҳужжатларнинг ҳисобини юритилишини таъминлайди.

80. Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти томонидан қабул қилинган ёки шакллантирилган кунда ҳужжатларни ҳисобга олиш йўли билан амалга оширилади.

81. Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ёзувларида қуйидагилар бўлиши керак:

ҳужжатнинг номи;

рўйхатдан ўтказишда унга бериладиган ноёб рақам;

депонентнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёки юридик шахснинг номи ҳамда депонентни идентификацияловчи маълумотлар (агар мавжуд бўлса);

ҳужжат юборилган (тақдим этилган) сана;

ҳужжатларни ҳисобга олиш тизимида ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш (қабул қилиш) санаси ва вақти;

ҳужжатларни ҳисобга олиш тизимида ёзув киритган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми.

82. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига бирийўла бир нечта топшириқномалар (бундан буён матнда чиқим ҳужжатлар тўплами деб юритилади) юборилган (тақдим этилган) тақдирда, уларни битта ҳужжат сифатида рўйхатдан ўтказиш мумкин.

83. Ҳужжатларни ҳисобга олиш тизими электрон ҳужжатларни шакллантириш, юбориш ва олиш учун мўлжалланган дастурий таъминот воситаларини ўз ичига олиши мумкин.

84. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти депо ҳисобварағи (бошқа ҳисобварақ), депо субҳисобварағи ёки депо ҳисобварағи бўлими бўйича ҳар бир ёзувнинг киритилишини, шунингдек операциялар журналида депонент, қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотларнинг ўзгариши ҳақидаги ҳар бир ёзувни рўйхатдан ўтказиш.

85. Ёзувлар киритилишини рўйхатдан ўтказиш уларни киритиш билан бир вақтда амалга оширилади.

86. Операциялар журналида қуйидагилар бўлиши керак:

депо ҳисобварағи ёки депо субҳисобварағининг рақами ёхуд ҳисобга олиш регистрининг якка тартибдаги белгиси, депо ҳисобварағи бўлимининг рақами;

депозитар операциянинг тури (депо ҳисобварағи, депо субҳисобварағи ёки депо ҳисобварағи бўлимини очиш (ёпиш), депо ҳисобварағи бўйича ёзув киритиш, амалга ошириладиган операциянинг бошқа тури);

ҳужжатнинг рўйхатдан ўтказишда берилган рақами;

депозитар операцияни амалга ошириш санаси ва вақти;

депозитар операцияни амалга оширган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёки юридик шахснинг номи.

87. Операциялар журналида Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар бўлиши мумкин.

3-§. Маълумотномалар

88. Депонентлар маълумотномаси депонентни идентификация қилиш ва депонентнинг қимматли қоғозларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишда у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун етарли бўлган маълумотларни ўз ичига олади.

89. Депонент маълумотномасини юритиш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

маълумотномани депонентларни рўйхатга олиш ноёб рақамларининг ўсиши бўйича юритиш;

маълумотнома ёзувини депонент анкетаси ва депо ҳисобварағи карточкаси асосида тўлдириш.

90. Депо ҳисобварақлари маълумотномаси Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотида очилган депозитар ҳисобни юритиш учун етарли бўлган барча актив ва пассив аналитик депо ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

91. Депо ҳисобварақлари маълумотномасини юритишда қуйидагиларга риоя қилиниши лозим:

пассив депо ҳисобварағи тўғрисидаги маълумотларни юридик ёки жисмоний шахснинг анкетаси, депо ҳисобварағи ёки субҳисобварағи карточкаси, депо ҳисобварағи оператори карточкаси маълумотлари асосида тўлдириш;

актив аналитик депо ҳисобварағи тўғрисидаги маълумотларни Марказий депозитарий ёки ҳисоб ташкилотининг фармойиши асосида тўлдириш;

ёпиқ депо ҳисобварағининг коди қайта ишлатмаслик;

депо ҳисобварағида нолга тенг бўлмаган қимматли қоғозлар қолдиқлари мавжуд бўлганда, депо ҳисобварағини ёпмаслик.

92. Депо ҳисобварағи бўлимлари маълумотномаси актив ва пассив аналитик депо ҳисобварақларида очилган депо ҳисобварақлари бўлимлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

93. Депо ҳисобварақлари бўлимлари бўйича маълумотномани юритишда қуйидагиларга риоя қилиниши лозим:

депо ҳисобварағи бўлимини депо ҳисобварағи доирасида очиш;

депо ҳисобварағининг ҳар бир бўлими депо ҳисобварағи бўлимларининг муайян тури билан боғлиқ бўлиши;

депо ҳисобварағининг бўлимида нолга тенг бўлмаган қимматли қоғозлар қолдиқлари мавжуд бўлганда, депо ҳисобварағи бўлимини ёпмаслик.

94. Қимматли қоғозлар маълумотномаси қимматли қоғозларнинг депозитар ҳисобини ташкил этиш учун етарли бўлган маълумотларни ўз ичига олади ва маълумотномани юритишда қуйидагиларга риоя қилиниши лозим:

қимматли қоғозлар маълумотномасини Марказий депозитарий томонидан шакллантириладиган қимматли қоғозлар тавсифи асосида олдиндан тўлдириш;

қимматли қоғозлар маълумотномасида нолга тенг бўлмаган қимматли қоғозлар қолдиқлари мавжуд бўлганда, қимматли қоғозлар маълумотномасини фаолсизлантирилишига йўл қўймаслик.

4-§. Ҳисобга олиш журналлари

95. Ҳисобга олиш журналлари қуйидагилардан иборат:
кирим топшириқномаларни ҳисобга олиш журнали;
маъмурий операциялар журнали;
ахборот операциялари журнали;
депо ҳисобварағи журнали;
депо ҳисобварағи айланмаси ва қолдиқлари журнали;
чиқим ҳужжатларни ҳисобга олиш журнали.

96. Кирим топшириқномаларни ҳисобга олиш журнали кирим депозитар топшириқномаларни ва депозитар операцияларни бажариш бўйича фармойишларни рўйхатдан ўтказиш мақсадида юритилади.

97. Маъмурий операциялар журнали Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти томонидан амалга ошириладиган маъмурий операциялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

98. Ахборот операциялари журнали Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти томонидан амалга оширилган ахборот операцияларини ҳисобга олиш мақсадида юритилади.

99. Депо ҳисобварағи журнали депо ҳисобварағи бўйича бухгалтерлик операцияларини ҳисобга олиш учун юритилади. Журнал депо ҳисобварақларидаги қимматли қоғозлар қолдиғининг ўзгаришига олиб келган барча бухгалтерлик операциялари тўғрисидаги ёзувларни ўз ичига олади.

100. Депо ҳисобварағи айланмаси ва қолдиқлари журнали маълум бир операцион кунда депо ҳисобварақларидаги қимматли қоғозлар айланмалари ва қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни олиш мақсадида юритилади.

101. Чиқим ҳужжатларни ҳисобга олиш журнали Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти томонидан депозитар операциялар ва ҳисоботларни бажаришда шакллантириладиган чиқим ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш учун юритилади.

102. Ҳисобга олиш журналлари хронологик тартибда ва электрон шаклда юритилади.

8-боб. Депозитар операциялар ва уларни бажариш тартиби

1-§. Депозитар операцияларнинг турлари

103. Депозитар операциялар қуйидаги турларга бўлинади:
маъмурий операциялар;
бухгалтерия операциялари;
ахборот операциялари;
комплекс депозитар операциялар.

104. Маъмурий операциялар — депо ҳисобварақларидаги қолдиқларнинг ўзгаришига олиб келмайдиган депозитар ҳисоб объектларини, шунингдек бошқа маълумотлар ва ҳисоб регистрларини очиш, реквизитларини ўзгартириш ва ёпиш бўйича депозитар операциялардир.

105. Бухгалтерия операциялари — депо ҳисобварақларидаги қимматли қоғозлар қолдиқларини ўзгартирувчи депозитар операциялардир.

106. Ахборот операциялари — депо ҳисобварақлари ва бошқа ҳисоб регистрларининг ҳолати ёки депозитар операцияларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар, кўчирмалар ва маълумотномаларни шакллантириш билан боғлиқ бўлган депозитар операциялардир.

107. Комплекс депозитар операциялар — таркибий элементлари сифатида турли хилдаги операциялар, жумладан бухгалтерия, маъмурий ва ахборот операцияларини ўз ичига олган операциялардир.

108. Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобга олинишини таъминлаш ва қимматли қоғозлар муомаласига хизмат кўрсатиш учун Марказий депозитарий қуйидаги операцияларни амалга оширади:

қимматли қоғозларни ҳисобга олиш;

қимматли қоғозларни сақлашга қабул қилиш;

қимматли қоғозларни ҳисобга қабул қилиш;

қимматли қоғозларни сақлаш;

қимматли қоғозларни сақлашдан олиш;

қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш;

қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлаш;

қимматли қоғозларга мажбуриятлар юкланишини ҳисобга олиш;

қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини юритиш;

ҳисоб ташкилотлари ва чет эллик номинал сақловчиларнинг депо ҳисобварақларини юритиш;

депонентларнинг ёки улар ваколат берган шахсларнинг топшириқномалари асосида депо ҳисобварақлари бўйича операцияларни амалга ошириш;

қимматли қоғозларнинг уюшган савдоларида қимматли қоғозларга доир битимлар натижалари бўйича қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китобларни ва пул маблағларидаги ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киритилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида муомалага киритилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш;

агар қонунчиликда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, инвестиция фондлари томонидан чиқарилган ва уларга тегишли қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш;

Депонентларнинг ягона базасини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чиқарилган эмиссиявий қимматли қоғозларга халқаро кодларни бериш;

қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш билан боғлиқ бошқа операцияларни бажариш.

109. Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобга олинишини таъминлаш ва қимматли қоғозлар муомаласига хизмат кўрсатиш учун ҳисоб ташкилоти қуйидаги операцияларни амалга оширади:

қимматли қоғозларни ҳисобга қабул қилиш;
қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш;
қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлаш;
депонентларнинг ёки улар ваколат берган шахсларнинг топшириқлари асосида депо ҳисобварақлари бўйича операцияларни амалга ошириш;
қимматли қоғозларга мажбуриятлар юкланишини ҳисобга олиш;
Марказий депозитарийнинг талабига кўра қимматли қоғозлар эгалари реестрини шакллантириш учун зарур бўлган қимматли қоғозлар эгалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;

Марказий депозитарийдан олинган маълумотлар асосида ўзида ҳисобга олинadиган қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентлари реквизитларига ўзгартиришлар киритиш;

қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш билан боғлиқ бошқа операцияларни бажариш.

110. Эмитент томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга нисбатан корпоратив ҳаракатларни амалга оширишда Марказий депозитарий қуйидаги операцияларни амалга оширади:

қимматли қоғозлар чиқарилишини ҳисобга олиш;
қимматли қоғозлар чиқарилишини жойлаштириш;
қимматли қоғозлар чиқарилишини майдалаш;
қимматли қоғозлар чиқарилишини йириклаштириш;
қимматли қоғозларни айирбошлаш;
қимматли қоғозларни бекор қилиш;
қимматли қоғозлар чиқарилишини сўндириш;
акциядорлик жамияти устав фонди миқдорини ўзгартириш;
эмитентни қайта ташкил этиш;

эмитент томонидан корпоратив ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа операцияларни бажариш.

111. Эмитент томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга нисбатан корпоратив ҳаракатларни амалга оширишда ҳисоб ташкилотлари қуйидаги операцияларни амалга ошириши мумкин:

қимматли қоғозлар чиқарилишини жойлаштириш;
эмитентнинг ўзи чиқарган қимматли қоғозларини кейинчалик қайта сотиш, бекор қилиш ёки сўндириш учун сотиб олиши;
эмитент томонидан корпоратив ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа операцияларни бажариш.

112. Агар Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотининг ички ҳужжатларига мувофиқ ҳужжатларни электрон рақамли имзо билан имзолаш ёки қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган шаклда тасдиқлаш тартиби белгиланган бўлса, депозитар операцияларни амалга оширишда қоғоз шаклидаги ҳужжатлар талаб этилмайди.

2-§. Маъмурий операциялар

113. Маъмурий операцияларга қуйидаги операциялар киради:
депо ҳисобварағини очиш;

депо ҳисобварағининг анкета маълумотларини ўзгартириш;
депо ҳисобварағини ёпиш;
депо ҳисобварағининг бўлимини очиш;
депо ҳисобварағи ёки депо ҳисобварағи бўлимининг операторини тайинлаш.

114. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти депо ҳисобварағини очиш учун жисмоний ва юридик шахсларни Депонентларнинг ягона базида рўйхатдан ўтказиши ва уларга рўйхатдан ўтказилган шахснинг кодини бериши лозим. Депонентларнинг ягона базасида рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 апрелдаги 196-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси депозитар тизимида депонентларнинг ягона базаси тизими тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

115. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти билан тузилган депо ҳисобварағи шартномаси депо ҳисобварағини очиш учун асос ҳисобланади.

116. Актив аналитик депо ҳисобварағини ёпиш фақат ушбу депо ҳисобварағидаги барча қимматли қоғозлар ҳисобдан чиқарилгандан сўнг амалга оширилади.

117. Депонентнинг пассив аналитик депо ҳисобварағини очиш бўйича депозитар операциянинг мазмуни Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотининг ҳисоб регистрларига депозитар операцияларни амалга ошириш имконини берувчи депонент тўғрисидаги маълумотларни киритиш ҳисобланади.

118. Депо ҳисобварақларини очиш, шу жумладан масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали очиш тартиби ва депо ҳисобварақларини очиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотининг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

119. Депо ҳисобварағини очиш учун зарур бўлган ҳужжатлар Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига қуйидагилар тақдим этилиши мумкин:

шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган ҳолда қимматли қоғозлар эгасининг ўзи томонидан;

қимматли қоғозлар эгасининг ваколатли шахси томонидан, унда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда.

120. Депонентнинг анкета маълумотлари ўзгарган тақдирда, депонент бу ҳақда Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотини ёзма равишда хабардор қилиши ҳамда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

депонентнинг анкетасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида топшириқнома;

барча зарур ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз ичига олган депонентнинг анкетаси;

тегишли ўзгартиришлар киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари (зарурат бўлганда).

Юридик шахснинг топшириқномаларни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли шахслари ўзгарган тақдирда:

янги ваколатли шахсларнинг имзолари намуналари ва юридик шахснинг муҳр изи (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) туширилган карточка;

ваколатли шахсларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари.

121. Ишончнома муддатидан олдин чақириб олинган тақдирда, депонент ваколатли вакилнинг ваколат муддати тугашидан уч кун олдин бу ҳақда Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

122. Депонентнинг анкета маълумотларини ўзгартириш Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти томонидан Депонентларнинг ягона базасига ўзгартириш киритиш йўли билан амалга оширилади.

123. Депонентнинг анкета маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаган тақдирда, Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти депонент томонидан хат-хабарлар, шунингдек бошқа маълумотлар олинмаганлиги ёки кечиктирилганлиги учун жавобгар бўлмайди.

124. Депо ҳисобварағини ёпиш Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти томонидан ҳисоб регистрларига депо ҳисобварағи бўйича сўровларга жавоб беришдан бошқа ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш мумкин эмаслигини таъминловчи ёзувларни киритишдан иборат.

125. Депо ҳисобварағини ёпиш депозитар шартнома бекор қилиниши натижасида амалга оширилади.

126. Ёпиқ депо ҳисобварағини қайта очишга йўл қўйилмайди. Ёпилган депо ҳисобварағининг рақами такроран ишлатилмайди.

127. Мулкдорнинг (эгасининг) депо ҳисобварағида қуйидаги турдаги бўлимлар очилиши мумкин:

асосий;

гаровда блокланган;

закалатда блокланган;

уюлмаган биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар тузиш учун блокланган;

ваколатли давлат органининг кўрсатмасига асосан блокланган;

монополияга қарши давлат органининг кўрсатмасига асосан блокланган;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки суд органларининг қарорига асосан блокланган;

хатлаш бўйича блокланган;

савдолар учун блокланган;

РЕПО бўйича савдолар учун блокланган;

РЕПО битими бўйича блокланган.

Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ўз функцияларини амалга ошириш учун депо ҳисобварақларида бошқа бўлимларни ҳам очиши мумкин.

128. Асосий бўлим муомалада бўлиши чекланмаган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун қўлланилади. Депо ҳисобварағидаги асосий бўлим мулкдор (эгаси), номинал сақловчи ва чет эллик номинал сақловчиларнинг депо ҳисобварақлари очилганда автоматик тарзда очилади.

129. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари томонидан гаровда

блокланган, уюшмаган биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар тузиш учун блокланган ва бошқа бўлимлар қимматли қоғозларга нисбатан муайян чекловлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (гаров шартномаси, олди-сотди шартномаси ва бошқалар) асосида очилади.

130. Закалатда блокланган бўлими мулкдорнинг (эгасининг) депо ҳисобварағида очилиши мумкин.

131. Ваколатли давлат органининг кўрсатмасига асосан блокланган, монополияга қарши давлат органининг кўрсатмасига асосан блокланган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки суд органларининг қарорига асосан блокланган ва бошқа бўлимлар Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари томонидан тегишли органлар томонидан тақдим этилган қимматли қоғозларга нисбатан чекловлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида очилади.

132. Жойлаштирилиш жараёнида, қайта сотиб олинган, бекор қилинадиган ёки сўндириш учун бўлимлари фақат эмиссиявий депо ҳисобварағида очилиши мумкин.

133. Жойлаштирилиш жараёнида бўлими янги жойлаштириладиган қимматли қоғозлар чиқарилишини ҳисобга олиш учун очилади.

134. Қайта сотиб олинган бўлими эмитент томонидан қайта сотиб олинган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун очилади.

135. Бекор қилинадиган ёки сўндириш учун бўлими бекор қилинадиган ёки сўндириладиган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун очилади.

136. Жойлаштирилган, қайта сотиб олинган, бекор қилинадиган ёки сўндириш учун бўлимлари эмиссиявий депо ҳисобварағи очилганда автоматик тарзда очилади.

137. РЕПО бўйича савдолар учун блокланган бўлими қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимининг биринчи қисми ижро этилгунига қадар қимматли қоғозлар сотувчисининг депо ҳисобварағида очилади.

138. РЕПО битими бўйича блокланган бўлими қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимининг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозлар харидорининг депо ҳисобварағида очилади.

139. Актив мақомидаги депо ҳисобварағида қуйидаги бўлимлар очилиши мумкин:

асосий — ҳар қандай чекловлардан холи бўлган ва фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилиши мумкин бўлган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун;

йўлда — Марказий депозитарийнинг номинал сақловидан чиқариладиган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун. Бунда, чиқариш вақти мобайнида ушбу қимматли қоғозлар билан фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилиши мумкин эмас;

корпоратив ҳодисалар — корпоратив ҳодисалар муносабати билан чекловлар қўйилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун. Бунда, ушбу ҳодиса содир бўлган вақт давомида қимматли қоғозлар билан фуқаролик-ҳуқуқий битимлар амалга оширилиши мумкин эмас;

блоклаш — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ваколатли давлат орга-

нининг қарори билан қимматли қоғозларнинг сақланишини таъминлаш мақсадида фуқаролик-хуқуқий битимлар тузишга вақтинчалик тақиб қўйилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун.

Марказий депозитарий ўз функцияларини амалга ошириш учун актив мақомидаги депо ҳисобварақларида бошқа бўлимларни ҳам очиши мумкин.

140. Депо ҳисобварағидаги бўлимни ёпиш фақат тегишли бўлимдаги барча қимматли қоғозлар ҳисобдан чиқарилгандан сўнг амалга оширилади.

141. Депо ҳисобварағининг бўлими бўйича операторни тайинлаш депо ҳисобварағи бўйича операторни тайинлаш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-§. Бухгалтерия операциялари

142. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилган қимматли қоғозларни сақлашга қабул қилиш операцияси кирим бухгалтерия операциясига киради ва актив депо ҳисобварағини дебетлаш ва пассив депо ҳисобварағини кредитлашдан иборат бўлади.

143. Хужжатсиз қимматли қоғозларни сақлашга қабул қилиш қимматли қоғозларнинг муомалага чиқарилганлигини тасдиқловчи хужжатларни қабул қилишдан иборат бўлади ва қимматли қоғозлар чиқарилишини Марказий депозитарийда ҳисобга олиш амалга оширилади.

144. Операциянинг бажарилиши натижасида Марказий депозитарий операциянинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни шакллантиради ёки депонентнинг депо ҳисобварағидан кўчирмани тақдим этади.

145. Хорижий қимматли қоғозларни ҳисобга қабул қилиш операцияси кирим бухгалтерия операцияси ҳисобланиб, депонент ҳисобварағини кредитлаш ва сақлаш жойи бўйича депо ҳисобварағини (НОСТРО) дебетлашдан иборат.

146. Қимматли қоғозларни ҳисобга қабул қилиш операцияси сақланиши бошқа хорижий депозитарийда амалга ошириладиган хорижий қимматли қоғозларни Марказий депозитарийга ўтказишда хорижий қимматли қоғозларни ҳисобга олишда амалга оширилади.

147. Қимматли қоғозларни сақлашдан чиқариш операцияси чиқим бухгалтерия операциясига киради ва актив депо ҳисобварағини кредитлаш ва пассив депо ҳисобварағини дебетлашдан иборат бўлади.

148. Қимматли қоғозларни олиб қўйиш қимматли қоғозлар чиқарилиши бекор қилинганда амалга оширилади. Қимматли қоғозларни олиб қўйиш қимматли қоғозлар чиқарилиши ҳисобдан чиқарилганда, Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади.

149. Депонентнинг депо ҳисобварағидан мажбуриятлар билан боғлиқ бўлмаган қимматли қоғозлар чиқариш мумкин.

150. Қимматли қоғозлар депонентнинг депо ҳисобварағидан ва қимматли қоғозлар сақланган Марказий депозитарийнинг актив ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

151. Хорижий қимматли қоғозларни ҳисобдан чиқариш операцияси чиқим бухгалтерия операцияси ҳисобланиб, депонентнинг пассив ҳисобва-

рағини дебетлаш ва сақлаш жойи бўйича депо ҳисобварағини (НОСТРО) кредитлашдан иборат.

152. Хорижий қимматли қоғозларни ҳисобдан чиқариш операцияси қимматли қоғозларни бундай қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи Марказий депозитарийдан ушбу қимматли қоғозларни сақлашни амалга оширувчи хорижий депозитарийга ҳисобдан чиқаришда амалга оширилади.

153. Қимматли қоғозларни кўчириш операцияси кўчириш бухгалтерия операцияси турига киради ва қимматли қоғозларни сақлаш жойининг бир ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариш ва уларни сақлаш жойининг бошқа ҳисобварағига ўтказишдан иборат бўлади.

154. Қимматли қоғозларни ўтказиш операциясини ўтказиш бухгалтерия операцияси турига киради ва қимматли қоғозларни бир депо ҳисобварағидан бошқасига ҳисобдан чиқаришдан иборат бўлади. Бунда, Марказий депозитарийда ҳисобга олинadиган қимматли қоғозларнинг умумий сони ўзгармайди.

155. Қимматли қоғозларни ўтказиш операцияси қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ўтказиш билан бирга ёки уларга бўлган ҳуқуқларни ўтказмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

156. Қимматли қоғозларни ўтказиш топшириқномада кўрсатилган ҳисоб-китоб кунда амалга оширилади.

157. Қимматли қоғозлар ўтказмалари қуйидаги турларга бўлинади:

ички ўтказма;

ташқи ўтказма;

битта депо ҳисобварағи доирасида ўтказиш.

158. Қимматли қоғозларнинг ички ўтказмаси қимматли қоғозлар Марказий депозитарий ёки битта ҳисоб ташкилоти ичида ўтказилганда амалга оширилади.

159. Қимматли қоғозларнинг ташқи ўтказмаси қимматли қоғозлар Марказий депозитарийдан ҳисоб ташкилотига ёки бир ҳисоб ташкилотидан бошқа ҳисоб ташкилотига ўтказилганда амалга оширилади.

160. Қимматли қоғозларни битта депо ҳисобварағи доирасида ўтказиш қимматли қоғозларни депо ҳисобварағининг бир бўлимидан бошқа бўлимига ўтказишда амалга оширилади.

161. Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

савдо тизимларидан ташқарида қимматли қоғозлар билан фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилганда;

савдо тизимларида қимматли қоғозлар сотиб олинганда;

қимматли қоғозлар ҳадя қилинганда;

қимматли қоғозлар мерос қилиб қолдирилганда;

юримдик шахснинг ҳуқуқий ворислигида;

суд қарорига кўра;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

162. Савдо тизимларидан ташқарида фуқаролик-ҳуқуқий битимларни тузиш натижасида қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ўтказиш қим-

матли қоғозларни ва бошқа ҳужжатларни ўтказиш учун депо топшириқномалари асосида амалга оширилади.

163. Савдо тизимларида тузилган битимлар натижалари бўйича қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ўтказиш клиринг топшириқномаси асосида Марказий депозитарий ва (ёки) ҳисоб ташкилоти томонидан амалга оширилади.

164. Қимматли қоғозларни ҳада қилишда қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ўтказиш қимматли қоғозларни берувчи ва қабул қилувчидан қимматли қоғозларни ўтказиш учун депо топшириқномалари ва қимматли қоғозларни ҳада қилиш тўғрисидаги тегишли шартнома асосида амалга оширилади.

165. Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ўтказиш қимматли қоғозларни берувчининг ва қимматли қоғозларни қабул қилувчининг қимматли қоғозларни ўтказишга доир топшириқномалари ва меросхўрнинг мерос бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширилади.

166. Юридик шахснинг ҳуқуқий ворислиги натижасида қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш топшириш ҳужжати (қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш) ёки тақсимлаш баланси (бўлиш ёки ажратиш чиқариш) асосида амалга оширилади.

167. Суднинг қарорига кўра қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш ундирувчи, қарздор ёки давлат ижрочисининг депо топшириқномалари асосида амалга оширилади.

Депо топшириқномасига суднинг қарори (ҳал қилув қарори, ажрими), заруратга кўра ижро ҳужжатининг нусхалари илова қилинади.

168. Бир депозитарий доирасида қимматли қоғозларни ўтказиш берувчининг қимматли қоғозларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги депо топшириқномалари ва қабул қилувчининг электрон метчингдан кейин қимматли қоғозларни кирим қилиш тўғрисидаги депо топшириқномаси (потенциал қарама-қарши топшириқномаларни излаш ва иккала топшириқнома параметрлари мос келган тақдирда тегишли топшириқномани аниқлаш механизми) асосида амалга оширилиши мумкин.

169. Қарама-қарши депо топшириқномаларини излаш операцияси топшириқномалар квитовкаси деб аталади. Қарама-қарши депо топшириқномасини излаш уч иш куни мобайнида амалга оширилиши мумкин.

170. Қимматли қоғозларга мажбуриятлар юкланишини ҳисобга олиш бўйича операциялар қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг ўтиши билан боғлиқ бўлмаган ички депозитар ўтказмаларга киради.

171. Қимматли қоғозларга мажбуриятлар юклаш қимматли қоғозлар ўтказилишининг олдини олиш учун қимматли қоғозларга чекловлар қўйиш ҳисобланади.

172. Қимматли қоғозларга мажбуриятлар юклатилишини ҳисобга олиш бўйича депозитар операцияларга қуйидагилар киради:

қимматли қоғозларни гаровга қўйиш ва гаровдан чиқариш;

қимматли қоғозларни закатга қўйиш ва закатдан чиқариш;

қимматли қоғозларни депонентнинг ёки депо ҳисобварағи операторининг топшириқномасига кўра блоклаш;

ваколатли давлат органининг кўрсатмасига биноан қимматли қоғозларни блоклаш;

монополияга қарши давлат органининг кўрсатмасига биноан қимматли қоғозларни блоклаш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг кўрсатмасига биноан қимматли қоғозларни блоклаш;

Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотининг кўрсатмасига биноан қимматли қоғозларни блоклаш.

173. Қимматли қоғозларни гаровга қўйиш депозитарийнинг ҳисоб регистрларига қимматли қоғозларни гаровга қўйиш тўғрисидаги ёзувларни киритиш бўйича депозитар операция ҳисобланади.

174. Қимматли қоғозларни гаровга қўйиш бўйича депозитар операциянинг мазмуни депонент-гаровга қўювчининг ҳисобварағидаги қимматли қоғозларни у томонидан асосий бўлимдан гаровда блокланган бўлимига ўтказишдан иборат.

175. Қимматли қоғозларни гаровга қўйишда Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига қонунчиликда белгиланган тартибда тузилган гаров шартномасига мувофиқ қимматли қоғозларни гаровга қўйиш учун депонент-гаровга қўювчининг депо топшириқномаси ва депонент-гаровга олувчининг депо топшириқномаси тақдим этилади.

176. Гаровга олувчида депо ҳисобварағи мавжуд бўлмаган тақдирда, Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти гаровга олувчига депо ҳисобварағини очади.

177. Қимматли қоғозларни гаровга қўйиш топшириқномаси топшириқномада кўрсатилган кунда бажарилади.

178. Қимматли қоғозларни гаровга қўйишда, агар гаров тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчида қимматли қоғозларга эгалик қилишдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар (масалан, бошқариш ҳуқуқи ва даромад олиш ҳуқуқини амалга ошириш бўйича ваколатлар) сақланиб қолади.

179. Қимматли қоғозларга эгалик қилиш билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларни (имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш, конвертация, қимматли қоғозларни сўндириш ва бошқалар) амалга ошириш бўйича ваколатлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

180. Қимматли қоғозларни гаровдан чиқариш қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

гаровга қўювчининг мажбуриятлари бажарилиши муносабати билан гаровнинг бекор бўлиши;

гаровга қўювчининг мажбуриятлари бажарилмаганлиги муносабати билан гаровнинг бекор бўлиши.

181. Гаровга қўювчи томонидан гаров шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилганда, Марказий депозитарий ёки ҳисоб ташкилотига гаровга қўювчи ва гаровга олувчидан қимматли қоғозларни гаровдан чиқариш тўғрисида топшириқнома тақдим этилади.

182. Қимматли қоғозларни гаровдан чиқариш бўйича депозитар опера-

циянинг мазмуни депонент-гаровга қўювчининг ҳисобварағидаги қимматли қоғозларни гаровга қўйилган бўлимидан асосий бўлимга ўтказишдан иборат.

183. Қимматли қоғозларни закататга қўйишда Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига депонент-гаровга қўювчи ва гаровга олувчининг қимматли қоғозларни закататга бериш ҳақидаги топшириқномаси тақдим этилади.

184. Қимматли қоғозларни закататга бериш тўғрисидаги топшириқнома шартномада кўрсатилган кунда бажарилади.

185. Қимматли қоғозларни закататдан чиқариш гаровга қўювчи томонидан гаров шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилгандан сўнг гаровга қўювчи ва гаровга олувчининг закататдан чиқариш ҳақидаги топшириқномалари асосида амалга оширилади.

186. Гаровга қўювчи томонидан закатат шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, закататга берилган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг ўтказилиши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

187. Қимматли қоғозларни блоклаш Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотининг ҳисоб регистрларига ушбу қимматли қоғозларнинг ҳисобварақлар бўйича ҳаракатини муайян муддатга тўхтатиб қўйишга олиб келадиган ёзувларни киритиш бўйича депозитар операция ҳисобланади.

188. Ваколатли давлат органининг кўрсатмасига асосан қимматли қоғозларни блокировка қилиш учун Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ваколатли давлат органининг масъул шахслари томонидан имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган кўрсатма;

қимматли қоғозларни блокировка қилиш учун асос бўладиган ҳужжатлар.

189. Ваколатли давлат органининг қимматли қоғозларни блоклаш тўғрисидаги кўрсатмасида қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

депонент ва унинг депо ҳисобварағи тўғрисидаги маълумотлар;

блокланаётган қимматли қоғозлар ва уларнинг сони;

блоклаш сабаби;

блоклаш муддати.

190. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ваколатли давлат органининг кўрсатмаси тақдим этилган кунда қимматли қоғозларни ваколатли давлат органининг кўрсатмаси бўйича блокланган бўлимига ўтказиши ва қўйидаги маълумотларни ҳисобда акс эттириши лозим:

блоклаш сабаби;

блоклаш амалга оширилишига асос бўлган ҳужжатнинг реквизитлари;

блоклаш муддати.

191. Қимматли қоғозларни блоклаш тўғрисидаги топшириқнома Марказий депозитарийга келиб тушган тақдирда, Марказий депозитарий савдо тизимларига, ҳисоб ташкилотларига, чет эллик номинал сақловчиларга топшириқнома олинган кунда қимматли қоғозларни блоклаш тўғрисида хабарнома юборади. Топшириқнома маҳаллий вақт билан соат 16:00 дан кейин

қабул қилинган тақдирда, хабарнома кейинги операцион куннинг 09:15 дан кечиктирмай юборилади.

192. Марказий депозитарий блоклаш тўғрисидаги топшириқномада кўрсатилган қимматли қоғозларни блоклаш билан боғлиқ операцияларни топшириқнома олинган кунда амалга оширади. Топшириқнома маҳаллий вақт билан соат 16:00 дан кейин қабул қилинган тақдирда, операциялар кейинги операцион куннинг 09:25 дан кечиктирмай амалга оширилади.

193. Ҳисоб ташкилотлари ва чет эллик номинал сақловчилар Марказий депозитарийнинг блоклаш тўғрисидаги хабарномасида кўрсатилган қимматли қоғозларни блоклаш билан боғлиқ операцияларни хабарнома олинган кунда амалга оширади. Хабарнома маҳаллий вақт билан соат 16:00 дан кейин қабул қилинган тақдирда, операциялар кейинги операцион куннинг 09:15 дан кечиктирмай амалга оширилади.

194. Қимматли қоғозлар харидорнинг депо ҳисобварағига етказиб берилган пайтда уларнинг ҳаракатини блоклаш тўғрисидаги топшириқнома келиб тушган тақдирда, қимматли қоғозлар харидорнинг ҳисобварағига ўтказилгандан кейин блокланади.

195. Ваколатли давлат органининг кўрсатмаси бўйича блокланган қимматли қоғозларни Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари фақат ваколатли давлат органининг қимматли қоғозларни блокдан чиқариш кўрсатмаси бўйича блокдан чиқариши мумкин, бундан юридик шахс тугатилганлиги муносабати билан қимматли қоғозларнинг блокдан чиқарилиши ҳолати мустасно.

196. Илгари тақдим этилган топшириқномалар ва ҳужжатлар асосида блокланган қимматли қоғозларни қайта блоклашга йўл қўйилмайди.

197. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг қимматли қоғозларни блоклаш тўғрисидаги қарори (ҳал қилув қарори, ажрими ёки бошқа ҳужжат) қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши зарур:

депонент ва унинг депо ҳисобварағи тўғрисидаги маълумотлар;
блокланаётган қимматли қоғозлар ва уларнинг сони;
блоклаш сабаби;
блоклаш муддати.

198. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки суд органларининг қимматли қоғозларни депонентнинг ҳисобварағида блоклаш тўғрисидаги қарори (ҳал қилув қарори, ажрими ёки бошқа ҳужжат) тақдим этилган куни қимматли қоғозларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки суд органларининг фармойишига мувофиқ блокланган бўлимига ўтказилади.

199. Суд органларининг қарори (ажрими) билан блокланган ва суд қарори билан блокланган бўлимида турган қимматли қоғозларни блокдан чиқариш тўғрисидаги суднинг қарорига (ажримига) асосан блокдан чиқарилади ва депонент ҳисобварағидаги асосий бўлимга ўтказилади ёки суд қарорига мувофиқ учинчи шахснинг ҳисобварағига ўтказилади (даъвогар, меросхўр, давлат ёки бошқалар фойдасига).

200. Қимматли қоғозлар депонентнинг депо ҳисобварағида депонентнинг

ёки ҳисобварақ операторининг топшириқномасига кўра қуйидаги ҳолларда блоккланиши мумкин:

қимматли қоғозлар биржа ва биржадан ташқари савдо тизимларида сотиш учун қўйилганда;

уюлмаган қимматли қоғозлар бозорида (тўғридан-тўғри олди-сотди шартномалари бўйича) битимлар тузишда депонентнинг қимматли қоғозларни етказиб бериш бўйича мажбуриятлари мавжуд бўлганда;

қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда.

201. Қимматли қоғозлар биржа ва биржадан ташқари савдо тизимларига сотиш учун қўйилганда, қимматли қоғозлар Марказий депозитарийдаги савдо тизими иштирокчисининг ҳисобварағидаги (ҳисоб ташкилоти ҳисобварағи ёки депонентнинг ўз ҳисобварағи) савдога қўйилган бўлимида блоккланади.

202. Қимматли қоғозлар депонентнинг топшириғига кўра блокировка қилинганда, Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти қимматли қоғозларни депонентнинг топшириғига кўра блокировка қилинган бўлимига ўтказди.

203. Депонентнинг ҳисобварағидаги қимматли қоғозлар блокировка қилинганда, Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти қимматли қоғозлар блоккланган вақтдан бошлаб икки иш куни ичида бу ҳақда депонентни хабардор қилиши шарт.

204. Қимматли қоғозлар чиқарилиши Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқарилган тақдирда, ваколатли давлат органининг бу ҳақидаги хабари асосида Марказий депозитарий қимматли қоғозларни ҳисобдан чиқариш учун уларни блокдан чиқаради.

Қимматли қоғозлар ҳисобдан чиқарилган пайтдан бошлаб икки иш куни ичида Марказий депозитарий депонентларга ва ушбу қимматли қоғозларни блокировка қилган органларга тегишли хабарнома юборади.

205. Марказий депозитарийда сақланаётган қимматли қоғозлар бўйича ташқи ўтказмалар уч томонлама схема асосида амалга оширилади.

206. Депозитар тизим доирасида қимматли қоғозларнинг ташқи ўтказмаларини амалга оширишга фақат операцион кун бошида ЛОРО ва НОСТРО вакиллик ҳисобварақлари бўйича қимматли қоғозлар қолдиги мос келадиган ҳисоб ташкилотларига рухсат этилади.

207. Ташқи ўтказмалар фақат блоккланмаган қимматли қоғозлар бўйича амалга оширилиши мумкин.

208. Қимматли қоғозларнинг ташқи ўтказмасини амалга оширишда бир ҳисоб ташкилотидан ҳисобдан чиқариладиган қимматли қоғозлар сони бошқа ҳисоб ташкилотида ҳисобга олинадиган қимматли қоғозлар сонига тенг бўлиши керак.

209. Марказий депозитарийда сақланаётган қимматли қоғозларнинг ташқи ўтказмаларида қимматли қоғозларни ҳисобдан чиқариш ва кирим қилиш операцияси бир операция кунда амалга оширилиши керак.

210. Қимматли қоғозларни депозитар тизимдаги бир ҳисоб ташкилотидан бошқа ҳисоб ташкилотига ўтказиш солиштириш йўли билан амалга оширилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

қимматли қоғозларни эмитентнинг Марказий депозитарийдаги эмисси-

явий ҳисобварағидан эмитентга хизмат кўрсатувчи ҳисоб ташкилотидаги транзит эмиссиявий ҳисобварағига ўтказиш;

глобал операцияларни амалга оширишда, қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш ёки сўндиришда қимматли қоғозларни ҳисоб ташкилотидан Марказий депозитарийга ўтказиш;

ҳисоб ташкилотининг фаолияти тўхтатилганда, ҳисоб ташкилоти депонентларининг қимматли қоғозларини Марказий депозитарийга ўтказиш.

211. Ҳисоб ташкилотларининг ЛОРО вакиллик ҳисобварақлари бўйича қимматли қоғозлар ўтказмаларининг тўғри амалга оширилиши учун Марказий депозитарий жавобгар бўлади.

212. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари ташқи ўтказма топшириқномалари ҳамда хабарномаларнинг ўз вақтида шакллантирилиши ва юборилиши учун жавобгардир.

213. Алоқа каналлари орқали узатиладиган ахборотнинг сақланиши ва ташқи ўтказмаларнинг бажарилиши Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ўртасидаги шартнома ва (ёки) ўзаро ҳамкорлик регламентида назарда тутилади.

214. Қимматли қоғозларни берувчи депонент хизмат кўрсатувчи ҳисоб ташкилотига қимматли қоғозларни ўзининг депо ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариш ва қимматли қоғозларни қабул қилувчи ҳисоб ташкилотининг депо ҳисобварағига ўтказиш учун депо топшириқномасини тақдим этади.

215. Депо топшириқномаси белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, ҳисоб ташкилоти қуйидаги амалларни бажаради:

депо топшириқномасида кўрсатилган ҳисоб-китоб кунда қимматли қоғозларни ташқи ўтказма орқали ҳисобдан чиқариш учун топшириқнома тайёрлайди;

депо топшириқномасида кўрсатилган миқдордаги қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун депозитар операцияларни ўтказиш зарурлиги ҳақида қабул қилувчи ҳисоб ташкилотини хабардор қилади;

қабул қилувчи ҳисоб ташкилотининг амалиётни ўтказишга тайёрлиги тасдиқланганда, депонентнинг топшириқномасида кўрсатилган миқдордаги қимматли қоғозларни қабул қилувчи депонентнинг депо ҳисобварағига ва қабул қилувчи ҳисоб ташкилотининг ҳисобварағига ўтказиш бўйича ташқи ўтказма депо операциясини бажаради ҳамда депозитар операциянинг тўғри бажарилганлигини текширади.

216. Депо топшириқномаси белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса, ҳисоб ташкилоти депонентни ташқи ўтказма топшириқномасини бажариш имконсизлиги тўғрисида хабардор қилади.

217. Қимматли қоғозларни қабул қилувчи депонент ҳисоб ташкилотига ўз депо ҳисобварағига қимматли қоғозларни берувчи депонентнинг ҳисобварағидан қабул қилиш учун ташқи ўтказма топшириқномасини беради.

218. Қимматли қоғозларни қабул қилувчи ҳисоб ташкилоти қимматли қоғозларни кирим қилиш учун ташқи ўтказма депо топшириқномаси асосида:

қабул қилувчи депонентнинг топшириқномасида кўрсатилган ҳисоб-китоб санаси билан қимматли қоғозларни ҳисобга қабул қилиш учун депо топ-

ширикномасини (қимматли қоғозларни депонент ҳисобварағига ва НОСТРО ҳисобварағига кирим қилиш учун топшириқнома) шакллантиради;

етказиб берувчининг ҳисоб ташкилотини топшириқномада кўрсатилган миқдордаги қимматли қоғозларни ҳисобдан чиқариш бўйича депозитар операцияларни ўтказиш зарурлиги ҳақида хабардор қилади;

қимматли қоғозларни етказиб берувчи ҳисоб ташкилотининг ЛОРО ҳисобварағидан Марказий депозитарийдаги ўзининг ЛОРО ҳисобварағига қимматли қоғозларни кирим қилиш учун электрон депо топшириқномасини шакллантиради.

219. Контрагентларнинг ҳисоб ташкилотлари Марказий депозитарийга ЛОРО ҳисобварақлари бўйича қимматли қоғозларни ҳисобдан чиқариш ва кирим қилиш учун шаклланган қарама-қарши электрон ташқи ўтказма топшириқномаларини юборади.

220. Марказий депозитарий ҳисоб ташкилотларнинг ЛОРО ҳисобварақлари бўйича қимматли қоғозларни ҳисобдан чиқариш ва кирим қилиш учун қарама-қарши ташқи ўтказма депо топшириқномаларининг қидирувини ташкил этади ҳамда қарама-қарши ташқи ўтказма топшириқномалари муваффақиятли топилганда, ушбу топшириқномаларни квитовка қилади ва қимматли қоғозларни берувчи ҳисоб ташкилотининг ЛОРО ҳисобварағидан қимматли қоғозларни қабул қилувчи ҳисоб ташкилотининг ЛОРО ҳисобварағига ўтказишни амалга оширади. Марказий депозитарий етказиб берувчи ва қабул қилувчи ҳисоб ташкилотларига қимматли қоғозлар ўтказилганлиги тўғрисида хабарномаларни юборади.

221. Ташқи ўтказма топшириқномаларини излаш муваффақиятсиз бўлган тақдирда, Марказий депозитарий ҳисоб ташкилотларига депо топшириқномаларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳисоботни юборади.

222. Қимматли қоғозларни берувчи ва олувчининг ҳисоб ташкилотлари қимматли қоғозлар ўтказилганлиги тўғрисида Марказий депозитарийдан олинган хабарнома ҳамда қимматли қоғозларни ҳисобдан чиқариш ва кирим қилиш тўғрисидаги ички топшириқномалари асосида қимматли қоғозларни ўз депонентларининг ҳисобварақларига ҳисобдан чиқаради ва ўтказди.

223. Ҳисоб ташкилотлари ўз мижозларига ташқи ўтказма топшириқномаларининг бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

4-§. Қимматли қоғозлар чиқарилишини (эмиссиясини) ҳисобга олишга доир бухгалтерия операциялари

224. Марказий депозитарий томонидан қимматли қоғозлар чиқарилишини (эмиссиясини) ҳисобга олиш эмитент ва қимматли қоғозлар чиқарилиши ҳақидаги маълумотларни Марказий депозитарийнинг ҳисоб регистрларида қайд этиш орқали амалга оширилади.

225. Қимматли қоғозлар чиқарилишини (эмиссиясини) ҳисобга олиш қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширилади:

давлат қимматли қоғозлари ва Марказий банк облигациялари учун қимматли қоғозларнинг глобал сертификати;

корпоратив қимматли қоғозлар учун давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги эмитентнинг қарори;

қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган ҳолда).

226. Марказий депозитарий қуйидаги ҳолларда қимматли қоғозлар чиқарилишини ҳисобга олиш ёки қимматли қоғозларга хизмат кўрсатиш учун қабул қилишни рад этишга ҳақли:

қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ваколатли давлат органи томонидан рўйхатдан ўтказилмаган бўлса (корпоратив қимматли қоғозлар учун), бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар мустасно;

эмитентнинг номи нотўғри ёки ноаниқ кўрсатилган бўлса;

қимматли қоғознинг тури ва хили нотўғри кўрсатилган бўлса;

қимматли қоғозларнинг номинал қиймати ва чиқариш ҳажми нотўғри кўрсатилган бўлса;

Марказий депозитарийга тақдим этилган ахборот ва ҳужжатлар қимматли қоғозлар чиқарилишини тавсифлаш учун етарли бўлмаса.

227. Марказий депозитарий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши ҳисобга қўйилганидан кейин қимматли қоғозларни эмитентнинг депо ҳисобварағига қабул қилади.

228. Хорижий қимматли қоғозларни Марказий депозитарийда ҳисобга олиш хорижий қимматли қоғозларнинг маълумотлари ва ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

229. Марказий депозитарий қуйидаги ҳолларда хорижий қимматли қоғозларни ҳисобга олишни рад этади:

Марказий депозитарийга тақдим этилган маълумот ва ҳужжатлар хорижий қимматли қоғозни ҳисобга олиш учун етарли бўлмаса;

молиявий воситалар ҳужжатли шаклда чиқарилган бўлса;

қимматли қоғозларни ҳисобга олиш қимматли қоғозлар муомаласининг шартлари ёки қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган ёхуд чиқариш шартларида кўзда тутилмаган бўлса;

қимматли қоғозлар муомаласининг муддати тугаган ёки рўйхатдан ўтказувчи ташкилотдан қимматли қоғозлар чиқарилишини (қўшимча чиқарилишини) жойлаштиришни ва улар билан операцияларни тўхтатиб туриш ҳақида хабарнома олинган бўлса.

5-§. Глобал операцияларга доир бухгалтерия операциялари

230. Қимматли қоғозларнинг муайян чиқарилиши билан боғлиқ бўлган Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотларининг барча ёки аксарият ҳисоб регистрлари ҳолатини ўзгартирувчи депозитар операция глобал операция деб юритилади.

231. Марказий депозитарий томонидан глобал операциялар эмитент томонидан қуйидаги корпоратив ҳаракатлар ўтказилганда амалга оширилади:

қимматли қоғозларни айирбошлаш;

қимматли қоғозларни майдалаш;

қимматли қоғозларни йириклаштириш;

эмитентнинг ўз капитали ҳисобидан чиқарилган қўшимча акцияларни тақсимлаш (капиталлаштириш);

қимматли қоғозларни бекор қилиш.

232. Глобал операцияни ўтказиш ташаббускори эмитент ёки унинг топшириғига кўра Марказий депозитарий, шунингдек Марказий депозитарийга хорижий қимматли қоғозларини номинал сақловчи ҳисобварағи очган чет эллик марказий депозитарий ҳисобланади.

233. Депозитар тизимдаги глобал операцияларни Марказий депозитарий бошлаб беради.

234. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари депозитар операцияларни ягона ахборот тизимида (дастурий таъминотда) амалга оширган тақдирда, глобал операциялар Марказий депозитарий томонидан мустақил равишда амалга оширилиши мумкин.

235. Марказий депозитарий эмитентнинг қарорини олганидан сўнг қимматли қоғозлар эгаларини, шу жумладан ҳисоб ташкилотларини, чет эллик номинал сақловчиларни ва савдо ташкилотчиларини эмитентнинг кутилаётган корпоратив ҳаракатлари ҳамда мазкур қимматли қоғозлар савдосини вақтинча блоклаш ва (ёки) тўхтатиб туриш тўғрисида хабардор этади.

236. Қимматли қоғозларни айирбошлашга доир глобал операциянинг моҳияти депонентларнинг депо ҳисобварақларида бир чиқарилишдаги қимматли қоғозларни бошқа чиқарилишдаги қимматли қоғозларга алмаштириш (ҳисобдан чиқариш ва кимматли қоғозларни олиб олиш)дан иборат.

237. Марказий депозитарий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга ҳамда Марказий депозитарийга (хорижий қимматли қоғозларининг номинал сақловчиси ҳисобварағи очилган хорижий депозитарий томонидан) тақдим этилган янги чиқарилган қимматли қоғозларнинг номинал сақловчи ҳисобварағига ўтказилган миқдори ҳақидаги кўчирмага мувофиқ айирбошлаш амалиётини бажаради. Ҳисоб-китоб маълумотлари ва ўтказилган қимматли қоғозлар сони ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, Марказий депозитарий низоли вазият ҳал этилмагунча амалиётни амалга оширмайди.

238. Қимматли қоғозларни айирбошлаш учун асос сифатида номинал сақловчининг ҳисобварағи бўйича айирбошлаш бажарилганлигини тасдиқловчи Марказий депозитарий томонидан берилган кўчирма хизмат қилади. Хорижий қимматли қоғозлар айирбошланган тақдирда, хорижий қимматли қоғозларнинг номинал сақловчи ҳисобварағи очилган хорижий марказий депозитарий томонидан берилган кўчирма асос бўлади.

239. Марказий депозитарий ваколатли давлат органи томонидан рўйхатдан ўтказилган эмитентнинг қарорини ёки номинал сақловчи ҳисобварағи очилган хорижий депозитарийдан маълумот олган пайтдан бошлаб бир иш куни ичида айирбошлашни амалга ошириш тартиби ҳақидаги ахборотни шартномада ёки миждонинг анкетасида кўрсатилган усулда миждонга етказилади.

240. Қимматли қоғозларни айирбошлаш бўйича операциянинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот Марказий депозитарий томонидан операция бажарилган кунда тақдим этилади.

241. Ҳисоб ташкилотлари қимматли қоғозларни айирбошлаш бўйича операцияларни фақат Марказий депозитарий томонидан тақдим этилган қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлганда бошлаш ҳуқуқига эга:

барча зарур ахборот кўрсатилган ҳолда қимматли қоғозларни айирбошлаш ўтказилганлиги тўғрисида Марказий депозитарийнинг хабарномаси;

қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган санада айирбошлаш ўтказилиши тўғрисидаги Марказий депозитарийнинг топшириқномаси.

242. Ҳисоб ташкилотлари айирбошлаш операциясини амалга ошириш учун қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган санада:

айирбошлаш қилинадиган қимматли қоғозларни депонентларнинг депо ҳисобварақларидан ва НОСТРО актив ҳисобварағидан ҳисобдан чиқаришни амалга оширади;

айирбошлаш қилинадиган қимматли қоғозларни депонентлар ҳисобварақларига ва НОСТРО актив ҳисобварағига ўтказишни амалга оширади;

айирбошлаш қилинадиган қимматли қоғозлар ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисидаги хабарнома ва айирбошлаш қилинган қимматли қоғозларнинг тегишли миқдорини ҳисобдан чиқариш учун ЛОРО вакиллик ҳисобварағи бўйича топшириқномани Марказий депозитарийга юборади.

243. Ҳисоб ташкилотлари депонентларнинг сўровлари бўйича қимматли қоғозларни айирбошлашни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатларни ҳам тақдим этадилар.

6-§. Қимматли қоғозларни майдалашга (йириклаштиришга) доир бухгалтерия операциялари

244. Қимматли қоғозларни майдалашда (йириклаштиришда) глобал операциянинг мазмуни эмитент томонидан белгиланган коэффициентга мувофиқ ва эмитентнинг қарори билан белгиланган муддатда номинал қиймати камайганда (қўпайганда) депо ҳисобварақларида муайян чиқарилишдаги қимматли қоғозлар сонининг камайиши (қўпайиши)дан иборат.

245. Ҳисоб ташкилотлари қимматли қоғозларни майдалаш (йириклаштириш) бўйича операцияларни фақат Марказий депозитарий томонидан тақдим этилган қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлганда бошлаш ҳуқуқига эга:

барча зарур маълумотлар кўрсатилган ҳолда эмитент томонидан қимматли қоғозларни майдалаш (йириклаштириш) ўтказилганлиги тўғрисида Марказий депозитарийнинг хабарномаси;

майдалаш (йириклаштириш) амалга ошириладиган қимматли қоғозларни депонентлар ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқариш ва майдалаш (йириклаштириш) амалга ошириладиган тегишли миқдордаги қимматли қоғозларни қирим қилиш йўли билан бажариш тўғрисидаги Марказий депозитарийнинг хизмат топшириғи.

246. Ҳисоб ташкилотлари депонентларнинг сўровлари бўйича қимматли қоғозларни майдалаш (йириклаштириш)ни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатларни ҳам тақдим этадилар.

**7-§. Эмитентнинг ўз капитали ҳисобидан чиқарилган
қўшимча акцияларни тақсимлашга (капиталлаштиришга)
доир бухгалтерия операциялари**

247. Марказий депозитарий эмитент томонидан чиқарилган акцияларни эмитентнинг ўз капитали ҳисобидан тақсимлаш (капиталлаштириш) операциясини эмитентнинг қарорига мувофиқ равишда амалга оширади.

248. Акцияларни акциядорларга тақсимлаш рўйхатида кўрсатилган ҳисоб ташкилоти:

эмитентнинг Марказий депозитарийда эмиссиявий ҳисобварағидан қимматли қоғозларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги хабарнома электрон шаклда олинганидан кейин бир иш кунидан кечиктирмай акцияларни эмитентнинг тегишли транзит эмиссиявий ҳисобварағига ўтказишни амалга оширади;

бир иш кунидан кечиктирмай эмитентнинг тегишли транзит эмиссиявий ҳисобварағига акциялар ўтказилганлиги тўғрисида Марказий депозитарийни электрон шаклда хабардор қилади;

беш иш кунидан кечикмай эмитентнинг транзит эмиссиявий ҳисобварағидан акцияларни акциядорларнинг депо ҳисобварақларига ўтказишни амалга оширади.

**8-§. Қимматли қоғозларни бекор қилишга доир бухгалтерия
операциялари**

249. Қимматли қоғозларни бекор қилиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

чиқариш амалга ошмаган деб топилганда;

эмитент қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда;

тегишли суд қарори мавжуд бўлганда;

мазкур Қоидаларда назарда тутилган ҳолатларда қимматли қоғозларнинг янги чиқарилишида;

облигациялар чиқарилиши сўндирилганда;

битта чиқарилишдаги барча қимматли қоғозлар айирбошланганда;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

250. Қимматли қоғозларни бекор қилишда глобал операциянинг мазмуни қимматли қоғозларни депонентларнинг ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқариш ва ушбу чиқарилишни Марказий депозитарийда ҳисобдан чиқаришдан иборат.

251. Қимматли қоғозларни бекор қилиш операцияси бир неча босқичда амалга оширилади. Депозитар тизимда қимматли қоғозларни бекор қилиш жараёни ваколатли давлат органининг қимматли қоғозларни муомаладан чиқариш тўғрисидаги қарорига асосан амалга оширилади. Бу жараёнда қимматли қоғозлар депо ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилади ва бекор қилинаётган қимматли қоғозлар ҳисобдан олиб қўйилади.

252. Хорижий қимматли қоғозларни бекор қилиш (сўндириш) бўйича операция хорижий марказий депозитарийнинг қимматли қоғозлар бекор қилинганлиги тўғрисидаги хабарномасига мувофиқ амалга оширилади.

253. Марказий депозитарий қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш бўйича операциянинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни операция бажарилган кунда тақдим этади.

9-§. Ахборот операциялари ва ҳисоботи

254. Ахборот операциялари Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотининг депо ҳисобварақлари ва бошқа ҳисоб регистрлари ҳолати ёки депозитар операцияларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар, кўчирмалар ва маълумотномаларни шакллантириш ва (ёки) тақдим этиш билан боғлиқ бўлган депозитар операциялар ҳисобланади. Ахборот операцияларига қуйидагилар кирази:

ҳисоботлар ва кўчирмаларни шакллантириш ҳамда депонентларга бериш;

қимматли қоғозлар эгалари реестрларини шакллантириш ва бериш;

Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотининг ўтказилган операциялар тўғрисида депонентларга ахборот тақдим этиш билан боғлиқ бошқа операциялари.

255. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ички ҳисоб регистрлари маълумотларига асосланиб, ички ҳисоботни ҳамда депонентлар ва ваколатли органларга ҳисоботларни тайёрлайди.

256. Депонент ўз ҳисобварағидаги қимматли қоғозлар ҳақида, шунингдек ўзига тегишли қимматли қоғозлардан келиб чиқадиган бошқа ҳуқуқларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотни эркин олиш ҳуқуқига эга.

257. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти депонентнинг талабига биноан депозитар шартномада белгиланган муддатда депонентга очилган депо ҳисобварақлари бўйича амалга оширилган операциялар тўғрисидаги ҳисоботларни ва (ёки) ушбу депо ҳисобварақларидан кўчирмаларни тақдим этади.

258. Депозитар операцияларни амалга оширишни бошқариш, назорат қилиш ва режалаштириш учун Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ички ҳисобот турларини мустақил равишда белгилайди.

259. Депонентлар ва ваколатли давлат органига зарур ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш учун жавобгарлик Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти раҳбари зиммасига юкланади.

260. Депонентга ҳисоботни тақдим этиш усули ахборот сўрови билан белгиланади. Депонент томонидан тақдим этилган ахборот сўровида ахборотни тақдим этиш усули кўрсатилмаган ҳолларда, ахборот депо ҳисобварағи эгасининг анкетасида ёки депозитар шартномада кўрсатилган усулда тақдим этилади.

261. Тақдим этиладиган депозитар хизматлар, депо топшириқномаларини расмийлаштириш, эмитент томонидан глобал операцияларни амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатлар, шу жумладан қимматли қоғозлардан даромадларни тўлаш тўғрисидаги хабарномалар ва бошқа хабарномалар Марказий депозитарийнинг веб-сайтида жойлаштирилади. Ушбу жойлашти-

риш билан бир вақтда Марказий депозитарий мижоз анкетаси ёки депозитар шартномада кўрсатилган электрон почта манзилларига ҳам хабарнома юборади.

262. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти томонидан ваколатли давлат органига ҳисоботлар қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этилади.

263. Қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини шакллантириш Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиларининг ҳисоб регистрларидан эмитент ва у томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ҳамда қимматли қоғозлар эгаларининг анкета маълумотлари, уларга тегишли бўлган қимматли қоғозларнинг сони, номинал қиймати, тури, шунингдек қимматли қоғозларга мажбуриятлар юклатилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва ишлов бериш йўли билан Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади.

264. Депозитар операцияларни амалга оширишга доир ҳужжатларнинг намунавий шакллари (ариза, анкета, имзо ва муҳр намуналари карточкалари, топшириқномалар ва бошқалар) Марказий депозитарий томонидан ишлаб чиқилади ва ваколатли давлат органи билан келишилгандан сўнг Марказий депозитарийнинг расмий веб-сайтига ҳисоб ташкилотлари ва манфаатдор шахслар фойдаланиши учун жойлаштирилади.

9-боб. Маълумотларнинг махфийлиги

265. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилотлари ахборотнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

266. Қимматли қоғозлар бозорида махфий ахборотни ошкор қилиш қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

267. Мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича маълумотлар — уларнинг ўзларига ёки вакилларига, ўз ваколатларига тааллуқли масалалар юзасидан — монополияга қарши давлат органига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига, судларга, қўзғатилган жиноят иши бўлган тақдирда эса тергов ва суриштирув органларига берилади.

268. Мижозларнинг — жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари бўйича маълумотлар уларнинг эгалари вафот этган тақдирда, меросхўрларга ёки ҳисобварақнинг эгаси кўрсатган шахсларга, ўз иш юритувидаги мерос ишлари юзасидан нотариал идораларга берилади, чет эл фуқароларига нисбатан эса чет давлатнинг консуллик муассасаларига берилади.

269. Махфий ахборот ваколатли давлат органига қўйидаги ҳолларда:

қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги фактларини кўриб чиқаётганда;

Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилоти аъзолари бўлган бошқа давлатларнинг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органларига уларнинг ёзма сўровига кўра ахборот берганда ошкор қилинади.

270. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терро-

ризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ махфий ахборот қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.

10-боб. Ички назоратни амалга оширишга доир талаблар

271. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ўз вазифаларини бажаришнинг барча босқичларида Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти-нинг ҳисоб регистрларидаги маълумотларни мунтазам равишда солиштириб бориш орқали ички назорат тизимини ташкил қилиши шарт.

272. Ички назорат депозитар операцияларнинг бажарилишини ҳар ойда текширишга асосланган бўлиши керак. Ички назорат натижалари бўйича баённома расмийлаштирилади ва қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилади.

273. Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ҳужжатларни қабул қилиш, яратиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва беришнинг ички тартибини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши шарт.

274. Ички назоратни амалга ошириш тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти фаолиятидаги таваккалчиликларни аниқлаш ва баҳолаш, депозитар фаолиятни амалга оширишда юзага келадиган таваккалчиликларни минималлаштириш бўйича зарур чораларни кўриш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти томонидан қонунчилик ҳужжатларининг талаблари, шунингдек депонентлар билан тузилган шартномалар ва битимлар шартлари бажарилишини назорат қилиш;

Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ходимларининг операцион тартиб-таомиллар ва лавозим мажбуриятларини бажаришда белгиланган ваколатлар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш;

Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти томонидан ижро этиш жараёнида юзага келадиган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш;

Марказий депозитарий ва ҳисоб ташкилоти ҳисоб тизимида депозитар операцияларнинг лозим даражада акс эттирилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Марказий депозитарийга ва ҳисоб ташкилотига сақлаш учун топширилган активлар ва депозитар ҳисоб материалларининг сақланиши устидан назоратни амалга ошириш;

ҳисоб маълумотларини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш тизимининг ишончилиги устидан назоратни амалга ошириш;

ички ҳисобот ва ваколатли давлат органларига тақдим этиладиган ҳисоботнинг тўғри ва ўз вақтида тузилиши устидан назоратни амалга ошириш;

махфий ахборотдан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш.

11-боб. Якуний қоида

275. Мазкур Қоидалар талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ,
НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

307 Энергия аудиторлари учун ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларида, бино ва иншоотларда энергия аудитидан ўтказишни белгиловчи техник топшириқ, дастурлар, энергетика паспорти ва ташкилий-техник чора-тадбирлар режаларининг намунавий шакллари ҳамда энергия аудиторларига қўйиладиган минимал талабларни тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3629*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 19 октябрдаги 690-сон «Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини ҳамда бино ва иншоотларни энергия истеъмолини энергия аудитидан ўтказиш тартибларини белгилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси, Энергетика вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларида энергия аудитидан ўтказишни белгиловчи техник топшириқнинг намунавий шакли 1-иловага** мувофиқ;

Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларида энергия аудитидан ўтказишни белгиловчи дастурнинг намунавий шакли 2-иловага** мувофиқ;

Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларида энергия аудитидан ўтказишни белгиловчи энергетика паспортининг намунавий шакли 3-иловага** мувофиқ;

Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларида энергия аудитидан ўтказишни белгиловчи ташкилий-техник тадбирлар режасининг намунавий шакли 4-иловага** мувофиқ;

Бино ва иншоотларда энергия аудитидан ўтказишни белгиловчи техник топшириқнинг намунавий шакли 5-иловага** мувофиқ;

Бино ва иншоотларда энергия аудитидан ўтказишни белгиловчи дастурнинг намунавий шакли 6-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 июнда эълон қилинган.

** Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бино ва иншоотларда энергия аудитидан ўтказишни белгиловчи ташкилий-техник тадбирлар режасининг намунавий шакли 7-иловага* мувофик;

Энергия аудиторларига қўйиладиган минимал талаблар 8-иловага* мувофик тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Электр энергияси, нефть
маҳсулотлари ва газдан
фойдаланишни назорат қилиш
инспекцияси бошлиғи**

И. НИМАТУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 май,
8-сон

**Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазири**

Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 май,
5 қ/қ-сон

Энергетика вазири

Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 8 май,
4-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

308 Хужжатли қимматли қоғозларни йўқ қилиш бўйича
йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3630*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ–291-сон «Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Хужжатли қимматли қоғозларни йўқ қилиш бўйича йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ 2025 йил 1 июлдан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 май,
4-сон

Келишилди:

**Марказий банк раисининг
биринчи ўринбосари**

Н. САЙДУЛЛАЕВ

2025 йил 6 май

**Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари**

Ж. УРУНОВ

2025 йил 15 апрель

Савдо-саноат палатаси раиси

Д. ВАХАБОВ

2025 йил 21 апрель

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2025 йил 15 майдаги
4-сон буйруғига
ИЛОВА

Хужжатли қимматли қоғозларни йўқ қилиш бўйича ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома бланкалар тарзидаги хужжатли қимматли қоғозларни (бундан буён матнда хужжатли қимматли қоғозлар деб юритилади) муомаладан чиқариш ва уларни йўқ қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Хужжатли қимматли қоғозларни муомаладан чиқариш ва уларни йўқ қилиш эмитент томонидан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

хужжатли қимматли қоғозлар эмитенти тугатилганда;

эмитентнинг номи ўзгарганда;

облигациялар тўлиқ сўндирилганда;

хужжатли қимматли қоғозларнинг чиқарилиши хужжатли шаклдан хужжатсиз шаклга ўтказилганда;

қонунчилик хужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

2. Хужжатли қимматли қоғозлар йўқ қилиш кўзда тутилган санадан бир ой олдин эмитент бу тўғрисида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини хабардор қилиши шарт. Бунда, эмитент қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига йўқ қилиш учун асос бўлган хужжатларни тақдим этади.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи бир ой ичида қимматли қоғозларни йўқ қилиш учун асос бўлган хужжатларни текширади ва «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» АЖга (бундан буён матнда Марказий депозитарий деб юритилади) 15 кун ичида эмитент томонидан йўқ қилинадиган хужжатли қимматли қоғозларни муомаладан чиқарилиши тўғрисидаги маълумотни тақдим этиши ва хужжатли қимматли қоғозлар эгалари хабардор этилганлигини текшириши тўғрисида кўрсатма беради.

2-боб. Хужжатли қимматли қоғозларни йўқ қилиш бўйича комиссияни шакллантириш ва қимматли қоғозларни йўқ қилиш тартиби

3. Хужжатли қимматли қоғозларни йўқ қилиш эмитент томонидан ташкил этиладиган камида беш кишидан иборат комиссия (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Комиссия таркибига эмитентнинг, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Марказий депозитарийнинг вакиллари киради.

4. Хужжатли қимматли қоғозлар ёқиб юбориш ёки уларни жисмоний майдалаш йўли билан йўқ қилинади.

5. Хужжатли қимматли қоғозларни йўқ қилиш натижалари комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади.

6. Ушбу Йўриқноманинг 5-бандида назарда тутилган далолатнома қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

эгаллаган лавозимларини кўрсатган ҳолда хужжатли қимматли қоғозларни йўқ қилиш бўйича комиссияси аъзоларининг таркиби;

хужжатли қимматли қоғозлари йўқ қилиниши лозим бўлган эмитентнинг тўлиқ номи;

хужжатли қимматли қоғозларни йўқ қилиш учун асос;

хужжатли қимматли қоғозлар бекор қилинган тақдирда, уларнинг чиқарилганлиги давлат рўйхатидан ўтказилган санаси;

қимматли қоғозларни йўқ қилиш санаси;

хужжатли қимматли қоғозларнинг тури ҳамда ушбу қимматли қоғозлар чиқарилишининг давлат рўйхати рақами;

йўқ қилиниши лозим бўлган хужжатли қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказган қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг номи;

йўқ қилинадиган хужжатли қимматли қоғозларнинг умумий сони, улар эгаларининг тўлиқ номи ва реквизитлари (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда шахсини тасдиқловчи хужжат маълумотлари);

чиқарилиши хужжатли шаклдан хужжатсиз шаклга ўзгартирилган қимматли қоғозлар бўйича депо ҳисобварақларининг рақамлари.

7. Хужжатли қимматли қоғозларни йўқ қилиш тўғрисидаги далолатнома қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи, Марказий депозитарий ҳамда эмитентда сақлаш учун уч нусхада тузилади.

8. Мазкур Йўриқноманинг 7-бандидаги далолатномаларнинг мазмунида тафовутлар мавжуд бўлганда, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига тақдим этилган далолатноманинг нусхаси устувор ҳисобланади.

9. Эмитентлар хужжатли қимматли қоғозларни йўқ қилиш тўғрисидаги далолатномани, шунингдек қимматли қоғозларни йўқ қилиш билан боғлиқ бошқа хужжатларни уч йилдан кам бўлмаган муддатга сақлашга мажбур.

3-боб. Якуний қоида

10. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRINING
BUYRUG‘I**309 “Temir yo‘l kesishmalaridan foydalanish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
17-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3363-3*

O‘zbekiston Respublikasining “Temir yo‘l transporti to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi transport vazirining 2022-yil 10-martdagi 4-son “Temir yo‘l kesishmalaridan foydalanish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘iga (ro‘yxat raqami 3363, 2022-yil 19-aprel) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 19.04.2022-y., 10/22/3363/0322-son) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

I. MAXKAMOV

Toshkent sh.,
2025-yil 22-may,
9-son

O‘zbekiston Respublikasi
transport vazirining 2025-yil 22-maydagi
9-son buyrug‘iga
ILOVA

**“Temir yo‘l kesishmalaridan foydalanish qoidalarini
tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqqa kiritilayotgan
o‘zgartirishlar va qo‘shimcha**

1. Buyruqning muqaddimasidagi “21-moddasiga” degan so‘zlar “42-moddasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Qoidalarda:

a) 1-bandda:

o‘n birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“temir yo‘l transporti infratuzilmasi — texnologik majmua bo‘lib, ushbu majmua faoliyatini ta‘minlovchi temir yo‘llarni, temir yo‘l stansiyalarini, elektr ta‘minoti qurilmalarini, aloqa tarmoqlarini, signalizatsiya, markazlashtirish va bloklash tizimlarini, axborot majmualarini, harakatni boshqarish tizimini, binolar, inshootlar, qurilmalar, jihozlar va uskunalarni o‘z ichiga oladi;”;

o‘n uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-iyunda e‘lon qilingan.

“umumiy foydalanishda bo‘lmagan temir yo‘llar — yukni jo‘natuvchilarga (jo‘natuvchilarga) va yukni oluvchilarga (oluvchilarga) shartnoma shartlari asosida xizmat ko‘rsatish yoki egalik qiluvchining o‘z ehtiyojlari uchun texnologik ishlarni bajarishga mo‘ljallangan umumiy foydalanishdagi temir yo‘llarga bevosita yoki boshqa temir yo‘l shoxobcha yo‘llari orqali tutashadigan shoxobcha temir yo‘llar, shuningdek umumiy foydalanishdagi temir yo‘llarga tutashmaydigan temir yo‘llar;”;

quyidagi mazmundagi o‘n oltinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“umumiy foydalanishdagi temir yo‘l transporti sohasidagi vakolatli tashkilot — “O‘zbekiston temir yo‘llari” aksiyadorlik jamiyati;”

o‘n oltinchi va o‘n to‘qqizinchi xatboshilar tegishli ravishda o‘n yettinchi hamda yigirmanchi xatboshilar deb hisoblansin;

o‘n yettinchi va o‘n sakkizinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“umumiy foydalanishda bo‘lmagan temir yo‘llar — yukni jo‘natuvchilarga (jo‘natuvchilarga) va yukni oluvchilarga (oluvchilarga) shartnoma shartlari asosida xizmat ko‘rsatish yoki egalik qiluvchining o‘z ehtiyojlari uchun texnologik ishlarni bajarishga mo‘ljallangan umumiy foydalanishdagi temir yo‘llarga bevosita yoki boshqa temir yo‘l shoxobcha yo‘llari orqali tutashadigan shoxobcha temir yo‘llar, shuningdek umumiy foydalanishdagi temir yo‘llarga tutashmaydigan temir yo‘llar;

umumiy foydalanishdagi temir yo‘l transporti (bundan buyon matnda temir yo‘l deb yuritiladi) — temir yo‘l transporti infratuzilmasini, harakatdagi temir yo‘l tarkibini, boshqa mol-mulkni o‘z ichiga olgan hamda ommaviy shartnomalar asosida yuridik va jismoniy shaxslarning tashishlarga bo‘lgan ehtiyojini ta‘minlash uchun mo‘ljallangan yagona ishlab chiqarish-texnologik majmua;”;

quyidagi mazmundagi o‘n to‘qqizinchi va yigirmanchi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“umumiy foydalanishdagi temir yo‘l transporti infratuzilmasining operatori (bundan buyon matnda infratuzilma operatori deb yuritiladi) — umumiy foydalanishdagi temir yo‘l transporti sohasidagi vakolatli tashkilotga tegishli bo‘lgan, umumiy foydalanishdagi temir yo‘llarning va umumiy foydalanishdagi temir yo‘l transporti infratuzilmasi boshqa obyektlarining foydalanilishini, joriy saqlanishini va modernizatsiyasini, qurilishini amalga oshiradigan, shuningdek infratuzilmadan foydalanish xizmatlarini, shu jumladan harakatdagi tarkibni o‘tkazish va olib o‘tish uchun umumiy foydalanishdagi temir yo‘llardan foydalanish bilan bog‘liq bo‘lgan xizmatlarni ko‘rsatadigan yuridik shaxs;

harakatdagi temir yo‘l tarkibi (bundan buyon matnda harakatdagi tarkib deb yuritiladi) — lokomotivlar, tortish lokomotivining yuk, bagaj, yo‘lovchi tashish vagonlari va motorvagonli harakatdagi tarkib, shuningdek tashishlarning amalga oshirilishini va temir yo‘l transportining faoliyat ko‘rsatishini ta‘minlash uchun mo‘ljallangan boshqa transport vositalari;”;

o‘n to‘qqizinchi va yigirmanchi xatboshilar tegishli ravishda yigirma birinchi hamda yigirma ikkinchi xatboshilar deb hisoblansin;

b) 3 va 4-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Temir yo‘l kesishmalari infratuzilma operatori yoki umumiy foydalanishda

bo'lmagan temir yo'llar egasi (bundan buyon matnda shoxobcha yo'llari egasi deb yuritiladi) tomonidan o'zlarining mutaxassislaridan iborat tarkibda tuziladigan Temir yo'l kesishmalarini texnik ko'rikdan o'tkazish bo'yicha komissiya (bundan buyon matnda Komissiya deb yuritiladi) ko'rigidan har yili kamida bir marta o'tkazilishi lozim.

4. Infratuzilma operatori yoki shoxobcha yo'llari egasi navbatdagi Komissiya ko'rigi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Jamoat xavfsizligi departamentining Yo'l harakati xavfsizligi xizmati (bundan buyon matnda YHXX deb yuritiladi), Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Transport vazirligi huzuridagi Transport nazorati inspeksiyasi, Avtomobil yo'llari qo'mitasi, tegishli mahalliy davlat hokimiyati organi, ko'rik o'tkazilayotgan temir yo'l kesishmasini kesib o'tuvchi avtomobil yo'l uchastkasi egasi hamda yo'lovchi tashish transport tashkilotiga yozma ravishda xabarnoma yuboradi.”;

s) 6-banddagi “DYHXX” qisqartmasi “YHXX” qisqartmasi bilan almashtirilsin;

d) 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

e) “9. Mavjud temir yo'l kesishmalarini yopish, yangisini ochish, shuningdek yo'l o'tkazgichdan 5 kilometr va undan qisqa masofada joylashgan temir yo'l kesishmalarining faoliyat ko'rsatishi maqsadga muvofiqligini aniqlash va ularni yopish YHXX bilan hamkorlikda hamda temir yo'l kesishmasini kesib o'tuvchi avtomobil yo'li uchastkasi egasi bilan kelishuv asosida infratuzilma operatori yoki shoxobcha yo'llari egasi tomonidan Komissiya ko'rigi natijalariga ko'ra amalga oshiriladi.

Temir yo'l kesishmalarini qurish, rekonstruksiya qilish va ta'mirlash loyihalarini YHXX bilan kelishish Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 22-fevraldagi 86-son qarori bilan tasdiqlangan Maxsus elektron tizim orqali ruxsat etish xususiyatiga ega ayrim hujjatlarni berish tartib-taomillari to'g'risida yagona nizomga muvofiq amalga oshiriladi.”;

f) 11-bandning birinchi xatboshisi, 12, 17, 18-bandlar, 24-bandning birinchi xatboshisi, 25-band, 33-bandning ikkinchi xatboshisi, 36-band, 42-bandning ikkinchi xatboshisi, 49-bandning birinchi xatboshisi, 80, 81, 88, 89-bandlar, 96-bandning “v” kichik bandi, 97-bandning uchinchi xatboshisi, 101-bandning “v” kichik bandi hamda 107-banddagi “infratuzilma egasi” degan so'zlar “infratuzilma operatori” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

g) 13, 14, 27-bandlar hamda 73-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Infratuzilma egasi” degan so'zlar “Infratuzilma operatori” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

h) 15-bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilari hamda 26-bandning birinchi xatboshisidagi “shoxobcha yo'llari” degan so'zlar “umumiy foydalanishda bo'lmagan temir yo'llar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

i) 31-banddagi “temir yo'l harakatdagi tarkibi” degan so'zlar “harakatdagi tarkib” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

j) 32-banddagi “temir yo'l harakatdagi tarkibining” degan so'zlar “harakatdagi tarkibning” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

k) 48-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“48. Kechayu-kunduz navbatchilik tartibi o'rnatilmagan temir yo'l kesishmalari ro'yxati va ularning ish soatlari haqida infratuzilma operatori yoki shoxobcha

yo'llari egasi YHXX va temir yo'l kesishmalari joylashgan avtomobil yo'li egasini yozma ravishda xabardor qiladi.”;

l) 57-banddagi “Temir yo'l infratuzilmasida” degan so'zlar “Temir yo'l transporti infratuzilmasida” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

m) 99-banddagi “Maxsus o'ziyurar temir yo'l harakatdagi tarkibi” degan so'zlar “O'ziyurar maxsus harakatdagi tarkib” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

n) 102-bandning “a” kichik bandidagi “DYHXXga, infratuzilma egasi” degan so'zlar “YHXXga, infratuzilma operatori” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o) 103-banddagi “Infratuzilma egalari” degan so'zlar “Infratuzilma operatorlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

p) 105-bandda:

birinchi xatboshidagi “infratuzilma egasi” degan so'zlar “infratuzilma operatori” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “DYHXX” qisqartmasi “YHXX” qisqartmasi bilan almashtirilsin;

q) 1-ilova matnidagi “shoxobcha yo'llaridagi” degan so'zlar “umumiy foydalanishda bo'lmagan temir yo'llaridagi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRINING
BUYRUG'I

310 **Temir yo'l transporti hamda metropolitenda harakat va tashishlar xavfsizligi talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalarni tasniflash, xizmat tekshiruvini olib borish va hisobga olish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
17-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3376-1*

O'zbekiston Respublikasining "Temir yo'l transporti to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi transport vazirining 2022-yil 9-iyundagi 7-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3376, 2022-yil 27-iyul) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 27.07.2022-y., 10/22/3376/0682-son) bilan tasdiqlangan Temir yo'l transporti hamda metropolitenda harakat va tashishlar xavfsizligi talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalarni tasniflash, xizmat tekshiruvini olib borish va hisobga olish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

I. MAXKAMOV

Toshkent sh.,
2025-yil 22-may,
10-son

O'zbekiston Respublikasi
transport vazirining 2025-yil 22-maydagi
10-son buyrug'iga
ILOVA

Temir yo'l transporti hamda metropolitenda harakat va tashishlar xavfsizligi talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalarni tasniflash, xizmat tekshiruvini olib borish va hisobga olish tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar

1. 1-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"harakatdagi temir yo'l tarkibi (bundan buyon matnda harakatdagi tarkib deb yuritiladi) — lokomotivlar, tortish lokomotivining yuk, bagaj, yo'lovchi tashish vagonlari va motorvagonli harakatdagi tarkib, shuningdek tashishlarning amalga oshirilishini va temir yo'l transportining faoliyat ko'rsatishini ta'minlash uchun mo'ljallangan boshqa transport vositalari;"

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-iyunda e'lon qilingan.

beshinch, o'n beshinch, o'n oltinch va yigirma birinch xatboshilardagi "bekatlar oralig'iga" degan so'zlar "peregonga" degan so'z bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshidagi "bekatlar oralig'i" va "bekatlari" degan so'zlar tegishli ravishda "peregona" va "bekatlari, temir yo'l stansiyalari" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'n to'rtinch xatboshidagi "bekatga" va "bekatning" degan so'zlar tegishli ravishda "temir yo'l stansiyasiga" va "temir yo'l stansiyasining" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'n yettinchi xatboshidagi "bekat" degan so'z "bekat yoki temir yo'l stansiyasi" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'n to'qqizinchi xatboshidagi "bekat" degan so'z "bekat yoxud temir yo'l stansiyasi" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

yigirma beshinch xatboshidagi "bekatlar oralig'ida va bekatda" degan so'zlar "peregonda va temir yo'l stansiyasida" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

yigirma oltinch xatboshidagi "umumiy foydalanishdagi temir yo'llar va idoralarga qarashli shoxobcha temir yo'llari" degan so'zlar "umumiy foydalanishdagi va umumiy foydalanishda bo'lmagan temir yo'llari" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

yigirma yettinchi xatboshidagi "bekatda" va "bekatlarda" degan so'zlar tegishli ravishda "temir yo'l stansiyasida" va "temir yo'l stansiyalarida" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 3-bandning birinch xatboshisidagi "bekatlar va ularning oralig'ida" va "bekatlarida" degan so'zlar tegishli ravishda "temir yo'l stansiyalari va peregonda" va "temir yo'l stansiyalarida" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 4-bandning birinch xatboshisidagi "bekatlar va ularning oralig'ida" degan so'zlar "temir yo'l stansiyalari va peregonda" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. 5-bandda:

uchinch xatboshidagi "bekatlar va ularning oralig'ida" degan so'zlar "temir yo'l stansiyalari va peregonda" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

beshinch xatboshidagi "bekatlar oralig'iga" degan so'zlar "peregonga" degan so'z bilan almashtirilsin;

o'ninch xatboshidagi "bekat oralig'iga" degan so'zlar "peregonga" degan so'z bilan almashtirilsin;

yigirma birinch xatboshidagi "bekatda" degan so'z "temir yo'l stansiyasida" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

yigirma uchinch xatboshidagi "bekatlar oralig'idagi" degan so'zlar "peregondagi" degan so'z bilan almashtirilsin;

yigirma to'rtinch xatboshidagi "bekatlaridan jo'natilishi bekor qilinishi yoki bekatlar oralig'i yoxud oraliq bekatlarida" degan so'zlar "temir yo'l stansiyalaridan jo'natilishi bekor qilinishi yoki peregon yoxud oraliq temir yo'l stansiyalarida" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

5. 6-bandning o'n ikkinchi va o'n uchinch xatboshilaridagi "bekatlar oralig'i yo'llarining birida yoki bekatda" degan so'zlar "peregona yo'llarining birida yoki temir yo'l stansiyasida" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

6. 9-bandda:

birinchi xatboshidagi “ularning oralig‘idagi” degan so‘zlar “peregondagi” degan so‘z bilan almashtirilsin;

to‘rtinchi xatboshidagi “bekatlar oralig‘ida” degan so‘zlar “peregonda” degan so‘z bilan almashtirilsin.

7. 10-bandda:

“a” kichik banddagi “bekatlar oralig‘idagi” degan so‘zlar “peregondagi” degan so‘z bilan almashtirilsin;

“b” va “v” kichik bandlardagi “bekatlar oralig‘ida” degan so‘zlar “peregonda” degan so‘z bilan almashtirilsin.

8. 11-bandning o‘n yettinchi xatboshisidagi “bekatlar oralig‘ining” degan so‘zlar “peregoning” degan so‘z bilan almashtirilsin.

9. 19-bandning oltinchi xatboshisidagi “umumiy foydalanishdagi temir yo‘llar va idoralarga qarashli temir yo‘l shoxobcha yo‘llar” degan so‘zlar “umumiy foydalanishdagi va umumiy foydalanishda bo‘lmagan temir yo‘llar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

10. 30-bandda:

to‘qqizinchi xatboshidagi “temir yo‘llar yoki idoralarga” degan so‘zlar “yoki umumiy foydalanishda bo‘lmagan temir yo‘llarga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

o‘ninchi xatboshidagi “umumiy foydalanishdagi temir yo‘llar yoki idoralarga qarashli shoxobcha yo‘llari” degan so‘zlar “umumiy foydalanishdagi temir yo‘llar yoki umumiy foydalanishda bo‘lmagan temir yo‘llari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

o‘n uchinchi va o‘n yettinchi xatboshilardagi “umumiy foydalanishdagi temir yo‘llar yoki idoralarga qarashli shoxobcha temir yo‘llari” degan so‘zlar “umumiy foydalanishdagi temir yo‘llar yoki umumiy foydalanishda bo‘lmagan temir yo‘llari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

11. 1-ilovaning 11-bandidagi “bekat” degan so‘z “temir yo‘l stansiyasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

12. 2, 7 va 8-ilovalarning matnidagi “bekat, bekat oralig‘i” degan so‘zlar “temir yo‘l stansiyasi, peregon” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

13. 6-ilovaning nomidagi “Umumiy foydalanishdagi temir yo‘llar yoki idoralarga qarashli shoxobcha temir yo‘llari” degan so‘zlar “Umumiy foydalanishdagi temir yo‘llar yoki umumiy foydalanishda bo‘lmagan temir yo‘llari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

14. 9-ilovada:

a) “Poyezdlar halokati” bo‘limida:

“Temir yo‘l transportida” bobidagi “bekatlar va ularning oralig‘ida” va “bekatlarida” degan so‘zlar tegishli ravishda “temir yo‘l stansiyalari va peregonda” va “temir yo‘l stansiyalarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“Metropolitenda” bobida:

“ularning oralig‘idagi” degan so‘zlar “peregondagi” degan so‘z bilan almashtirilsin;

“bekatlar oralig‘ida” degan so‘zlar “peregondagi” degan so‘z bilan almashtirilsin;

b) “Avariylar” bo‘limida:

“Temir yo‘l transportida” bobidagi “bekatlar va ularning oralig‘ida” degan so‘zlar “temir yo‘l stansiyalari va peregon” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“Metropolitenda” bobida:

“bekatlar oralig‘idagi” degan so‘zlar “peregon” degan so‘z bilan almashtirilsin;

“bekatlar oralig‘ida” degan so‘zlar “peregon” degan so‘z bilan almashtirilsin.

15. 10-ilovada:

a) “Ishdagi alohida hodisalar” bo‘limida:

“Temir yo‘l transportida” bobida:

“bekatlar va ularning oralig‘ida” degan so‘zlar “temir yo‘l stansiyalari va peregon” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“bekatlar oralig‘iga” degan so‘zlar “peregon” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“Bekatda” degan so‘z “Temir yo‘l stansiyasida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“bekatlar oralig‘idagi” degan so‘zlar “peregon” degan so‘z bilan almashtirilsin;

“bekatlaridan jo‘natilishi bekor qilinishi yoki bekatlar oralig‘i yoxud oraliq bekatlarida” degan so‘zlar “temir yo‘l stansiyalaridan jo‘natilishi bekor qilinishi yoki peregon yoxud oraliq temir yo‘l stansiyalarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“Metropolitenda” bobidagi “bekatlar oralig‘ining” degan so‘zlar “peregonning” degan so‘z bilan almashtirilsin;

b) “Ishdagi hodisalar” bo‘limining “Temir yo‘l transportida” bobida:

“bekatda” degan so‘z “temir yo‘l stansiyasida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“Bekatlar oralig‘i yo‘llarining birida yoki bekatda” degan so‘zlar “Peregon yo‘llarining birida yoki temir yo‘l stansiyasida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

311 Электрон тижоратда курьерлик хизмати фаолиятини
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
хақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3631*

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни
ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 26 декабр-
даги 885-сон «Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳасини янада
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буйра-
ман:**

1. Электрон тижоратда курьерлик хизмати фаолиятини амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқарти-
риш ва бандлик вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақобатни ривож-
лантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Ўзбекис-
тон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўз-
бекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2025 йил 16 май,
1-сон

Келишилди:

**Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири**

Б. ЗАХИДОВ

2025 йил 29 апрель

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХУДАЯРОВ

2025 йил 30 апрель

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 июнда эълон қилинган.

*Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш қўмитаси раиси*

Ҳ. ТУРАХУЖАЕВ

2025 йил 19 апрель

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари*

Ж. УРУНОВ

2025 йил 24 апрель

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2025 йил 28 апрель

*Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жамоат
саломатлиги қўмитаси раиси*

Б. ЮСУПАЛИЕВ

2025 йил 23 апрель

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2025 йил 16 майдаги
1-сон буйруғига
ИЛОВА

**Электрон тижоратда курьерлик хизмати фаолиятини
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом электрон тижоратда курьерлик хизмати фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

электрон тижорат оператори ахборот тизими — товарлар ва маҳсулотларга (бундан буён матнда товарлар деб юритилади) буюртма бериш ва уларни етказиб бериш учун фойдаланиладиган дастурий-аппарат мажмуаси (веб-сайт, мобил илова ва бошқалар);

курьер — тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқарувчилар ва (ёки) сотувчилар, умумий овқатланиш корхоналари ҳамда етказиб бериш хизмати операторлари билан меҳнат шартномалари ва (ёки) фуқаролик-ҳуқуқий

шартномалар асосида товарларни етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатувчи жисмоний шахс, шу жумладан ўзини ўзи банд қилган шахс;

етказиб бериш хизмати оператори — электрон тижорат операторлари билан тузилган шартнома асосида товарларни етказиб бериш хизматларини кўрсатувчи ёки курьерлар орқали буюртмаларни харидорларга етказиб бериш хизматларини кўрсатувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор;

харидор — электрон тижоратда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидори, истеъмолчиси сифатида иштирок этувчи юридик ёки жисмоний шахслар;

сотувчи — ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) чакана ва (ёки) улгуржи сотиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, ўзини ўзи банд қилган шахслар;

термоконтейнер (термосумка) — товарларни ташишда керакли ҳарорат режимини сақлаш учун мўлжалланган идиш;

етказиб бериш хизмати — товарни сотувчидан қабул қилиш, ташиш, харидорга топшириш ва зарур ҳолларда тўловни қабул қилиш каби операцияларни ўз ичига олган комплекс хизмат.

2-боб. Товарларни етказиб беришга қўйиладиган талаблар

2. Товарларни етказиб бериш хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилади.

3. Етказиб бериш хизматини кўрсатишга буюртма харидор ёки сотувчи томонидан электрон тижорат операторининг ахборот тизими орқали ёки иштирокчилар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бошқа усулда расмийлаштирилади. Етказиб бериш хизматини кўрсатиш шартлари (етказиб бериш муддатлари, нархи, усуллари, ҳудуди ва бошқалар) буюртмани расмийлаштириш вақтида харидорга маълум қилиниши керак.

4. Етказиб бериш хизматларини кўрсатиш шартлари ва талаблари мазкур Низом ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ электрон тижорат иштирокчилари (сотувчилар, харидорлар, электрон тижорат оператори ва етказиб бериш хизмати оператори) ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

5. Етказиб бериш хизматларининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

ишончлилик — етказиб бериш пайтида товарнинг бутлиги, унинг истеъмол хусусиятлари ва товар кўринишининг сақланишини таъминлаш;

ўз вақтида етказиш — харидор билан келишилган етказиб бериш муддатларига риоя қилиш. Бунда, ҳар қандай тахмин қилинаётган ёки юзага келган кечикишлар тўғрисида харидор ўз вақтида хабардор қилиниши керак;

хавфсизлик — товар ва курьер хавфсизлигини таъминловчи барча қоидаларга риоя қилиш;

ахборот бериш — харидорга етказиб бериш ҳолатини кузатиш (агар тех-

ник жиҳатдан мумкин бўлса) ва курьернинг тахминий келиш вақти тўғрисида маълумот олиш имкониятини тақдим этиш.

6. Етказиб бериш хизмати операторлари ва курьерлар (бундан буён матнда етказиб бериш хизматлари ижрочилари деб юритилади), агар бу сотувчи ёки электрон тижорат оператори билан тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, харидорлардан товар ва (ёки) етказиб бериш хизматлари учун тўловларни (шу жумладан, нақд пул маблағларини) қабул қилишга ҳақли.

Бунда, тўловни қабул қилишда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши, шу жумладан назорат-касса техникасини мажбурий қўллаш ёки электрон ёхуд қоғоз шаклида чек (квитанция) тақдим этилиши лозим.

3-боб. Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришнинг ўзига хос хусусиятлари

7. Етказиб бериш хизматлари ижрочилари озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда қонунчилик ҳужжатлари ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилишлари, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари ташиладиган транспорт воситалари ҳамда термоконтейнерларни (термосумкаларни) қонунчиликда белгиланган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шартларига мувофиқ жиҳозланишини таъминлаши шарт.

8. Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда қуйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

озиқ-овқат маҳсулотлари ташиладиган транспорт воситалари, термоконтейнерлар (термосумкалар) ва қадоқлаш воситалари тоза ҳамда соз ҳолатда бўлиши, шунингдек мунтазам ювилиши ва дезинфекция қилиниши;

қадоқлаш воситалари озиқ-овқат маҳсулотлари бевосита тегиб туришига рухсат этилган материаллардан тайёрланган бўлиши ҳамда ифлосланишдан ва ҳайвонлар ва ҳашаротларнинг киришидан ҳимояни таъминлаши.

9. Қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда уларнинг бевосита тегиб туришининг олдини олиш учун алоҳида ташиш (секциялар ёки термоизоляцияон тўсиқлардан фойдаланган ҳолда алоҳида термоконтейнерларда (термосумкалар) таъминланиши лозим:

хом ва тайёр маҳсулотлар;

совитилган, музлатилган ва иссиқ маҳсулотлар;

озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари;

ўткир ҳидли маҳсулотлар ва бошқа товарлар.

10. Тез бузиладиган ва (ёки) муайян ҳарорат режимига мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларини (совитилган, музлатилган, иссиқ овқатлар) етказиб беришда курьерлар зарур ҳароратни сақлаб туришни таъминловчи соз ҳолатдаги термоконтейнерлар (термосумкалар) билан таъминланиши лозим.

Бунда, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда ҳароратни назорат қилиш воситаларидан (термоиндикаторлар, логгерлар) фойдаланилиши мумкин.

11. Озиқ-овқат маҳсулотлари курьерга қадоқланган ҳолда топширилиши лозим. Қадоқ бутун, тоза, бегона ҳидларсиз бўлиши шарт.

4-боб. Етказиб бериш хизмати операторларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Етказиб бериш хизмати операторининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

куръерлар билан тегишли меҳнат шартномалари ва (ёки) фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларини тузиш;

иш ҳақи ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловни шартномалар бўйича ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;

куръерларни меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда етказиб бериш қоидалари билан таништириш ҳамда қонунчилик талабларига риоя қилиш бўйича дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) ўқитишни ташкил этиш;

куръерларни (агар шартномада назарда тутилган бўлса) зарур ускуналар (термоконтейнерлар, фискал қурилмалар), шунингдек етказиб бериш хизматининг таниш белгилари ва махсус кийим-бош (қоронғи вақтда ишлаш учун нур қайтарувчи элементларга эга бўлган) билан таъминлаш;

етказиб бериш жараёни, муддатлари, товарлар ва пул маблағларини қабул қилиш ва топшириш тартибини (ички йўриқномалар, қоидалар ва бошқалар) ишлаб чиқиш ҳамда уларга риоя этилишини назорат қилиш;

истеъмолчиларнинг етказиб бериш хизматлари сифати бўйича мурожаатларини (шикоят, таклифларини) қабул қилиш ва кўриб чиқиш жараёнини ташкил этиш;

куръерлардан уларнинг шахсий маълумотларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш хизмати кўрсатилаётган харидорларга тақдим қилиниши бўйича розилигини олиш;

товарларнинг харидорларга топширилгунга қадар сақланиши учун субсидиар жавобгарликни ўз зиммасига олиш.

Етказиб бериш хизмати оператори қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Етказиб бериш хизмати оператори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

етказиб бериш хизматларини кўрсатиш учун куръерларни ишга жалб қилиш;

куръерлардан қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Низом ва ички қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

куръерларни зарур моддий-техник ресурслар, шу жумладан транспорт воситалари билан таъминлаш;

харидорлардан (сотувчилар, электрон тижорат операторлари, истеъмолчилар) кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олиш.

Етказиб бериш хизмати оператори қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5-боб. Куръерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Куръерларнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан Йўл ҳаракати қоидалари, мазкур

Низом ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиш (тоза ва саришта кўринишни сақлаш);

етказиб берилаётган товарларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг сақланишини, қадоқнинг бутлигини ва зарур ҳарорат режимига риоя этилишини (термоконтейнердан фойдаланганда) таъминлаш;

товарларни етказиб беришни амалга ошириш ҳамда келишилган етказиб бериш муддатларига риоя қилиш;

етказиб бериш хизматининг мобиль иловасидан, навигация воситаларидан ва ускуналардан (тўлов терминали, термоконтейнер) фойдаланишни билиш;

етказиб бериш жараёнида юзага келган ҳар қандай муаммолар (йўл ҳаракати ҳодисаси, товарнинг шикастланиши, топширишнинг имконсизлиги, кечикиш ва ҳ.к.) тўғрисида етказиб бериш хизмати операторига (ёки сотувчини) зудлик билан хабар бериш;

харидорларнинг шахсий маълумотлари ва буюртмалар тўғрисидаги маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик.

Курьерлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Курьерлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

харидорлардан товарлар учун нақд пул маблағларини қабул қилиш;

шартнома ёки келишувда белгиланган муддатда кўрсатилган хизматлар учун иш ҳақи ва қўшимча тўловлар олиш;

буюртмани бажариш қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига олиб келса, курьернинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин бўлса ёки тақдим этилган товарлар қонунчилик талабларига жавоб бермаса (масалан, қадоқ, ҳарорат режими бузилган бўлса), буюртмани бажаришдан бош тортиш.

Курьерлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Курьерга қуйидагиларни амалга оширишга йўл қўйилмайди:

товарнинг қадоғини ўзбошимчалик билан очиш, бундан харидор ва сотувчи билан келишилган ҳолда товарларни текшириш назарда тутилган ҳоллар мустасно;

етказиб берилаётган товарни тегишли буюртмада кўрсатилган харидорлардан бошқа учинчи шахсларга бериш, бундан буюртма бекор қилинган ва (ёки) рад этилган тақдирда, товарни утилизация қилувчи хизматларга ёхуд буюртма рақамини айтган шахсларга топшириш мустасно;

хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган ёки алоҳида тоифадаги товарларни ташиш учун мўлжалланмаган транспорт воситаларидан фойдаланиш;

товарни атайлаб йўқ қилиш ёки шикастлаш;

харидордан буюртма суммаси ва етказиб бериш нархидан ортиқча қўшимча ҳақ талаб қилиш;

харидорларнинг шахсий маълумотларини ва (ёки) етказиб берилаётган товар ҳақидаги маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилиш;

алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида товарларни етказиб бериш.

6-боб. Якуний қоидалар

17. Электрон тижоратда курьерлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

18. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

312 Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-9*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ–291-сон «Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 29 ноябрдаги 2008-41-сон буйруғи (рўйхат рақами 1899, 2009 йил 6 февраль) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2025 йил 28 май,
05-сон

Келишилди:

**Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари**

Ж. УРУНОВ

2025 йил 28 май

Савдо-саноат палатаси раиси

Д. ВАХАБОВ

2025 йил 27 май

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2025 йил 28 майдаги
05-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг
ички назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-
ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**»

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси-
нинг ички назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилай-
ди.

Мазкур Низом талаблари қимматли қоғозлар бозорида профессионал
фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларга татбиқ қилинади, тижорат
банклари ва суғурта ташкилотлари бундан мустасно.».

б) 5-банд «остида» деган сўздан кейин «бўлган» деган сўз билан тўлди-
рилсин.

с) 13¹-банддаги «малака гувоҳномасига» деган сўзлар «малака сертифика-
тига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

д) 14-бандда:

иккинчи хатбошидаги «малака гувоҳномасига» деган сўзлар «малака сер-
тификатига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «банкрот» деган сўз «тўловга қобилиятсиз» деган
сўзлар билан алмаштирилсин.

е) 15-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ф) 17-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Назоратчи қонунчилик ҳужжатлари ва (ёки) Йўриқномада белгиланган
бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.».

г) 18-банднинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этил-
син:

«Назоратчига қонунчилик ҳужжатларида ва (ёки) Йўриқномада белги-
ланган бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.».

х) 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Назоратчи қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик
ҳужжатлари бузилганлигини аниқлангандан сўнг бир иш куни ичида ушбу
ҳолат юзасидан профессионал иштирокчининг ижроия органига ва қимматли
қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ёзма
равишда ахборот бериши шарт.».

и) 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Профessional иштирокчига келиб тушган ва назоратчи фаолиятига

тегишли бўлган ариза ва шикоятлар қўриб чиқиш учун назоратчига юборилади. Бундай ариза ва шикоятлар профессионал иштирокчи томонидан келиб тушган куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса кейинги иш куни рўйхатдан ўтказилиши керак.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

313 Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифа-
га кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйха-
тини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3632*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги
ПҚ–311-сон «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид
чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи
шахслар даволанадиган касалликлар рўйхати 1-иловага** мувофиқ тас-
диқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз
кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазир-
лиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қи-
лиш қўмитаси ҳамда Давлат тиббий суғурта жамғармаси билан келишилган.
4. Мазкур буйруқ 2025 йил 1 июлдан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ХУДАЯРОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 9 июнь,
7-сон

Келишилди:

Иқтисодиёт ва молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2025 йил 5 июнь

**Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш қўмитаси раиси**

Ҳ. ТУРАХУЖАЕВ

2025 йил 3 июнь

**Давлат тиббий суғурта жамғармаси
ижро этувчи директори**

З. ЭРМАТОВ

2025 йил 4 июнь

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил
9 июндаги 7-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 18 июлдаги 89-сон «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3176, 2019 йил 15 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.08.2019 й., 10/19/3176/3562-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 17 январдаги 3-сон «Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизими-га ўтказилган давлат тиббиёт муассасаларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3348, 2022 йил 9 февраль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.02.2022 й., 10/22/3348/0126-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 17 октябрдаги 24-сон «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3348-1, 2022 йил 19 октябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.10.2022 й., 10/22/3348-1/0943-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 27 июндаги 22-сон «Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизими-га ўтказилган давлат тиббиёт муассасаларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатининг I бўлими 2-бобида ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3348-2, 2023 йил 6 июль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2023 й., 10/23/3348-2/0456-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 29 майдаги 15-сон «Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизими-га ўтказилган давлат тиббиёт муассасаларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3348-3, 2024 йил 7 июнь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.06.2024 й., 10/24/3348-3/0415-сон).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH
AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG'I

314 Maydoni 2000 metr kvadratgacha bo'lgan bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasiga asosan xususiylashtirish yoki ijaraga berish uchun to'g'ridan-to'g'ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
19-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3503-2*

O'zbekiston Respublikasining "Davlat mulkini xususiylashtirish to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 21-apreldagi PF-70-son "2025-yil uchun xususiylashtirish dasturi to'g'risida"gi Farmoni va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 21-apreldagi 247-son "Bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini xatlovdan o'tkazish va ulardan samarali foydalanishni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2024-yil 13-fevraldagi 56-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3503, 2024-yil 18-mart) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 25.03.2024-y., 10/24/3503/0239-son) bilan tasdiqlangan Maydoni 2000 metr kvadratgacha bo'lgan bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasiga asosan xususiylashtirish yoki ijaraga berish uchun to'g'ridan-to'g'ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Direktor

A. ORTIKOV

Toshkent sh.,
2025-yil 11-iyun,
01/7-11/42-son

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri

J. KUCHKAROV

2025-yil 11-iyun

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-iyunda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Davlat aktivlarini boshqarish agentligi
direktorining 2025-yil 11-iyundagi
01/7-11/42-son buyrug'iga
ILOVA

Maydoni 2000 metr kvadratgacha bo'lgan bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasiga asosan xususiylashtirish yoki ijaraga berish uchun to'g'ridan-to'g'ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar va qo'shimcha

1. 1-bandda:

uchinchi, to'qqizinchi va o'ninchi xatboshilardagi "Davaktiv" degan so'z "Davlat aktivlari" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

oltinchi — o'ninchi xatboshilar tegishli ravishda beshinchi — to'qqizinchi xatboshilar deb hisoblansin.

yettinchi xatboshidagi "obyektini o'z balansida hisobga olgan davlat tashkiloti, shu jumladan, davlat muassasasi va davlat muassasasi" degan so'zlar "obyekti birlashtirilgan yuridik shaxs" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2. 5, 7, 20 va 21-bandlardagi hamda ilova matnidagi "Davaktiv" degan so'z "Davlat aktivlari" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 12-bandda:

uchinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

to'rtinchi — oltinchi xatboshilar tegishli ravishda uchinchi — beshinchi xatboshilar deb hisoblansin.

4. 14-bandda:

to'rtinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

to'rtinchi — oltinchi xatboshilar tegishli ravishda uchinchi — beshinchi xatboshilar deb hisoblansin.

5. 19-bandda:

birinchi xatboshidagi "Davaktiv" degan so'z "Davlat aktivlari" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Bunda, Davlat aktivlari agentligining hududiy boshqarmasi tomonidan Buxgalteriya hisobi milliy standartlariga muvofiq besh ish kuni ichida davlat ko'chmas mulki obyektlarini inventarizatsiyadan o'tkazish to'g'risida balansda saqlovchiga yozma talabnoma yuboriladi.";

quyidagi mazmundagi beshinchi va oltinchi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

"Talabnoma kelib tushgan vaqtdan boshlab besh ish kuni ichida Davlat aktivlari agentligi tomonidan tasdiqlangan shakllar bo'yicha tegishli inventarizatsiyadan o'tkazish dalolatnomalari balansda saqlovchining rahbari tomonidan imzolanadi hamda Davlat aktivlari agentligining hududiy boshqarmasiga taqdim etiladi.

Davlat aktivlari agentligi yoki hududiy boshqarmaning qarori bilan balansda saqlovchining inventarizatsiyadan o'tkazish muddati bir oydan ortiq bo'lmagan muddatga uzaytirilishi mumkin.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

315 “Tibbiy-mehnat ekspert komissiyalarida ko'rik dalolatnomalarini rasmiylashtirish va yuritish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi buyruqni o'z kuchini yo'qotgan deb topish haqida*

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 19-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2653-1

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 16-iyuldagi PQ–257-son “Nogironlikni belgilash tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi qarori va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 8-fevraldagi 62-son “Tibbiy-ijtimoiy ekspertiza xizmati tashkiliy tuzilmasini va faoliyatini tashkil etishga oid normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida”gi qaroriga asosan **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2015-yil 7-yanvardagi 1-son “Tibbiy-mehnat ekspert komissiyalarida ko'rik dalolatnomalarini rasmiylashtirish va yuritish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 2653, 2015-yil 6-fevral) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 5-son, 62-modda) o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi, Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

J. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 27-may,
262-son

Kelishildi:

Sog'liqni saqlash vaziri

A. XUDAYAROV

2025-yil 22-may

**Kambag'allikni qisqartirish
va bandlik vaziri**

B. ZAXIDOV

2025-yil 5-may

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-iyunda e'lon qilingan.

*Ijtimoiy himoya milliy
agentligi direktori*

M. OLLOYOROV

2025-yil 28-aprel

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

316 Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 ноябрдаги ПҚ–389-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2024 йил 18 декабрдаги ПҚ–443-сон «Ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 7 августдаги 5-мх-сон «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2923, 2017 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 939-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 май,
5-мх-сон

Келишилди:

**Олий таълим, фан ва
инновациялар вазир**

К. ШАРИПОВ

2025 йил 19 май

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 июнда эълон қилинган.

Мудофаа вазири

2025 йил 26 май

Ички ишлар вазири

2025 йил 22 май

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси раиси*

2025 йил 28 май

*Ўзбекистон Республикаси мудофаасига
қўмаклашувчи «Ватанпарвар»
ташкилоти раиси*

2025 йил 16 май

*Ўзбекистон Миллий паралимпия
қўмитаси раҳбари*

2025 йил 24 май

Ш. ХАЛМУХАМЕДОВ

А. ТАШПУЛАТОВ

К. РАФИКОВ

Х. БАТИРОВ

М. ТАШХОДЖАЕВ

Ўзбекистон Республикаси
спорт вазирининг 2025 йил 30 майдаги
5-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарорда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ва ундан чиқариш ҳамда реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;

б) 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ва ундан чиқариш ҳамда реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.».

2. Низомнинг матни мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ва ундан чиқариш ҳамда реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига (бундан буён матнда реестр деб юритилади) киритиш ва ундан чиқариш ҳамда реестрни юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

спорт тури — жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолият тури бў-

либ, у инсоннинг спорт мусобақаларига ўзига хос тарзда тайёргарлик кўриши билан ажралиб туради, спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этишга доир талаблар, тартиб ва шартлар белгиланадиган қоидаларга, низомга (регламентга) эга бўлади;

спорт турининг тармоғи — фарқловчи белгиларга эга бўлган ҳамда битта ёки бир нечта спорт мусобақалари дастурлари турларини ўз ичига оладиган спорт турининг қисми.

2. Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни реестрга киритиш ва ундан чиқариш ҳамда реестрни юритиш Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

3. Спорт тури ва спорт турининг тармоғини эътироф этиш учун у спорт турига мос белгига, аниқ мусобақа қоидаларига, машғулот ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларига, спорт машғулотлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш талабларига жавоб берадиган спорт инфратузилмасининг мавжудлиги, спорт инфратузилмаси, фойдаланиладиган спорт анжомлари ва жиҳозларига эга бўлиши, спортчиларнинг қатнашиши, одамнинг жисмоний ва ақлий ривожланиш қобилияти ҳамда ҳаракат фаоллигини такомиллаштиришга, шунингдек соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилиши лозим.

4. Реестр Ўзбекистон Республикасида ривожлантирилаётган спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари бўйича ягона базани яратиш мақсадида юритилади.

2-боб. Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш учун қўйиладиган талаблар

5. Спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари эътироф этилиши учун улар қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

спорт турлари ва спорт тури тармоқлари бошқа эътироф этилган спорт турларидан ва спорт тури тармоқларидан ҳамда уларнинг қоидалари мазмуни, мусобақалар жараёнлари ва уларни баҳолаш усуллари, машғулот жойи, фойдаланиладиган спорт анжомлари (ҳимоя воситаларидан ташқари) ва жиҳозлари бўйича ажралиб турувчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши;

Ўзбекистон Республикасида эътироф этилган спорт турлари ва спорт тури тармоқларининг номларидан фарқланувчи ҳамда қисқартмалардан фойдаланилмаган ўзининг номига эга бўлиши (спорт тури тармоқларини ҳисобга олмаганда);

Ўзбекистон Республикасида спорт машғулотлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш талабларига жавоб берадиган спорт инфратузилмасининг мавжудлиги;

спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари бўйича халқаро спорт ташкилотининг мавжудлиги;

спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этишга доир талаблар, тартиб ва шартлар белгиланадиган қоидалар, низом (регламент) мавжудлиги;

турли даражадаги спорт мусобақаларига спортчиларни тайёрлаш бўйича ўқув дастурларининг мавжудлиги;

спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари маъмурий-худудий тузилмаларнинг (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) камида еттитасида ривожланганлиги, ушбу Низомга 2-илоvasида* назарда тутилган спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари бундан мустасно;

шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, зўравонлик ва шафқатсизликни, ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа муросасизликни ҳамда камситишнинг ҳар қандай шаклини тарғиб қилмаслиги.

6. Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда спорт турлари ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш ваколатли орган томонидан, истисно тариқасида, реестрга тўғридан-тўғри киритилади.

3-боб. Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш

7. Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш республика спорт федерациялари (уюшмалари), жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари аризаси асосида ваколатли орган томонидан амалга оширилади, мазкур Низомнинг 6-банди бундан мустасно.

8. Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш учун ваколатли органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) спорт тури ёки спорт тури тармоғининг аниқ номи кўрсатилган ариза;

б) спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этишга доир талаблар, тартиб ва шартлар белгиланадиган қоидалар, низом (регламент);

в) Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида спорт турлари ёки спорт турининг тармоқлари ривожланаётганлиги тўғрисида спорт федерацияси (уюшмаси) ёки жисмоний тарбия-спорт ташкилоти томонидан тасдиқланган маълумотнома.

9. Спорт турлари ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш тўғрисидаги ариза ваколатли орган раҳбарининг буйруғи билан ташкил этиладиган доимий фаолият юритадиган Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ва реестрдан чиқариш бўйича эксперт комиссияси (бундан буён матнда Эксперт комиссияси деб юритилади) томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, спорт турлари ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш ёки эътироф этишни рад этиш тўғрисида хулоса берилади.

10. Эксперт комиссияси 11 нафар кишидан кам бўлмаган таркибда тузилади, унга ваколатли органнинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ёки мутахассислари, Ўзбекистон Миллий олимпия ва паралимпия қўмитала-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ри, республика спорт федерациялари (уюшмалари) ҳамда бошқа жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг вакиллари киритилади.

Эксперт комиссиясига ваколатли орган раҳбарининг тегишли ўринбосари раислик қилади.

11. Эксперт комиссиясининг хулосаси асосида ваколатли орган Ҳайъатининг навбатдаги йиғилишида спорт турлари ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш ёки эътироф этишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Ваколатли орган томонидан мазкур Низом талабларига асосан эътироф этилган спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари реестрга киритилади.

Қабул қилинган қарордан кўчирма Ҳайъат йиғилишидан сўнг беш иш куни ичида аризаچига юборилади.

12. Республика спорт федерацияси (уюшмаси) ёки жисмоний тарбия-спорт ташкилоти ваколатли орган Ҳайъати томонидан қабул қилинган спорт турлари ва спорт турининг тармоқларини эътироф этишни рад тўғрисидаги қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда такроран мурожаат қилишга ҳақли.

13. Ваколатли орган томонидан эътироф этилган спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари ҳар тўрт йилда бир маротаба мазкур Низомнинг 5-бандида белгиланган талабларга мувофиқ эканлиги бўйича қайта кўриб чиқилади, охириги Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари бундан мустасно.

14. Спорт турлари ва спорт турининг тармоқларини эътироф этишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

спорт турлари ва спорт турининг тармоқларини мазкур Низомнинг 5-бандида белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги;

мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки тақдим этилган ҳужжатларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг мавжудлиги аниқланганлиги;

муқаддам ваколатли орган Ҳайъати томонидан қабул қилинган спорт турлари ва спорт турининг тармоқларини эътироф этишни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган камчиликларнинг бартараф этилмаганлиги.

4-боб. Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини реестрга киритиш

15. Реестр ваколатли орган томонидан эътироф этилган спорт турларининг тизимлаштирилган рўйхатидан иборат бўлади.

16. Реестр қуйидаги олтита бўлимдан иборат бўлади:

биринчи бўлим — Олимпия ва Осиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари ва уларнинг тармоқлари;

иккинчи бўлим — Олимпия ва Осиё ўйинлари дастурига киритилмаган спорт турлари ва уларнинг тармоқлари;

учинчи бўлим — Паралимпия ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари ва уларнинг тармоқлари;

тўртинчи бўлим — Паралимпия ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилмаган адаптив спорт турлари ва уларнинг тармоқлари;

бешинчи бўлим — миллий спорт турлари ва уларнинг тармоқлари;

олтинчи бўлим — халқ ўйинлари (этноспорт).

17. Реестрга киритилган спорт тури ва спорт турининг тармоқларига ўн битта белгидан иборат тартиб рақами (код) берилади. Ҳар бир сон қуйидагиларни аниқлайди:

а) биринчи, иккинчи ва учинчи сонлар — спорт турининг базали тартиб рақами 001 дан 999 гача;

б) тўртинчи ва бешинчи сонлар — спорт тури тармоқларининг базали тартиб рақами 01 дан 99 гача, спорт тури тармоқлар бўлмаса — 00;

в) олтинчи сон — спорт билан шуғулланиш мавсумини ҳамда ўйинли ва ўйинли эмас спорт турини аниқлайди:

0 — мавсумли эмас, ўйинли эмас;

1 — ёзги, ўйинли эмас;

2 — қишки, ўйинли эмас;

3 — мавсумли эмас, ўйинли;

4 — ёзги, ўйинли;

5 — қишки, ўйинли;

г) еттинчи ва саккизинчи сонлар — спорт турининг нуфузини аниқлайди:

01 — Олимпия ва Осиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари ва уларнинг тармоқлари;

02 — Олимпия ва Осиё ўйинлари дастурига киритилмаган спорт турлари ва уларнинг тармоқлари;

03 — Паралимпия ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари ва уларнинг тармоқлари;

04 — Паралимпия ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилмаган адаптив спорт турлари ва уларнинг тармоқлари;

05 — миллий спорт турлари ва уларнинг тармоқлари;

06 — халқ ўйинлари (этноспорт);

д) тўққизинчи сон — спорт турининг идоравий мансублигини билдиради:

0 — ҳеч қандай ташкилотга мансуб эмас;

1 — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига;

2 — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига;

3 — Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашига;

4 — Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигига;

5 — Ўзбекистон Адаптив спорт турлари ассоциациясига;

6 — Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси;

е) ўнинчи сон — махсус белги:

0 — спорт тури билан шуғулланиш чекланмаган;

9 — фақат махсус давлат тизимларида ривожлантириш мумкин;

ё) ўн биринчи сон — спорт тури билан шуғулланувчиларнинг жинсини билдиради:

1 — эркеклар ва аёллар;

2 — эркаклар;

3 — аёллар.

18. Ҳар бир спорт турлари ва спорт турининг тармоқларига берилган рақам (код)лар улар реестрдан чиқарилган тақдирда, ушбу рақам (код)лар бошқа спорт турлари ва спорт турининг тармоқларига берилиши мумкин эмас.

19. Реестрга киритилган спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари бўйича қуйидагиларга рухсат этилади:

олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари мутахассисларини тайёрлаш;

спорт мактаблари ва уларнинг бўлимларини очиш;

турли ҳудудий, республика ва халқаро мусобақаларни ўтказиш;

спортчиларга спорт унвонлари ва разрядларни, спорт ҳакамлари ва тренерларга малака тоифалари бериш;

Ўзбекистон Республикаси номидан турли халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиш;

қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа мақсадларда фаолият олиб бориш.

20. Реестрга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш республика спорт федерациялари (уюшмалари), жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари аризалари асосида Эксперт комиссияси томонидан мазкур Низомнинг 9-бандида белгиланган муддатда берилган ҳулосасига мувофиқ ваколатли органнинг навбатдаги Ҳайъати қарори билан амалга оширилади.

Қабул қилинган қарордан кўчирма беш иш куни ичида аризачига юборилади.

5-боб. Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини реестрдан чиқариш

21. Спорт турларини ёки спорт турининг тармоқларини реестрдан чиқариш учун қуйидагилар асос бўлади:

республика спорт федерациялари (уюшмалари), жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари томонидан спорт турларини ёки спорт турининг тармоқларини реестрдан чиқариш юзасидан берилган аризалари асосида;

спорт турларини ёки спорт турининг тармоқлари бўйича спортчилар, тренерлар ва ўтказилаётган спорт мусобақалари тўғрисидаги маълумотларнинг ваколатли органнинг «ERP sport» ягона электрон бошқарув тизимига бир йил давомида киритилмаганлиги;

спорт турлари ёки спорт турининг тармоқлари эътироф этилганидан кейин спорт тури ёки спорт турининг тармоқлари эътироф этилишига тўсқинлик қилувчи фактларнинг аниқланганлиги (қонунчилик ҳужжатларига зид ёки сохта ҳужжат ва маълумотларни тақдим этилганлиги);

спорт турлари ёки спорт турининг тармоқлари эътироф этилганидан кейин бир йил давомида тегишли республика спорт федерациялари (уюшмалари), жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари томонидан спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига таклиф киритилма-

ганлиги ёки тасдиқланган календарь режаси асосида спорт тадбирларини ўтказмаганлиги;

спорт турлари ёки спорт турининг тармоқлари эътироф этилганидан бир йил давомида тегишли республика спорт федерациялари (уюшмалари), жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари ва уларнинг захирасини шакллантириш ва тасдиқлаш учун ваколатли органга тақдимнома киритилмаганлиги;

спорт турлари ёки спорт турининг тармоқлари эътироф этилганидан кейин бир йил давомида реестрдаги республика спорт федерациялари (уюшмалари), жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг фаолият юритмаётганлиги ёки фаолияти тугатилганлиги.

Мазкур бандда белгиланган қоидалар охириги Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари ва спорт турининг тармоқларига нисбатан қўлланилмайди.

22. Мазкур Низомнинг 20-бандида келтирилган ҳолатлар асосида спорт турлари ва спорт тури тармоқларини реестрдан чиқариш Эксперт комиссияси томонидан ушбу Низомнинг 9-бандида белгиланган муддатда берилган хулосасига мувофиқ ваколатли органнинг навбатдаги Хайъати қарори билан амалга оширилади.

Қабул қилинган қарордан кўчирма беш иш куни ичида спорт федерациялари (уюшмалари), жисмоний тарбия-спорт ташкилотларига юборилади, фаолияти тугатилган спорт федерациялари (уюшмалари), жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари бундан мустасно.

6-боб. Реестрни юритиш

23. Реестр ваколатли орган томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда электрон кўринишида давлат тилида юритилади, реестрдаги спорт турлари ва спорт тури тармоқларининг номлари бундан мустасно.

Спорт турлари ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, Реестрга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан спорт турини ёки спорт турининг тармоғини Реестрдан чиқариш тўғрисида ваколатли органнинг хайъат қарори қабул қилингандан кейин уч кун ичида ваколатли органнинг тегишли масалани Хайъат муҳокамасига тақдим этган бўлимнинг масъул ходими бу ҳақда реестрга тегишли ёзув киритади.

24. Реестрнинг нусхаси ваколатли органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида мунтазам янгилаб борилади.

7-боб. Якуний қоидалар

25. Мазкур Низом кучга киргунга қадар Ўзбекистон Республикаси спорт турлари бўйича реестрга киритилган спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари такроран эътироф этилиши талаб этилмайди.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда, муқаддам реестрга киритилган спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари ушбу Низомнинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ янги рақам (код) бериш орқали қайтадан расмийлаштирилади.

26. Республика спорт федерациялари (уюшмалари), жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари ваколатли органнинг Ҳайъати қароридан ҳамда унинг аъзоларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

27. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2025 йил 26 майдаги 485-сон “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2025 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3226-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 15 майдаги 3-сон “Депозитар операциялар ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3628.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси, Энергетика вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 8 майдаги 8, 5 қ/қ ва 4-сон “Энергия аудиторлари учун ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларида, бино ва иншоотларда энергия аудитидан ўтказишни белгилловчи техник топшириқ, дастурлар, энергетика паспорти ва ташкилий-техник чора-тадбирлар режаларининг намунавий шакллари хамда энергия аудиторларига қўйиладиган минимал талабларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

2025 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3629.

4. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 15 майдаги 4-сон “Ҳужжатли қимматли қоғозларни йўқ қилиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3630.

5. O'zbekiston Respublikasi transport vazirining 2025-yil 22-maydagi 9-son “Temir yo'l kesishmalaridan foydalanish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi buyruqqa o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida”gi buyrug'i.

2025-yil 17-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3363-3.

6. O'zbekiston Respublikasi transport vazirining 2025-yil 22-maydagi 10-son “Temir yo'l transporti hamda metropolitenda harakat va tashishlar xavfsizligi talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalarni tasniflash, xizmat tekshiruvini olib borish va hisobga olish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug'i.

2025-yil 17-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3376-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 16 майдаги 1-сон “Электрон тижоратда курьерлик хизмати фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2025 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3631.

8. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 28 майдаги 05-сон “Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-9.

9. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 9 июндаги 7-сон “Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3632.

10. O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2025-yil 11-iyundagi 01/7-11/42-son “Maydoni 2000 metr kvadratgacha bo'lgan bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasiga asosan xususiyashtirish yoki ijaraga berish uchun to'g'ridan-to'g'ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida”gi buyrug'i.

2025-yil 19-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3503-2.

11. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 27-maydagi 262-son “Tibbiy-mehnat ekspert komissiyalarida ko'rik dalolatnomalarini rasmiylashtirish va yuritish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida”gi buyruqni o'z kuchini yo'qotgan deb topish haqida”gi buyrug'i.

2025-yil 19-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2653-1.

12. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 30 майдаги 5-мх-сон “Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-5.**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 7 январдаги 1-сон “Тиббий-мехнат эксперт комиссияларида кўрик далолатномаларини расмийлаштириш ва юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2653, 2015 йил 6 февраль).

2025 йил 19-iyunda davlat reestridan chiqarildi.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 18 июлдаги 89-сон “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 3176, 2019 йил 15 август).

2025 йил 19-июнда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 17 январдаги 3-сон “Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизими-га ўтказилган давлат тиббиёт муассасаларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 3348, 2022 йил 9 февраль), шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 3348-1, 2022 йил 19 октябрь), (рўйхат рақами 3348-2, 2023 йил 6 июль), (рўйхат рақами 3348-3, 2024 йил 7 июнь).

2025 йил 19-июнда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.